

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Р.АЛИМОВ, Ж.ЖАЛОЛОВ, И.ХОТАМОВ,  
Т.АКРАМОВ**

# **МАРКЕТИНГИ БОШЖАРИЙШ**

*Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг иқтиносидиёт мутахассисликлари учун дарслик сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ - "АДОЛАТ" 2000**

65.290-2 - Маркетинг

Алимов Р.Х. ва бошқалар. Маркетингни бошқариш. Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассисликлари учун дарслер (Р.Х.Алимов, Ж.Жалолов, И.С.Ходжамов, Т.Акрамов; Ж.Жалоловнинг умумий таҳрири остида. - Т.: "Адолат", 2000. 424 бет.)

УДК: 339.138(075)\*

Мазкур дарсликда маркетингни бошқариш фанининг барча бўлимлари: маркетингни бошқаришининг назарий ясаслари, уни ташкил этиш тизими, амалга оширишнинг техника ва технологияси, режалаштириш, бозорни тадқик этиш, маркетингда товар, баъз, реклама сиёсатларини бошқариш ва унинг бошқа муаммолари батафсил ёритиб берилган.

Дарслик олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассисликлари бўйича таълим олаётган бакалаврлар, магистрлар, аспирантларга ва шу соҳа билан қизиқуучиларга мўлжалланган.


Профессор Ж.ЖАЛОЛОВning умумий таҳрири остида

Такризчилар:

иқтисод фанлари доктори,  
профессор С.А. Салимов

10 41362  
2

иқтисод фанлари доктори,  
профессор Г.Г. Назарова



---

*“Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва яна изланиш, ва тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан яшашимиз керак”*

*Ислом Каримов*

## *Мұқаддима*

Бозор иқтисодиётіга ўтиш бошқариш тизимнинг барча жабхаларини чукур, таркибий жиһатдан қайта ислоҳ қилинишини ва бундай ислоҳтлар иқтисодиёттің барча соҳаларини: тармоқлар, корпорациялар, бирлашмалар ва уларнинг асоси бўлган корхоналар фаолиятини маркетинг нуқтаи назаридан бошқариш тамойиллари асосида бўлишини талаб қилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини бошқаришнинг маъмурий бўйруқбозлик усулларидан ҳоли ҳолда иқтисодий манфаатдорликка асосланган усулига ўтилиши ҳам маркетингдан кенг ва ҳар томонлама фойдаланишини тақозо этади.

Маркетинг жаҳон иқтисодиётида кашф этилган энг самарали фаолият бўлиб, уни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун сарфланган ҳар бир доллар ўз эгасига ўн доллар бўлиб қайтиб келар экан.

Маркетинг - харидорлар, истеъмолчилар эктиёж ва талабларини қондиришга қаратилган, товарлар ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш натижасида фойда олиш билан баглиқ фаолият тури, шу кун тадбиркорининг фалсафасидир.

Маркетинг ниҳоятда кенг қиррали бўлиб, қамраб олмаган соҳаси ёки тармоғи йўқ. У айрим шахслардан тортиб йирик трансмилий корпорациялар фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Маркетингнинг жаҳон экологияси, ёшлиарга таълим бериш, уларни тарбиялаш борасидаги фаолияти айниқса таҳсинга сазовор. Унинг яна бир муҳим хусусияти-барча имкониятларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишидир.

---

Афсуски, мамлакатимизда маркетинг ҳозирги кун талабига түлиқ жавоб бера олмаётир. Унинг фаолиятида анчагина камчиликлар учрайди. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, ҳанузгача республикада товарларни қаердан сотиб олиш, қаерда ва қачон сотишнинг энг қулай вазиятларини аниқлаб берувчи маркетинг тизими ташкил этилмаган. Бу камчиликларни тезкорлик ва ўз вақтида бартараф этиш учун маркетинг фаолияти ва уни бошқариш ишлари чукур тадқиқ қилинмоги, оммавий равишда ўрганилмоги лозим.

Республикамизда ҳозирги кун маркетинги ўтиш даври маркетинги бўлиб, бозор иқтисодиётининг фарзанди, унинг муҳим элементи, бозор иқтисодиётининг бошқариш концепциясиdir. Демак, у бозор иқтисодиётини шаклангирибгина қолмай, балки ундан куч ҳам олади. Унинг талабларига мос ҳолда янги интеграл йўналишда ривожланади, янгича - ўзбекона хусусият касб этади. Республикаимизда бозор иқтисодиётига ўтиш ижтимоий йўналтирилган эканлигига ургу бермоқчимиз. Шу маънода маркетинг ҳам бу улуг мақсадга хизмат қилмоги ва бошқарилмоги лозим. Буларнинг барчаси энди иш бошлиётган бизнесчилардан тортиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган тадбиркор, сиёсатчи, санъаткор, спортчига қадар маркетини-бозор жараёни ва уни ҳар қандай фаолият тартибга солиб турилиши зарур бўлганидек бошқарилиши кераклигини чукур ҳис қилмоги ва бу борада, маҳсус техникавий, ташкилий, иқтисодий билимга эга бўлиши лозимлигини талаб қиласди. Маркетингни бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини чукур билиш гижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтириш, унинг ҳар хил муқобил турларини, вариантларининг энг мақбулини танлаш, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли товар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харицдорларининг турли гурухлари учун сотиш, нархини аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самараదорлигини оширишга ёрдам беради.

---

Иқтисодий адабиётда маркетингни бошқариш муаммоларига багишланган изланишлар етарли даражада змас. Чунки том маънодаги бозор муносабатлари мамлакатимизда аста-секин ривожланиб бормоқда. Собиқ социалистик жамиятда ишлаб чиқариш, савдо ва умуман миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида якка ҳокимлик, режа ва юқоридан бошқаришнинг ҳукмронлаги сабабли маркетинг тушунчаси социалистик хўжалик юритиш ва бошқариш тизимиға эйд эди. Маркетинг капитализм иллати, ишчиларни капиталистлар томонидан эксплуатация қилиш куроли сифатида талқин қилинар эди. Бироқ кейинги қисқа давр унинг асосларини ўрганишимиз ва амалиётда ўзлаштиришимизни зарур қилиб қўйди. Биз учун ана шундай қийин даврда хорижнинг маркетинг масалаларини ечиш борасида тўплаган бой тажрибасидан фойдаланмаслик кечириб бўлмас хато бўлур эди. Шуни ҳам унугмаслик керакки, биз энг катта тақчилликни - вакт тақчиллигини ҳам енгишимиз зарур. Айрим иқтисодчилар маркетинг фақат ривожланган бозор шароитидагина фаолият кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, айнан шу маркетинг жамиятга тез, тежамли ва талофатларсиз бозор иқтисодиётининг кириб келишига, ўз мустақил ўзбекона йўлимизни аниқлаб олишимизга ва ҳукуқий давлат қуришимизга кўпроқ ёрдам беради.

Қўлинигиздаги дарслик кейинги йилларда мамлакатимиз ва хориж маркетингини бошқаришда тўпланган бой билимларни ўрганиш асосида юзага келди. Китобни ёзишдан асосий мақсад, аввало, олий ўқув юртларининг талабаларини, қолаверса, маркетинг билан қизиқувчи иқтисодчилар, раҳбар, мутахассисларни маркетингни бошқариш йўл-йўриклари, сир-асрорлари билан ташштиришдан иборат. Маркетингни бошқаришга багишланган ушбу китоб биринчи марта нашр этилаётганлиги боис, баъзи камчиликлардан холи змаслиги табиий. Ҳурматли китобхоналарининг дарслик борасида билдирган барча фикр-мулоҳазалари муаллифлар томонидан саннимият билан қабул қилишади.

**“Бугунги мураккаб оламда биз барчамиз маркетингни тушунишимиз, мукаммал эзгалишимиз дозим”**

Филип Конлер

## **1 боб. МАРКЕТИНГНИНГ МОХИЯТИ, МАРКЕТИНГНИ БОШКАРИШ ФАЦИИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ**

## **1.1. МАРКЕТИНГНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ КОННЕКЦИЯСИ**

Маркетинг товарларни ишлаб чыкариш ва харидорларга кераклы вақт, миңдор ва сифатта, шуннандаң үңкори самара ҳамда фойда эвазига сотишни ташкил этиш ва бошқариш максадида вужудга келди ва хизмат қымбакта. Иктисодчи олимлар тиъкидлашларича, маркетинг хизматларидан фойдаланиш жамият, харидорлар, ишлаб чыкарувчилар ва ниҳоят маркетинг органдарининг ўзларига ҳам бенихоя камты фойда келтирип экан.


Маркетинг ("marketing") - (инглиз тилида "міркет" - бозор, - "инг" күшімчаси - ҳаракат, фаолият маъносини англатади) "бозор билан боғлиқ фаолият" маъносини билдиради. Маркетинг тушунчасынг келсак, унга жаҳон иқтисодчилари ҳамон аниқ таъриф берса олганларича йўқ. Масалан, АҚШлик йирик маркетолог, профессор Ф. Котлер "Маркетинг айрибошлиш орқали зарурят ва эҳтиёжларни кондиришга қарагилган инсон фаолиятининг бир турицир", - деб таъриф берган [47. 47-бет.]. Г.Абрамишвили "Маркетинг бошқариш концепцияси бўлиб, ташкилотларнинг бозорга йунаштирилган ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятицир", - дейди [5. 3-бет.]. Д.Васильев "Маркетинг - ҳозирги замон кишисининг иқтисодий сиёсати", - деб атайди [18. 5-бет.]. Рус академиги А.Н.Романов бошчилигида олий ўкув юрглари учун тайёрланган дарсликнинг З-бетида "Маркетинг фирма ёки йирик корпорацияарнинг юқори фойда олиш мақсадидаги бозорни комплекс ўрганиш ва харидорлар таълибини қондириш учун товарни яратиш, ишлаб чиқариш,

сотиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича барча ташкилий тизимиридир", - деб ёзди [49, 3-бет]. Велисава Т. Севрук "Маркетинг ҳар қандай ишлаб чиқарувчилик маълум вактдаги идеологияси, сиёсати ва фаолият кўрсатиш тактикасиридир", - деб таърифлайди [20, 4-бет].

Шундай қилиб маркетингга бағишлинига асарларда иктисадчиларнинг аксарият қисми нима учундир ҳар қандай ташкилот, уюшма, корхоналарининг асосий мақсадларидан бири бўлмиш машум наф кўриш ёки фойда олиш ҳақида хеч нарса демайдилар. Ваҳделанки, ҳар қандай корхона ўз ишларини фойда олиш билан якушламас эканлар, ичкирозга учрайдилар ва оқибатда ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлалинлар. Шундай экан, маркетинг, деганда биз нафақат эҳтиёж ва талабни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг бир туриши, балки бу жараёнча ва оқибатда, А.Н.Романов айтганишек, фойда олишини ҳам тушунамиз. Бу таъриф, бизнингча, энг мақбул ва ҳозирги бозор иктисадиётига ҳам мос келади, деб ўйлаймиз.

Бозор иктисадиётига ўз моҳиятига кўра ҳар қандай жисмоний ва юридиқ шахслар ўз фаолиятларидан наф кўришлари, маълум даромад олишлари ва рентабелли иш юритишиларини тақозо этади. Юқоридаги маркетингга берилган таъриф унинг моҳиятини тўларок акс эттиради, деб ўйлаймиз. У инглиз иктисадчиси Еджени Маккартининг машҳур "4 p", яъни товар ёки хизмат (product), баҳо (price), фойда (profit) ва товарни сотиш жойи (bozor-place) модулига ҳам тўғри келади (1 - чизма).

Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида харидорлар алоҳида марказий ўрини эгаллайди. Уларнинг сафини кенгайтириш мухим аҳамиятга эга. Агар бирор корхона ўз истеъмолчиларинг яхши, сифатли товар сотар ёки хизмат кўрсатар экан, унинг фаолиятига қизиқиш органи, харидорлар корхона товарлари бозорица бошқа корхоналардан шу корхонага ўта бошлайдилар. Бу эса ўз наивбатида корхона товарининг бозорица талабининг ўсишинига олиб келади. Маэкур корхона ўзининг сифатни товарига (хизматига) юқорирок нарх белгигаш имконига эга бўлади, ҳаражатлари иисбатан камроқ ўстани холла кўнрок даромад, фойда олишига эришади.



1 - Ч из ма. Маркетинг фасолияттіннің умумий іштеп тұрылған чиәмаси.<sup>1</sup>

Маркетингнің мақияти тадбиркорлық фасолиятига янгына ёндашишда, яъни "ишлаб чикариш мүмкін бўлган товарни истеммолчи олишга мажбурлашга уриниш керак эмас, балки истеммолчига зарур товарларғина ишлаб чикариш ва сотиш керак" деган шиорда намоён булади. Корхона мижозларига хизмат кўрсатилганда айнан уларнинг хоҳиши ва талабарини тўлиқ хисобга олиш ва қондириш назарда тутилади.

Шундай қилиб, маркетинг - айирбошлиш йули билан әхтиёж ва талабарни қондиришга йўналтирилган инсон

<sup>1</sup> Велисава Т. Севрук "Банковский маркетинг". М: Дело ЛТД. 1994, 5-бет.

**фаолиятининг тури, бозордаги барча қатнашчиларнинг ўзаро манбаатларига асосланған ҳаракатлари ва талабларини шактлантириши ва қондирishi учун бирлаштириледи.** Маркетинг - бу товар ҳаракатининг барча босқычларини ўз ичига олувчи, талаб **ва таклифни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариши дастурини яратиш, сотиш ва истеъмол қилини билан** болғылқ бўлган турли хизматлар курсатишни ва истеъмолдан чиққандан кейин утилизациялашини ташкил қилиши каби бозор муаммоларини енишда яхши тизимли ёндашишдир.

Маркетинг талабни қондиришга қаратилган фаолият бўлинигина қолмаӣ, талабга таъсир қилиш ҳамдир. Хўш, бу таъсир қандай бўлиши керак, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш ва янги талабни вужудга келтириш керакми? Маркетинг фаолиятининг бундай вник мақсадларини - бозорда мавжуд бўлган вазиятни ҳисобга олиш билан, ҳаридорлар қизикиш даражаси билан, корхонанинг ўз иқтисодий ва ижтимоий вазифалари билан, ўёки бу бозорга кириши билан аниқланади. Шундай қилиб, талаб маркетинг максадини, шу билан бирга керакли маркетинг тадбирларини ишлаб чиқишга имкон беради. Бир неча талаб даражасини ва унга мос келувчи маркетинг фаолият турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Куйида талаб даражаси ва унга мос келувчи маркетинг тадбирларини кўриб чиқамиш.

**1. Салбий талаб.** Агар ҳаридорларнинг кўпчилик қисми товарни қабул қилмаса ва ундан қочса, бозор салбий талаб вазиятида бўлади. Маркетинг хизматининг вазифаси - нима учун бозор товарни қабул қилмаятгани, маркетинг дастури товарларни мукаммалаштириш орқали, баҳоларни пасайтириш орқали товарга бўлган карашларни ўзgartирини мумкинлигини таълил қилиш ва талабни янада фаол кўллаб-куватлашдир.

**2. Мавжуд бўлмаган талаб.** Истеъмолчилар товар билан қизиқмасликлари ва эътибор бермасликлари мумкин. Бу холда маркетингнинг вазифаси - ҳаридорларда ушбу товарга нисбатан қизиқиш ўйготишдир.

**3. Яширин талаб.** Кўпгина истеъмолчилар бозорда мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар билан қондирилиши

мумкин бўлмаган талабга эга бўлдилар. Бу ҳолда маркетингнинг вазифаси - потенциал бозор ҳажмини аниклаш ва талабни қондиришга қодир бўлган самарали товарлар яратишдан иборат.

**4. Пасайётган талаб.** Эртами-кечми, ҳар қандай корхонанинг бир ёки бир неча товарига бўлган талибининг пасайишига дуч келади. Бу шароитда конъюктуранинг пасайиш сабабларини таҳлил қилиш лозим ва янги мақсадни бозорлар топиш йўли билан, товар хусусиятларини ўзгаририш ёки янада самарали алоқа (коммуникация)лар ўрнатиш билан товар етказиб беришни рагбатлантириш мумкинлиги аникланади. Бу ерда маркетингнинг вазифаси - пасайиб бораётган талабнинг олдини олиш учун товарни таклиф қилишга ижодий ёндашиш лозимлигини унутмасликдир.

**5. Доимий бўлмаган талаб.** Кўпчилик корхоналарда товар етказиб бериш мавсумий, кундаклик ва, ҳатто, соатбай тебранишга эга. Бу корхоналарнинг асосий фондларини кам ёки кўп юклаш муаммосини туғдиради. Масалан, жамоат транспортининг асосий қисмida "тиғиз вақтда" йўловчилар ҳацдан зиёд кўп бўлади. Бу вазиятда маркетингнинг вазифаси - ўзгаруячан (эгилувчан) баҳолар ёрдамиша рагбатлантириш ва бошка таъсир қилиш усуслари орқали талабнинг вақт бўйича тебранишини текислаш йўлларини излаши лозим.

**6. Тўлаконли талаб.** Бу талаб тўғрисида тадбиркорлар ўз савдо тушумларидан, фойдаларидан тўлиқ қониқиш олган ҳолдагина гапирадилар. Маркетингнинг вазифаси - истеъмолчиларни товарни афзал кўришлари ўзгаришига ва ракобатнинг кучайишига қарамай талабнинг мавжуд даражасини ушлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим. Бу шароитда товар сифатити янада ошириш, унга хизмат кўрсатишни яхшилаш, товарнинг истеъмолни қондириш даражасини доимий назорат қилиш биринчи ўринга чиқади.

**7. Ҳаддан ташқари юкори бўлган талаб.** Бозордаги талабни қондириш мумкин бўлган даражадан талаб даражаси юкори бўлади. Бу ҳолда маркетингнинг вазифаси - талабни вақтинчалик ёки доимий равишда пасайтириш йўлини излаб

топишдир. Бу вазиятди бағдарларни күтариш орқали талабни қисқартыришта каратылған рефбатлантиришлар, сервисни пасайтириш ва башқа чоралар ёрдамица ҳаңдан ташкари юқори бўлган талабни қамайтиришга ҳаракат қилинади. Бундай ҳолда маrketingнің мақсади - талабни бутунлай йўқ қилиш эмас, балки фиқат унинг даражасини пасайтиришдан иборат.

**8. Норационал талаб.** Товарга бўлган талабга қарши ҳаракат қилиш. Соғлиқка заарли товарларга талабни камайтириш аник мақсади ҳаракатларни талаб қилади, сигаретлар, спиртли ичимликларнинг тарқалишига қарши турли тадбирлар ўтказилади. Маркетингнің визифаси - маҳсулот зарари гўрисида маълумотлар тарқатиш, бағдарларни күтариш, товарларга эгалик қилишини чеклашлар орқали, истеъмолчиларни ўз одатларидан воз кечишига ишонтиришидир.

Шундай қилиб, талабининг сиккиз ҳолатига тұхтатиб ўтдик. Мана шу ҳолатларнинг ҳар бирiga түри келадиган маркетинг тури мавжуд. Булар күйидагилардан иборат:

**1. Конверсион маркетинг** - салбий талабни босиб ўтишга ёрдам беради, яъни йўқ жойда талабни вужудга келтирди, бунга ишонтириш ва товар түғрисидаги ёлғон маълумотларни инкор этиш орқали эришилади. Масалан, урушдан кейинги йилларда сотувда, саноатда ишлаб чиқарилган майонез пайдо бўлди. Харидорлар буни тезда қабул қилмадилар. Фақат реклама воситаси билангина унга талаб вужудга келтирилди ва таклиф мувозанатлаштирилди.

**2. Рефбатлантирувчи маркетинг** - талабни ўйғонтиради. Товарлар харідорни қизықтирмаса, бугунги кунда ўз кийматини йўқотган бўлса (масалан, грампластинкаларнинг бир қанча турлари), товарлар нотўри жойлаштирилган бўлса (масалан, жун этиклар, яъни валенкалар жанубда кийишга мос бўлмаса) ва башқа бир қанча холларда талаб мавжуд бўлмаслиги мумкин.

**3. Ривожланувчи маркетинг** - яшрин талабни қамраб олувчи ва уни реал талабга айлантирувчи (масалан, бугунги кундаги видео техника, шахсий компьютерларга бўлган талаб) дир.

**4. Ремаркетинг** - тушиб бораётган талабни жоңлаштириш. Масалан, оқ-кора тасвирдаги телевизорлар билан бергі рөлдегі телевизорларнинг пайдо бўлиши натижасида, оқ-кора тасвирдаги телевизорлар ошхонада, дали-ҳовлида ишлатишга қулай эканлигига харидорларни ишонтиришга тўғри келади.

**5. Синхромаркетинг** - тебраниб турувчи талабни нисбатан барқарорлаштиришга ва уни тартибга солишига ёрдам беради. Бундай талаб мавсумий ва бошқа тебранишлар (масалан, моданинг, харидорлар дицининг ўзгариши) билан характерланади. Бунинг натижасида товар таклифи талабга тўғри келмайди. Шунинг учун синхромаркетингнинг стратегияси, талаб ва таклиф меъёрини текислашдан иборат.

**6. Қўллаб-қувватловчи маркетинг** - товарлар ва хизматлар ассортиментини тўлдириш, янгилаш ва баҳоларни пасайтириш орқали мавжуд талаб ва эҳтиёж даражасини саклиб қолишга имкон беради. Масалан, бизда бир вақтлар гилам ва билтур буюмларнинг нархлари мавжуд талабни қўллаб-куватлаш учун пасайтирилган эди.

**7. Демаркетинг** - ҳаддан ташқари юқори булган талабни пасайтиришга хизмат қиласи (масалан, кимматбахо буюмларга нархни ошириш, тижорат ва ким ошди савдоси талабни пасайтиради).

**8. Қарома-карши ҳаракат қилувчи маркетинг** - норационал эҳтиёжларни қондирувчи талаб ва хизматларга булган талабни камайтириш ёки бутунлай йўқ қилишга хизмат қиласи. Бунга антиреклама воситасида эришилади.

Маркетингнинг мақсади корхонанинг узок муддатли (келажакдаги) ва қисқа муддатли (йиллик) дастури бўлиши мумкин. Корхонада маркетинг фаолияти дастурини тузишнинг энг муҳим қоидаси ишлаб чиқарилган ва бозорга сотишга чиқарилган маҳсулотнинг сифат ва микдор кўрсаткичларининг узвий боғликлигидир. Маркетинг мақсадли кўрсатмаларининг сифат белгилари: товарли таклифнинг ҳаракатчан таклифни, мавжуд баҳолар ва молиявий сиёсатни тик (вертикал) алоқалар аниқлаб беради,

у қозирги кунда ҳам ўз кучини йүкотгани йўқ. Корхона учун маркетингли ёндашиш шароитида энг муҳими нима?

Корхонанинг бозорга чиқиши:

- бозордаги вазиятни чукур таҳлил килиш ва унинг ривожланиш истиқболини аниклаш;

- кўндаланг (горизонтал) алоқалар ўрнатиш эркинлиги давражасини аниклаш;

- ракобат билан боғлик бўлган тижорат таваккалини хисобга олган ҳолда бозордаги ўз ўрнини аниклаш;

- бозор муносабитларини ташкил қилувчи ракобатчилар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлиш ва таҳлил килиш;

- ҳар қандай шароитда ҳамкорлар билан тил топниша оладиган ва маркетинг ечимларини амалиётга тадбиқ кила оладиган юқори давражацаги мавзува ва билимларга эга бўлган ишбилармон ва тадбиркор мутахассислар ва раҳбарнинг мавжудлигини талиб қиласди.

Собиқ социалистик хўжалик юритиш тамойиллари дуқмрон бўлган шароитда, ишлаб чиқариш жараённида моддий-техника таъминоти ва маҳкамачилик назоратининг турли шакллари ҳал қилувчи кучга эга эди. Бозор шароитида эса корхонанинг стратегияси ва тактикаси ўзгаради. Мавжуд талабга жавоб бериш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини яхшилашга, таклиф қилинаётган товар тақлифининг таркибини тақомиллаштиришга ҳаракат қилинади.

Корхоналар ташкилий тузилишида тижорат ютуғини ва илғор техника сиёсатини таъминловчи хизматлар (бўлимлар) биринчи ўринга чиқади. *Маркетингли фаолиятда энг аввало, корхона ичидаги бўғинлар, шу билан бирга кўндаланг (горизонтал) ва тик (вертикал) алоқаларининг ишишини таъминлаш лозим.* Бу шароитда корхона учун энг қийин масала - тик (вертикал) интеграция шаклларини ўзgartиришдир. Чунки у корхонанинг ўзиға боғлик эмас. Бу масалани ижобий ҳал килишга маҳсус маркетинг дастурини яратиш имкон беради. Рақамлар ва далиллар ёрдамила юқори бошқарув органиларини корхона

учун бу дастурни бажариш мақсадига мувофиқлигини исботлашга имкон беради. Бундан ташкыри дастурни амалга оширишдан тушган фойишидан талиб, бошқарув органиларини маркетингли ечимларни ималга оширишга жалб килиш имкони туғилади. Кўпчилик корхонашар учун аҳборот тұглаш, уни машинада қайта ишлиш ва таҳлил килиш бир мүнча қийинчиликларни туғдирди. Бунинг натижасида четдан ишончли ижроочилар жалб килиши керакми, деган муаммо пайдо болади. Бу масалани ва келажакда хил қызынниши лозын бўлған дастурларга кетацигини харижатларни хисобга олишга боғлиқдир.

Яна бир мухим масала - маркетинг дастурининг кийматини хисоблааб чиқиши. Бизга маълумки, риностланган мамлакатларда товарлар, хизматлар чакана нархининг ярмидан ошигини маркетинг харажатлари ташкил киласи. Бунга бутун маркетинг фаолиятининг харажатлари, транспорт, маҳсулотларни омборларда саклаш, ассортимент сиёсатини ишлиб чиқиши, маркетингли тадқиқот ва бошқа харажатлар киради.

Бозорнинг барча тармоқлари фаолиятини хисобга олған ҳолда корхона учун баҳо ва молия сиёсати маркетинг стратегиясининг энг мухим элементидир. Бундай ёндашиб товар ва хизматларни яратиш ва бозорга киритишнинг барча даврларида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг интеграциялашуви натижасида маркетинг харажатларини камайтиришга имкон яратилади.

Корхоналарининг мустакил фаолияти ва ҳукукларининг кенгайиши улар жавобгарлигининг ошицинга олиб келади. Шунинг учун ҳозирги кунда айрим корхоналар бундан кўркиб, хўжалик эркинлигини хоҳламаяптилар. Бу ўз наубатида улар молиявий ахволининг ёмонлашувига, бозордаги ўз ўринларини ўзгартиришларига мажбур қўймокда. Маркетингли фикрлаш мустакил фаолият олдишаги ҳар кандай кўркувни ёнгиг үтишга ёрдам беради, чунки маркетингли дастур тижорат таваккалчилигини бозорнинг барча катнашчилари ўртасида тенг тақсимлайди. Корхонанинг умумий стратегик мақсади аникланган пайтада, масалан, янги товарга талаб вужудага келтирилган бўлса

уни рүёбга чиқариш учун амалдай чораларнинг бутун бир занжирини ишлаб чиқыш лозим.

**Шундай қилиб, корхонанинг маркетинг стратегиясы:**

- бозорға қандай товар, қандай ассортиментте ва бахода чиқарилаётганды;
- у қандай истеъмолчига мүлжалланган ва кейинчалик қандай истеъмолчиларни жалб қилиши мүмкінлиги;
- режалаштирилган даражада товарни сотиш учун қапдай шароитлар зарурлығи;
- товарни етказиб бериш қандай каналлар ва қандай мөндорда ташкил қилинган булиши лозимлиги;
- талаб ва сотишни рагбатлантиришгә қандай восипалар билан тъсир қилиш маъқуллiği;
- савдодан кейиннеги хизмат күрсатиши қандай булиши лозим ва ким томонидан амалга оширилиши кераклиги;
- бозор қатнашчилари қандай иктиисодий натижаларни кутиши ва унга қанча харажатлар талаб қилинишини ўз ичига олади. Улар аниқ ва үтказиши вакти бўйича катнашчиларнинг барчаси ўзаро келишишини тақозо қиласди.

Бирор бир бўғиндандағи хато ва камчилик бутун йўланган операцияни йўқка чиқариши мүмкін. Маркетинг фаолиятида ҳар бир корхона учун тайёр рецепслар мавжуд эмас. Бозорга янги чиқарилаётган ҳар бир товар учун талабга тъсир этиш усули янгидан ишлаб чиқилади. Хорижда бунинг учун маҳсус фирма ва институтлар ташкил қилинган. Бирор бир корхона йўкки, у ўз маъмурӣ бошқарув агентиятида маркетинг бўлимига эга бўлмасин. Улар маркетинг муаммоларини ҳал қилиш учун албатта маҳсус маркетинг бўлими ёки турухи ташкил этадилар.

Хўш, маркетингнинг мақсади қандай ва у қандай вазифаларни ҳал қиласди? Бу масалалар қўйида маҳсус кўриб чиқилади.

## **1.2. МАРКЕТИНГНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

*Маркетинг тизимининг мақсади товар ва хизматларга бўлган истеъмолчиларнинг ҳар қандай талаб ва эҳтиёжини аниқлаш, унинг қониқинишига эршиши, максимал кенг тапловни*

*таклиф қилинц, товар ва хизматлар сифатини ошириши ва истеъмолчилар сафини кенгайтиришdir. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, маркетингнинг мақсади ишлаб чиқаришни иш билан бандлик ва бойликнинг ўсишини таъминловчи юқори истеъмолни сенгиллаштириш ва рағбатлантиришdir. Бошқаларнинг фикрича, аксинча, маркетингнинг мақсади мумкин максимал истеъмол дарижасида эмас, балки максимал истеъмол қониқишига эришишдан иборат. Лекин, биринчидан, аниқ товарни истеъмол, қониқиши даражасини ҳозирча улчаш мумкин бўлмаган ва мумкин эмас. Иккинчидан, аниқ маркетинг қарорларидан алоҳида истеъмолчилар томонидан олинадиган бевосита қониқиши атроф-муҳитнинг ифлосланниши ва у келтирадиган зарар каби салбий натижаларни ҳисобга олмайди. Шундай килиб, маркетинг тизими ва унинг фаолияти самарасини эҳтиёжларининг қондирилиши кўрсаткичлари асосиди баҳолаш жуда мураккаб ва деярли мумкин эмас.*

*Учинчи гурух иқтисодчиларининг фикрича, маркетинг тизимининг амалий мақсади товарларнинг максимал мумкин бўлган даражадаги хилма хиллигини таъминлаш ва истеъмолчига максимал кенг танловни яратишидир. Бу тизим истеъмолчига унинг дидига кўпроқ жавоб берувчи товарни топиш имконини бериши керак, деган фикр ётади.*

*Мижозлар ўз эҳтиёжларини максимал қондириш имконига эга бўлишлари ва кўпроқ қониқишлиари керак. Шундай нуқтаи назар борки, унга мувоғиқ маркетинг тизимининг асосий мақсади "ҳаёт сифатини" яхшилаш, деб ҳисоблайдилар. Бу қараш тарафдорлари маркетинг тизимини улар таклиф этаётган истеъмол қониқиши даражаси билангина эмас, балки жисмоний ва маданий муҳит сифатида кўрсатиладиган таъсир билан ҳам баҳолайдилар. Маркетинг тизими учун ҳам сифатини ўзгартирниш осон эмас, бу таъриф эса баъзида бир-бирига энд келаши.*

*Юқорида келтирилган маркетингнинг мақсадини қўйидағича гуруҳлашни таъсия этамиз:*

- барча харидорларниң ҳар қандай товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
  - харидорларниң барча эҳтиёжлари ва талабларини қондириш;
  - товар ва хизмат кўрсатиш бозорида ракобат устунилигига эришиш;
  - товар ва хизматлар бозорларини кенгайтириш ва янги бозорларни аниқлаб, танишиш ва забт этиш;
  - корхона фойдаси ва реитабеллигининг ўсишига эришиш.
- Кўйидагилар маркетингнинг ўзиги хос таомойиллари ҳисобланниши мумкин:*
- ◆ корхона фаолиятининг юкори пировард натижаларига, юкори рентабеллигига эришиш, яъни бозорда ўз товарларини самаршли сотиш ва хизматларини кўрсатиш;
  - ◆ мақсадли йўналишга эга бўлган маркетинг стратегияси асосида товарлар ва хизматларнинг узок муддатли дастурларини ишлаб чиқиш, унинг бажарилишини таъминлаш ҳамда юкори фойда олиннишига эришиш;
  - ◆ бозорга мослашиш стратегияси ва тактикасини биргаликда кўллаш;
  - ◆ бунда товар ва хизматлар маркетингнинг стратегияси ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг бозор талабларига мослашишини барча янгиликлар, илғор фан ва техника ютуқларини ўзида акс эттиргони лозим;
  - ◆ мақсадли - дастурий усул ва қўйилган мақсадга, визифаларга эришишинг ҳар томонлама комплекс ёнцавуидир. Маркетинг тадқикотлари шуни кўрсатади, маркетинг илоҳида олинган элементлардан амалиётда фойдаланиш етарли даражада самара бермайди.

Шуни эътиборга олиб, корхона фаолиятининг узок муддатли натижаларига йўналтириш мавжуд эҳтиёжларни қондиришга дикқатни жалб қиласи ва маркетингдан комплекс фойдаланишга олиб келади. Корхона маркетинги корхонанинг узок стратегиясини тузар экан, ўз истесъмолчилари ва жамият манбаатларини ҳисобга олиши зарур. Бу ва шунга ухшашиб мувоффидлар таомонларни замонавий концепция пайдо бўлишига олиб

*Abdul Navoiy*

Янги концепция — ижтимоий-ахлоқий маркетинг бўлиб, унинг маҳияти жамият, фирма ҳаридор манфаатларининг муқобиллигини таъминлашидир. Бу концепция корхона маркетингини ҳам қамраб олади. Корхона маркетинги ҳам ўз фаолиятини жамият манфаатлари нуткан назаридан амалга оширмоғи лозим. Ижтимоий-ахлоқий маркетингнинг мақсади амалдаги маркетинг концепцияларидан фарқли равишда ҳаридорлар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, фирма самарадорлигини оширишини эмас, балки барча муаммоларни умуммиллий, ижтимоий халқ хўжалик манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этишибдир. Маркетингнинг замонавий концепцияси барча инсоний ва барча истеъмолчиларнинг ҳамма эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга йўналтирилади. Шу тамойилларга кўра, корхона маркетинги ўз фаолиятида ҳаридорларнинг жамият манфаатлариги мос ва самарали фаолиятини раббатлантириши ёки уларнинг жамиятга зид фаолиятини турли тўсиклар билан чеклашга эришиши мумкин.

Корхонанинг маркетинг муддити ташқи ва ички муддит йигиндишидир. Микромуҳит бунинг ишида мавжуд бўладиган, тайдо бўладиган ва ҳаракат қиласадиган мұхитидир, у корхонанинга ўзига бевосита боғлиқ. Корхона бошқарув ташкилотлари ривожланганлик даражаси, моддий-техника таъминоти хизмати, ҳарідорларга хизмат килиш тизими, илмий-тадқиқот, конструкторлик ишлари, инфратузима таркибининг даражаси киради. Маркетологларнинг мувваффакиятли ишлиши учун қулай микромуҳит яратиш корхонанинг ўз қўлинидайдир.

Макромуҳит эса корхона чегарасидан ташқаридан мавжуд бўлади, шаклланади ва намоён бўлади. Кўп ўолларда улар глобал миқёсда намоён бўлади ва микромуҳитга таъсир қиласади. Бу турухга ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлашиши, ихтисослашганишинг ривожланганлиги, техника, технология даражалари киради. Шундай килиб, микромуҳит маркетинг фаолитияти даражасига таъсир қилиши корхонанинг ўзига боғлиқ бўлса,

макромухит яратилиши иқтисодиётнинг ривожланиши, сиёсат ва давлатга боғлиқ бўлади.

Макромухитининг баъзи омиллари мамлакатдаги ижтимоий ишлаб чикаришга салбий таъсир кўрсатса, баъзилари унинг самараадорлигини ошириши мумкин. Мисалан, Ўзбекистон учун иқтисодётга салбий таъсир этувчи омиллар: юқори савияли ишчи кучини етишмаслиги, сув, энергетика заҳираларининг чеклашганилиги, ҳавонинг ифлосланишини республика катта худудининг зилзилага мойиллиги бўлса, қулай омиллар: ишчи кучи миграциясининг камлиги, ривожланган бозор инфратузнијаси ва бошқалирдир. Бу нарса ижтимоий ишлаб чикариш ва барча тармоқларининг ўсишини таъминлайди. Фойдали қазилмаларга бой табиий шароит - бу ерда қайта ишланисан ошаралининг ривожланишига, чўл-даштларни ўзлаштириш, қишлок хўжалигининг тараққиётига кўл келади. Республика Яқин ва Ўрта Шарқка қулай жойлашганлиги ҳам келажакда ташки иқтисодий алюқалар ривожи учун кулайдир.

Шундай килиб, у ва унга ўхшашиб макро ва микромухит омиллари корхона маркетинги сиёсатига ва фаолиятига таъсир ўтказиши мумкин. Ўз навбатида маркетинг фаолияти даражаси билан корхона товар ва рақобатга лиёқатини ошириш ва корхонанинг иш фаолияти даражаларини оширишда тўғри алоқа бор. Бу нарса маркетингнинг моҳияти билан аникланади. Мисалан, корхона фаол маркетинг сиёсатини олиб бориб, ҳаридорлар талабини ва хизматлар ҳажмини оширишни ҳисобга олиш билан ҳаридорларининг эҳтиёжини тўлиқ қондиришга эришади. Корхона ўз товарини максимал даражада сотади ва максимал фойда олади. Бу нарса корхона фаолияти самараадорлигини ортишини билдиради. Корхона ўзининг товар ва хизматлар бозорини кенг кўламда ўрганиб чиқиши натижасида ўз дастурини ишлаб чиқади. Бунда бозор талаблари, бозорлар сиғими, рақобат шартлари ҳисобга олинади.

Корхона маркетинг фаолиятининг муҳим йўналиши илмий-текшiriш ва тажриба-конструкторлик ишларининг

олиб боришицир. Ағасуски, бу соҳада республика корхоналарида ҳимон ишлар яхши йўлга қўйилганича йўқ.

*Маркетинг самарадорлигининг ўсими кўпинча ишлаб чиқариш кучларига ҳам боғлиқ. Муваффакиятли маркетинг фаолияти юкори фойда олишни таъминшайди. Ўзини ўзи молиялаштириш широитида бу фойданинг бир қисми ижтимоий заруриятга сарфланади. Фойда юкори бўлганда, иш ҳақи фоиди ортади. Фаол ижтимоий сиёсат ишчиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини орттиради. Натижада, меҳнат унумдорлиги ўсади. Ишчилар жавобгарлиги ортиб, меҳнат интизоми мустаҳкамланади. Бу эса самарадорликнинг юксалишида муҳим аҳамият қасб этади.*

*Маркетингнинг мақсади ниҳоятда кенг ва мураккаб масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. У ишлиб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб па таклифнинг мувозинатига эришгян ҳолда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юкори фойда келтиришдири. Бунга эришиш учун маркетинг:*

- харидорлар (истемолчишлар) эҳтиёжини ўрганиш ва яниклаш;
- товирларга бўлган ички ва ташкил талабларни ўрганиш;
- корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш;
- аввало талаб ва таклиф тўғрисида олингап маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;
- Товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларнинг товарларни сотиб олишга қизиқишни орттириш;
- товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона таъкидотларини амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва таҳлия қилиш;
- товарни бозорга чиқаришдаги барча жизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;
- тўлдирувчи товарлар ва ўрнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиш;
- товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат килиш сингари муҳим вазифаларни ҳал этмоғи лозим.

*Маркетинг ахборотларини тизимили таҳлил қилиши талаб ва таклифнинг таҳминий ҳисобини ишлаб чиқишга имкон беради. Бусиз сотишининг мақбул даражасини белгилаш мумкин эмас. Бундай даража, одатда, минимум, максимум оралиғида хисоблаб чиқылади. Маркетинг мақсадига эришищда реклама ҳам мұхым рол үйнайды. Рекламанинг вазифаси - мавжуд бозор сегментини мустаҳкамлаш, янги ҳаридорларни жалб этиш, янғын бозорлар ташкил қилишдір. Маркетинг тизимида рекламанинг асосий ҳусусияти - узлуксиз таъсир ва доимий янғылаништыр. Шу билан бирға ҳаридор психологиясын товар ва фирма маркасынға боғланиб қолыш ҳусусияти (имидж)та ҳам зәг.*

*Сотиши рағбатлантириш маркетингнинг вазифаларидан бири бўлиб, бозорга чиқаришган товарнинг режалаштирилган сотиши даражасини таъминлашга имкон беради. Бу ишлаб чиқариш ҳаражатларини қоплаш ва фойда олиш демақдир. Сотиши рағбатлантиришнинг кўргазма-савдо, ярмаркалар, маҳсус савдо агентлари хизматидан фойдаланиш ва арzon баҳо сингари фаол шакллари мавжуд. Баҳо тизими ёрдамида таклиф ва талаб ўртасидаги нисбатлар тартибиға солинади. Бу масала ҳозирги кунда корхоналаримиз учун кийин муаммолардан биридир.*

*Маркетинг тизимида сотиши сиёсати - товар даврий ҳаракатини тақиқиёт этиши жараёнидир. У товар массасининг ишилаб чиқарувчидан то истеъмолчигача бўлган ҳаракатининг ҳар бир босқичида қабул қилинадиган қарорларга таъсир этишининг аниқ таҳчилини талаб қиласи. Сотиши деганда, ишлаб чиқарши билан савдо орасидаги барча алоқалар тушунилади. У улгуржи ва чакана савдони, ташиш ва сақлаш каби жараёнларни ўз ичнiga олади. Бизнинг иқтисодий шароитимизда маркетингнинг товар сиёсати каби вазифаси ҳам мұхим аҳамиятга зәг. Ҳар томонлама ўйлаб юритилган товар сиёсати ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Товар сиёсати ҳар бир ишлаб чиқарилган мағұсулотнинг аниқ истеъмолчилар гуруҳига мұлжалланған бўлишини таъминлаїди. Яни, ҳар қандай товар аниқ истеъмол мантилига зәг бўлиши керак. Бизнинг ички*

бозоримиз, унга чиқарылган товар ассортиментининг, амалда мавжуд бўлмаган "ўртача" деб аталувчи иштэъмолчига мўлжалланганидан жуда ҳам ютқазади. Чунки ҳаридор қизиқиши ва дидига караб тақсимланган товарлар танлаш имконини бермайди. Маркетингли ёндашувда бундай вазиятлар юз беришидан мустасно.

Юкорида санаб ўтилган маркетинг ҳаракатларининг барчасидан бир вактда фойдаланиш лозим. Шундагина маркетингли фаолият иштэъмолчидан саноат корхоналарига ва савдога, улардан эса қарама-карши йўналишдаги узлуксиз ахборот оқимиш таъминлаиди. Бу эса ўз вактида ишлаб чиқаришда товар ассортиментига, сотиш шартларига, хизмат кўрсатиш соҳасига ўзгартиришлар киритишга имкон беради. Маркетингнинг юкорида қайд этиб ўтилган мақсадлари ва назифалари бозор фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида тўлиқ тушунча бера олмайди. Чунки бозор муаммоларини тўлиқ ҳал қилиш учун тайёр рецептининг ўзи булиши мумкин эмас. Маркетингни кўllaшидан оғзин, аввало, шаронитни, энг асосий ижтимоий-иктисодий гараққиёт даражасини ҳисобга олиш лозим. Чунки маркетинг - мураккаб, ҳаракат ва сабр-тоқатни талаб этувчи, шу билан бирга тез самара берувчи ишdir. У бир томоғдан, аҳолининг старли даражада юкори бўлган эҳтиёжи ва талабига, унинг ҳарид қобилиятига, иккинчи тарафдан, товар ва хизматларни танлашдаги эркинликка жавоб беринши керак. Бозор ҳаракатининг катта радиусини таъминлаш учун товар ассортиментини тез ўзгартириш, уни оммавий равишда ўзлаштиришга жавоб берадиган булиши лозим. Буларнинг барчаси талаб ва таклифини мувозанатлаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, маркетингли фаолият юритиш учун корхонани б. шкариш ва режалаштириш тизимидан, тақсимот, ички бозордаги ва ташки саводдаги алоқалар, юкори даражада жиҳозланган бозор тармоқлари орқали реализация қўшишдан иборат ташкилий масалаларни ҳал килиш зарур.

Иктиносидётимизнинг никирозли вазияти, кондиришмаган талаб, турмуш даражасининг настлиги, иктиносидий ва ижтимоий соҳадаги мувозанатининг йўклиги учун, бир

Караада, маркетингдан фойдаланиш мумкин эмасдек туюлади. Аммо масаланинг туб моҳияти шуашаки, маркетинг мана шу камчиликларни тутатишга ёрдам қилади. Шунинг учун иқтисодиётимизда маркетингдан фойдаланиш мумкинигина бўлиб қолмай, балки зарурат ҳамдир. Иқтисодиётни маҳкамачилик-бўйруқбозлиқ услугиги асосланган ҳолда бошқариш бир бутун қийинчилклар “дастаси” юзага келтириди. Булар - хом ашё билан етарли даражада таъминчанмагашик, ишлаб чиқарни жараёнида фан-техника ютукларидан фойдаланмаслик, ишончсиз ва дижсиз реклама, корхона фаолиятини тезкор бошқариш ва иқтисодий режалаштириш тизимининг номукаммалиги, молиявий дастакларининг самарасизлиги, ишлаб чиқарилгаётган товар сифатини яхшилаш рагбатининг харакатсизлиги, бозорда юз бериётган жараёшлар тўғрисида аник, тўлиқ ва ўз вактида маълумотга эга бўлмаслик ва бошқалардир.

Республикамиз эркин бозор муносибатларига ўтар экан, барча тармоқ корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичи - фойда бўлиб қолади. Бошқа баҳолаш кўрсаткичлари ўз кучини нисбатан йўқота боради. Чунки режалаштириш меҳнат жамоатарининг ўзига берилади. Шундай қилиб, режалар факат аҳолининг товарлар, хизматларга бўлган талабини, ишлаб чиқарни соҳасининг эса машина, асбоб-ускунапар ва бошқа ишлаб чиқарниш воситаларига бўлгани талабини хисобга олувчи ижтимоий-иктисодий мўлжалгина бўлиб қолади. *Товар ва хизматларнинг юқори сифатлилиги, уларни реклама қилиш - маркетингнинг муҳим тамоили, рақобат қураши шароитида корхона яшоочанлигининг асосий шартийдир.*

Этилувчан баҳолар - корхоналаримиз учун хўжалик механизмини такомиллаштириши, хўжалик ҳисоби ва ўзининг ўзи молиялаштиришининг янги элементидир. Тартибга солиб турувчи шартномалар ва эркин баҳолар - янги стратегиянинг энг муҳим, шу билан бирга ўзлаштирилган усули хисобланади.

Рақобат - монополлашган иқтисодиётимиз учун ҳам янтиликдир. Лекин корхона бозор шароитида яшаб қолинин истар экан, рақобат қонушиларини ўзлаштириши шарт. Бу

шароитда ҳар бир корхона ишлаб чиқариш жараёни ва товарларни сотишга янгича ёндашиши лозим. Ҳом ашё сотиб олишдан тортиб, то қўшимча хизматларни ташкил этишгача бўлган барчи жараёнлар ҳаракати занжирининг ўзаро тигиз мувофиқлигини таъминлаш лозим. Ягона ёндашиш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро мувофиқлиги йўқлигидан саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилишда, бозорда улар матьлум вакт ортиқча бўлиши ёки маълум вактдан кейин улар бўлмаслиги ҳам мумкин. Натижада ишлаб чиқариш микдорини яна олдинги ҳажмда тиклашга тўғри келади. Шундай килиб, фойда - хўжаликниң асосий мақсади сифатида барча маркетинг дастурларида ҳисобга олинини шарт.

Бугунги кунда барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, шу билан бирга бошқа соҳа ҳодимлари ҳам маркетинг нуктайи назаридан фикрлай олишлари ва ундан самарали фойдаланишлари лозим.

### **1.3. МАРКЕТИНГНИ БОШКАРИШ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ**

Кенг маънодаги ишлаб чиқаришни ўрганадиган фанлар хилма-хил бўлиб, уларни икки гурухга бўлиш мумкин: бири - ишлаб чиқаришнинг техникавий томонини, иккинчиси эса ижтимоий-иктисодий томонларини ўрганадиган фанлардир. Ишлаб чиқаришнинг техникавий томонини ўрганувчи фанларга: материалшунослик, материаллар қаршилиги, металлшунослик каби фанлар киради. Иктисодий конунларнинг миллий иқтисодиётнинг айrim тармоқларида аниқ намоён бўлишини ва амал қилишини тармоқ иқтисодиёти фанлари, конкрет иқтисодий фанлар ўрганади. Маркетингни башкариш фани ҳам ўша фанлар жумласидаишир. Бу фан умуман миллий иқтисодиётда, ҳусусан, миллий иқтисодиётнинг айrim тармоқлари, соф маркетинг фирмалари ва корхоналарнинг (фирмаларнинг) маркетингни башкариш соҳасида иқтисодий қонунларнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши ва ҳаракат қилишини ўрганади ва

улардан оглы равишида фойдаланиш йүл-йүриқларини ишлаб чиқади. Маркетингни бошқариш раҳбарчик, ташкилотчычк ва маъмурӣ хирактерга эги бўлгач фаолиятдир. У жамият (миллий иқтисодиёт), тармоқлар, корхоналар ва умуман мавлакатлараро маркетинг фаолиятини бошқариш муаммоларини ҳам ўз ичига олади.

*Бошқарии - бошқарилувчи тизимнинг юқори даражада ишлашини таъминлашга қараштаган мақсадга мувофиқ ҳаракатлар йигиндисидир.* Масалан, раҳбар маркетингни бошқариш жараёнида унинг энг мақбул натижалирига эришиш максадида турли усуслар ва воситалар ёрдамида бошқарилётган обьектга таъсир кўрсатади, барча маркетинг фаолиятини амалга оширувчи кичик қисмларни ҳаракатга келтиради, миллый иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг барча бўгинларини бир-бiri билан кўшилиб, узлуксиз ишлашини таъминлаиди.

*Маркетингни бошқарии фани товарларни яратишдан тортиб, уларни тақсимлаш, саклаш, сотиши, харидорларга ётказиб берниш ва истеъмол қилишгacha бўлган барча жараёларни ташкил этиши, амалга оширишини тадқиқ қиласди, фойдаланишмай ётган имкониятларни очни ва уларни ишлаб чиқаршига, иқтисодиётга жалб қилиши йўлларини кўрсатиб беради ва ишлаб чиқади.* Бу фан маркетингнинг самарадорликка таъсирини уни бошқарии нуқтаи назаридан ўрганади, яъни бу жараён шунчаки стихияли равишида эмас, балки илмий асосланган бўлишини таъминлагайди. Маркетингни бошқариш ўз моҳиятига кўра иқтисодиётнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини икки йўналишда кўрсатади. Улар тўғридан-тўғри (бевосита) ва билвосита бўлиши чумкин. Унинг ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсири корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларида намоён бўлади. Билвосита таъсири эса, унинг умумий - миллий иқтисодиёт кўрсаткичларини, харидорларнинг турмуш даражасини яхшилаш орқали, оқибат натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариши орқали викланади.

Шунингдек, маркетинг фаолиятини ўзининг иш юритиши йўналиши, амалий фаолият максади, вазифаси деб

ташкыл этилган махсус фирма (корхона) лар ўз фаолияттннг натижаси сифатыда фойда олади ва ҳар қандай мустакил хұжалық бирліги тәрзіда иш юритадылар. Бюджетта даромад солиғи, құшимча қиймат солиғи каби түловлар орқали намоён бўлади. Корхона, фирмаларннг маркетинг бўлимлари, ҳатто мустакил хұжалық ҳисобида бўлмаган тақдирда ҳам, ишлаб чиқариш самарадорлигига ўз фаолиятларини мукаммаллаштириш, кўрсаткичларини яхшилаш орқали ижобий таъсир кўрсатишлари мумкин. Масалан, фирма маркетингини бошқаришдв компьютер ва автоматлаштиришган тизимлардан фойдаланиши, ҳужжатлар сонини, ҳисоблаш, ишлов бериш вактини кескин кискартиради, уларннг фойдаланиш дарражасини оширади.

Маркетингни бошқариш ва ривожлантириш жараёни бир қвнча боскичларни босиб ўтди. Масалан, стихияли бозор шароитида маркетинг ҳам стихияли равиша бошқарылган. Йирик машиналар ишлаб чиқарилиши ва нисбитан ривожланган бозор шароитида маркетингни бошқариш, умуман бошқарувчилар томонидан назорат ўрнатиш орқали махсус амалға оширилган. Маркетингни бошқариш собиқ социалистик тизим, шу жумладан, СССР даврида ўз құсусиятига эга эди. Бу тизим умуман маркетинг түшунчасини тан олмаган ва уни капитализм учун хос деб қаралиб, унға синфий ургу берилган. Яъни, маркетинг капиталистлар томонидан ишчиларни, харидорларни эксплуатация қилиш қуроли, мамлакат бойликларини талонтарож қилиш воситаси сифатида қаралган. Лекин социализм шароитида маркетингннг фан сифатида шаклланмаганлығи, социализмда маркетинг мутлақо бўлган эмас, у фактат капитализм учун хос деган мәньони бермайди. Маркетингннг кўпгина элементларидан ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, ташкилот ва вазирликлар ўзлари билиб-бilmаган ҳолда фойдаланганлар. Масалан, харидор ва истеъмолчиларннг тонарларга бўлган эҳтиёжи ҳар томонлама чукур ўрганилган. Улар умумлаштирилиб, умумдавлат миқсига олиб чиқулган, моддий баланслар тузилиб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш режаларига асос бўлган ва ҳоказо.

Мамлакатимизда бозор иктисодиетига босқичмабоскіч ўтиліёттегін хөзірғы күнде маркетингни бошқарыш алохіда іжамніят касб этади. Бу даргда маркетинг кеңгірдей тұзғалады. Корхоналарда маркетинг бўлимні ва гурӯҳлари, вазирикларда маркетинг бошқармалари тузиш деярли тутағланди. Олий ўкув юргарада маркетинг фан сифатида ўқитила бошқарылди. Холоса қилиб айтганда, маркетингнинг ривожланиши учун шарт - шароит яратилди. Ривоҷланган мамлакатлар тажрибасы якупнан шунан кўрсатади, ривожланган бозор иктисодиети шаронгида маркетингни бошқарыш маҳсус бишимга эга бўлган маркетолог-менежерлар орқали амалга оширилади. Улар олий, мъълумотли мутахассислардир.

### **Маркетингни бошқариш:**

- маркетингнинг фаолиятида амал қилаёттеган барча иктисодий конун ва қонуниятларнинг ҳолатини, ҳаракат доирасини ўрганиш, улардан онғли равишда фойдаланишини йўлга кўйиш, маркетингни мукаммалаштиришда уларга таяниб йўл-йўриклар ишлаб чиқиш;
- маркетингнинг олдига кўйилган вазифаларни муваффақиятли ва энг юкори самара билан ҳал қилиш, бунинг учун барча шароитлар яратиш, бу вазифалар: бозорни комплекс тадқик қилиш, тэвар ассортиментини яратиш, тақсимлаш ва уни реклама қилиш ва ҳоказолар;
- маркетинг ҳодимларининг ўз вазифаларини тўғри ва тўлиқ бажиришга манбаатдорлигини ошириш, сафарбар қилиш сингари вазифаларини ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим.

*Маркетингни бошқарыш фанини ўрганиш услуги ва услугиятлари деганда, уни ўрганиш жараёнида қўлланиладиган барча ҳисоблаш, ўлчаш, тақъослаш, гурӯҳлар, коэффициент, индекс, айшрмалар усули, занжирили боғланиши, умумлаштириш ва ҳоказолар тушунилади. Маркетингни бошқарыш фаны бўйича масалани ўртага кўйиш, тадқикот мавзусини аниклаш ва илмий назарияни шакллантириш, шунингдек, аникланган натижанинг ҳакиқиитлігі, янын ўрганилаёттеган объектга мувофиқлиги жиҳатидан текшириш усул ва услугиятларини қўллашнинг*

энг муҳим томонлари ҳисобланади. Ҳар қандай усул ва услубият каби маркетингни бошқариш фанининг усули ва услубиятлари фани ҳам тадқиқот ёки билиш, англаш йўли, воқеликни амалий ва назарий ўзлаштириш усулидир.

Бу фанинг асосий ўрганиш усули диалектик материализмни ташкил этади. Диалектик ви -тарихий материализм усули ёрдамида маркетинг ва унинг барча фаолияти соҳапарида рўй берадиган иқтисодий жараён ви кодисаларнинг ўзаро боғликлигини, уларнинг узлуксиз ҳаракати, тараққиёти, ўзгариши, микдор кўрсаткичларидаи сифат кўрсаткичларига ўтиш ривожланишининг қарама-қаршиликлар курашидан иборат эканлигини пазарда тутади. Маркетингни ўрганиши масалага тарихий ёндашишининг аҳамияти катта. Масалан, маркетингнинг пайдо бўлишининг дастлабки босқичида, унинг элементларидан қандай қилиб ва қанчалик фойдаланилганлигини билиш, бизнинг ўтиш даври иқтисодиёти учун ҳам маълум наф келтириши мумкин.

*Маркетингни бошқариш фанининг ўрганиш усуллари ичida маркетинг масалаларини комплекс ҳал қилиш усули алоҳида ўрин тутади. Дарҳақиқат, маркетинг тизимини тузиш, ривожлайтириш ва унинг нормал ишлаши учун барча масалаларни бир йўла ҳал этиш ниҳоятда мураккаб ва муҳим бўлиб, шу усул ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Бу усулнинг амал қилишида тескари алоқа хаддиси ёрдамга келади. У маркетингни бошқаришда, унинг ҳақиқий ҳолатини аниклашда, бошқариш алгоритмiga тегишли ўзгартиришлар киритишга имкон беради. Масалан, маркетинг - директор тескари алоқа ёрдамида бозор бўғимлари нишаси ҳақида маълумот йигиб, унга товар кириб бориш вақтини, микдорини ёки турини ўзгартириши мумкин. Маркетингни бошқариш фанининг бошқариш усулларидан бири социологик тадқиқотлар ўтказишидир. Бу усул маркетингни фаол ва самарали бошқариш учун зарур бўлган миълумотларни йигиш мақсадида бажариладиган, қилинадиган ишлар мажмуидан иборат бўлиб, улар анкета сўровлари, тестлар, психологик тренинглар ўтказиш, графиклар чизиш кабиларни ўз ичига олади. Масалан, маркетингни бошқаришда, айниқса ахборотни*

ёркин тасвирилашга эришиш учун унинг барча босқичларида графиклар кўлланилиши мумкин. Графиклар ёрдамида турли ҳажмлар (талаб ва таклиф кабилар) орасидаги нисбатларни яққол кўрсатиш, маркетинг элементлари ўртасидаги алоқаларни аниклаш ва лойиҳалаштириш, товарларни сотиш топширикларининг бажарилишини тезкорлик билан хисобга олиш ва шу асосда буйруклар, фармойишлар ишлаб чиқиш мумкин. Кейинги йилларда фан-техника тараққиёти маркетингни бошқариш соҳасига айниқса шиддат билан кириб келмоқда. Бунн маркетингни бошқариш жараёнининг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги билан унинг мураккаблиги, сермашаққатлиги талаб қилимокда. Маркетингни бошқариш илмий асосга эга бўлмоғи лозим. Бу эса иқтисодий-математик усуллардан тобора кенгроқ фойдаланишни зарур килиб қўяди. У маркетинг жараёнларини моделлаштириш орқали уни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ва шулар асосида энг мақбул бошқаришга эришиш имконини беради. Иқтисодий-математик моделлаштиришдан мақсад, аввало, маркетингни назарий-сифат жиҳатдан таҳлил қилишни ва асосий параметрларини аниклашни, уларга асосланиб энг мақбул мезонни белгилашдир. Кейинги мақсад иқтисодий-математик моделни тенгламалар ва тенгиззилклар шаклида ифодалаш, сўнгра ана шу моделнинг микдорий ечимини аникладиган усул танланади ва ниҳоят улар асосида маркетингни бошқаришнинг самарали йўллари аникланади. Юқорида қайд этилган вазифалар катта хисоблаш ишларини олиб боришни талаб қилгани туфайли уларни компьютерлар, электрон хисоблаш машиналари ёрдамида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

*Маркетингни бошқарыш фанининг ўрганиш усулларидан бири балинс усулидир.* Бу усул маркетинг жараёнларини бошқариш моҳиятидан ва мазмунан балансга асосланишини кўрсатади. Масалан, талаб ва таклифни аниклашда (улар ҳам оқибатда тенгликка - балансга интиллади) аҳолининг пул даромади ва ҳаражатларининг баланси, товарларнинг ресурслар ва таксимот баланси, молиявий баланс кабилардан фойдаланилади. Шуни қайд этиш лозимки, аҳолининг даромад

ва харажатлар баланси ахолининг тўлов қобилиятини аниқлаш, талабни ташқиқ этиш, ахолининг турмуш даражасини кўтариш тадбирларини асослашга хизмат қиласди. Маркетингни бошқаришда баланс усулидан фойдаланиш оқибат натижада ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг умумий самарадорлигини оширишга имкон беради. Маркетингни бошқаришда тармоқлараро балансларнинг роли айникса катта. Бу баланснинг асосий ўюен шундан иборатки, унда ҳар бир тармоқ бир вактнинг ўзида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи тарзида каралади. У ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари ўртасидаги ўзаро товар етказиб бериш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми ва тармоқ таркиби, меҳнат ресурслари кабилар ҳакида умумлашган ва ягона ахборот тизимицир. Демак, бундай ахборотнинг бўлиши, маркетингнинг барча элементларини тўғри-аник, энг мувофиқ тарзда бошқаришда муҳим қурол сифатида фойдаланилади.

Маркетингни бошқариш фанини ўрганиш усул ва услубиятларига яна таккослаш (анализ ва синтез), умумлаштириш (индукция ва дедукция), абстрактликдан конкретликка қараб бориш кабилар ҳам киритилиши мумкин, улар ўзларининг максад ва вазифаларига кўра умумий хусусиятга эга. Бу ҳам бўлса маркетингни бошқариш фанини янада чукурроқ ўрганиб, унинг янгидан-янги фойдали кирраларини ихтиро килиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишdir.

#### **1.4. КУРСНИНГ ТАРКИБИ ВА УНИ ЎРГАНИШ ТАРТИБИ**

Маркетингни бошқариш фани маркетингни ўрганувчи фанлар ичida етакчисидир. У, маркетингни бошқаришнинг иқтисодий асосларини, унинг ривожланиш йўналишлари, конуниятлари, шакл ва усулиларини ўрганади. Шунинг учун ҳам бу фани ўрганиш маркетингнинг маҳиятини, унинг назарий асосларини ўзлаштиришдан бошланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай фанини ўрганишни бошламоқчи бўлган ўқувчи ёки татаба, аввалио шу фанин текширмоқчи ёки ўрганмоқчи

бўлган соҳанинг ўзи билан танишмоғи лозим. Шундай экан, маркетингнинг умумиқтисодиёт ривожланиши даражаси билан боғлиқлиги, умуман кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришидаги, шу жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришида тутіган ўрни ва уни ривожлантиришидаги ролини англаш бу фанни ўрганишда ижобий аҳамият қасб этади. Бу билимни ўзлаштиришининг аҳамияти яна шу билан таъқидланадики, у ўқувчига маркетингни бошқариши қонуниятлари, тимойиллари, усул ва услубиятлари ҳақида тушунча беради.

Курса маркетингни бошқариш амалиётини ташкил этишга бағишлиган қисми алоҳида ўрин тутади. Бунда маркетингни бошқариш органлари олдига қўйиладиган талаблар, уларнинг таркибий тузилишини белгиловчи омиллар, шунингдек, маркетингни корхонада, вазирликда қандай йўлга қўйилганлиги, уларнинг бажарадиган функциялари, вазифалари акс эттирилган. Соф маркетинг фирмаларининг бошқариши хусусиятлари маҳсус кўриб чиқилган. Маркетингни бошқариш ахборотларга асосланади. Шунинг учун фанда ахборотлар тизими, турлари, аҳамияти, уларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш масалаларига катта эътибор берилган. Бунда маркетинг инфратузилмаси моддий техника базаси ҳакида ҳам фикр билдирилган.

Ҳар бир тармоқ корхоналарини бошқаришда ўз усул ва услубиятлари бўлгани каби, маркетингни бошқариш ҳам ўз техника ва технологияси билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам бу масала ҳамма бобларда маълум даражада, унинг моҳиятига монанд кўрилсада, лекин китобда маҳсус масала сифатида алоҳида кўрилади.

*Навбатдаги масала, мантиқан, маркетинг жараёнини бошқаришидир.* Уни бозорни тадқик килиш жараёнини бошқаришдан ўрганилган. Дарҳақиқат, маркетингни бошқариш, аввало, бозорни бошқариш, унинг сигими, бўғимлари, харидорларини, талаб ва таклифни бошқаришдир. Бу масалаларини дикқат билан ўрганиш ўқувчига маркетингни бошқариш борасидаги битимларини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши анік.

Фанни ўрганишининг навбатдаги босқичи товарларга бағишиланган. Маълумки, товарлар маркетинг ҳақидаги фанларнинг обьектини ва негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам товарлар сиёсати назарий асослари, уларни туркумлаш принципларини, тежаб-тергаб фойдаланиш йўлларини ўрганиш мұхим аҳамиятга эга.

Кейинги босқичда товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш иқтисодиётини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Бунда товарларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга транзит ва омбор усулида етказиш, узок муддатли бевосита хўжалик алокаларини ўрнатиш, майда ва улгуржи савдони ташкил қилиш, лицензия, “ноу-хау” ва ҳоказолар, савдолар, уларнинг ичидан энг самарали ва айнан маъқулини танлаб олиш усулиарини ўрганиш айниқса мароқли. Шу бўлимда товарлар рақобатбардошлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унда рақобат усувлари, кўрсаткичлари, рақобатбардошик даражасини ҳисоблаш усули ҳам дикқат билан ўрганишга лойик. Бу бўлажак тадбиркорларга катта ёрдам бериши мумкин.

Маркетингда баҳо сиёсатини бошқариш, унинг фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Бу бўлимда акс эттирилган баҳоларнинг ўзгариш сабаблари, уларни белгилаш стратегияси, ҳисоблаш методи каби масалалар фанни тўлдиради, унинг мазмунинъ мукаммаллаштиради ва қўйматини оширади. Маркетингда инвестициялар, хизматлар ва реклама сиёсатини бошқариш ўз хусусиятларига эга. *Инвестицияларни чет эллардан жалб қилиш, уларни ташқрига чиқариш катта маркетинг изланишларини талаб этади. Инвестициялар ҳам керакли жойда, керакли миқдорда ва зарур вақтдагина қадрли.* Буни аниқлаш инвестиция қилинадиган соҳа (тармок, корхона) нинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, инвестицияга муҳтожлик даражаси, келажаги имиджи, обрўси, холати, бозордаги ўрни каби бир қанча компилекс муаммоларни ўрганишни талаб этади. Булар, албатта, маркетингда хизматлар, реклама сиёсати билан боғлиқ бўлиб, шлмий ранишда бошқариш, уларнинг самарадорлигини оширади.

Фаннинг бу кисмида кўрсатилган масалалар шунчаки ёритилмай, балки улар тадқик қилиниб, ўкувчини фикрлашга, амалиётда кўллаш имкониятларини излашга ундаиди. Маркетингни бошқаришда хўжалик механизми, уни ривожлантириш, ижтимоий-аҳлоқий маркетингни кўллаш, маркетингни мукаммаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш каби долзарб масалалар курснинг сўнгти бобларида берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараённада маркетингда манфаатдорлик масаласи долзарб бўлиб, уни тўғри ҳал қилиш амалиётда маркетингнинг янти, прогрессив усули ва методларини кўллаш, янада мукаммаллаштириш, самарадорлигини ошириш муаммолари билан чамбарчас боғланиб кетади. Китобда ёритилган бу масалалар ўкувчини маркетингни илмий асосда бошқариш қанчалик самарали, мароқли кайфият эканлигини яна бир карра ишонтиради. Шундай қилиб, бу фаннинг таркиби, унда ёритилган масалалар мазмуни шуни кўрсатади, мазкур фан барча ижтимоий фанлар билан узвий боғланган. Уларни ўзлаштириш ўкувчидан кенг, ҳар томонлама ва чукур билимга эга бўлишни талаб этди ва уни шакллантиришига хизмат киласди.

Хозирги кунда бозор иқтисодиётининг ривожланиш конуниятларини билмай туриб маркетингни ривожлантириш, уни бошқариш хусусиятларини билиш мумкин эмас. Масалан, мамлакат тарихини яхши әгаллаш, маркетингни бошқаришни жамиятимиз тузилишининг ҳар хил босқичларида маркетинг тузилишининг ўзгариб бориш сабабларини тўғри англаш олишга имконият беради. Дарҳақиқат, уруш давридаги товарлар тақсимоти, уларни харидорларга етказиб бериш, урушдан кейинги тиклаш давридаги товарлар тақсимотидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ киласди.

Маркетингни бошқариш фани иқтисодий фан сифатида биринчи нафбатда, барча иқтисодий фанлар билан, шу жумладан, статистика, бухгалтерия ҳисоби, микроиктисодиёт, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш

каби фанлар билан узгий болғанған. Бу фанлар маркетингни англаш учун базис ва уни иқтисодий талқық қилиш учун қурол бұлса, маркетингни бошқаришни ташкил этиш ва ҳоказолар дақидағи умумий түшүнчә берса, “Маркетингни бошқариш” фаны бу соҳани мұқаммал ва маҳсус ўрганади. Маркетингни бошқаришни ҳар бир тармоқдаты ўзига хос хусусиятлари, уннинг метод ва методологиялари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари, давлаттіннің маркетингни тақомиғлаштириш буйича күрсатма ва қарорларининг амалға оширилишини, маркетинг органдарининг фаолияттін батағсил ўрганади.

Маркетингни бошқаришнинг айрим масалалари ушбу китобда умумий тәрзда берилған. Чүнки улар маркетинг соҳасында мутахассислар тайёрловчи иқтисодий институт (университет)ларнинг ўқыв режасында киритилған маҳсус фанлар томонидан чукур ва кенг ёритилади. Бундай фанлар жумласын “Маркетинг асослари”, “Бизнес маркетинг”, “Корхона маркетингі”, “Маркетинг фаолиятини истиқболлаш” каби фанлар киради. Масалан, “Корхоналар маркетингі” фаныда барча маркетинг масалалари корхоналар нұктай назаридан ўрганилади. Ҳатто, маркетингни бошқариш масаласи факт корхоналарда маркетингни ташкил қилиш ва уннан көзіфаларын ёритилади. Маркетингни бошқариш фаныда бу масалалар янаңа чукуррек күриб чыкылади. Үнда корхоналар маркетингни ташкил қилиш масаласы билан бир қаторда, уни бошқариш техникасы, технологиясы, меъёрий асослари, ахборот тибини ва бошқалар комплекс равищда ўрганилади. Агар “Корхоналар маркетингі” фаныда ишлаб чыкарыш воситаларынға бұлған эхтиёжин анықлашдан тортиб, маҳсулотты сотиш билан бөглиқ бұлған бошқа жараёнтар конкрет күриб чыкыла. “Маркетингни бошқариш” фанында улар қаңдаған бошқарылышы билан таништириледи. “Маркетингни бошқариш” фаны билан “Бизнес маркетинг”, “Маркетинг фаолиятини истиқболлаш” каби фанлар бир-бiriни түлдиради. Масалан, агар “Бизнес маркетинг” фаныда мылниң иқтисодистининг айрим тармоқларыда маркетингни ташкил этиш, бизнес-режани тузиш каби масалалар

ўрганилса, "Маркетингни бошқариш" фанида бу муаммолар бошқариш нутқи назаридан кўриб чиқилади. Шундай килиб, маркетингни бошқариш фани олий маълумотли маркетологлар тайёрлашда мудим билим манбаи, курол бўлиб хизмат килади.

## **1.5. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ ФАНИНИГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРИН ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Маркетинг кишинарнинг нисбатан янги фаолияти бўяланлиги туфайли унинг олдида ҳал қилинishi лозим бўлган жуда кўп вазифалар турибди. Маркетинг органиларининг ишида параллелизм, тақорорланувчанлик ва маҳаллийчilik каби иллатлар тез-тез учраб туради. Маркетинг тузилишидаги кўп бўғинлилик, ҳар бир ташкилотда ўз маркетинг бўлимларининг пайдо бўлиши ёки уларнинг умуман ташкил этилмаётганлиги сабаблари асосланмаган, таҳлил қилинмаган ва ўрганилмаган. Ҳанузгача миллий иқтисодиёт, мамлакат микёсида маркетингни бошқариб, мувофиқлаштирувчи орган тузилганича йўқ. Айрим вазирликларда ҳали маркетинг бошқармалари тузилмаган. Ташкил этилган маркетинг бўлимлари, гурухларинин таркибий тузилиши беъзан бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмаларда аксарият ҳолларда бир хил эмас. Уларнинг таркибида беъзан кераксиз ва ортиқча бўйимчалар, гурухчалар ташкил этилган. Уларнинг низомлари, функциялари айрим ҳолларда ҳамон ишлаб чиқилмаган.

Маркетингни режалаштириши ишлари ҳам кўпинча қўй мегнати билан бажарилмоқда. Бунда беъзан дисоб-китобларни шимий асосланганлиги сезилмайди. Дарҳакният, аксарият кисми ҳавоний, ҳаводан олиб, статистика методида белгиланганлиги аниқ. Масалан, товарларга бўлган эҳтиёжни аниклаш, кишиларнинг истеъмол меъёрини кишилар сонига кўпайтириш йўли билан аникланади. Бунда меъёrlар айрим товарларга ўтиган йилларда қўлланилган истеъмол қилиш меъёrlарида фойдаланиш орқали хисобланади. Эҳтиёжни статистика усулида ҳисоблаш эса ҳеч қандай илмий асосларсиз ўтган йиллардаги истеъмол микдорини бўлиши

мүмкін булған айрим ўзгаришлар коеффициентига құпайтириш орқали аникланади.

*Маркетингни бошқариш инфратузилмаси етарлы даражада ривожланмаган.* Бу инфратузилма, ишлаб чыкариш, ижтимоий инфратузилмалардан фарқ қилиб, маркетинг жараёнини амалға оширишни яхши йүлға қўйиш, бунинг учун шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ. У иншоотлар, йўллар, маданий-манший хўжалик соҳалари, алоқа каби маркетингни бошқаришга шаронит яратиш билан банд соҳаларни ўз ичига олади. Улар жумласига ҳар хил дастурлар пакети, ахборотларни узатиш, қайта ишлаш, саклаш асбоб-ускуналари, илмий-техника воситалари ва бошқалар киради.

*Маркетингни бошқаришида ахборотлар тизими ҳамон муқаммал даражада эмас.* Уларни йигиш асосан субъектив ҳолатларга боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам, масалан, бозорда товарга бўлған талаб ёки рақобатчи ҳакида маълумот керак бўлса, албатта анкета сўровлари ўтказилиши лозим. Бу эса анкета сўровларига жавоб берувчиларнинг ва уни ўтказувчиларнинг ҳолати, улар феъл-атвори, кайфияти билан белгиланади. Уларнинг маданий, илмий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий даражаси ҳам катта роль, ўйнайди.

*Республикамида умуммамлакат бўйича бозор, коньюктура маълумотлари банки ташкил қилинмаган, ваҳоланки кўпгина давлатлар бу ишни компьютерларга юқлаган ва барча керакли маълумотлар машина хотирасида сақланади, ишлов берилади ва керакли жойга узатилади.* Маркетингни тезкорлик билан бошқариш тури етарли даражада ривожланмаган. Бозор сифими, баҳолар даражаси, рақобатчилар, талаб ва таклиф каби маълумотларни тезкорлик билан маркетинг гурухларига тезда етказиб бермаслик, уларнинг тегишли тезкор ва чаққон ҳаракат кила олмасликларига сабаб бўлади. Бу эса товарни тегишли микдорда, сифатда тўлиқ ва ўз вактида тегишли жойда бўлишини таъминлай олмайди. “Маркетингни бошқариш” фани товарларни яратиш, бозорга киритиш ва бозордаги ҳаётийлик даври каби масалаларни бошқаришни ўз пичига олгани учун, уларни ишлаб чыкариш техника ва технологияси,

сифат ва истеъмол хоссалары ҳақида, күп ҳолларда, яхши тасаввурға зәғәзаслиги, шу соҳаларда анча қийинчиликларды көлтириб чиқаруди. Унинг тоғарлар ҳолати, уларни такомиллаштириш, истеъмоли бүйічә ҳам тегишли йүлдүзлелер, таклифлар бермоги мақсадға мувофиқдир.

Маркетингни бошқаришнинг муҳым мұаммаларидан бири баҳолар сиёсатини мұкаммаллаштиришга әршишиадыр. Уларни белгилашни түлік илмий асосланғанлығына әршиниш, маркетинг стратегиясини назарда тутиш, уларнинг объективилігі ва ҳаққонийлігі хар бир хұжалик ва давлат манфаатларига мослигига әршишиадыр. Бунда баҳоларнинг товарларға бұлған талаб ва таклифлардан келиб чиқишигина әмас, балки истеъмол хусусиятлари қиймати асосий үрин тутмоги лозим. Товарларни сотишиңи бошқариш мұаммоси айникса мұхимдір. Товарларнинг истеъмолчиларға, савдо, воситачи ва бошқа қаналлар орқали сотишлишининг әнг самарали йүлнін аниклаш, уларнинг харидорларнинг үзіншегін түрідан-түрі етказиб беришни таъминлаш ҳаражатларни, айланма маблаглар микдорини камайтиради, уларнинг айланышини тезлаштиради. Бунда харидорларнинг барча талеб ва истаклары түлік хисобға олинишига әршилади. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасыда түрідан-түрі алоқаларнинг мавжудлигі, улар үртасыда дүйстона мұносабатлар үрнатылышы, керак бўлганда бир-бирларига техник, технологик ва молиявий ёрдам беришга имкон яратади. Бундай хұжалик алоқаларининг үрнатылышы хар иккала томон манфаатларига ижобий таъсир кўрсатади.

“Маркетингни бошқариш” фани коммуникация мұаммаларини ұал қилишига ёрдам бермоги лозим. Биз бу үринде товарлар рекламаси, тарғиб қилинүүши, сервис хизмат кўрсатиши, ярмарка ва күргазмаларда қатнашишини көнгайтириш, корхоналарнинг ўз белгиси, имиджига зәғәзаслиши каби мұаммаларни тушунамиз. Бу гурӯх мұаммалар ҳақиқатан ҳам республикамиз учун кейинги йилларда маркетингнинг ҳаётимизға кириб келишининг тезлашувини бу элементларни кўлланила бошлаши туфайли, мазкур соҳада тажрибамизнинг йўқлигига натижасида пайдо бўлган

муаммолардир. Уларни қўллашда чегарасидан чиқиб кетиш, меъёрини билмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, сиз-реталарни реклама қилиш қўпгина мамлакатларда умуман тақиқланған, биз эса уни ҳамон реклама қилмоқдамиз ёки сақичлар меъёридан ортиқча реклама қилинмоқда. Сервис хизматларининг қўпгина (сотишдан олдин ва сотишдан кейинги) турлари етарли даражада ривожланмай, қолмоқда. Кўргазма на ярмаркалар ҳам жуда кам ўтказилмоқда.

*Кадрлар муаммоғи энг муҳим мұсабидир. Маркетингни бошқарыш соҳасида маҳсус кадрлар тайёрлаш, афсуски, йўлга қўйилмаган. Ваҳдоланки (кейниги бобларда алоҳида кўриб чиқамиз), маркетингни бошқарыш ийrim тармоқларни, корхона иктисадиётини бошқаришдан ўз нозик томонларининг кўплиги билан ажралиб туради. Маркетинг нафақат ўз харажатларини тўлиқ қоплаши ва фойда олиб ўз ходимларининг фаровонлигини оширишга эришиш, балки у хизмат кўрсатаётган, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ҳаридорлар, истеъмолчиларнинг ҳам юксак дид, эҳтиёжларини концирибгина қолмай, уларнинг ҳам самарали иш фаолияти юритишларига имкон яратмоғи лозим. Бу эса маркетинг раҳбари ва унинг бошқарувчисидан алоҳида зийраклик, зукколик, фаҳм-фаросат, маданият ва юксак билимларни талаб қиласи.*

Юкорида келтирилган муаммоларни тўғри ҳал қилиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилмоғи лозим:

- Корхона, вазирлик ва юқори бошқарув органдаридан маҳсус маркетинг билан шугулланувчи бошқарма, бўлим ва гурӯхларни ташкил қилиш;
- маҳсус консалтинг марказлари, илмий-текшириш лабораториялари, институтлари томонидан яратилган ғигиликлар ва ихтиrolарни маркетинг, маркетингни бошқарыш амалиётига тезкорлик билан қўллаш;
- маҳсус малакали, кадрлар тайёрлаш, уларни илмий-малакавий, даражасини доимий ошириб туриш устида ғамхўрлик қилиш;
- Кадрларни моддий рағбатлантириш, уларни ўз ишлари натижасидан манбаатдорлик даражасини ошириш;

· юксак моддий-техника базасини ташкил этиш, фантехника тараққиёти натижаларини маркетингни бошқаришда тезкорлық билан жорий килиш ва бошқалар.

Бу ишларнинг натижаси эса маркетингни мұкаммалаш-тириш, уннинг янги усул ва турларини излаб топиш ҳамда амалға оширишни юқоририқ даражага күтариғыдир. Бу борада очик тизимлар маркетинги ҳақида фикр юритмоқчымыз. Епік ва очик тизимлар ўзаро жарағыларнинг алмашуви билан фарқ килади. Очик тизим ўзаро жонли организм каби моддий, энергетик, ахборот ресурслари билан алмашади. Акс ҳолда улар ўлимга маҳкумдир, инкиrozға учрайди. Маркетинг бизнесега нисбатан очик тизимлар тоғфаси билан фикрлашар экінмиз, бу маркетингни бошқаришин мұкаммалаштырышда маркетинг келишувига нисбатан бизнинг мұносабатларимизга асосланғы, ҳар қайси янги келишув барча харидорлар, ишлаб чықарувчи учун манфаат, бизга эса құшимча фойда келтириши; тез ўзгарувлар мұхитда корхона мослашуви ёки ўз иши фволиятими түхтатишидір.

Маркетингни бошқариш соҳасидаги мавжуд мұаммолар ва уларни ҳал қилиш йұллари маҳсус бўлимларда кенг, ҳар томонлама ва чукур ёритилган.

### *Такрорлаш учун саволлар*

1. *Маркетингни бошқаришининг можияти ва ажамияти нималарда намоён бўлади?*
2. *Еджени Маккартишининг "4 p" модули ҳақида сўзлаб беринг.*
3. *Маркетингнинг асосий вазифаларига нималар киради?*
4. *Бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида маркетингни бошқаришининг қандай ўзига хос ҳусусиятлари мавжуд?*
5. *Маркетингни бошқариш объектти ва субъектти деганда нималар назардә түтилади?*
6. *Маркетингни бошқариш фаннинг предметти жаңа методи.*
7. *Маркетингни бошқариш фаннинг ғрандий тартиби, бошқа фанндар билан бөлгүлөлиги ва мұаммолары түргрисидаги мурлоҳазаларингиз.*

*“Амалдаги назарилга зид факт учраганда, гарчи ўша назарияни ҳамма тан олиб, иирик алломалар қўллаб-қувватлаб турган тақдирда ҳам, назарияни рад этиб, фактни тан олмоқ лозим”*

*К. Бернар*

## **II боб. МАРКЕТИНГНИ БОШКАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

---

### **2.1. МАРКЕТИНГ БИЛАН УМУМИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШ**

Маркетинг фаолиятининг оқибат натижаси миллий иқтисодиётнинг барча тармокларини, юридик ва жисмоний шахсларни ва умуман ҳар қандай, ҳар бир харидорни барча турдаги товарлар билан тулиқ ва рационал бозор орқали таъминлаб турнишга эришишдир. Бу ишларнинг муваффакиятли амалга оширилиши маркетингнинг ташкил этилиши даражаси билан умум иқтисодий ривожланиш даражаси уртасидаги боғланишдан, уларнинг ўзаро асосланганлигидан келиб чиқади. Истеъмолчи-харидорлар жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар ва ресурсларнинг барча турларини харид қилишлари мумкин. Бинобарин, ижтимоий маҳсулотнинг умумий ҳажми, шу жумладан, ҳалқ истемоли товарлари ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш маркетингининг асосий, аниқловчи омили ҳисобланади.

Техника таракқиётини таъминловчи тармоклар, айниқса юксак суръатлар билан ривожланмокда. Республикада кишлек хўжалиги машиналари, приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларда ишлатиладиган эктиёт қисмларни ишлаб чиқариш кенгайиб бормоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириб борилиши, истеъмолчиларнинг эктиёжларини товарларнинг тегишли турлари билан янада тўлароқ қондиришга имконият яратиб беради. Шунинг учун

иктиносодчилар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш босқичини ҳал қилувчи роль ўйнашига алоҳида аҳамият берганлар.

*Маркетинг даражасига ишлаб чиқариш миқёси ва тармоқлар тизимининг таъсири жуда катта. Тармоқлар тизими конкрет ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини аниклаш билан бирга ишлаб чиқариш, моддий ресурсларнинг конкрет турларига бўлган эҳтиёжни ҳам аниклаб беради. Масалан, республикада газнинг кўплиб қазиб чиқарилниши ва истеъмол килиниши ёкияғи балансини ўзгартириб юборди. Бу эса бир қанча ижобий натижалар берди. Масалан, республикамизнинг айрим минтақаларига кўмиш ташиб келтириш анча камайди. Газдан фақат кимё саноатида фойдаланишининг ўзи бир йилда бир неча миллион сүмни тежаш ва меҳнат унумдорлигининг анча ошишига имкон берди. Ёнилги балансининг ўзгариши ўз навбатида бошқа моддий ресурслар баланси тизимининг ўзгаришига олиб келди. Табиий газ билан ишлайдиган йирик иссиқлик электростанцияларининг қурилиши, электроэнергия ишлаб чиқариш тизимининг ўзгаришига олиб келди. Бу электроэнергиянинг истеъмолчиларга бир меъёрда узлуксиз етказиб берилиши ва электроэнергия таннархининг бир мунча пасайнишига имкон берди.*

Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳалқ истеъмоли товарлари, хизматлар, уларнинг ҳажми, узлуксиз ўсадиган ва кенгайиб борадиган номенклатураси, уларнинг таксимланиши, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни маркетинг органлари фаолияти обьекти ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахслар истеъмолига келиб тушадиган янги товар турларининг кўлами шу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар сонига қараганда тезрок ўсади. Шунга кўра маркетинг органларининг иш ҳажми ҳам ошиб боради. Чунки бунда товарларни сотиш жараёни кийинлашади, моддий ресурсларни етказиб бериш, қабул қилиш, кайта ишлаш, саклаш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган маркетинг ишларининг ҳажми ортади. Кўшлаб корхоналар ўзаро хўжалик алоқаларига тортилиб, хўжалик

алоқалари мураккаблашади. Корхоналар сонининг икки марта ошиши хўжалик алоқаларининг саккиз марта кенгайиншига олиб келади, бу эса савдо шаҳобчалари ва омбор хўжалигини кенгайтиришни талаб қилади. *Маркетингнинг мукаммаллик даражаси шу тармоқнинг ўз тизими доирасида фан техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиш кўлами билан белгиланади.* Маркетингдаги техника тараққиёти ўз хусусиятига эга. Аввало, техника тараққиёти тушунчасининг ўзи бир мунча бошқачароқ маъно касб этади. Бу ерда техника тараққиёти деганда, хомаше, материаллар, ёқилғи ва бошқа моддий ресурсларнинг факат ўсиши ва сифат жихатидан яхшиланини тушунилмай, балки яратилган товар ва хизматнар турларининг истеъмол қийматининг сакланиши ва такомиллаштирилиши учун зарур бўлган шароитлар (ташиш, ортиш, тушириш, сортларга ажратиш, комплектлаш ва ҳоказолар) нинг енгиллашиши маркетинг жараёнини бошқариш учун бир мунча такомиллаштирилган техникавий воситалардан кенг кўламда фойдаланиш тушунилтади.

Техника тараққиётининг маркетингда таъсирини кучайтириш қўйицаги йўналишлар, воситалар асосида амалга оширилиши мумкин:

**а) маркетинг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бўлган ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш.** Барча товарлар ва уларни тақсимлаш ҳақидаги маълумотларнинг жуда катта ҳажмдалиги, уларни бир ерга йигиш, қайта ишлаш, узатиш каби заруратлар маркетингни бошқариш ишини механизациялаш ва автоматлаштиришни тақозо этади. Бу эса бугунги куннинг асосий вазифаларидан бириди;

**б) муюмала соҳасидаги ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш.** Бу ерда гап юкларни ташиш, ортиш ва тушниришда, юкларни қабул қилиш, навларга ажратиш ва ураш-боғлашда техник воситалардан фойдаланиш ҳақида боради. Қўл меҳнатини тегишли меҳнатимлар билан алмаштириш киши меҳнатини тежашга, оборот маблағларининг айтанишини тезлаштиришга ва ишлаб

чиқарыш воситаларининг бекор туриб қолишини камайтиришга ёки йўқ қилишга олиб келади. Сунгги йилларда кўл меҳнатини механизациялаш соҳасида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги корхоналарида, умуман олганда, механизациялаш даражаси сунгги уч йил ичиди 1,6 марта ўси. Аммо, тадқикотлар бу соҳада ҳали кўнгина фойдаланилмаган имкониятлар борлигини кўрсатди. Ҳанузгача техникадан тўлик фойдаланимастик, замонавий талабларга жавоб берса олмайдиган, жисмоний эскирган кўнгина машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳоллари ҳали ҳам учрайди. Келажакда маркетинг фаолиятида компютерлардан фойдаланишни кенгайтириш учун анча кўп молниявий маблағларни ажратиш кўзда тугиши мөнъида, бу эса маркетинг органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга олиб келади.

*Маркетингни ривожланиш даражасига ихтисослаштиришининг таъсир қилиш характеристири үзига хос ҳусусиятга эга. Ихтимоий меҳнат тақсимотининг янада чукурлашуви ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришининг чукурлашишига олиб келади. Бундай ҳол корхоналар, тармоқлар ва туманлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг кучайишида намоён бўлади. Ихтисослашишининг чукурлашуви катта иқтисодий самаралар берса ҳам маълум даражада маркетинг харажатларини кўпайтиради. Чунончи, бир катор ҳолларда юк ташиш радиуси ва ҳажми, ташиш учун кетадиган харажатлар кўпаяди. Маркетингни ташкил этиши даражасига ишлаб чиқариш концентрацияси ҳам катта таъсир кўрсатади. Концентрация даражаси қанча юқори бўлса, товарларни сотиш ва уларни транзит равишда етказиб беришнинг аҳамияти шунча ошади. Демак, концентрация, аввало, товарларни сотиш ва етказиб бериш шаклига таъсир этади. Маълумки, катта машинасозлик заводи бир хил ассортиментдаги, бир турдаги металлни кичик заводга Караганда анчагина кўпроқ истеъмол қиласи. Икки бўғин ва уч бўғинлик тизимига ўтказилган саноат тармоқларида бошқарни тизимиини такомишашибтириш юзасидан тўғланганди.*

тажрибалар дикқатга сазовор. Бу тизим концентрация шакли ҳисобланган ишлаб чиқариш бирлашмалари түзилиши, саноат билан маркетинг, сотиш, таъминот органлари ўртасидаги бевосита алоқаларнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Бу эса товарларга бўлган талаб ва эҳтиёжни яхширок ўрганишга, улар билан таъминланишининг бевосита яхшиланишига имкон беради. Концернлар шаклица ташкил этилаётган шундай бирлашмаларга Навоий химия концерни, Олмалиқ тон-металлургия концерни ва бошқалар мисол бўла олади. Уларда моддий ресурслар бир технологик жараёндан иккинчисига узлусиз ўтказилади, бир ишлаб чиқаришдаги маҳсулот иккинчиси учун хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ёки ёқилиғи бўлиб хизмат килади. Бундай корхоналар одатда умумий иссиқлик қуввати манбаига, маркетингта, транспорт тизимиға эга бўлиб, кўпинча битта территорияда жойлашган бўлади. Маркетинг ишларининг кўлчилик қисми эса асосан концерн ичida амалга оширилади.

*Миллий иқтисодиётнинг ажralmas қисми бўлган маркетинг тўла маънода умумий бошқаришининг ташкил этилиш даражасига ҳам боғлиқ. Миллий иқтисодиётни бошқаришда содир бўладиган ўзгаришлар ва қайта ташкил қилинйishлар, одатда, маркетингни бошқариш соҳасига ҳам таъсир кучини кўрсатади. Чунончи, миллий иқтисодиёт тармоқларини бошқаришининг ҳудудий тамойили ўзига хос маркетинг тизимини ташкил кил ишни талаб этса, тармоқлар доирасидаги бошқариш эса бутунлай бошқасини тақозо этади. Миллий иқтисодиётда маркетинг умумдавлат иши ҳисобланади. Хукумат жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларига асосланиб, маркетинг органлари орқали товарларни ҳар хил босқичда аниклаб тақсимлайди, сотади, етказиб беради ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.*

Бозор иқтисодиётига ўтишининг барча босқичларида тақрор ишлаб чиқарини кенгайтириш ва унинг самараадорлигини ошириш масаласи муҳим ўрин әгаллаб келди. Корхоналар тегизшти миқдор, ассортимент ва сифатли моддий ресурслар билан канчалик ўз вактида таъминлаб

турилса, ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда давом этиши учун шарт-шароит яратилади. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирувчи мухим омиллардан биридир. Ҳозирги кунда, масалан, Ўзбекистон саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш юзисидан ишлаб чиқариш режасининг маркетинг хизматининг алби билан бажарилмай қолиш ҳоллари бир мунча камроқ юз бермоқда. Аммо кўпгина корхоналарди ҳозирга қадар маркетинг фаолиятида жиддий қийинчиликларни учратиш мумкин. Бу ҳол корхонанинг ўз ишлаб чиқариш дастурини номенклатуралар бўйича бажаришга салбий таъсир қилиши табиний. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш дастурини бажаришда маҳсулот тури режаси бузиладиган бўлси, пиравардида миллий иқтисодиётда жиддий номчтаносиблик вужудга келиши мумкин. Беғиланган номенклатуранинг бузилиши, касод маҳсулот тўпланиб қолишига, бинобарин, моддий ресурслардан фойдаланиш норационал бўлишига сабаб бўлаци. Бундан ташкири маҳсулот хили бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилмаслиги, истеъмолчиларга товарлар етказиб бериш режаларини издан чиқаради. Бу эса муайян ёндош истеъмолчи корхоналарда маҳсулот хили бўйича режа бажарилмаслигига олиб келади. Натижада улар бундай қийинчиликлардан қутилиш мақсадида ҳом ашё ва материалларни ёрдам тарикасида бир корхонадан иккинчи корхонага олиб ўтишга мажбур бўладилар. Товарлар ва сотишда уларни бир жойдан иккинчи жойга қайти ташиш, саклаш, ортиш, тушириш каби ишларга тўланадиган ҳақлар корхона иқтисодига жуда салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда асосий ишлаб чиқариш фоишлиридан фойдаланишни яхшилаш ниҳоятда мухим аҳамият касб этаци. Бу борада маркетингнинг роли квтта. Масалан, саноат корхоналарида машиналар, ускуналарнинг бекор қолиш ҳоллари, товарларни сотиш ёки ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан тиъминлаш ишининг кониқарсиз уюштирилишидан келиб чиқади, ваҳоланки бундай ҳолларга барҳам берилиши ишлаб чиқариш самърадорлигини анчагина оширган бўлур эди. Асосий ишлаб чиқариш фонdlари

самарадорлигининг ошиши машина-ускуналар, поток линиялари ва цехларнинг бир-бираига пайвасталигига, жумладан, яиги машина-ускуналарни сотиб олиш, улардан мохирона фойдалана билишга ҳам боғлиқ. Машина-ускуналар етишмаслигидан корхоналар паст унумли, эски станокларда ишшашта мажбур бўладилар. Сотиш режасида кўзда тутилган машина-ускуналарнинг берилмаётганилиги, янги техникани ўзлашибиреш ва ишлаб чиқариши кувватларини ишга туширин, маҳсулот ишлаб чиқариш, айникея янги хизматчилар бўйича давлат буюртмалари бажарилмаслигига сабаб бўлади. Машжуд машиналар қаторицдап ишлатишмаётган машина-ускуналар ҳиссаси озиёттирилса, ишлаб чиқариш фондларининг самарафорлигти анча ошиши мумкин. Корхона учун ортиқча машина-ускуналарни ўз вақтида аниклаб, уларнинг ўз вақтида реализация этилишига эришмоқ зарур. Маркетинг ходимларининг энг муҳим вазифаларидан биро ишга жиҳдий эътибор бернишdir.

Шакли ва катталиги тайёр маҳсулотга яқинлашиб келадиган материал ва ярим маҳсулотлар билан ишлаб чиқариш қанчалик кўп таъминланса, фондларнинг иқтисодий самарафорлиги шунча ошиши мумкин. Масалан, иккита станокдан биттаси маҳсулот ишлаб чиқариш учун мавжуд ярим маҳсулотдан камроқ чиқинди чиқаради, иккинчиси эса шу ярим маҳсулотдан кўпроқ чиқинди чиқаради. Табиийки, бунда биринчи станокнинг унуми иккинчисига қараганда юкори бўлади. Корхоналарда таъмирлаш ишларининг ўз вақтида сифатли ўтказилиши ҳам асосий фондлардан фойдаланиш даражасини яхшилаши мумкин. Бу эса ўз нафбатида миллий иқтисодиётнинг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини нечоғлик тўла кондиришинга боғлиқ.

*Маркетинг маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам жуда катта таъсир курсатади. У истеъмолчишларни сифати юкори товарлар яратиш орқали режада кўрсатилган сифатлардаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Маҳсулотнинг сифати уни ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзигатина эмас, уни ҳам ашё ва материал сотувчи ёндош корхоналарга ҳам*

боғлиқ. Истеъмолчига етказиб берилган сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчига қайтариб юборилади ёки наст сорта ўтказилади. Бу нарса маҳсулотни қайтадан ўраш ёки қоплаш, тузатиш, ташиб харажатларини кўпайтириб юборади. Булдан ташқари, маҳсулот юборувчилар истеъмолчига етказилган зарар учун ҳим моддий живобгардирлар. Меъёрига етказилмаган хом ашё ишни қийинлаштиради, бир материал ўрнига мажбуран бошка материал ишлатилишига, ишлаб чиқариш ритмининг бузилишига, маҳсулот ҳилининг ўзгаришига, корхоналарда нормативдан ортиқча материаллар тўпланиб қолишига сабаб бўлади.

*Моддий ресурслардан фойдаланиши дпражасига маркетинг таъсирининг аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиши керак.* Ўзбекистон саноат маҳсулоти таниархида барча харажатларнинг 85 фоизидан ортиқроғи маркетинг органлари билан боғлиқ моддий ресурсларнинг харажатлари ташкил қиласди. Моддий ресурслардан тежаб-тергуб фойдаланишда ишлатилмаётган имкониятлар жуда кўп. Товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан истеъмолчиларга етказиб берилгунча бўладиган даврдаги синиш, тўкилиш, куриб қолиш каби нобудгарчиликлар шулар жумласидандир. Курилиш материаллари, металл маҳсулотлари, электр қуввати каби товарларни фойдаланишда ҳам кўпдан-кўп исрофгарчиликларга йўл кўйилади. Бундай ҳоллар ийрим маркетинг бўлимлари, маркетинг корхоналари, вазирлик ва ташкилотларнинг корхоналардаги товарларга бўлган эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олмасликлари, ийрим ҳолларда уларнинг бундай масъулиятли ишга юзаки ва расмийчилик нуқтаи назаридан карашлари, баъзан эса давлат бюротмаларига эҳтиёжларини атвийлаб ошириб кўрсатишиари каби сабаблар туфайли содир бўлади.

Истеъмолчи корхоналар эҳтиёжини тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳоллари маркетинг режаларини ноаникликларга олиб келади. Корхоналарга товарлар келтириш жараёнида баъзан учраб турадиган мих ўрнига сим, қоғоз ўрнига газлама келиб қолиши ҳоллари, транспорт ташкилотлари, маркетологлар фаолиятидаги ва маркетингни режалаш-

тиришдаги эътиборсизлик оқибатидир. Бу камчиликлар ишлаб чиқарниш ритмининг бузилишига, таннархнинг ошишига ва пировардица рентабелликнинг пасайнишига олиб келади. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг маркетингни режалаштиришта, уларнинг илмий асосланишига айниқса катта эътибор бериш зарур. Корхоналар маркетингни режалаштириш жараёнида унинг исоси бўлган материал сарғи нормаларини ҳар йили қайта кўриб чиқишилари, уларни камайтириш йўлларини белгилашлари лозим. Аммо, бундай тамойнлга ҳар доим ҳам амал килинмайди. Пировардида ҳакиқатда сарфланадиган материал ҳаражатлари даражаси режадан ошиб кетади. Кейинги йилларда товарларни сарфлаш нормаси камайиб бориши ўрнига, аксионча ўса борган. Бундай фактлар режалаштириш тамойнларининг эътиборга тўлиқ олинимаслигидан, ходимларнинг эса режалаштиришга нисбатан баъзан юзаки, расмиятчилик билан қарашларидан далолат беради. Нормаларни шимий асослашга, уларни чукур таҳлил қилиш, тонарларни тежамкорлик билан сарфлашга бу ишда илғор корхоналар эришган ютуклардан усталик билан фойдаланиш йўли билан ҳам эришилади. Сарфлиш нормаларининг йилдан-йилга камайиб бориши, техника тараққиёти натижалирини ишлаб чиқаришга тезроқ тадбиқ этишга, қимматбаҳо ва ноёб материалларни арzonрок ва сероб материаллар билан алмаштириш каби омилиарга боғлик. Буларнинг барчаси корхоналарнинг товирларни тежашга доир ишлаб чиқилгай таъбиrlар режасида акс этиши лозим.

*Маркетинг органлари маркетинг ишларини режалаштиришида маҳсус белгиланган номенклатураларга жиддий эътибор бернишлари керак. Чунки, амалда қанча материал согнишини ва корхоналарнинг ҳом ашё билан нечоғлик таъминланниб туришини вийнан шу материал хилларига бўлган эҳтиёж белгилаб бераси. Корхонага умуман материал эмас, балки конкрет хилдаги, катта-кичикликдаги ва маркадаги материал керак. Масалан, тикувчилик фабрикаси умуман газламани эмас, балки конкрет сорт, хил, турли рангдаги газламачарни ишлатади ва ҳоказо.*

Маркетинг ташкилотлари фонияларин тавғисилотлаш товарларни хили буйича комплект бериши билан бирга буюртма бериладиган позициялар сонини шохжи борича кисқаргиришга харакат қиласди. Тежамсиз, қиммат туралдиган материал ўрнига сероб материал олиш ва ишлаб чиқаришда моддий-техника ресурслари тизимларини мунтазам яхшилаб боришга ёрдам бериш имкониятларини назарда тутиш ҳам жуда муҳим. Машинасозликда қимматбаҳо ва ноёб пўлат деталларни пластмасса деталлар билан алмаштириш юкорида қайд этилган самарали алмаштиришлар жумласига киради. Иккиласдан хом ашё ва чикит ресурсларини кўшичимча жалб этиш маркетинг организациянинг яхши ишленига боғлик. Шу материалыардан яхши фойдаланишини натижасида камчилик материалларни анча тежаш ва янги қувватлар яратишга ажратиладиган капитал маблагларни камайтириш мумкин. Ишлаб чиқаришда товарларни тежзб-тергаб сарфлаш мақсадида маркетинг бўлимни ҳодимлари хом ашё, материал, ёнилгидан белгиланган сарфлар нормасига мувофиқ фойдаланаётганини қатъий назорат килиб туришлари ҳам роят муҳим ишларданцир.

Махсулот сифатини ошириш ва моддий ресурсларни тежашда ҳамда мөъердан ортиқча захираларнинг тўпланиб қолмаслигида иқтисодий мусобакани мөҳирона ташкил килиш ҳам катта аҳамият касб этади.

## **2.2. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЛАРНИНГ РОЛИ**

Ҳар қандай жамият, иқтисодиётнинг ривожланиши иқтисодий қонунларнинг талабаларига мувофиқ амалга ошади. Маркетинг ҳам кишиларнинг маҳсус фаолияти сифатида бундан мустасно эмас. Иқтисодий қонунлар харакати маркетингда янада яққол ва ёркин кўзга ташланади. Бу иқтисодий қонунлар жумласига ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражасига мос келиши, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши, қиммат, талаб ва таклиф, меҳнат унумшорлигини ўсиб бориши

конунин ва х.к. пар киради. Шундай экан, уларни мукаммал билиши на онын равишда маркетингни бошқарыш фаолиятида татбиқ этиш лозим. Масадан, меҳнат упумдорлигини ўсуб бориш конун талабига мувоғик соғф маркетинг корхоналари, маркетинг бойикормалари, бўлимлари ёки турухлари оқибат натижада жамиятининг хар қандай эҳтиёжларини тўтароқ қондириши маъсанлида ишлаб чиқаринта ёрдам беради. Буният учун маркетинг тадқикотлари ўтказилишини шарт булиб, улар ўз наебатида иктисолий конунлар янада кенг ҳаракати учун шарт-шаронит яратиб бериди. Маркетинг тадқикотлари олиб бориш ҳар қандай корхонанинг нафакат ишлаб чиқариш имкониятларини очиб берали, балки уларнинг бозор нұктаси назаридан очиб бораётган маркетинг фасолиятларини хам баҳо беради. Товариарнинг харидорларини таъминлаш, уларнинг сифатини ошириш, бозорлар сиёсимиши тўлдириш, уларни кенгайтира бориб, яни бозорлар очин (иложи борича чет эл бозорларига кириб бориш) ва х.к. Оқибатда харидорлариниң (истеммолчилариниң) хар қандай эҳтиёж ва талабларини янада тўтароқ қонширивига эришиш.

Маркетинг тадбирларининг ниҳоятда юқори самарадорлигенга эрининиң факат ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари ривожланниш даражасига мос келти қонунига асосланади. Ишлаб чиқариш кучларининг ўстиниң даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатлари орасидаги мувозанати, асосан маркетинг тадқикотлари билан узаний болсақдир, уларни боғлиб түрувчи воситочидир. Факат маркетинг тадқикотлари натижасидагина биз уларнинг хар иккакаси орасидаги ҳаккний дочатни анлаб етга отамиз. Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари орасидаги ҳар қандай зиддият уларни боғчовчи маркетинг тадқикотлари асосида ва натижасидагина намоён бужади. Эски ишлаб чиқариш муносабатларининг синиши, бошқарув бўлими, аппаратининг ҳадек булиши, буларнинг барнаси маркетинг фаолиятида хам ўз акенини топади.

Ҳар қандай жамиятининг иктисолий ривожланишини иктисолий конунлар талабларига мувоғик амалга ошади. Маркетинг ривожи, уни бошқариш хам бундан мустасно

эмас. Масаши, проториоштагы ривожланаш қонун тармоқтар орасынан мувозанат бұзғалығынан, уни ушлаб түрінде маркетинг хизметшішігінде ролі наудоянда көптә эканлығын тақылдайды. Бұу қонун төвірнәр тақсимотшыны да үларнинг тақсимоті каналларын анықлауда нақтоған бұлады. Бұу шылар ҳам маркетинг тадқиқотшары ёрдамнанда таұтия қылышады да анықланады.

Нисоншар доимо шимага дір мухітожа дір. Бұу, аввало үларнинг ҳаёттің әхтиёжлари бўлиб, ҳозирги замон кишининин әхтиёжи хичма-хизнир, бир неча миңдан ҳам ортиб кетади. Шунга қарамай киши әхтиёжи доимо мақсад да сифат жиҳатшын үснө борады. Буни кишилік жамынатнинң ривожланышыннан исбогтаиди. Истеъмолчиларнана әхтиёжи узлуксиз үсіб, ривожланыш, үзгариб, кептейиб боришими әхтиёжнинг юксалиб борыш иқтисодий қонунини үзіда акс эттиради да таңсифлаб беради. Бу иқтисодий қонун маркетингни бошқаришида алоғыда ажамият касб этади. Уни маркетингни бошқаришыннан бошланғыч нұктаси да иш юритши таянчи, асоси деб олиш мүмкін. Дархакыт, маркетингнин асосий вазифаси ҳар кандай истеъмолчиларнинг ҳар кандай әхтиёжини тұлық да кам ҳаражатлар билян самаралы қоңдириш экан, демек маркетинг тадқиқотнинң бошланиши ҳам әхтиёж түғри аниқланғанини текширишдан да уни қандай бұлмасын қоңдиришга қаратылған бўлмори лозим.

Әхтиёжнинг үсіб борышни ёки ривожланыш қонуни демасдан әхтиёжнинг юксалиши көпнери деб аталиши факат истеъмол қылышнинң міндерден үсішшінің әмас, балки униң таркибий үзгаришларини, ундағы устивор йұналишлар, бир-бирини ўрнини қоллаш, сифат жиҳатдан мұкаммалтасын каби масашларни ҳам үз ичига олишшінің аргу берілгандыр.

Маркетингни бошқариш үларнинг барчасыннан үз ичига олиши зарур да табиий. Шу қонун талабиниң әзтиборга олиб маркетиниң үзининң барча имкониятларини ишга солиши (әхтиёжин түғри аниқлаш, ЭХМ да иқтисодий-математика үсулдарынан ғойдаланғаны), янын товарларнинң яратылышына бош-көш бўлиши, янын бозорлар, ички

имкониятлар излаши, рекламани кенгайтириши каби ишларни амалга оширмоғи лозим. Бунда маркетинг тадқикотлари қанчалик ёрдам беришини, катта роль Ўйнашлигини этироф этиш керак. Умуман олганда, айрим истеъмолчилирни эҳтиёжини тўлик қондириш мумкин. Масалан, энг учига чиққан пивохўрнинг эҳтиёжининг хам 10-15 бутилка пиво билан қондириш мумкин. Лекин айрим хўжашниклар, уюшмалар ёки давлатнинг эҳтиёжи ниҳоятда ҳар хил ва кўп. Бирок уларни қондиришга ресурслар ва имкониятлар чекланган бўлиши мумкин. Масалан, ер, сув ва айрим қазилма бойликларининг, олтин, зебизийнатларнинг чекланғанлиги, айрим ҳайвонолар — йўлбарс, тимсоҳлар ва бошқаларнинг сони камлиги, териларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги маркетинг изланишлари орқали аниқланиши ва шунга Караб бошқариб борсанлиш лозим. Бунда айрим товарларга баҳони ортикроқ белгилаш, уларга бўлган талабни тушириш ва, аксинча, уни ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши мумкин.

*Иқтисодий талаб ва тақлиф қонунлари маркетингда қўлланишладиган фундаментал қонуллардан. Унинг ёрдамида маркетологлар ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмолга таъсир этишилари, шакллантиришлари ва ўзланишилари мумкин. Талаб ана шу истеъмолчининг пулда ифодаланаадиган эҳтиёжи бўлиб, у истеъмолчининг даромади билан асосланган. Талаб қонунининг ҳаракати барча оминаларнинг ўзгармай туриши ҳолатида товарлар баҳосининг ўсиши талибининг пасайишига олиб келишиша намоён бўлади. Яна талаб ва баҳо ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик шу қонун орқали намоён бўлади. Қиймат қонуни хом ашё ва материаллар, техника ва технологияни харид қилишда, уларни истеъмолчиларга етказиб беришда, сотиш олди ва сотилгач, хизмат кўрсатишда иқтисодий самараадорликни назарда тутиб иш кўришни талаб қиласи. Шунингдек, бу қонунининг амал қилиши товарлар тақсимот усулини, каналларини рационал шаклини тиклаши, уларни харидорларга оз ҳаражатлар билан етказиб бериниши такозо этади.*

## **2.3. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Маркетингни бошқаришда, унинг тузилиши қағдайлигидан қатъи пазар бир хилдаги қонун-коңдаларга риоя қилиниши керак. Уларнинг мажмун принцип (тамойил) деб аталади. Принцип лотинча “принципиум” сўзидан олингаш бўлиб, дастлабки, асос, яъни ҳатти-харакат ёки фаолиятнииг асосий қондаси “раҳбар”, “ғоя” деган маънони билдиради.

**Бозор иқтисодиётига ўтишининг ҳозирги босқичида маркетингни бошқаришда:**

- меҳнат тақсимоти (бўлиши) га амал қилиш;
- ҳокимиятга бўйсуниш, интизом ва тартибга риоя қилиш;
- буйруқ беришнинг ягоналиги, бошқарувда яккабошчилик ва коллегияллик;
- меҳнатни моддий ва маънавий рагбатлантириш;
- марказлашув ва иерархияга риоя қилиш;
- ишчи ва хизматчиларнинг доимийлиги, бирлиги ва ягоналиги;
- ташаббускорлик ва ҳақконийлик (объективлик);
- илмий асосланганлик;
- тежамкорлик ва самарацорлик тамойилларига риоя қилинади.

Ушбу тамойилларнинг ҳар бирини шлоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

*Меҳнатни маркетинг органлари таркибида энг мақбул тақсимланиш тамойили - маркетингни бошқаришда бор бўлган ҳолатдир. Маркетингни бошқаришда меҳнатининг бўлиниш тамойили, мақсаси, оқибат ишлаб чиқаришнииг ҳажмини ва сифатини бирламчи харажатлар билангина оширишдир. Жамият аъзоларининг ўсиши билан бир вазифанинг ўрнига кўп вазифаларни бажарагиган бўлимлар пайдо бўла бошлайди. Ҳар доим бир хіш маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ишчи, ҳар доим бир иш устидан назорат килувчи бошлиқ ўзида ишонч, аниқлик туйғусини сезади, бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига ижобий таъсир*

кўрсатади. Биз биламизки, маркетингда сифат алоҳида аҳамият касб этади. Унинг яхшиланиши маркетинг учун асосий ютуқлардан биридир. Мехнатининг тақсимоти булиниши диккат ва ҳаракатининг йўналитирилиши лозим бўлган объектлар сонини қисқартириша ёрдам беради.

*Ҳокимиятга бўйснини таомойили* - бу буйруқ ва қарор кабул қилиши ҳукуқи ва бунга барчанинг бўйсунишишир. Кинишлар бошлиқда ишом бўйича ҳокимият обрўси ва шахсий обрўни фарқлайтилар, бу нарсалар бошлиқининг акл-заковати, билими, тажрибаси, хизматларида мужассамлашган бўлиши керак. Корхона маркетинг бўлимининг бошлиғи уибу ҳолатларга эга булиши лозим, аке холда бўлим корхона ишончини оқламаслиги мумкин. Ҳокимиятни масъулиятсиз, жавобгарликсиз тушуниб бўлмайди. Қаерда ҳокимият бўлса, ўша ерда масъулият бор. Масъулиятни тушунган ва уни ўз зинмасига олган маркетинг бўлими бошлигини ҳамма хурмат киради. Буцай бошлиқ ҳар ерда кадрланади. Лекин ҳокимиятни яхши кўргаётай масъулиятни хам яхши кўришмайди. Яхши бошлиқ ўз олдиаги масъулиятни яхши тушунишин керак. Маркетинг бошқарувчиси ўзида ушбу сифат ва хислатларни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Ҳокимиятни, амалии сунистеъмол қўлмасликнинг янг яхши кафолати - бошлиқининг шахсий гурури, юксак инсоний туйғусидир. Маркетинг бўлими бошлиғи ташланаётган ёки сайнанаётганда ушбу сифатларга эътибор берниши керак. Шундагина маркетингни ташкил этишда ижобий натижага эринишлади.

*Интизом ва тартибга риоя қилиши таомойили* - маркетинг хизматчилиари ва корхона келишувига мувоффик уларнинг ўзини туғиши, ташки хурмат белгилари, хулк-авторицир. Интизом ҳар бир ишнинг яхши бажарилиши учун зарур бўлган омилинир. Ҳеч бир корхона, бўлим бусиз ривожланиши мумкин эмас. Маркетинг ҳам бундан мустасно эмас. Агар маркетинг бўлими бошлиғи билан унинг кўл остидаги хизматчишар ўртасида интизомнинг этишмаслиги сезилса, бу камчияликни хизматчилардан изламаслик керак, айб бошлиқининг эътиборсизлигидандир. Интизомга ижобий

тасир кўрсатадиган омиллардан бири келиншув (битим) дир. Энг асосий битим тушунарли ва икки томониниг, яъни бошлиқ билан хизматчиларнинг манфаатларига мос келиши керак. Бу жуда кийин масала. Агар маркетинг раҳбари бу масалани еча олса, маркетингни ташкил этиш ва амалга оширишда ижобий ютукларга эришиши мумкин. Интизом яхши бўлишига икки нарса: яхши бошлиқ ва тушунарли, одиг біттимлар тасир кўрсагади.

Тартибга риоя қилиш дегандা, икки хил тартиб:

- моддий;
- ижтимоий тартиблар назарда туттилади;

Моддий тартибининг қоидаси шундай: ҳар бир нарсага жой аниклаш керак ва ҳар бир нарса ўз жойида бўлиши зарур. Максадга тўлиқ эришиш учун яна нарсаларни яхшилаб жойлаш, ва танланган жой эса ҳамма операцияларни енгиллаштириши лозим.

Ижтимоий тартибининг қоидаси шундай: ҳар бир кишининг жойи аниқ ва ҳамма ўз жойиша бўлиши керак. Корхонада ижтимоий тартиб қарор топиши учун ушбу қоидага амал қилиш зарур. Ижтимоий тартиб яна ишчи билан жойнинг бир-биринга мос келишини талаб қиласди. Ижтимоий тартиб, масалан, маркетинг ресурсларини ва ижтимоий етишмовчиликларни винқ билишни талаб қиласди ва булар ўртасидаги ўзвро мутаносибликни тўғри ташкил қилиш, ушлаб туриш ва, демак, бошқариш жуда оғир, масалан, корхонанинг маркетинг бўлимини канча бажарадиган ишлари ҳажми катта бўлса, уни бошқариб туриш шунчалик оғир бўлади. Окибатда буниятг бузилиши натижасида шахсий манфаатларни яхшилаш учун умумий манфаатлар қурбон қилинади. Натижада штатлар кўпаяди, масъулиятли ишларга номуносиб кадрлар қўйилиши мумкин, бу эса корхона фаолиятининг ёмонлашувига олиб келади. Маркетингни ташкил этишда ушбу хатоларнинг олдини олиш чоралари ўрганилади.

*Буйруқ берининг ягоналик таомийли ҳам маркетингни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Агар ушбу тамойил бузилса, у ҳокимиятнинг, масалан, маркетинг бойлигинини,*

директорнинг обўсига футур етказади, интизом йўлдан чиқади ва тартиб бузилади. Бу маркетингни ташкил этишга салбий таъсир кўретади. Ушбу тамойилга мувофик маркетингни ташкил этишда хизматчи фақат бир бошликнинг буйрунин бажариши керак. Масалан, маркетинг бўлими бошқарувчисига хизматчи биринчирилган, яъни бўлим хизматчисига, факат бўлим бошқарувчиси буйруқ берали. Маркетингни ташкил этишдаги ягоналик тамойилини шундай тушунтириш мумкин: битта ягона мақсадни кўзлаган ягона бошлиқ ва дастур. Бу ишнинг яхши кетиши учун керакли бўлган шарт-шароит, лекин яккабошчилик масалаларни ҳал килишнинг жамоавийлигини инкор этмайди. Балки масалаларни жамоавий ҳал килиш ва жавобгарлик ягона шахсга юқлатишнилигини англатади. Бунча шахсий фикрларнинг оммавий фикрга бўйсуниши назарда тутилади. Бу тамойилнинг маъноси қўйидагича: корконаца маркетинг гурухи ходимларнинг манфаатлари корхона манфаатларидан устун қўйилиши керак эмас, умумжамият манфаати шахс, шахслар гурухи манфаатидан юқори бўлиши керак. Агар маркетинг бўлимида ходим, факат ўзининг манфаатини ўйлаб ишласа, корхонанинг юқори даромад олишига, жаҳон бозорига чиқишига тўсқинлик қўлаётган бўлади. Оқибатда корхонанинг яхши ютукларга эрицимаслиги ходимларнинг манфаатларига таъсир килади. Манфаатларнинг икки тоифасини бир-бирига мослаштириш маркетингни ташкил этишдаги исосий вазифалариданadir. Бунинг учун:

- бошликнинг яхши намунаси;
- иложи борича ҳакиқатга яқин келишув;
- қаттиқ назорат бўлиши керак.

*Рағбатлантириш* тамойили маркетинг хизматларини моддий, маънавий тақдирлаш, бажарилган ишга ҳақ тўлаши демакдир. Тақдирлаш ҳакиқатга яқин бўлиб, маркетинг ходими ва корхонани конквириши керак. Рағбатлантириш ўлчови ходимнинг иш сифати, билимига ҳамда ҳақ тўлаш шаклига боғлиқ. Ходимларга ҳақ тўлаш шакли ишнинг яхши кетишида мухим ўрин тутади. Амалиётда бу вазифанинг

*Вазирликтарда маркетинг функция ва вазифаларини амалга ошириш учун маҳсус вазирликларнинг марказий аппарати таркибда бошқарма ўёки бўлим ташкил этилади. Маркетингни бошқаришни вазирликда кўриниши Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар (ТИА) вазирлиги мисолида кўриб чиқамиз. Вазирликда маркетинг фаолиятини бошқариш Ахборотлар ва Маркетинг Бош Бошкармаси зиммасига юклитилган. У ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ташки иқтисодий алоқа вазирлиги тўғрисицаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Вазирликнинг буйрук ва кўрсатмалари асосида*

олиб боради. Вазирликнинг Ахборотлар ва Маркетинг Бош бошқармаси қўйицаги таркибий тузилишга эга (6-чизма). Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, Бош бошқарма учта бўлимдан иборат. Бош бошқарма вазирлик томонидан тайинланадиган бошлиқ томонидан бошқарилади. Бўлим бошликлари Бош бошқарма бошлигининг тавсиясига асосан вазир томонидан тайинланади.



6 - чизма. Ахборотлар ва Маркетинг Бош бошқармасинин ташқирий тузилиши.

### **Маркетинг бошқармасининг асосий вазифалари қўйидагилар саналади:**

- маркетинг тадбирларини ахборотлар билан таъминлаш: халқаро товар ва хизматлар тўғрисида ахборотлар йигиши, қайта ишлаш ва системага солини ишларини ташкил қилиш;
- ташкил иктисолий алоқалар самараадорлигини аниқлаш, режалаштириш ва такомишилаштириш максадища маркетингли ахборотлар тизимини шакллантириш;
- савдо учун янги худусларни очиш ва анъанавий иктисолий алоқаларни қайта тикилашни хисобга олган ҳолда, маҳсулотларни сотиш, бозорларни кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- энг маъкул вакт ва сотиш бозорлари бўйича экспортни оптималлаштириш максадища ташкил савдо тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш;

- хорижий ҳамкорлигининг ишончлилиги ва ишбилиармонларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- инвестиция лойиҳаларини маркетингли таҳлил қилиш;
- савдо, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа ҳамкорлар бўйича икки томонлама фаолиятни маркетингли таҳлил қилиш;
- товар, хизмат технологик ва жаҳон бозорлари ривожланиши тенденцияларини истиқболини ўрганиш;
- экспорт ва импортларининг асосий моддалари бўйича товар бозорларини гурухлаш, таркибини аниқлаш ва тизимини ўрганиш;
- шартнома тузилган фирма ва ташкилотлар фаолияти хусусида жорий кузатиш ишларини ташкил этиш, ташки иқтисодий бирлашмаларга мос келувчи кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;
- экспорт маҳсулотларининг устувор, шу жумладан ноанъянавий турлари бўйича бозор стратегияларини яратиш. Бу товар корхонани каналларини танлаш ва режалаштиришни ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишларини ҳам ўз ичига олади;
- экспорт ва импорт режаси баҳоларини ҳисоблаш усусларини яратишда катнашиш;
- экспортга йўналтирилган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг тавсияларини яратиш;
- Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчиноналарида савдо вакиллари ва иқтисодий маслаҳатчилари билан ҳамкорликда экспорт товарларига талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш (ФОССТИС) дастурини ишлаб чиқиш;
- ташки иқтисодий алоқа субъектлари экспортга жўнатиштаётган товарларнинг сифат ва техник характеристларига ташки бозорда ҳамкорлар топнишда ёрдамлашиш.

**Маркетинг бошқармасининг ҳуқуқлари:** вазирликлар, мажхамалар ва ташкилотлардан статистик ва бошқа ахборотларни тўплаш ва умумиқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини олиш;

- хориж мамлакатлари билан ўзаро маълумотлар алмашиш;
- бошқарма вазифаларига кирувчи муаммоларни ҳал килиш учун бошқарма ходимларини чет элга юбориш;
- Ўзбекистон ҳалқаро ташкилот, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари билан учрашувларда қатнашиш;
- савдо-иктисодий, илмий-техник ва ҳамкорларнинг бошқа турлари буйича ҳукуматлараро комиссиялари ишида ва уларни тайёрлашда қатнашиш;
- Ўзбекистондаги ва хориждаги давлат органлари, ташкилотлари ва хусусий шахслар билан боғланиш ва алоқа ўрнатиш;
- бошқармага бўйсунадиган хўжалик ҳисобидаги фирмалар, марказлар, агентликлар ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий мамлакатлар иштирокида тузиш ва қайта ташкил қилишдан иборат.

Маркетинг Бош бошқармаси ўз фаолиятини Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг бошқа бошқармалари ва бўлимлари билан мустаҳкам алоқада олиб боради. Масалан, оператив савдо Бош бошқармасидан марказлаштирилган товарлар экспорти ва импорти режаларини, тузилган шартномалар ҳақидаги маълумотларни, савдо агентлигидан турли ахборотларни олади. Бир сўз билан вайтганда, маркетинг Бош бошқармаси вазирликнинг энг муҳим ахборотлар маркази сифатида ҳам юзага келди. Бундан ташқари бошқармалардан маркетинг тадбирлари бажарилишини талаб қилиши зарур. Ташки иқтисодий алоқаларни бошқариш жараёнида ишларни мувофиқлаштириш мақсадида маркетинг Бош бошқармаси:

- савдони ривожлантириш Бош бошқармасидан белгиланган тартибда товарларни марказлашган экспорт ва импорт режалар лойиҳасини олади;
- белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солиш Бош бошқармаси билан бозор коғъюктураси тадқиқот ишларida қатнашади;
- ташки иқтисодий алоқалар истиқболи ва таҳдили бошқармасидан ҳалқаро ташкилотлар ва фирмалар билан

хукуматлараро келишувлар түррисидаги маълумотларни белгиланган тартибда сўрайди;

• маркетинг фаолияти натижалари бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқа бўлинмаларини мувофиқлаштиради ва маслаҳатлашади.

Маркетинг Бош бошқармаси ҳозирги кунда асосий хом-ашё ва товар турлари билан боғлиқ бўлган экспорт, операцияларини самарали олиб бориш учун дунё бозорларининг тадқиқотлари билан шугуулланмоқда. Хусусан, автомобиль бозорлари, нефть ва нефть маҳсулотлари, ранги ва қора металлар, пахта толаси дунё бозорларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Келажакни истиқболлаш ва бутун жаҳондан келаётган маълумотларга ишлов бериш амалга оширилаяпти. Бундан ташқари, бошқарма "УЗДЭУАВТО" кўшма корхонаси автомобиль бозорларига тегишли бўлган сотиш сиёсатининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши мақсадида, фаол равищда автомобиль бозорларида маркетинг тадқиқоти ишларини олиб бормоқда. Бошқарма халқаро комитетининг октябрь ойидаги 55-пленумини тайёрлаш ва ўтказишда фаол қатнашган. Бундан ташқари, бошқарма Ўзбекистон ва чет эл фирма ва ташкилотлари таклифларини кўриб чиқиш билан шугуулланади. Бу ишларда улар "YELLOW PAGES" халқаро маълумотнома ва "INTERNET" компьютер алоқа тармоғидан фойдаланадилар. Бошқарма чет эл ва Ўзбекистон фирма ва ташкилотларининг тавсиялари, турли таклифлар ва лойиҳалар экспертизаси билан шугуулланади. Ишларни бажариш сифатини ошириш учун бошқармани оператив ва аник маълумотлар билан таъминлаш лозим. Юкорида таъкидланганидек, компьютер тармоғи ёрдамида бошқарма керак бўлган маълумотларни олиш ва чет эл фирма ва мамлакатларини Ўзбекистон Республикаси тўғрисида маълумотлар билан таъминлаши мумкин. Иш сифатини яхшилаш учун яна бир қанча тадбирлар ўтказиш, жумладан, хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва ҳар хил мукофотлаш керак. Маркетинг бош бошқармасининг тузилмасига реклама бўлимини ва савдо агентлигини ҳам киритиш лозим. Бизнинг фикримизча,

маркетинг ва рекламанинг қүшилиши янада кўпроқ самара беради.

Айрим вазирликларда маркетинг (савдо) агентликлари ташкил этилган. Масалан, 1995 йил 1 октябрдан Гашқи иқтисодий алоқа вазирлиги ахборот ва реклама бўлиғи пари асосида “Ўзбекистон савдо агентлиги” ташкил топди. Бунинг кайта ташкил этилишига асосий сабаблар куйидагилар бўлади.

Бутун жаҳонда Ўзбекистонга қизиқишининг ошиб бораётганилиги, махсус ахборот органини ташкил этиш зарурлигини талаб қила бошлади, унинг вазифаси Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий сиёсати устувор йўналишлари билан узвий боғлиқ ҳолда барча ташкилот ва махкамаларининг ахборот фаолиятини умумлаштириш, бирлаштиришдир. Бундай органнинг бош мақсади Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни, хукуматнинг мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлашдаги харакатлари тўғрисида жаҳон ахборот кенгашини ахборотлар билан таъминлашдир. Бошқа тарафдан бундай ахборот органи республикада барча мумкин бўлган ахборотларни йиғиш ва шу билан мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларини ахборотлар билан таъминлаш даражасини юқорига кўтаради. Республикада худди шуңдай органнинг мавжуд эмаслиги хорижда ахборот вакилининг пайдо бўлишига янги гарб оммавий ахборот воситаларида кўп ҳолларда республикадаги вазиятни ишқақоний ва иообъектив баҳолашнинг сабаби бўлади. Бу эса давлатимизнинг халқаро агентликдаги обрусига зарар етказади. Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тақдим этилган материалларда ҳам Ўзбекистоннинг хорижда имиджини яратиш мақсади ётади. Лекин бу ҳужжатда хориж оммавий воситалари билан ҳамкорлик, реклама тадбирлари ва кенг ташвиқот ишлари каби асосий йўналишлар ўз аксиини тўлиқ топмага; агентликнинг тузулмаси, унинг ташкилотлари ва алоқалар ахборот олиш механизми очик белгилаб берилмаган.

Бундан ташқари бу орган тармок вазирлиги тариқасида ташкил килинаётган ва у ўз вазифаларини амалга оширишда

мавжуд давлат органлари манфаатлари билан түкнашади. Агентликнинг кўп сонли ходимларини саклашга ва моддий-техника базасини яратишга анча маблағ талаб қилинади. Вазирлар Мақкамасининг топшириғига асосан Ташки иқтисодий алоқа вазирлигида ҳам хўжалик ҳисобида ва маблағ билан таъминлаш тамойишида фаолият кўрсатадиган ва ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи ахборот оргинини тадбиқ қилиш варианти ишлаб чиқилди. Бу есияни амалиётда жорий қилишда Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги ташки иқтисодий фаолияти ва тажрибаси кўл келди. Бундан ташқари хориж ҳамкорликлар ахборот-реклама фаолиятининг биргаликдаги таклифи ҳам ёрдам қиёди. Ўтказилган учрашувлар Ташки иқтисодий алоқа вазирлиги базасида уч тилда чоп этилаётган “Деловой партнер” газетаси асосида инглиз тилида биргаликда чоп этила бошлади. Унда хориж сиёсатчилари, юрист ва бошқа мутахассислари Ўзбекистон тўғрисидағи фикр ва мулоҳазалари ижобий томонга қараб ўзгаради ва газетада ўз аксини топади. У республикамида яшовчи ва ишловчи хорижлик фуқаролар орасида ҳам, шу билан бирга ўзининг мухбир-пунктлари орқали чет элларда тарқатилди. Бундай кўшма корхонани ташкил қилишдаги таклифлар иирик ҳалқаро нашриётлардан, “Стерминг пабликейриинг групп” (АҚШ), “Херст Инкорпорейшн” (АҚШ), инглиз ахборот маълумот компанияси ва бошка бир қатор компаниялардан тушди. Тошкентда жойлашган мухбирлик пункти орқали республикада яшовчи ишбилармон ва журналистларга ёрдам кўрсатиш мақсадида алоқа ўрнатиш ва материаллар тайёрлашда доимий фаолият кўрсатувчи тижорат-ахборот марказини очиш мумкин бўлди.

Ахборот-савдо Бирлашмаси вазирликнинг ташкилий таркиби ҳисобланади ва республика умумий тизимиға киради. Бирлашмага кўйнадаги функциялар юклатилган:

- икки хил мақсадга эга бўлган товар ва технологиялар устидан назорат қилишининг илмий дастурини ишлаб чикиш;
- назорат қилиш кўзда тутилган товар ва хизматлар тўғрисида, унинг барча босқичларіща янги лицензиялашган

ва уйдан кейинги боскичлари тўғрисида ишончли ахборотлар олиш;

- экспорт назорат қилиш қоидалари, қонунлари тўғрисида умумий ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш;

- экспорт қоидаларидаги ўзгаришларни зълон қилувчи ойлик республика реестрини зълон қилиш;

- хукумат ва республика маҳкамалари учун ишончли ахборотлар етказиб бериш;

- жаҳон бозори конъюктурасини республика иқтисодиёти ривожини байналминаллаштириш учун биргаликдаги кооперациялаш имкониятларини ўрганиш;

- хорижлик фирмалар, ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикаси тўғрисида ишончли ахборот тарқатиш, кенг ташвиқот ишлари ва реклама фаолияти юритиш;

- Ўзбекистон Республикаси имзолаган савдо-иктисодий шартномаларни амалга оширишга кўмаклашиш;

- коркона ва бошқа ташкилотлар, уларнинг ҳудудий ва маҳкамаларга тегишлиги тарафидан қатъий назар, манфаатларини ҳимоя қилиш;

- консалтингли ва бошқа пулли хизматлар кўрсатиш;

- капитал бозорини ўрганиш, жалб этилган кредитларни тижорат усулида тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларни инвестициялаш ва ҳимоялаш;

- ҳалқаро алоқаларни, маданий ва бошқа носавдо соҳаларидаги алоқаларни фаол ривожлантириш;

- республика миллий иқтисодиёт тармоқларида юқори самарали илмий-техникавий янгиликларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини, илфор техника ва тажриба намуналарини ташвиқот қилиш;

- экспорт-импорт операцияларини ўтказиш.

Хозирги кунда Ўзбекистон Савдо агентлиги ўзига юклатилган вазифаларни тўлик бажара оляяпти. Унинг фаолиятида ҳаридор ва товарлар билан савдо қилувчи корхона воситачилар ўртасида вужудга келадиган айrim

келишмовчиликларни бартараф этиш борасидаги ишлар йўлга қўйилган эмас. Бундай келишмовчиликлар ҳар хил сабабларга кўра тез-тез учраб туради. Шунингдек, бу ташкилот фаолиятида маркетингни амалга ошириш билан боғлик бўлган назорат функцияси ҳам етарли даражада ривожланган эмас. Бу иш маркетингнинг фаолиятини барча кирралари ва жабҳаларини тўлиқ ва комплекс ўз ичига олмоғи лозим.

### **3.4. МАХСУС (СОФ) МАРКЕТИНГ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ**

Жаҳонда соф маркетинг, сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича махсус компания ва фирмалар мавжуд бўлиб, улар бизнинг тушунчамиздаги махсус корхоналардек мустақил фаолият кўрсатадилар. Уларнинг типик вакили сифатида Япониянинг мавжуд СУ корпорациясининг АҚШдаги бўлимини иш фаолияти тажрибасини ёритамиз<sup>1</sup>.

Маркетингнинг Японча тактикаси, савдо компанияларини товарларни сотища агентликлар сифатида фойдаланиш билан характерланади. Савдо компаниялари тижорат ишлари билан боғланган барча воситачилик функцияларини ўз зиммасига олади. Бунда валюта ҳисобкитоблари, тарифлар, юк ташиш ва квоталарни белгилаш каби вазифаларни бажаради. Улар жойлардаги бозорларда товарларни сотиш билан боғлик бўлган барча қийинчиликларни, минтақа ва мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, илмий, худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритади.

Хар бир савдо компанияси бир вақтнинг ўзида бир неча фирмаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш билан шугууланади. Бунча у юқори даражада комиссион ҳақ олади (соф даромаддан 30 фоизга тўғри келади). СУ корпорациясининг япон бўлими, япон воситачи фирмаларига маҳсулотни сотища ёрдам бериши учун атайлаб махсус

<sup>1</sup> Голбуков Е.П., Голбукова Е.Н., Секерин В.Д. Маркетинг: Выбор лучшего решения. - М.: Экономика, 1993, 93-97 бетлар.

ташкىл этилган. Күйидаги чизмада бу бўлимнинг бошқариш бўйича ташкилий тузилиши келтирилади (7-чизма). Чизмада келтирилишича маркетинг минтақавий бўлимнида маркетинг функциялари (вазифалари) товарларни сотиш ва унга ёрдам бериш бўлимчалари орасида тақсимланган. Товарларни сотиш бўлимчалиси хизматчилари Япониянинг айрим минтақаларида сотиш режаларининг ойлар, йил чораклари ва йил давомида бажарилишига жавобгардирлар. Улар бу вазифани бажарищда воситачи фирманинг савдо вакилларини кўлтаб-куватлаш орқали эришадилар. Товарларни сотишга ёрдам бериш ва қўллаш кўйидаги ишларни амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилади:

- маҳсулотни намойиш этиш, кўрсатиш, тарғиб этиш;
- товарни сотиш олдидан харидорларга маслаҳат бериш;
- харидорларни излаш, излаб топиш;
- контракт тузиш бўйича яна бошка вазифалар.

Бу ишлар минтақалар бўлинишини эътиборга олган ҳолда воситачи фирмаларнинг фаолиятига ёрдам тариқасида ҳам ташкىл этилади. Маркетингли минтақавий бўлими функциясиға бозор ҳолати, келажаги, динамик ўзгаришини прогнозлаш ҳам киради. Бу ишни амалга оширишда махсус ихтисослашган япон фирмаларининг бозорни ўрганиш бўйича амалга оширган тадқиқотларидан ва ўзлари олиб борган изланишлар натижаларидан фойдаланилади. Воситачи фирма ҳам, ўз навбатида, параллел равишда ўзининг мустакил прогнозларини ишлаб чиқади. Прогноз тўрт йилга тузилиб, унча бозорда товарни кутилаётган сотиш ҳажми ва унинг бозордаги улуши ўз ифодасини топади.

Япон бозори учун махсус дастур ишлаб чиқиш ҳам воситачи фирмага ёрдам тариқасида узок муддатта мўлжалланган ишларицир. Маҳсулот маркетинги бўлимчалиси бажарадиган вазифалари (функциялари) кўйидагилардан иборат:

- ҳар хил бозордаги ракобат даражаси аҳволи ва харидорларнинг аҳволини, ҳолатини аниклаш ва ташкىл этиш;
- аниқ маҳсулот ва бозорлар учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам бериш, сотишни



7 - чизма. СУ компаниясишаг Япон бўлимишаг бекларни маккамасини ташкилган тухзими.

рағбатлантириш (сотиши бўлимчалари билан кооперация қилган ҳолда);

- Японияда янги товарларни қўллаш ва уларнинг келажагини таҳлил этиш;

- корпорациянинг штаб-квартирасида янги маҳсулот яратувчиларини тегишли, керакли маълумотлар билан таъминлаш;

- ҳарицорларга (истеъмолчиларга) ва сотувчи ходимларга консультациялар бериш ва ҳоказолар.

“Чандлер” хусусий корпорациясининг ихтисослашган маркетинг компанияси ташкил этиш тажрибаси ҳам дикқатга сазовор. Корпорациянинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти асосан, қўйидаги тўрт йўналишда: мебель, полларга ишлов бериш воситалари, ҳавони тозалаб тургичлар ва инсектицидлар орқали амалга оширилади.


Корпорация 1500 номдаги товарларни дунёнинг кирқ етти мамлакатига етказиб беради. Қўйицаги чизмада “Чандлер” корпорациясининг Италиядаги “қиз” компаниянинг бошқариши ташкилий тузилиши берилган (8-чизма).

Бу компания ўзининг ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлмай, тегишли, керакли маҳсулотларни Нидерландиядан олади. Яъни у соф маркетинг компаниясидир.

Италияда маркетинг фаолиятини мукаммаллаштириш зарурити туфайли, генерал (бош) бошқарувчи бир вактнинг ўзида маркетинг бошқарувчиси функциясини ҳам бажаради. Бош бошқарувчига бўйсунувчи бошқарувчилар корпорациясининг Европа мамлакатларининг бошқа бўлимларидағи ҳамкасаблари билан маълумотлар алмасиб турадилар.

### **3.5. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИ**

Маркетингни иқтисодиётимизга кириб келиши кўпроқ чет эл тажрибаларидан фойдаланган ҳолда уни янада такомистлаштириш на мукаммаллантириш, бизни маркетологларимиз олдига қўйилган долзарб вазифалардан бўлиб колмоқда. Ҳусусан, маркетингни Америкадан бошланиши.



*ривожланиши ва тақомиллашиши концепцияларининг пайдо бўлишини кўплаб иқтисодчилар, шу жумладан, Ф. Котлер томонидан ҳам эътироф қилинганди. Албатта бунда ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий тузими, иқтисодий қуввати, меҳнат ва табиий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.*

*АҚШда ривожланган рақобат шароитида маркетингни бошқариш, корхонанинг келажагини ҳал килувчи жараёндир. Ҳар қайси АҚШ корхонаси у ёки бу истеъмолчилар гурухи учун маълум қийматга эга бўлган товарни тақлиф қиласди. Айирбошлаш-сотиш орқали корхоналар маълум фойда олиб ишини давом эттиришга интилади. Маркетинг бошқарувчилари шу товарнинг айни мақсадли бозор учун керакли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Бошқарувчилар товарни лойиҳалаштириш жараёнидан ўргана бошлишади. Америкалик маркетологлар маркетингни бошқариш жараёнини тўрт жараёнга ажратишади. Булардан биринчиси-бозорни ҳолатини таҳлил қилишдир. Бу шароитнинг ўзи бир неча ташкилий ишлардан иборат бўлиб, улардан бири маркетинг тадқиқотлари ва маркетинг ахборотлари тизимиdir. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми кам бўлганда, товар ассортименти ҳозиргидек кенг бўлмаган даврда ҳар хил тадқиқотларнинг ўрни АҚШда кичик эди. Лекин ҳозирги даврда бошқарувчилар истеъмолчилар тўғрисида максимум ахборотларга эга бўлишлари керак ва бунинг учун ҳар хил маркетинг тадқиқотлари, бу кўйилган муаммопи ечиш учун керакли ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш демакдир. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун кичик корхоналар АҚШда тадқиқот марказларига мурожаат қиласдилар. АҚШда 73 фойиз катта компаниялар ўзларида тадқиқот бўлимларини очган. Мана шу бўлимлар керак бўлганда тадқиқотлар олиб бориб бозорнинг ҳусусиятини, корхоналарнинг бозордаги улушини, сотиш таҳлили, товарларни ўрганиши, янги товарга бўлган ҳаридорлар муносабати, баҳолар сиёсати, кисқа ва узок муддатли бозордаги ўзгаришларини таҳлил қилиш каби кўпгина кузатиш шилариши олиб боради. Шунга ўхшашиб тадқиқотлар*

натижасида корхоналар бозордаги харидорнинг сотиб олиш қобилияти қандай, товарга бўлган эҳтиёж қандай, бериладиган рекламаларнинг самараси қандай бўлади, деган саволларга жавоб топа олади. Буни эса маркетинг ахборотларини таҳлил килиш тизими амалга оширади. Шу ерда айтиш жоизки, маркетингни бошқаришнинг муҳим тамойиллари мавжудки, АҚШ корхоналари шу тамойил билан бошқаришни амалга оширади. Ҳар бир корхона ўз маркетинги олдига қўйган мақсадга эришишини ўзига қулай бошқариш тизими чизмасидан фойдаланади. Булардан АҚШда энг кенг тарқалган бошқариш чизмаси - функционал тузилмадир. Бу тузилманинг чизмаси, унинг вазифалари III бобининг 3.2.-параграфида муфассал берилган.

*Функционал бошқаришнинг асосий ҳусусияти унинг соддалиги*дир. Лекин ишлаб чиқаришнинг кенгайиши бунда ё бошқариш тизимининг самарасини пасайтиради. Ҳар бир бозор ёки товар учун алоҳида режалар тузиш, тадқиқотлар олиб бориш, умуман фаолиятини олиб боришини қийинлаштириб қўяди.

Йирик АҚШ компаниялари бутун мамлакатда ёки алоҳида бошқа мамлакатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундай фаолият олиб бориша маркетинг географик тамойил орқали олиб борилади. Бу ерда битта умумшилий сотиш хизмати бошлиғи ва минтақвий сотиш хизмати бошликлари бўлади. Шунингдек, вилоят, туман бошликлари ва савдо агентлари жойлардаги истеъмолчиларга яқин бўлади, вакт ва бориб-келиш харажатлари камаяди, ишнинг унуми ошади. АҚШда қўлланиладиган яна бир маркетингни бошқариш тузилма шакли товарлар тури ишлаб чиқариши бўйича бошқаришдир. Бунда товарнинг номенклатуроси бўйича бошликлар бўлади. Ҳар бир товар бўйича бошлиқ режаларни ўзи тузади, ишлаб чиқади, назорат қилади. Бундай бошқариш усулини биринчи бўлиб юқорида қайд этганимиздек, 1927 йилда “Проктер энд Гембл” компанияси қўллаб, катта ютукларга эришган. Ҳозирги кунда кўпгина озиқ-овқат ва косметика соҳаларида иш олиб борувчи корхоналар, айнан “Дженерал Фудз”, бу усулни қўллайдилар. Товар ишлаб чиқариш тамойили бўйича

маркетингни бошқаришнинг қулай томони, биринчидан, бошқарувчи товар бўйича бутун комплексни бошқаради, иккинчидан, бозордаги товарга бўлган ўзгаришни тез пайкайди ва унга хос ҳолда мослаша олади. Учинчидан, иккинчи даражали кичик товарлар корхона, фирма учун четда қолиб кетмайди, чунки шу товар бўйича ҳам бошлиқ бўлади. Лекин салбий томонларидан бирни харажатларнинг кўпайишидир, чунки ишчилар сони кўпаяди, яна бир томонн башқарувчилар ўртасида келинцимовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

*Маркетингни бошқариши тузилмаларидан яна бирни бозор тамоили орқали бошқаришдир.* Бу усул орқали бошқаришда ҳар бир бозор учун алоҳида бошлиқ бўлади. Бунда бошқарувчи айнан бозордаги сотишни режалаштириш ва бошқа фаолиятни олиб боради. Шу боис ҳозир кўпгина фирмалар товар усулидан бозор тамоили асосида бошқариш усулига ўтмоқдалар.

Юқорида кўрсатилган ана шу тўртала бошқариш тузилмаси асосида АҚШ корхоналари ўз маркетинг фаолиятини бошқаради. Шундай бўлсада, бошқа корхоналар маркетингни бошқаришда ягона жараённи босиб ўтади. Бу жараёни олдин айтиб ўтилган маркетинг тадқиқотлари тизимини бошқаришдан бошланади. Хуроса килиб шуни айтиш мумкинки, АҚШ корхоналарища маркетинг бошқариш яхши йўлга қўйилганлиги учун ҳам жаҳондаги мамлакатлар ичидаги етакчи ўринда бормокда.

Чет элда маркетингни бошқариш мавзусига қўшимча килиб, Япония маркетинг бошқариш жараёнининг ўзиға хос хусусиятлари тўғрисида гапириш мумкин.- Ҳаммага маълум-Япония дунёда ўз мавқеига эга, ишлаб чиқариш ривожланган, ахолининг яшаш шароити юқори даражада бўлган бой мамлакатдир. Японларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш иктисаддаги ўринини жуда яхши тушунганилти ва ушан яхши фойдаланишини Европадаги болика мамлакатлардан тубдан ажralиб туради. Кўп йиллар давомида Япон иктисадчилари ишлаб чиқариш жараёнининг технологиясини чукур ўрганиб, уларнинг натижаларидан оқилона фойдаланишини ўзлаштириб олдилар. Японияда

бошқариш тизими жуда яхши йўлга қўйилган. Тизимнинг асосий тамойили керакли товарларни керакли вақтда ва керакли ҳажмда ишлаб чиқаришдир.

*Бошқариш тизимининг вазифаси - ишлаб чиқаришдан кераксиз элементларни чиқариб ташлаш, сақланадиган ортиқча захираларни ўқотишдан иборат. Етказиб бериш ва ишлаб чиқаришининг автоматлаширилганлиги, ўз вақтида амалга оширишининг ишлаб чиқариш тұхтаб қолмаслиги, талабнинг ўзгаришига жуда тез мөслинишини таъминлайди.*


Умуман маркетинг фаолияти Япония корхоналарини гарбдаги корхоналардан ажратиб туради. Булар албатта географик, ижтимоий, тарихий омиллар ва давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлик. Қўйидаги омиллар Япония маркетингининг бошқарилишига таъсир кўрсатди. Булар:

- ишлаб чиқариш ва давлат ўртасидаги боғлиқлик;
- ишлаб чиқариш мұхити;
- дунё бозори учун ишлаб чиқарилган товарлардан иборат.

Азалдан Япония давлати корхоналарининг чет мамлакатлар билан ривожлана олишини таъмини учун уларга ҳар хил маблағлар ажратган. Чунки географик ва табиий шароити Японияни шунга мажбур этган. Бу ўринда Япониянинг дунёдаги ўрни, иқтисодий кучи ва муваффакиятини кўрсатиш учун айрим статистик маълумотларни келтирмокчимиз. Жаҳон бозорида сотиладиган соатларнинг 82 фоизи, мотоциклларнинг 55 фоизи, телефон аппаратларининг 66 фоизи, видеомагнитофонларнинг 84 фоизи, рангли телевизорларнинг 53 фоизи, калькуляторларнинг 17 фоизи, фотокамераларнинг 84 фоизи Японияга тегишлидир. 1985 йилнинг ўрталарида "Артур Д.Питтл" консультацион фирмаси барча мамлакатлардаги фирмаларнинг бошқарув табақасига анкета-сўрови тарқатди. Буни ўтказишдан мақсад корхоналарнинг айрим элементларига янгиликлар киритишнинг ўрни қандайлигини аниқлаш эди. Европаликлар умумий иш вактининг 26 фоизи, Шимолий

Америкаликларнинг 24 фойзи, Японияликларнинг 33,3 фойзи янгиликларни киритиш муаммолари билан банд бўлар экан.

Бошқа мамлакатларга нисбатан Япония маркетингта янгиликлар киритиши қанча микдорда бўлишини таъкидлаганини қўйидаги солиштиришдан кўришимиз мумкин (1 - график). Ушбу графикдан кўриниб турибдики, Япония корхоналарининг бошлиқлари маркетингни бошқариш жараёнида, товар ишлаб чиқаришда, бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ янгиликлар киритишга, янги товарлар ишлаб чиқаришга, бозорларни ўрганишда янги сегментларни излаш, янги эҳтиёжларни қондиришга, маркетингдан кўпроқ фойдаланишга интилишларини кўриб турибмиз.



1 - график. Маркетинг, бошқариш ва товарларга киритишни янгиликлар улутти, фонг чиқобига.

Кейинги 10 йиллар ичида японлар ўз маркетинг кувватини дунёга намойиш этди. Маркетингни бошқаришда истеъмолчилар сотиб олишни хоҳлайдиган товарлар ишлаб чиқариш зарурлигини ва бу товарларни энг қисқа вақт ичида бозорга чиқаришга интиладилар. Япония, умуман, бошқариш жараёнида “секин-тез” тамойили орқали иш тутади, дейиш мумкин. Кўпгина ишбилармон япон бизнесчиларининг қарор қабул қилишида иккиланиши, секин иш юритишини қайд этиш мумкин. Бошқарин токи бир ечимга, фикрга келмагунча, жуда секин боради. Бу секинлик бозорни ва товарни ўрганишни, сотишининг яхши бориши режаларининг самарали тузилишини таъминлайди. Қарор қабул қилингач, япон фирмалари янги-янги товар ва хизматларни тезлик билан бозорга киритиб, бозорни қамраб олади.

“Мицубиси” фирмаси илмий-тадқиқот институти ходимларининг фикрича, товар чиқаришдан олдин, уни қанчалик кўп эмас, балки кам ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаш лозим бўлади. Чунки Япониядаги рақобат шуни талаб этади.

### **3.6. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛANIШИ**

Маркетинг XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ҳаридор талабини қондиришга мўлжалланган, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-сотиш, савдо фаолиятларини ташкил этиш ва бошқариш тизими сифатида пайдо бўлган. Бироқ собиқ социалистик, молиявий-хўжалик фаолиятини режа асосида, маъмурий бошқариш асос бўлган жамиятда, маркетинг энг дастлабки ташкил бўлиш зарурати, негизи ҳам ўз-ўзидан яроқсиз, кераксиз ҳолга келди. Айнинса, 50-80 йиллардаги хўжалик юритишда баҳолашдаги ялпи миқдорий қўрсаткичларнинг устунлиги, йирик хўжалик ва вазирликларнинг яккаҳокимлиги ношуц, кун сайин емирилиб бораётган, “касалланган” хўжалик механизмининг яратилишига олиб келди. Харажатларнинг ўсиб боришига асосланган иқтисодиёт - асосий мақсад сифатли товар ишлаб

чиқариш, пировард мўлжал харидорлар талабини қондириш ва фан-техника ютукларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштирувчи ўзгарувчанлик, мослашувчанлик каби ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи ҳаракатлардан маҳрумдир.

*Ишлаб чиқариш ва умуман хўжалик юритишга маркетинг нуқтаи назаридан ёндашии харидорга таъсир қилишининг кенг жабхаларини ўз ичига олади.* Бу бозор учун бўлган рақобат курашининг ўзига хос хусусиятларини аниклашга олиб келади. Бозор донрасида сабаб-натижка алоқаларини таҳлил қилишнинг маҳсус усусларини қўллаб, харидорлар талаби, эҳтиёжи, диди ва таъби тўғрисида ахбороглар топиб, корхона ва ташкилотлар, маркетинг концепцияси у ёки бу товарга ва хизматга харид қизиқишини шакллантириш учун иқтисодий, ташкилий, техник ва ижтимоий йўналишларни ташкил қиласи. Улар талабнинг мумкин бўлган ривожланиш истиқболилии аникладилар, уни мақсадли йўналишини шакллантириш учун қарорлар қабул қиласилар ва кўрилган тадбирлар самарадорлигини албатта назорат қиласилар. Харид масалага маркетингли ёндашишдаги ҳар томонлама таҳлилнинг ўзига ҳослиги, бозордаги юз берадиган жараёнларни ҳисобга олишгина эмас, балки ишлаб чиқариш корхоналари, товарларни етказиб берувчи воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ва улар билан боғлиқ бошқа барча ташкилотларнинг бозор бўйинлари тизимидағи оператив ва узоқ вактга мўлжалланган аниқ мақсадларининг ўзгаришини таҳлил қилишdir. Маркетинг хўжаликнинг маълум бир тармоғига, масалан, ишлаб чиқаришга ёки савдога таълукли деб ўйлаш нотўри бўлур эди. У бозорга хизмат кўрсатувчи барча хўжалик субъектларини ўз ичига олади ва улардан биргаликда ва яхлит (комплекс) фойдаланилганда, биргаликдаги фаолиятнинг сўнгти натижаси учун умумий стратегик йўналиши мавжуд бўлган ҳолдагина учинт восита ва усуслари самарали натижа беради.

Бизнинг иқтисоднётимиз шароитларидан келиб чиккан ҳолда, бундай натижалар: бозор ва миллий иқтисодиёт

манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда- истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил қилиш, товар айланиши микдори ва таркибини шакллантириш, бозор талаблари нүктай назаридан миллий иқтисодиётнинг истиқболини аниқлаш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. *Маркетингли ёндашиш, марказдан туриб бошқариши ва режалаштиришдан нима билан фарқ қиласди?* Бунда корхона ва ташкилотларнинг иш амалиётида бозор талаби умуман ҳисобга олинмас эди. Маркетинг эса сотиш учун таклиф қилинаётган товарнинг ҳам, унга алмашинадиган ва ахолининг турли табақаларининг даромадларига асосланган пул оқимининг ҳам аниқ манзилли бўлишини талиб этади.

Марказлаштирилган режалаштиришдаги ялпи - қийматли ёндашув пул ва айниқса товар масаласини ҳеч қандай бошқармайди, аксинча уни маъносиз ўртacha ҳаридор деб аталувчи ҳаридорга йўналтиради. Ҳатто, етарли имкониятлар мавжуд бўлган ҳолда ҳам талаб ва таклиф орасида мувозанат бўлмайди, чунки корхоналар шундай шароитда фаолият кўрсагадики, улар учун бозор талабларига мослашишнинг кераги бўлмай қолади. Фақат ишлаб чиқариш режасини бажариш ва ошириб бажариш керак бўлади. Кейин бозорнинг ўзи унга келиб тушган товарни ютиб кетади. Бизнинг иқтисодиётимизда мавжуд бўлган доимий тақчиликк қонуни шундан иборат эди. Борди-ю ишлаб чиқарилган товарнинг бирон-бир қисми бозорда ўзига ҳаридор топа олмаса, корхона ҳеч қандай зарар кўрмас ва у ҳеч қанча моддий жавобгарликка тортилмас эди. Бунақа “иш”дан келиб тушадиган зарар жами“т “елкасига” оғир юк бўлиб тушар эди, холос.

Маркетингли қарорлар қабул қилиш корхоналардан бозорга мумкин қадар мослашишни ва давлат иқтисодий сиёсатига тўлиқ жавоб бериш билан бирга ишлаб чиқарининг самарацорлиги ва фойдалитигини кўпайтириш, меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорликни оширишга асосланган ўзининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишини ҳар вақт талаб этади. Нима учун бундай ҳол содир бўлади? Гап шундаки,

маркетингли ёндашувда қиймат қонуни ва товар ишлаб чиқаришнинг бошқа иктисодий қонунлари қатъий амал қилади. Ана шу асосда фақат бозоргина товар-пул алмашинувини таъминлайди. Ишлаб чиқилган моддий бойликлар пул эквивалентига алмаштирилмас экан, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тугалланган ва тўлиқ бўлмайди ва япги ишлаб чиқариш даври цикли бошланиши ўз-ўзидан мумкин эмас. Энг кам ҳом-аше, материаллар, меҳнат ва молия ресурслари сарфи билан талабни кўпроқ, тўларок қондиришга имкон берадиган маркетинг стратегиясининг маъноси ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, маркетинг усулларидан фойдаланиш корхона манфаатлари ва мақсадлари, жамият мақсадлари ва манфаатлари билан бирлаштирилади, иктисодиёт тараққиётига микро ва мағроиқтиносий ёндашув бирлигини таъминлайди.

Республикамиз ўзининг мақсадлари ва иктиносий дастурларини фақат бозор механизми орқалигина амалга ошириши мумкин. Бунга бизни кейинги вақтдаги товар-пул муносабатлари ва бозор иктисодиётининг ривожи ҳам ишонтирумокда.

Бозор товар хўжалигининг иктиносий категорияси бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва муоммаласи қонунлари асосида ташкил этилган айирбошлашдир. Бошқача қилиб айтганда, бозор сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ва харидор (истемолчи)лар ўртасида содир бўладиган барча иктиносий муносабатлар йигиндисини ўз ичига олади. Бозор алокалари ва муносабатлари олди-сотди акти сифатида оддий товар айирбошлашдан тубдан фарқ қилади. Бу аввалобор товар - пул муносабатларини такрор ишлаб чиқаришнинг мумкинлиги ва зарурлиги ҳамда товар хўжалигини юритишининг шароитларида кўринади. Бозор механизми харидор талабини қондиришга, ишлаб чиқариш харажатларини қоплай олишга, барқарор ишлабётган ҳар бир корхонанинг фойдалилигини таъминлашга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишига манфаатдорлигини пайдо килишга ва маҳсулот сифатини оширишга кодир хўжалик юритиш куролидир.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари амал қилган шароитда милий иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлмиш корхона ва бирлашмаларнинг хукуқ ва масъулиятлари кенгаяди, уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар сифатидаги роли ошади. Товар-пул муносабатларининг буидан кейинги ривожи иқтисодиётнинг нодавлат сектори (кооперативлар, ҳиссадорлик жамиятлари, ижарачилик, хусусий ишбилиармошлиқ)нинг кенгайиниши билан боғлиқдир.

Маркетинг элементлари ҳозирги республикамиз ҳудудида қадим-қадимлардан маълум бўлиб, у айниқса эрамиздан олдинги II асрдан XVI асрдаги Буюк Ипак йўли номи билан машҳур карвонлар ўтган мамлакатларди кенг қўлланылган. Бунда Каравонсаройлар катта хизмат кўрсатгаф. Уларда ҳар хил мамлакатлардан кепган сиёсатчи, иш одамлари, таџбиркорлар, савдогар, судхўр, воситачилар учрашар, ҳар хил иқтисодий масалалар: ишлаб чиқариладиган товарларининг ассортименти, сифат кўрсаткичлари, ўлчов бирлиги, уларга бўлган талаб ва таклиф, баҳолар, соликлар, хизматлар ва ҳоказолар ҳақида ахборотлар йигилар, таҳлил килинар, ўртоқлашар, келишилар, шартномалар тузилар ва амалга оширилар эди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан бўён унинг иқтисодиётининг барча жабҳаларида йирик ўзгаришлар содир бўляпти. Айниқса, автомобиль саноати, енгиз саноатда ва қишлоқ хўжалигинда юксак даражада тайёр маҳсулотлар ички ва ташқи бозорга ишлаб чиқилмоқда. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш, ички ва ташқи савдо шароитининг муттасил ўзгариб бориши, бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитини, унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни такозо этмоқда. Шунинг учун республикамиз олимлари ва ишбилиармон мутахассисларининг маркетинг назарияси ҳамда амалиётига, ишлаб чиқаришни ташкил этиши ва таомиллаштиришнинг янги шакл ҳамда усулларига қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Бозор таъабини яхши билниш, корхона маҳсулотини режалаштириш, лойиҳалаш, яратиш ва ишлаб чиқаришни, харішор талабига мувоффик равишда аниқ амалга ошириш имконини беради. Шуни

алоҳида таъкидлаш лозимки, маркетингни яратиш ва бошқармани ташкил этишининг ягона андозаси йўқ. Республикаиздаги ҳар бир корхона, айниқса хорижий мамлакатлар билан ташкил этилган қўимма Корхоналар ташки омишлилар ҳамда хўжалик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўзига мос маркетинг дастурини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Кейинги қиска муштада республикамизда тижорат, ахборот, рекламанинг рамзи бўлган маркетингнинг оммавийлиги жуда кучайиб кетди. “Ўзбекистон бошқа давлатлар тараккиёти жараёнида тўпшанган ва республика шароитига тадбир қилса бўладиган барча ижобий ва макбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самараат”; фойдаланаци. Гап бирон бир моделни, уатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўё-кўронада кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усулилар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижсбий натижада беради”<sup>1</sup>.

Хозирги пайтда республикамизда олиб борилаётган ва режалаштирилган тадбирлар асосан тайёр маҳсулотлар яратиш ва уларни жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Ушбу тадбирларни амалга оширишда эса, бевосита маркетингни бошқариш ва бозор йўналишидаги савдо-сотникнинг ягона тизими бўлиши - корхопани бошқаришдан иборат бўнади. Бу эса раҳбарият ва умуман корхона фаолиятишаги янада юқорироқ босқич бўлиб, корхона янги илғор технологияга асосланган ҳолда бозор талабларига асосан иш юритади. Шунингдек, республикамиздаги ишлаб чиқаришадиган маҳсулотларнинг техниковий кўрсаткичларини ҳам такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бунда ўз нафбатида ишлаб чиқариш харажатларигина эмас, шу билан бирга бозор нархлари даражаси ҳам эътиборга олинмоқда. Айниқса товарларни ўраш-жойлаш муйяян даражада маҳсулотни сотишни тезлаштирувчи ва айни пайтда товарларнинг фирма рекламасини кенгайтирувчи муҳим тадбир ҳисобланади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиколол ва тараккиёт йўли.  
- Т.: “Ўзбекистон”, 1992. 9-10-бетлар.

Кейинги ўн йиллик мобайнида саноати ривожланган мамлакатлар тараққиёти тарихида ва учинчи дунё мамлакатларида ташки иқтисодий фаолиятни жонлантиришда етарлича тажрибалар түгланди. Ривожланишнинг бундай йўли натижасида, республикамиизда истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг чорак қисмидан кўпроғи, шу жумладан, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган маҳсулотлар жами ҳажмининг 2/5 қисми бошқа мамлакатлардан келтирилди, импорт қилинди, айни пайтда республикамииздан четта чиқариладиган маҳсулотларнинг 80 фойздан кўпроғини пахта хом ашёси ва ярим тайёр маҳсулотлар ташкил этди. Ҳозирги пайтда республикамиизда фаолият кўрсатаётган минглаб қўшма корхоналарнинг замирида маркетинг ётибди. Уларда асосан ўрганилган талаб ва таклиф асосида жаҳон андоузаларига мос келадиган товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳусусан, “Совпластитал” қўшма корхонаси маҳсулотлари, “УзДЭУ” компаниясининг электроникаси, автомобиллари, “Тошинтерм” қўшма корхонаси термослари ва шуларга ўхшаш минглаб қўшма корхоналар замон талабларига мос товарлар ишлаб чиқармоқда. Бундай қўшма корхоналарнинг очилиши ва сифатли товарлар ишлаб чиқарилиши кўп жиdatдан мутахассис-кадрларга сармоя ва эркин фаолият кўрсатишига боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда республикамиизда етарли ва муқаммал даражада маркетинг билан шугууланадиган ягона давлат органи мавжуд эмас, фақат Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигида Маркетинг Бош бошқармаси очилган ва у республикамиизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар йўналишини белгилаб туради. Амалиётда маркетингни бошқариш корхонанинг ўз маркетинг тизимини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бу тизим эса уч асосий ташкилий қисмдан иборат бўлаци. Булар: ташкилий-бошқарув; тадқиқот; дастурий-назоратдир.

Энди ана шу уч ташкилий қисмни кўриб чиқамиз. *Тизимнинг ташкилий-бошқарув қисмida маркетингни ташкил этиш билан шугууланадиган хизматдан иборатлигини куришимиз мумкин.* Бунда корхонанинг барча

бўлинмаларини зарур аҳборотлар билан таъминлаш ва уларнинг бозор таъбларига мўлжал олиш билан боғлик жамики ишларни ўзаро мувофиқлаштиради.

*Тизимнинг тадқиқот қисмida корхона маркетингини унинг бозор, ишлаб чиқариш, нарх, реклама ва бошқа фаолият соҳаларини қамраган ҳолда тадқиқ этишининг услугий, аҳборот йўл-йўриклиари ва тартиб-қоидаларидан иборат бўлади.*

*Дастурий-назорат қисмida эса маркетингнинг мақсадли дастурлари ва уни назорат қилиши кўриб чиқиласди. Бундан кўзланган асосий мақсад, бозордаги мавжуд вазиятлар ва корхонанинг кувват имкониятларига Караб турли даврда стратегия, тактика, оператив бозор фаолиятини шакллантиришдир.*

Юкорида келтирилган ва бошқа хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланиб келинаётган бу асосий ташкилий қисмлардан фойдаланиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу масалаларни ечиш учун республика бизнес ва маркетинг соҳасида юксак касб маҳорати билан иш юрита оладиган кучли мутахассислар зарур. Улар, бир томондан, бозорга, шу жумладан, талаб, дид ва эҳтиёжни батафсил ва атрофлича таҳлил этиш, иккинчи томондан, бозорга, жумладан, талаб, эҳтиёж ва мойилликни шакллантиришга фаол таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши керак. Телекоммуникация алоқаларини ривожлантириш, компьютер ва йўлдош алоқаси воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш, шунингдек, маданият ва маънавий турмуш соҳаларида ўзаро мулокотлар ҳам кўп жиҳатдан ташки алоказларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Хорижий мамлакатлар билан савдо, илмий-техникавий ва маҳаний алоқаларни кентайтириш, Ўзбекистонда хорижий сармоялар билан кўшма корхоналар барпо этиш, ёшларни жаҳондаги широр ўкув юртларида ва илмий марказларидан кенг кўламдаги таълимими ташкил қилиш-мана шуларнинг ҳаммаси республикада иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришининг, жаҳон ҳўжалиги алоқаларига

киришнинг, жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли, муносиб мавқега эришишнинг муҳим омилларицир.

*Такрорлаш учун саволлар*

- 1. Маркетингни бошқарыш тизимининг аҳамияти ва моҳияти нимадан иборат?*
- 2. Ишлаб чиқариш корхонасининг маркетинг фаолиятини ташкил этишининг қандай шаклларини биласиз?*
- 3. Вазирликларда маркетингни ташкил этиши хусусиятлари нималардан иборат?*
- 4. Соғ маркетинг корхоналарида бошқарыш тизими қандай ташкил этилади?*
- 5. Маркетингни бошқарышнинг чет эл тажрибаси.*
- 6. Маркетингни бошқарышнинг ривожланиши жароёнлари республикамизда қандай кечмоқда?*

**“Бизнесни яхши бошқариш унинг келажагини бошқариш демакдир; бизнес келажагини бошқариш эса маълумотларни бошқариш демакдир”**

*Мэрион Харпер*

## **IY боб. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТЛАР**

---

### **4.1. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТЛарНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ**

Бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан бири ахборотларниң тўлақонли бўлишидадир. Умуман олганда ҳозирги кун саноат, индустрия асрини ахборотлар билан алмашганлиги билан ҳарактерланади. Индустрислар учун хос бўлган ҳусусиятлар: моддий неъматлар, саноат ишлаб чиқаришнинг устун даражада ривожланиши, саноат ишчилари ҳиссасининг ошиб бориши билан ҳарактерланса, ишлаб чиқариш эса ялпи, йирик туркумли ва катта сифимдаги бозорга мўлжалланган бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошибши жонсиз ва жонли меҳнатни, хом ашё, моддий ресурсларни тежаш ҳисобига, корхонани кенгайтириш ва таннархини пасайтириш ҳисобига амалга ошириладиган бўлса, ахборотлар даврига келиб иқтисодиётда ҳизмат кўрсатиш тармоқларининг улуши ортиб боради ва айниқса ахборотлар ҳизматини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган воситачилик ҳизмати юқори даражада ўсади. Бу даврда ишлаб чиқариш нийҳоят даражада мослашувчан, якка, айрим буюртмаларни бошқаришга кичик эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган, қандайдир айрим харидорнинг ҳар қандай ҳоҳиш ва истагини қондиришга қаратилгандир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш муаммоси ҳам ўзгача бўлиб, ўтмиш меҳнатни тежашга, сотиш ва бошқариш ҳаражатларини камайтиришга кўпроқ боғлиқдир. Буларниң барчаси ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибицаги

үзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унинг таркибидаги, масалан, АҚШ, Япониянинг аксарият саноат тармоқларида иш хақи харажатларни 5 фоиздан ошмайди. Ҳозирги ахборотлар даврининг ўзига хос хусусиятларидан бирни кооперативлар, кичик ва ўртача корхоналар сонининг кўпайиб бориши ва ҳар бир ишчи хизматини бошқариш ва фойдада иштирокининг ортиб бориши билан характерланади.

Бу даврда меҳнат билан машғул ходимларнинг сони ва улуши ортиб боради. Масалан, АҚШ қишлоқ хўжалигида 40-йилларда “яшил” революция номини олган революция дехқонлар синфини йўқ қилиб, улар ўрнига қишлоқ хўжалик тадбиркорлари синфини келтириб чиқарди. Бу фермерлар хўжалиги туфайли шаҳар ва қишлоқ орасида фарқ деярли йўқ қилинди. АҚШ фермерларининг 90 фойздан ортикроги олий маълумотли. Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаи фарқ деярли тутатилган. Масалан, агар АҚШ автомобиль саноатида 150 дан ортиқ ишчи ва хизматчиларнинг касби маълум бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 5 хилдан ошмайди. Улар ҳам асосан техниклардир ва ниҳоят, агар индустря асирида қўшимча қўйматининг манбанини жисмоний меҳнат ташкил этган бўлса, ахборотлар даврида инженер ва бошқарувчилар меҳнати ташкил этади. Ҳозирги ахборотлар асирида ҳар қандай меҳнат маркетинг билан узвий боғланган ва тўлиқ равища унга таянади.

Мамлакатда иктисолиётнинг ривожланиши, бошқариш тизимини мукамаллаштириш, ахборотларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ахборотлар миллий иктисолиётнинг барча тармоқлари, соғалари, бўлинмалари (ин жойидан тортиб вазирликларгача) ва ушбу корхона билан ўхшаш корхоналар ва ташкилотлар ўртасида узлуксиз ахборот алмасишидан иборот. Фан-техника тараккиёти ўсиши билан бирга чиқарилётган товарларнинг номенклатураси ҳам ортади, тез янгиланади, ишлаб чиқаришининг техника базаси замонавий ва мураккаб машиналар тизими билан бойийиди, технологик жараёнлар интенсивлашади ва мураккаблашади, ишлаб чиқаришини ихтисослаштириши кенгаяди ва доказо

Шунинг учун корхонада фойдаланилидиган ахборотларнинг миқдори кескин ортади. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги замон машинасозлик корхонасида бошқариш эҳтиёжи учун ҳар соатда 100 мингдан кўпроқ ёки кунига бир миллионгача ахборот белгиларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ахборотлар етишмаса ёки улардан тўла фойдаланилмаса, бошқаришда хатоликларга йўл кўйилиши мумкин. Чунки бунчай ҳолда раҳбар ишлаб чиқаришнинг аҳволи хақида тўла маълумотга эга бўлмайди. Масалан, республика Макроинтисодиёт ва статистика вазирлиги 1996 йилда машинасозлик корхоналарини текширганда шу нарса аниқландикки, мазкур корхоналарда ускуналарнинг бекор туриб қолиш ҳолларининг 92,5 фоизи зарур ахборотларнинг ўз вақтида келиб тушмаганлиги сабаб бўлган.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистон миллий иқтисодиётни бошқаришнинг объектив зарур вазифалари бутун комплексни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ахборотларини ишлаб чиқиш учун ҳар йили  $10^{10}$  арифметик операцияни бажариш керак бўлган. Бунинг маъноси шуки, мана шу максад учун стол устига ўрнатиладиган клавишили арифмометрлардан фойдаланилганда камида 30 миллион кишининг меҳнати талаб қилинган бўлур эди. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мураккаб вазифалари бошқарув аппаратини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки бошқарув меҳнатини техника билан таъминлашни юксалтириш йўли билан ҳал этилади. Бошқаришнинг хилмажи техникасининг кенг қўлланилиши меҳнат унумдорлигини кескин оширибгина қолмай, балки бошқарув ходимларининг ижобий активлигини ҳам кучайтиради.

Ҳозирги пайтда маркетинг асбоб-ускуналарининг ишни автоматик тарзда назорат қилиб турадиган ва ҳисобига оладиган турли мосламалар ва асбоблар: “машина вақтини” ва бекор туриб қолиш вақтини сабаблари бўйича алоқида қайд этадиган мосламалар; маъмурий ишлаб чиқариш мосламаси ва сигнализация воситалари (қидирув-чақирув) ва ахборот мұассаси (курилмас); хужжатларни саклаш, излаш ва узатиш воситалари (турли картотекалар, қидирув

тизимлари учун ускуналар ва ҳоказолар); цех ва бўлимлар ичидаги кўлёзма шаклларини дистанцион тарзда етказиб бериш телевогографлар, компьютер ва кибернетик машиналар ишлатилмокда.

Корхоналарда машина-ҳисоблаш станциялари тармоклари яратилиши билан бошқариш ходимларини механизациялаштирилмаган ҳисоблаш операцияларини бажаришдан озод қилиш йўлида биринчи қадам кўйилди. Ҳисоблаш ишлари унумдорлиги 3-5 баробар ўсили. Ҳозирги вактда бошқаришининг кўпгина узвий ва умумий масалалари ЭҲМлар ёрдамида, математик методлар асосида ҳал қилинмоқда. Ҳозирғи саноат, электрон-ҳисоблаш ва кибернетик машиналарнинг 20 дан ортиқ турли материалларини ахборот тўплайдиган, уни ишга соладиган ва йифадиган 100 га яқин ҳар хил мосламаларни, шунингдек 100, дан кўпроқ хилдаги компьютерлар, машиналарни ишлаб чиқармоқда. Бошқарув меҳнатини техника билан қуроллантириш даражасини ошириш муҳим миллий иқтисодиёт вазифаларидан ҳисобланади. Яқин келажакда ахборотларни ишлатиш ва узатишнинг юксак унумли воситалари, шу жумладан, интеграл схемалар асосида қурилган блок тузилмасига эга бўлган ва ахборотни ишга тушириш ва олиш, дастурни таъминлаш хотираси ва тизимини ривожлантириш учун қурилмаларнинг кенг тўпламга эга бўлган бир бўгин электрон-ҳисоблаш машиналарини туркумли ишлаб чиқаришни ўзлаштириш назарда тутилган.

Бозор имкониятларини яхшироқ билиш ва маркетинг муаммоларини ечиш учун ҳар қандай ташкилот, корхона ёки фирмага тўлиқ ва ҳаққоний ахборот зарур. Улар ўз харидорлари, рақобатчилари, воситачиларини сотиш ва баҳолар тўғрисидаги матъумотларга эга бўлмай туриб, ҳар томонлама таълут этши, ривожлантириши ва назорат қилишини амалга ошира олмайдилар. Машхур америкалик маркетологлардан бири шундай деган эди: “Бизнесни бошқариш - бу унинг келажагини бошқариш, келажагини бошқариш - ахборотга эгалик қилиндиш”. Ҳакиқатан ҳам ахборот молиявий, ҳом ашё, асбоб-ускуналар ва ишчин кучи

каби мухим бошқариш ресурси ва обьекти бўлиб қолмоқда. Шу билан бир вактда хорижлик тадқиқотчилар таъкидлаганидек, бозор тўғрисидаги ахборотлардан тўлиқ қониккан корхонани топиш жуда мушкул. Айримлар аниқ маълумотларнинг етишмаслигидан нолисалар, бошқалари ноаник ахборотнинг кўплигидан нолийдилар. Бундан ташқари, ахборотнинг қанчалик ҳаққонийлигини аниглаш ҳам муаммодир. Шунинг учун, ҳатто, хорижда ҳам ҳарицор бозори шароитида жуда камдан-кам фирмалар ривожланган маркетинг ахбороти тизимиға эга эканликлари билан мақтана олади. Уларнинг кўтчилиги маркетинг тадқиқот бўлимларига эга эмас, бошқалари ўз таркибларида сотишни истиқболлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи кичик бўлимларга эга. Энди биздаги аҳволга келсак, бозорнинг аҳволи ҳақида ахборот тўплаш ҳали ўз ривожининг илк босқичида. Лекин янгидан-янги талабларнинг шиддат билан ривожланиши, маркетингнинг байналминаллашуви, ракобатнинг кескинлашиши самарали ахборотларга эгалик қилишни кун тартибига кўймоқда. Бунга янги техникаларнинг, янги компьютерлар, нусха кўчирувчи машиналар, видеомагнитофонлар ва бошқаларнинг кенг кўламда ишлатилиши кенг имкониятлар яратмокда.

*Умуман бозор тўғрисидаги ахборотнинг асосий манбай учта бўлиб, улар:*

- корхона хўжалик фаолияти ва унинг ракобатчилари тўғрисидаги маълумотлар;
- маҳсус тадқиқот ва кузатиш натижалари;
- мамлакат, туман, тармок ва бошқаларнинг умумий ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлариридир.

Корхона хўжалик фаолияти қўйидаги микдорий кўрсаткичлари билан характерланади:

- ўтган, ҳозирги ва кутилаётган даврда маҳсулот (товар) сотишнинг мутлақ ва қиймат микдори;
- ҳаражатлар ва фойда, ишлаб чиқариш микдори, ишлаб чиқариш кувватлари, ишчи қучи қиймати, ҳом ашё, захиралар даражаси, меҳнат унумдорлиги;
- сотишни ташкил қилиш, товар ҳаракатлари йўналишлари;

- савдо турлари, реклама харажатлари, етказиб бериш муддати, баҳо, шартнома ва бошқа шароитлар түғрисидаги ахборот;
- кадрлар, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш таркиби, вазифаларнинг тақсимланиши, юқори лавозимларнинг ўрнини босиш имкониятлари, ишчи ва хизматчиларнинг сони;
- бозордаги ҳар ёклама ўтказилган тадқикот ва маҳсус кузатишлардан кейин олинган ахборот; маҳсулотнинг истеъмол хусусияти; охирги ва оралиқ истеъмолчиларнинг сони; бир қатор маҳсус масалалар, масалан, айланиш харажатлари, омборларни кенг, макбул жойга жойлаштириш ва бошқаларни таҳлил қилишда ёрдам беради.

*Маркетинг дастурида ишилаётган корхона фаолиятига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий ахборотларга қўйидагилар киради:*

- демографик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тенденциялар;
- аҳоли ва корхоналарнинг даромади, харажати, истеъмол жамғармаларининг таркиби;
- баҳоларнинг умумий динамикаси, ташқи савдо;
- ҳукуматнинг соликлар соҳасидаги сиёсати, хўжалик фаолиятини ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш шартлари;
- қонунчиликдаги турли ўзгаришлар;
- рақобатчилар фаолияти түғрисидаги маълумотлар ҳам ана шундай ахборотлар.

#### **4.2. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ**

*Маркетинг ахборот тизими (MAT) маркетингни режалашибтиришни такомиллашибтириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидин назорат мақсадларида фойдаланиши юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш учун замон ва маконда ахборотларни йигини, қайта ишилаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарқатни*

*юзасидан узлуксиз ва ўзаро болғық кишилар, асбоб-ускуналар ва жараёнлар йигиндисидир.*

Маркетингни бошқариш иллини амалға оширишда билимларимизни күпайтирадиган маълумот ва ахборотларнинг барча турлари (оғзаки, ёзма, чизмакашлик ахбороти ва ҳоказолар) ахборотга керади. Булар янги машиналар, янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни сотиш, рақобатдошлар, уларнинг ҳолати, келажаги ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборотлардир. Ҳар бир корхона, ташкилот ёки маркетинг бўлими, гурухлигидан қатъи назар ахборотнинг статистика, оператив, режа-иктисодий, бухгалтерия ахборотларини, молиявий ахборот, моддий техника таъминотига оид ахборот, кадрларга оид ахборотлар, технология, конструкторлик, маълумотнома каби турлари бўлади. Ахборотни олиш манбаларига кўра ички ва ташки ахборотга бўлиш мумкин.

*Ахборот доимийлиги хусусиятига кўра:*

1) шартли-доимий маълумотнома-меъёрий, яъни нисбатан камдан-кам ўзгарувчан ахборот (меъёрлар, баҳо, режа кўрсаткичлари)га;

2) ишлаб чиқаришда юз берадиган жараёнлар динамизмини акс эттирувчи ўзгарувчан ахборотга бўлинади. Ахборотнинг бу турлари даслабки ахборотлар деб аталади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ахборотлари тафовут қилинади. Бу ахборот шартли-доимий ва ўзгарувчан ахборотни қайта ишлаш натижасида олинади ва бошқарув тўғрисида қарор қабул қилиш учун анча яхши ишланган ахборот ҳисобланади.

*Ахборот йўналишига кўра дастлабки ва бошқарувчи ахборотга бўлинади.* Агар дастлабки ахборот ҳамма вақт бошқарув объектидан бошқарув субъектига, кўйи бошқарув тизимидан юқори бошқарув тизимига юбориладиган бўлса, унда бошқарувчи ахборот тескари томонга йўналтирилган бўлади.


*Ахборот даврийлигига кўра сменалик, суткалик, кварталлик ва ҳоказо ахборотларга бўлинади.* Ахборотнинг вақти-вақти билан бериб турилиши (даврийлиги), ишдаги

камчиликларни оператив равищда туттишига шароит яратади. МАТ концепциясини чизма асосида ифодалаш мумкин (9-чизма). Чизманинг чап тарафида фирмани қизиктирувчи компонентлар, марказда эса келиб тушадиган ахборотни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тадқик қилиш тизимлари, ўнгда эса мазкур ахборотнинг функциялари кўрсатилган. Барча блоклар қабул қилинувчи қарорлар ва коммуникация ёрдамида ўзаро боғланган. Куйида МАТнинг ҳар бир тизимчасига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

*Ички ҳисобот тизими.* Мазкур тизимнинг асосини буюртмалар, транспортировка қилиш, счёtlарни тўплаш билан боғлиқ хужжатлар йигиндиши ташкил қиласи. Айбатта, маркетинг билан шуғулланувчи фирманинг ҳар бир бўлими керакли хужжатларнинг нусхасига эга бўлиши керак. Уларнинг вазифаси бу маълумотларни тез ва аниқ қайта ишлашдир. Шу мақсадда компьютерлар кенг ишлатилади. Масалан, Япония фирмаларидан бирида компьютерлардан унумли фойдаланилганлиги учун буюртмалар қабул қилиш ва уни бажариш оралиғидаги вакт 62 соатдан 32 соатга кисқарган.

Бошқа бир муаммо товарлар сотилиши тўғрисида, уларнинг сотилиш жойидан ахборотлар олиш ва қайта ишлашдир. Рақобат шароитида харидорлар бозоридаги баҳолар, тақсимотнинг янги каналлари тўғрисида ўз вақтида қарорлар қабул қилиш ҳам ўта мухимдир. Масалан. Япониянинг TOYOTA компаниясида жойлардан товарлар сотилиши ҳақиқати ҳисботлар ҳар куни йигилади. Барча худудлар, минтақалар ва туманлардаги сотиш бўйича бошқарувчилар ўз иш кунларини ўтган кунги буюртмалар ва жунатилган товарлар ҳақиша ҳисботи телетайи оркали жўнатишдан бошлайдилар. DAEWOO фирмаси ҳам харидорлар ва бошқа манбалардан турли сўровлар уюштириши оркали рақобатчиларнинг товарларини сотилиши тўғрисидаги ахборотларни йиннишга кагза эътибор берадилар.

Шу билан бирга фирма у ёки бу МАТнин ташкил қилиши жараёнинда узи билмagan холда "Конконга" тушиб колини мумкин.



Чунки, күпчилик олинаётган ахборотларни шу мутахассислар, бошқарувчилар түлиқ қабул қилиб олишга ва уни идрок этишга қодир эмаслар. Ахборотларнинг узлуксиз оқимидан мухимларини ажратиб олиш эса мушкул ишдир. Шундай вазият ҳам вужудга келиши мумкин, олинган ахборот бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ахборот аник фойдаланувчига мўлжалланган бўлиши лозим. Шу мақсадда МАТни етказиб берувчилар уни жорий қилгунга қадар қўйидагиларни аниқлаб олишлари зарур:

- доимий равишда қандай қарор турлари қабул қилинайти;
- қарорлар қабул қилиши учун қандай ахборот турлари керак;
- доимий равишда қандай ахборот турлари келиб тушаяти;
- ҳозирги вақтда келиб тушмаётган ахборотлардан қайси бирини келажакда олиш зарур;
- ҳар куни, ҳар ҳафтада, ҳар ойда ва ҳар йилда қандай ахборотларга зарурият бор;
- қандай журнallар, газеталар, савдо таҳлиллари ёки бошқа ахборот манбаларидан доимий равишда фойдаланмоқ зарур;
- ахборотларда қандай маҳсус мавзулар ўз аксини топмоги зарур;
- ўрганиши учун қайси бир ҳисобот аналитик дастурлардан фойдаланиш мумкин;
- мавжуд МАТини тақомиллаштириши юзасидан энг муҳим тадбирларни айтиш.

Аник ахборотга, шу жумладан айнан ўзи хоҳлаган ахборотга эга бўлган бошқарувчи бир хил шароитларда бошқаларга нисбатан тўғри ва фойдали қарорлар қабул қилишда устунликка эга бўлади. Шунинг учун МАТини режалаштирувчилар бошқарувчида у ёки бу ахборот мавжудлигини аниқлабгина колмай, уни у ёки бу ахборотга Караб тўғри мўлжал олишга ундашга ҳам ҳаракат қилишлари зарур. Айтайлик, бошқарувчи реклама бюджети ҳажмини аниқлашда, ассортимент бўйича қарорлар қабул қилиш учун нималарни

билиши керак, деган савол туғилади. Шу нарса маълум бўладики, бошқарувчи бозорнинг тўйинниш даражаси, рекламанинг йўклиги шароитила сотишнинг пасайиш даражаси рақобатчиларнинг режалари ҳакидаги ахборотларга муҳтоҷдир. Худди шундай ахборотларни МАТ орқали бошқариш соҳасида қарорлар кабул килиш учун режалаштириб олиш зарур.

*Интеллеқтуал тизим.* Юкорида кўриб чиқилган тизимда ҳисбот маълумотлари ҳақиқий маълумотлар билан иш кўрса, интеллеқтуал тизим қайта ишланган ва, ҳаттоди, баъзида учраб турадиган маълумотлар билан ҳам таъминлайди. Бу тизим маркетингнинг турли таснифи тўғрисида кундалик ахборотлар олиш учун фойдаланиладиган манбалар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат. Тизимнинг интеллеқтуал имкониятлари китоблар, газеталар, маҳсус мақолалар, харидорлар, маҳсулот етказиб берувчилар, воситачилар ва фирманинг ўз ходимлари билан сұхбатлардан ташкил топади. Маркетинг билан тўлақонли шуғулланаётган фирмаларда кўпчилик ҳолларда интеллеқтуал тизим сифатини яхшилаш мақсадида кўшимча имкониятлар яратилади. Биринчидан, ходимларни янги ғоялар ҳакида хабар қилишларига ўргатилади ва рағбатлантирилади. Масалан, улар бошқалар томонидан эътиборга олинмаган қизиқарли ахборотларни тўплаганлари ва у тўғрисида хабар килганиклари учун рағбатлантирилади.

Иккинчидан, "маркетингли интеллеқт"ни йигыш буйича мутахассислар тайинланади. Уларга қандайдир рақобатчилар маҳсулотини сотиб олиш йўли билан уларни ўрганиш, янги савдо нукталарининг очилишини кузатиш, рақобатчилар фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни ўқиб бориш, улар ташкил қиласидиган кенгашлар ва конференцияларда катнашиши, рақобатчиларнинг ходимлари, маҳсулот етказиб берувчилари ва агентлари билан сұхбатлашиш топширилади.

Учинчидан, компания ахборотни ташқаридан буюртма қилиб олиши мумкин. Масалан, АҚШда А.С. компанияси у ёки бу тармоқ бозорининг товарлар билан таъминланганилиги, чакана баҳолар, акция курслари ҳакида ахборотларни сотади,

бошқа компаниялар эса у ёки бу бозордаги вазият түғрисінде ҳисоботларни сөтади.

Тұртқынчидан, бир қатор компаниялар интеллектуал ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш учун ахборот марказлари ташкил этадилар. У марказнинг ходимлари факат ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан шугуланыб қолмай, бошқарувчиларга улардан фойдаланишида ёрдам киладилар.

1994 йил IBM ёрдамида ойига 300 телефонли буюртмаларга жавоб берә оладиган ва 23 маслағат жавобига мүлжайланса ахборот марказы очдилар. 1995 йилдан эса компания 55 та жавоб ва 3500 та төлефон буюртмаларига жавоб бериш күвватига эга бўлди. Бунда бошқарувчиларнинг вақти тежалади. Чунки марказ уларнинг талаби асосида қисқа вақт ичида керакли ахборотларни беришлари, уларни таҳлил қилишлари ва муаммоларни ечиш варианtlарини амалда намойиш этишлари мумкин.

*Маркетингли тадқиқотлар тизими.* Фирма раҳбариятiga ички бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа маълумотлардан ташқари бозор конъюктураси ҳақида харищорнинг айнан шу товарни сотиб олишга нима мажбур қўйғанлигини тадқиқ қилиш, ҳудудлар бўйича сотиш микдорини истиқболлаш, реклама самараорлигини ҳисоблаш каби маркетингли маълумоғлар ҳам зарур. Бундай маълумотларни маҳсус маркетингли тадқиқотлар орқали олиш мумкин. Бу тадқиқотлар доимий равищда маълумотларни лойиҳалаш, йиғиш, таҳлил этиш, эълон қилиш ва ўзига хос маркетингли вазиятларда уларни қўллаш чораларини излашдан иборат.

Фирмалар маркетингли тадқиқотлар натижасини турли йўллар билан олишлари мумкин. Масалан, кичик компаниялар бу тадқиқотларни ўтқазинши университет (институт) кафедралари ёки маҳсус фирмаларга буюртма қилишлари мумкин. Ирик компаниялар кўп ҳолларда ўз тузилмаларида маркетингли тадқиқот бўлимларига эга бўладилар. Куйнда шундай бўлимнинг таркибини кўриб чиқамиз:

I. Директор (барча тадқиқот дастурининг бажарилишига жавоб беради).

II. Директор ўринбосари (ходимлар ишини тўғри ташкил қиласди ва директор йўклиги вактида уни вазифасини бажариш).

III. Статистик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича мутахассис (эксперт, ўзига хос тадқиқот муаммолари бўйича маслаҳатчи, маълумотларни лойиҳалаш ва қайта ишлашга жавоб беради).

IV. Катта аналитик (мухим лойиҳаларни бажаради, маълумотларни таҳлил қиласди, керакли техник воситаларни кўллади, ҳисобот тайёрлайди).

V. Аналитик (катта аналитик топширигини бажаради, таҳлил учун материал тайёрлайди).

VI. Кичик аналитик (асосан ҳисоблаш ишларини бажаради, азабиётлар обзорини тайёрлайди).

VII. Кутубхоначи (тадқиқот мавзулари бўйича рефератлар тайёрлайди).

VIII. Инспектор (етказиб берилган материалларнинг аниклигига жавоб беради).

IX. Ишчи директор (фирма филиалларига боради ва уларни назорат қиласди).


X. Регистратор (ишчи директор раҳбарлигига ишлайди).

XI. Ҳисобчи ва хизматчилар ёрдамчиси (барча оғир ишларни бажаради.)

Кейинги йилларда йирик компанияларнинг маркетингли тадқиқот бўлимлари ўз фаолият доираларини кенгайтирмоқда ва таҳлил усувларини такомиллаштирумокда. Америкадаги 500 та йирик компанияларда маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари ва уларни бажариш усувлари ҳакида ўтказилган сўров шуни кўрсатадики, энг кўп учрайдиган тадқиқотлар: бозор сифимини аниклаш, фирманинг бозордаги сотиш бўйича улуши, бозор таснифини аниклаш, сотишни таҳлил қилиш, рақобатчилар маҳсулотини ўрганиш, баҳоларни ўрганишцир. Шуни таъкидлаш лозимки, фирмалар реклама соҳасидаги тадқиқотларда ва ҳаридорлар фикрини ўрганишда кўп ҳолларда маҳсус фирмалар

хизматига мурожаат қиласи. Колган ҳолларда фирмалар ўз кучига таянацилар. Шу билан бирга маркетинг тадқиқотлари раҳбари ахборотлар борасида жуда яхши ва ҳар томонлама билимга эга бўлиши керак. Акс ҳолда ахборотлар нотўғри қайта ишланган ёки муддатидан кейин олиниши мумкин.

Шуни яхши билиш керакки, барча тадқиқот жараёнлари беш босқичдан иборат бўлади. У қуйидаги 10-чизмада кўрсатилган.



10 - чизма. Маркетингли тадқиқотлар жараёни.

Биринчи босқичда тадқиқотга кўйиладиган талабларни шакллантириш ва унинг обьектини аниқлаш зарур. Бу маънода кўп нарса тадқиқотлар раҳбарнига боғлиқ. Масалан, агар бу ахборот бўлимидан телефон аппаратларига бўлган талаф тўғрисида сўров берса, бўлим ходимларида бу нарса жуда кўп тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин, яъни ахоли ўртасида сўровни қандай кўламда ўтказиш, балки ахоли орасида эмас, ташкилот ва корхоналар ўртасида ўтказиш керакдир. Яна шу нарса номаълумки, телефонларнинг қандай таснифларини ўрганиш зарур, чунки уларнинг бир исча ўнлаб турлари мавжуд. Ҳатто, агар бу маълумотларнинг барчаси жуда зарур бўлса ҳам, улар бошқарувчи учун тўғри қарорлар қабул қилиш учун бу тўплам кераксиз булиши мумкин. Шунинг учун тадқиқот раҳбари ўрганилаётган телефон аппаратларини тадқиқ қилиш таснифларини аник қилиб курсагиб берса, иш бутутий бошқача бўлади. Бу ҳолда тадқиқотни бажарувчitar аник мақсашибарга эришиш учун ахборот тўплаш бўйича ҳаракат режасини тузиб оладилар. Бу режа албатта тадқиқотга ижодий ёндашиш имконини беради, декин барча тадқиқотлар жараёшининг бир кисми

сифатиша ўзига маълум бир бўлимларни ва уни бажариш амалларини ўз ичига олади (11-чизма).

Режанинг бўлимлари	Режани бажариш усуллари	
Ахборот йиғиш	Иккиламчи маълумотлар	Бирламчи маълумотлар
Тадқиқот усуллари	Кузатиш	Обзорлар, экспериментлар
Тадқиқот инструментарияси	Анкета сўровлари	Техник воситалар
Танлама метод	Бирликни танлаш	Микдорни танлаш. Процедура.
Алоқа (контакт) воситалари	Телефон	Шахсий почта

11 - чизма. Маълумотлар йиғиш бўйича тадқиқотлар режаси.

Энди режанинг ҳар бир бўлимига алоҳида тўхталиб ўтамиш. Тадқиқотчилар кўп ҳолларда иккиламчи ахборотларни йиғиш имкониятини аниқлашдан, яъни улардан олдин қайта ишланган ахборотларни олишдан бошлайдилар. Бундай ахборотлар манбаи ҳам ички (корхонанинг йиллик ҳисоботи, баланслари, обзорлари), ҳам ташки (китоблар ва вакъти матбуот, расмий статистик тўпламлар, тижорат нашрлари) бўлиши мумкин. Бизнинг мисолимизда, телефон аппаратларига боялиқ маълумотларни, яъни уларни ишлаб чиқариш ва сотишини республикамиз доирасида, унинг алоҳида худудларида, бошка мамлакатлар билан солицтириб ўрганиш учун етарлича ахборотлар топиш мумкин. Чунки кейинги вактда вакъти матбуотда жуда қизиқарли иқтисодий ва социологик маълумотлар эълон қилинмоқда. Лекин нашрлар сонининг камлиги, кутубхоналар мөддий базасининг оғир аҳволдалиги бундай ахборотларга бўлган талабни тўлиқ кондира олмаяпти. Шундай экан, маркетингнинг кенг ривожланиш даврида ахвол бундай бўлишини хозирданоқ ўйлаш керак.

Энди яна 11-чизмага кайтамиш. Тадқиқот чизмасини ишлаб чиқкандан сўнг маълумотлар йиғиш жараёнини

кузатиш керак. Бу босқич энг қиммат турувчи ва алоҳида эътибор берилешини талаб қиласди. Чунки турли муаммолар вужудга келиши мумкин. Масалан, шундай ҳол юз берини мумкинки, сўров ўтказиш учун мўлжалланган кишилар (респондентлар) бўлмаслик ҳоллари учрайди. Борди-ю улар бўлса ҳам, ахборот бериндан бош тортишлари мумкин (яъни, интервьюер уларни кизиктира олмаган ёки номақбул вақтни таълаганинги). Яна шуни эътиборга олиш лозимки, бაъзи респондентлар сұхбатни ёки хатни тезроқ тутатиш учун ноаниқ ёки бир ёклама жавоблар берини мумкин. Бунинг акси бўлиши ҳам мумкин, яъни сўровни тезроқ ва арzonрок ўтказиш мақсадида, интервьюернинг ўзи ҳам ноаниқликка ва бир ёкламаликка йўл қўйиш ҳоллари учрайди.

*Юқоридаги муаммоларни ҳал этишида замонавий техник воситаларни қўллаш ёрдам беради. Мисол учун, АҚШда компютерлардан фойдаланиш маркетингда бутун бир инқилоб ясади. Кўпчилик фирмалар эндиликда респондентлардан интервьюони компьютер тўри (сети) орқали олмокда. Маълумотлар фирма терминалига бир зумда келиб тушади. Бу терминалар тўғридан-тўғри савдо марказларида ҳам ўрнатилмоқда. Кўпчилик харидорлар ана шундай “танимас” интервьюони афзал кўрмоқдалар. Мавжуд саволлар ва уларга жавоб вариантларининг борлиги, улар учун эса факат компютернинг керакли тугмасини босишигина колаяпти. Кўпчилик супермаркетларда товарларни кодлаш тизими ўрнатилган. Бу касса аппаратларида товар учун ҳак тўлаш вақтида товар тўғрисидаги маълумотни бевосита компютерга келиб тушушини таъминлайди. Йигилган ахборот ёрдамида харидорларнинг у ёки бу товарни афзал кўришлари, уларга reklamанинг у ёки бу шаклини қўллаб таъсир қилиш ҳакида тадқиқотлар ўтказиш мумкин.*

Маркетингни тадқиқотларнинг кейинги босқичи маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилишдири. Бу мақсадлар учун: мос келувчи ўртача маълумотлар ва дисперсия олиш (тасодифий нисбий кагталикларнинг тақсимланиши); мухим ўзаро бояникликларни аниқлаш учун комбинацион жадваллар тузиш; корреляция коэффициентини ҳисоблаш; регрессион

таҳлил; корреляцион таҳлил, факторлы таҳлил ва бошқа статистик усулларни кўнглаб кўн ўлчонли таҳдиди ўтказиш каби ишларни бажариш зарур.

Тадқиқот натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаши маркетингли тадқиқотларнинг якумловчи жариёшидир. Бу жараёнда тадқиқотчи бошқарувчига жуда кўн статистик маълумотларни етказиб берниши шарт эмас. Ҳисобот ўтказилган таъсикотлардан келиб чиқувчи асосий ҳолосалар ва таклифларни ўз ичига олини на маркетинг билан шуғулланувчи мугахассисларни қизиқтира олувчи тиңда ёзилган бўлиши керак. Бундан ташқари у маркетинг тадбирларини ўтказиш учун айнан зарур бўлган ахборотларни берниши лозим.

1. Ҳисоботни мақсадни белгичаб олиш ва тадқиқотдан олинган асосий ҳолосалар билан бошлагмоқ зарур. Шундан сўнг келтиришган ҳолосаларни кенг ёритиш ва тадқиқот усулларига обзор берниш билан давом эттириш керак. Шу билан бир вактда техник деталларнинг тўлиқ тасвири ва бошқа кўп маълумотларни қўнимча (ёрдамчи) жадвушларга ҳисобот охирида берниши зарур. Ҳисоботнинг сўнгтида, чиқарилган ҳолоса ва таклифлардан қандай шароитда фойдаланиши мумкинлиги ва асосий тамойинларга тушунча берниш билан якунлаш лозим.

Малакали маркетингли тадқиқот илмий таҳлил қўлиш усулларидан фойдаланишганлиги, жуда эътибор билан кузатув ўтказганлити, гипотезалар виник шакллантирилганлиги, илмий истикబоллаш ва тест ўтказиш усулларидан фойдаланишганлиги билан таснифланади. Битта мисол кўриб чиқамиз. АҚШдаги посиликали савлога ихтисослашган кичик бир фирма товарларни қайтиш фойзининг юкорилигиндан анча қийинчиликларга учради. Бунинг сабабини аниқлаш учун фирма қайтган товарларга берилган буюртмаларни ўргана бошилади. Таҳлил мижознинг яшиш жойи, қайтаришган товарнинг ҳажми ва товарнинг кўриниши бўйича ўтказиши. Ўтказилган регрессион таҳлил асосида шу нарса аниқландикки, товарларнинг қайтиш эҳтимоли, уни мижоз томонидан кутиш вактининг ошиши билан кўпроқ экан.

Натижада фирма товарини мінозға тезроқ етказиб бериш чораларини күрди ва яхшигина натижаларга эришди.

2. Үтказилған тадқиқотлар уннің қатнашчиларидан вужудға келувчи муаммоларни ечишда ижодий ёндайшишни талаб этады. Бир мисол көлтирамиз. Біринчи марта бозорда майдаланған кофенинг пайло бүлишида уннің табиий кофенинг таъмидан фарқ қылышы хакида тарқащи. Лекин үтказилған экспериментлар натижасыда шу нараса аникданщики, тажриба үтказиб күргашлар майдаланған ва табиий кофенинг бир-биридан фарқтай отмашылар. Буннің натижасыша шу нараса аник бұлдыки, майдаланған кофега бұлған сәйбій қарағы уннің таъмидә әмас, балқи бошқа рұхий омылларга боғылған экан. Шунда тадқиқотчилар майдаланған ва табиий кофени сотиб олувчилар учун бир хил сұров варалатынның таїғерладылар. Сұров варықасыда ҳар иккала тоңға кофе учун ҳам майдаланған кофени сотиб олувчи аёллар түғрискендеги, улирнің шахсей ва ижтимоий сиғығлары ҳақида ҳам сұраған зең. Шу нараса маълум бұлдыки, сұрағанларнің күпчилігі уларни “данғаса, зәтиборсиз ва оиля бюджетини режалаштира олмайдиган аёллар” деб жавоб берішди. Уларға майдаланған кофега бұлған мұносабат билан боғылған сиғатлар тарқатылаётган зең. Шуннің учун фирма кейинги босқычда, айнан шу майдаланған кофени сотиб олувчи аёлларға бұлған мұносабаттың үзгартырышта оліб келувчи реклама компаниясынин ташкил қылды ви жуда яхши натижаларга эришди.

3. Тажриба шуннің күрсатадыки, маълумотларни йиғишиң ва таҳдил қилиннің қаидайдыр бир усулига таянимай, уларнан комбинациясыдан фойдаланыши зарур.

4. Фактлар шу муаммоларни ечишта ёндашишта боғылған холда у ёки бу маънодың касеб этиши мүмкін.

5. Йиғилған ахборотларга қилинған харажатлар талқиқотларнің зарурлығы билан үзини оқлаши керак. Чүнки маркетингли тадқиқотлар бұлымнинг фирма ютуғыға күнін хиссеси шу маълумотларнің зарурлығы ва қаңайтадыр фойда көлтиргашынғы билан бағыланады.

6. Республикамиздаги корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатади, уларнинг бироргасида ҳам тўлиқ шаклланган маркетинг талқиотлари ва таҳлил комплекси йўқ. Шу билан бирга тижорат-ахборот марказлари, маркетинг, консалтинг хизматлари сони ўсиб бормоқда. Улар тайёрлаган материалларининг нархи тоят юҳори ҳамда сифатининг талабга жавоб бермаслиги билан ажралиб турлаши. Аммо, ҳозир бизнини иқтисоднётимиз учун мустақил ахборот хизматларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш, соёлом рақобатни йўлга қўйиш энг муҳим масалалардан бириди.

Жамиятда инсоннинг эҳтиёjlари турли - тумандир. Инсонни ҳайвонот оламидан ажратиб турувчи муҳим хусусиятлардан бири ҳам шу. Эҳтиёj кўпинча "тўғридан-тўғри" ишлаб чиқаришдан ёки ишлаб чиқаришга асосланган буюмларнинг моҳиятидан туғилади. Шунинг учун эҳтиёj ва ишлаб чиқариш бир-бири бишан чамбарчес боғлик. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида эҳтиёj ўз ривожланишида ишлаб чиқаришдан ўзиб кетади, уни янада ўсиши ва тикомишашибини тақдирлайди, яъни бир вактининг ўзида ишлаб чиқаришининг натижаси ва унинг сабабчиси бўлиб майдонга чиқади. Жамият ривожи жарёнида эҳтиёj ўзгариб ва ўсиб боради. Биттаси йўқолади, янгиси пайдо булади. Эҳтиёjlарниң иерархияси, таркибида микдорий ўзгариш билан бирга сифат ўзгариши ҳам юз беради. Ижтимоий ва маданий эҳтиёjlар ошиб боради. Бугунти кунда бу айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон янги ҳаётий таъриба орттира бориб, янги эҳтиёj досил килади. Амалиёт - эҳтиёjlар ўсишининг энг муҳим омилиидир. Истеъмол товарларига эҳтиёj ва талаб иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иклим шароитлари таъсирида вужудга келади. Шунинг учун ҳақиқий бозор тизимида таъабни ҳар томонлама ўрганиш, унинг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини таҳлил қилиш, микдори ва таркибини истиқболлаш зарур.

Товарли тақлиф ва талаб бозорда беҳо механизми билан боғлик. Баҳо - товарининг цуҷда ифодалашган қиймати сифатида истеъмол бозорига тўлалигича, сезинарли таъсир

килади. Баҳолар күтарилигандын тарабыннан ошиши күзатылады. Шу билди бирге баҳонинг ўзи хам тараб ва таклиф таъсирида булади. Бозор баҳоларининг ҳақиқият (яъни, товар кийматынан) баҳолардан чекинши турли товарлар учун турлиланаади. Баъзи бир товарлар учун таклифнинг тарабга мослашиши, уларнинг мувозаатланиши бошқаларига иисбатан тез ва осон күчади. Баҳонинг истеъмол товарлари бозори сипимита таъсири ўзаро боғлиқ омилшар билди аникланади. Булар - ишлаб чиқаришининг міндері ва таркиби, истеъмолчишининг товарлы ва товарсиз киеси иисбази, хом ашё қиймати ва бошқалардир. Ишлаб чиқариш билди боғлиқ бўлмаган омиллар хам мавжуд. Масалан, уларга шу маҳсулотга бўлган зарурий тараб ва унинг қондиришини даражасини мисол килиш мумкин. Қундалик эҳтиёж товарларига (асосий озиқ-овкат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқалар) бўлган тараб доимий равишда қондириб турлиши керак. Шундай килиб тараб - тўловга қобишиятли эҳтиёжининг бозор шаклидаги намоён бўлишидир. Маркетинг стратегияси ва тактикасида эҳтиёж хам худди тараб сингари чуқур ўрганилади ва у ҳақла ахборотлар тўпландади.

Эҳтиёж - инсоннинг, маълум ижтимоий гурухларнинг ёки бутун жамиятнинг ҳаёт фаолиятинин таъминлаш учун мухим бўлган заруриятдир. Бундай таъриф бир томонлама характерга эга. Чунки у эҳтиёжининг вужудга келиш жараёнини тўлик камраб олаочмаиди. Янача кенгроқ маънода эҳтиёжини - истеъмол билди боғлиқ муносабатлар йигиндиси деб таърифилаш мумкин. Эҳтиёжининг чегарасизлиги ва доимо кенгайиб бориши қобишиятни, ишлаб чиқаришининг доимо ўсиб бориши ва турли-туман товарларни ишлаб чиқаришини такозо этади. Тараб - баҳоларнинг юкори бўлишига қарамай доим юкори булади, аксинча, баъзи товарларга бўлган буғунги тараб тўлик қонлирилса хам у бозор сипимининг кенгайишига таъсир килмайди.

Шундай килиб, МАТ эҳтиёж, тараб, таклиф ва баҳо ҳақидаги ахборотларни хам ўз ичита олар экан.

#### **4.3. АХБОРОТЛАРНИ ЙИГИШИ, ҚАЙТА ИШЛАШИ ВА БОШҚАРИШИ УЧУН ТАЙЁРЛАШ**

Маълумотлар ниҳоятда хилма-хизз ва маркетингни бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Уларни йигиши сермашаккаг, кўтсан-кўп мутахассис ва техник воситалардан фойдаланиши орқали амалта оширишниги туфайли, уларни йигиши доимо қимматга тушади. Лекин кўйинчи мақсаддага эришини учун бу фаолият жуда зарур. Бу маълумотларни ҳаридорлар, воситачилар, сотувчилар ва рақобатчилар ургасида турни сурошлар, интервьюлар ўтказши йўли билан олинади. Бирламчи маълумотларни йигишининг бир неча усуслари мавжуд. Улар кузатни, обзорлар тайёрлаши, экспериментлайдир.

Кузатни усулини кўллаб тадқикотчи, ҳаридорлар ва сотувчилар атрофида айтади, уни қизиктирган товнрга бўлган талабини ўзгариши ҳакида маълумотлар йигиши мумкин. Худди шу йўл билан рақобатчилар товари тўғрисида ҳам маълумот йигади.

Обзорлар тайёрлашида янги товарлар таснифийин яратишда, реклама матнларини тузишида, реклама ҳилишида оммавий ахборот воситаларидан фойдалаништани, сотишни рағбатлантириш тадбирларига тайёргарлик кўришда товар ҳаракати каналларини тадқик қилиш ва бошқалардан фойдаланиш мухимдир. Бу усул кузатниш ва эксперимент оралиғида турувчи усуладир.

*Эксперимент ёрдамиши тадқиқ қисишаётган нарсанинг қандайдир омциллари ва уларнинг ўзгаришига бўлган таъсир аннекланади. Бу усулининг мақсади ишни гипотезаларини инкор этишдир. Маълумотлар йигинининг бу усулни савдо персоналини тайёрлашининг яхши усулини аннеклашда, баҳолар дарражасини аннеклаш каби маркетинг муоммоларини ўрганишда кўлланади.*

Керакли ахборотни йигиши учун тадқикотчи ўзгаришни маълум бўлган ва ишончни, янги яратилган инструментариядан фойдаланиши лозим. Кузатниш ва эксперимент усули техник воситалар, яъни магнитофонлар, фото, видео ва кинокамералардан фойдаланиш билан таснифланади.

Обзорлар тайёрлаш ва ийрим ҳолларда эксперимент анкета сўровлари ўтказишни талаб қилади.

Анкета сўровлари бирламчи маълумотлар йигиш иҷтирументидир. Анкеталар респондентларга мўлжалланган саволларга жавоблардан иборат. Респондентлар - анкета сўровига живоб берувчилардир. Анкета сўрови ўтказишида хато ва камчилкларга йўл кўймаслик учун илгаридан жуда аник тайёргарлик кўриш зарур. Бундай тайёргарлик жараёнида куйилагиларни анкетлаб олиш лозим:

- олинниши керак бўлгани ахборо;
- анкета тури ва ҳаракат усули;
- ҳар бир савоннинг мазмуни;
- ҳар бир савоннинг лугатини акс эттириш;
- саволлар кетма-кетлиги ва давомийлигин;
- анкетанинг жисмоний таснифи.

Анкета тузиш югори малакани талаб қилади. Ҳар бир савол, уни кенг микёсида ишлатишидан танлаш оркали бавззи ҳаридорлар орасида синаб кўрилиши керак. Бозорни тадқик этувчи танлишини ўрганиши режасини тузишдан олдин уч асосий савол бўйича қарор қабул қилиши зарур.

1. Аник қилиб кимдан сўраш керак?
2. Канча кишидан сўраш керак?
3. Сўровни қандай қилиб ўтказиш керак?

Бошқача яйтганда, сўз танлаш бирлиги, ҳажми ва процедура тўғрисида сўз бормокда. Юкоридаги саволлардан ҳар бири ўзига хос мураккабдир. Масалан, танлаш бирлигини анкетлаш учун керакли ахбортини таснифини билиш етарли эмис. Мисол учун телефон аппаратига ҳаридорлар муносабатини анкетлаш учун, зарур бўлган обзорни тайёрлаш учун оиласими, оила бошлигиними ёки болалирними, танлаш бирлигини қилиб олиш керак. Агар сотиб олишга таъсир этувчи, сотиб олиш ҳакида қарор қабул қилувчи, сотиб оловучи ва ушан фойдаланувчи бир шахс бўлса, тадқикотчи учун уни аник ажратиб олиши керак бўлади. Бундан ташқари, бу сўров жуда киска расмий интервью таснифига эга.

Почта оркали сўров - шахсий интервьюга розилик билдиримаганлар билан алоқа ўринатишнинг бирдан-бир

**Иикониятидир.** У, саволтарнан анкет, оддий ва лўнча тарзда тузилишини таъаб қиласи. Жавоб кайтиши даражаси жуда секин келиб тушади.

**Шахсий интервью** - сўров ўтказишнинг энг мақбул усуllibаридан биридир. Чунки интервюр (интервью ўтказувчи) зарур ҳолларда анкеталга кўзда тутилгандан ташқари кўпроқ саволлар берниши ва интервьюни ўз шахсий кузатишлари билан тўлдириши мумкин. Бу усулининг камчилиги унинг анча қимматга тушуни ва маҳсус тайёргарликдан ўтган мугахассислар бўлишини тараб килишидир. Чунки турли вазиятларда: кўчада, уйда, ишда ва бошқа ҳолларда шахсий интервью олишни бишиш зарур.

**Гуруҳли интервью** - б-10 киши билан бир вақтда ўтказилади. Улар анча узоқ вақтда интервью билан маҳсулот, сервис саводони ташкил қилиш ва маркетингнинг бошқа муаммолари бўйича баҳе (сухбат) ўтказилади. Таниш ҳижминни аниклаш шуни кўрсатадики, таниш ҳажмипинг қагталиги кичик ҳажмларнга ишбатан ишонгчи натижа беради. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, тўғри қарор қабул қишини учун жавоб бера олувчи барчадан сўраш шарт эмас. Таълаб қўлиниган ишончни натижаларга таниш репрезентатиалиги шартига амал қилиш орқали кам фоиз аҳолини сўраш орқали ҳам эришин мумкин. Таниш процедураси тадқиқот мақсадидан келиб чиқади. Аниқ таснифларга эриниши учун аҳолининг жинси, ёши ва ижтимоий келиб чиқишини хисобга олуви эҳтимоли танлашдан фойдаланиши лозим. Тадқиқот жараёнида сўракалувчилар билан алоқа (контакт) усулини ҳам аниклаб олмоқ зарур. Белтиланган аҳоли гурӯхини телефон, почта, шахсий интервью ўтказиш ва бошқа усуллар билан сўров ўтказиш мумкин.

**Телефонли сўров** - энг тез ахборот йигини усулидир. Лекин телефонни сўровни факат телефонни бор қишилар орасидантина ўтказиш мумкин. Чунки у ўтказичаётган муаммолар бўйича етарли билимга эга бўлишини билан бирга педагогика, ҳаридорлар хўлк-атворини ҳам яхши ўрганимои лозим.

Ахборотларнинг келиб чиқиши, маъбани, белтиланниши, қайси мақсадга йўнаттириши, мураккаблиги, уларга ишлов

бериш даражасынға қараб үйінде халыма-хал бўлганилиги каби, уларни йиғиб олиш, қайта ишилаш ва тайёрлаташда ҳам халымада үсууллардан фойдаланишади. Улар, энг аввало, ижрочи шахслар томонидан кўл кучи ёрдамида, колаверса, ўзи ёзадиган мосламалар ёрдамида йинилиши, қайта ишилашиши, узатилиши, таҳлил килиниши, бошқариш учун умумлаштирилиши ва тайёрланниши мумкин. Ҳозирни күнда маркетинг бўлимлари, гурухлари ёки соф маркетинг корхоналарида ахборотларнинг үйінде кўп ва мураккаблигидан маҳсус қурилмалар, регистраторлар ва бошқа турли маҳсус машина техникинан фойдаланылмоқда. Масалан, маҳсус қурилма харицдорнинг товарга бўлган эҳтиёжини аниқлайди.

**Ахборот билан ишилашининг характеристига қараб маркетингни бошқаришининг техника воситаларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.**

**Улар:**

- ахборот олиш воситалари;
- ахборотни қайд этиши ва саклаш воситалари;
- ахборотдан нусха қўчириш ва уни кўпайтириш воситалари;
- ахборот берини воситалари, ахборотни ҳисоблаш йўли билан ишилаш воситаларидан иборат.

Дастлабки ахборотни олиш - ахборот билан ишилашдаги масъулнингли ва сермеҳнат босқич ҳисобланади. Бу босқичда маркетинг фасолияти натижалари овозли ва турли сигналлар шаклида, математик символлар, ҳарфли-тасвирлар шаклида акс этади ви хоказо. Кейин қабул килинадиган бошқарув қарорларининг барча жараёнлари кўп жиҳатдан дастлабки ахборотнинг тўлашити ва тасвирининг аниқлитетига боелик. Ахборотлар вужудга келадиган пунктлар миқдорининг кўшигини, иш үринларида кичик ҳажмлни, кўп жой згалламайдиган мосламалар ва асбоблар ёрдамида дастлабки ахборотларни йигиншини тармок этган техник тизими бўлишини талаб этади.

**Ахборот олиш воситалари гуруҳига ўлчов асбоблари, ўлчов идишилари, оғирлик ва вактни ўлашиб асбоблари, механик, электр-техника, акустик ва бошқа параметларни ўлашиб асбоблари, счётчиклар, датчиклар, қайд этиладиган**

**мосламалар киради.** Уларнинг ёрдамида, масалан, ускуналар ишини оператив назорат қилиш, ҳар бир станокнинг бекор туриб қолган умумий вактини, ҳар сафар қайси сабабга кўра бекор туриб қолганини автоматик ҳисобга олиб бориш мумкин. Масалан, СМВ-1 типидаги машина вакти счётчиgidан ускуналарнинг ҳар бир смена давомида ҳам узокроқ муддатли вакт ичидаги ишлагани ҳақиқий вактини автоматик тарзда ҳисобга олиш учун фойдаланилади. Датчилар тизими билан комплектлантирилган асбоб машина вактини, ёрдамчи вактни, тайёрлаш, якунлаш, иш жойига хизмат кўрсатиш бекор туриб қолиши вакти ва бошқадарни автоматик тарзда ҳисобга олишини таъминлайди. Ҳозир, айниқса, турли конструкциядаги ва турдаги счётчиклар: кўл счётчиклари, механик счётчиклар, электр счётчиклар, электрон счётчиклар кенг тарқалған.

Ишлаб чиқаришда вужудга келган ва ўлчов асбобларига берилған ҳамма ахборотдан ҳам дарҳол бирон-бир бошқарув қарорини қабул қилиш учун фойдаланилавермайди. Ахборотнинг бир қисмини қайд этиш ва кейинчилик фойдаланиш учун сақлаб қолиш керак. Киши хотираси (ахборотни оғзаки ва кузатиш турлари), белгиланган нуктадаги ёки эркин шаклдаги ҳужжат: магнит лентаси, барабан ёки диск; электр импульслари комбинацияси, ахборот саклагичлар бўлиши мумкин. Ахборотни қайд этиш ёки ҳужжатлаштириш, яъни тегишли қоғоз, ахборот саклагичлари - ведомостлар, ҳисоб журналлари, формуляр ва ҳоказоларни қўлда тўлдириш йўли билан ёки техника воситалари ёрдамида амалга оширишадир. Ахборотни қайд этиш ва саклашнинг техник воситалари гурухига: универсал ва маҳсус ёзув машиналари, акустик ахборотни ёзиб оладиган ва қайта эшигтирадиган воситалар магнитофонлар, диктофонлар, стенографик машиналар, номеклатура-адреслайдиган машиналар, шунингдес, турли ҳисоблаш машиналарига блок сифатида кўшиладиган автоматик ёзув мосламалари ҳам киради.

*Маркетинг хизмат ва бўлимларининг умумий қўлланиладиган маълумотлари (нормал, нормативлар, кўрсаткичлар, режа топшириклиари ва ҳоказолар)га бўлган эҳтиёжини қондириш учун оригинал-ҳужжатдан нусха*

*тайёрланади.* Кўп микдорда нусха тайёрлаш жараёни нусха кўпайтириш деб айтилади. Ахборотдан нусха кўчириш ва кўпайтириш воситаси сифатида нур ёрдамида нусха кўчирадиган, электрографик ва электростатик нусха кўчирадиган, электрон нусха кўчириш, иссиқлик энергияси ёрдамида нусха кўчириш, офсет ва трафарет йўли билан босиб нусха кўчириш, гектографик босмада ва микрофото орқали нусха кўчириш сингари турли ускуналар қўлланилади. “Эра” типидаги электрографик репродукция аппаратлари, “Ретатор-ПМ” дубликаторлари, “Ротапринт” типидаги ва бошқа аппаратлар ҳам ахборот кўпайтириш учун ишлатилади.

Ахборотни оператив тарзда узатиш – маркетинг корхонасининг нормал ишлашининг дастлабки шартларидан биридир. Ахборотни узатиш учун маҳсус ва универсал воситалар ҳамда алоқа каналлари хизмат килади. Ахборотни бериш ва дистанцион тасвирлаш тизими ўз конструктив ижроси ва иш тамойиллари жиҳатидан хилма-хилдир. Масалан, ҳозирги пайтда икки томонлама абонентлик алоқаси воситалари (қўл ва автоматик телефон станциялари, диспетчерлик коммутаторлари, КД-6, КД-18, КД-36 типидаги ва бошқа завод ва цех коммутаторлари, қабул килиш ва узатиш радиостанциялари); сигнализация чақириш, кидириш, авария воситалари; ҳужжатларни етказиши меканик, пневматик, электрик воситалари; телетайплар, фототелеграфлар, ПТУ-101, 102, 103, “Нарс”, “Контроль” типидаги турли саноат телевизион курилмалар, УПИ-1, АКРО, ЛИТМО сингари ва бошқа диспетчерлик мосламалари ишлатилмоқда.

*Ахборотни ишлаш, ҳисоблаш ва бошқариш учун тайёрлаш машина техникаси воситалари ёрдамида амалга оширилади.* Бажариладиган ҳисобларнинг аниқ ва оперативлигига қўйиладиган талабларга қараб, шунингдек, уларнинг характеристига кўра ҳисоблаш жадваллари ва номограммалар, ҳисоблаш асбоблари, ҳисоблаш машиналари ва компьютерлар ишлатилади. Ҳисоблаш жадваллари ва номограммалар олдиндан тайёрланган бирон бир ҳисобларнинг тайёр натижаларини, масалан, турли шароитлардаги навбатчи персоналнинг энг мақбул меъерий сони: маркетинг техникасининг ишлаш тартиби ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Хисоблаш асбоблари (хисоблаш линейкалари, шкалаларга бўлингган барабанлар, планиметрлар) маълум математик масалаларни счиш учун мўлжалланган ва асосан корхонани техника жиҳатидан тайёрлаш хизматида фойдаланилди. Хисоблаш машиналари аналогияли ёки узлуксиз ишловчи ва ракамлар ёки дискрет ишловчи турларга бўлинади. Маркетингни бошқаришда компютерларнинг турли хилларидан фойдаланилмоқда.

Оз микдордаги ахборотни тезкорлик билан ҳисолаш учун ҳисоб - клавишли машиналар: ҳисоблайдиган, жамийайтидан ва ҳисоб-жадвалли машиналар якин-якиншаргача кўлланилб келинди. Ҳисоб клавишли машиналарда осон режа ҳисоблари, иш ҳақи ҳисоблари, моддий бойликларни ҳисобга олиш, ведомостларни ишлаш, смета-молия ҳисобларини тузиш сингари ишлар бажарилар эди. Ҳозирда бу ишлар ҳам тўлик компютерларга юқлатилди.

Катта ҳажмдаги ахборотларни ишлаб чиқиша ва бирининг бажарилиши олдингисининг бажарилишига боғлиқ бўлган бир қанча изчил операцияларни бажариш зарур бўлганда замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) кўлланилди. ЭҲМда ҳисоблаш операциялари программали бошқариш тизими ёрдамида автоматик тарзда амалга оширилди.

### *Такрорлаши учун саволлар*

1. Маркетингни бошқаришида ахборотларнинг вазифаси нималардан иборат?
2. Ахборотларни туркумлассининг асосий белгилари қандай?
3. Ахборотларнинг манбалари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. МАТ нинг моҳияти нимадан иборат ва унинг қандай афзаликлари бор?
5. Маркетингни бошқаришида ахборотларни йигиш, қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилиши учун тайёрлаш босқичлари тўгрисида нималарни биласиз.
6. Корхонада МАТ ни ташкил қилиши бўйича мулоҳаза ва такцифларингизни баён қилинг.

*“Ақл-идрокли кишиларнинг иш шароитлари ҳам яхши бўлиши керак.  
Шунда уларнинг барча имкониятлари юзага чиқади”*

*Юсуф Хос Хожиб*

## *V боб. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ*

---

### *5.1. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ*

Маркетингни бошқариш меҳнатининг ўзига хос томонлари шу билан белгиланаиди, бошқарув қарорларини қабул қилишини ва уни ижрочиларга етказиш ва бажарини таъминлайдиган ахборот унинг предмети ҳисобланади. Қарорни ишлаб чиқиш маркетинг раҳбари меҳнатининг асосидир. Маркетинг ташкилотчиларининг меҳнати технологияси ахборот билан ишлаш усулларининг жами ғизчиллиги билан аникланади. Бу тизим ахборот танлашни мақсад килиб қўйиншдан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни ташкил этишгача бўлган барча ишларни ўз ичига олади. Маркетингни ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этувчи ходимларнинг ҳар бир тоифаси: раҳбарлар, мутахассислар ва кичик ходимлар учун ахборот билан ишлаш технологияси турлича бўлиб, улардан маълум бишим ва тажриба талаб киласди. Айрим мутахассислар ва ёрдамчи бошқарув ходимларнинг меҳнат технологияси кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришдаги меҳнат технологиясига ўхшаб кетади, чунки у кўп даражада ташкилий-техника билан белгиланган.

Маркетингда турли хизмат ва бўлимларнинг раҳбарлари ахборотни янада юксакроқ даражада ишлаб чиқиш, қарор лойиҳасини тайёрлаш мақсадида уни бир тизимга солиш билан шуғулланадилар. Улар меҳнатининг технологияси келишиш, бир-бирига боғлаш, маслаҳат бериш, ўтказиш методлари билан характерланади. Нихоят, мунгазам раҳбарлар меҳнат технологияси учун шу нарса характерлики,

улар ўз мәхнатида ахборот билан ишлашыдан бутун жараённи якунлайдилар ва таклиф этилған лойиҳалар асосида узилкесил қарор қабул қылмоги лозим.

Маркетинг ахборотиң тұлаконли бўлиши қарорнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Бироқ бунда раҳбарнинг ишчанлик ва маънавий-сиёсий ҳислати - раҳбарлик санъати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Раҳбарлик санъати шундан иборатки, у энг кам ахборотга эга бўлган ҳолда энг мақбул қарор қабул қилса, бу унинг маҳоратидан даюлат беради.

*Маркетингни бошқариш жараёни ҳам ишлаб чиқарииш жараёни сингари узлуксиз ҳисобланади.* Бироқ уни үрганиш мақсадида: қарор қабул қилиш, қабул қилинган қарорнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш ва назорат қилиб турисингари уч босқичга бўлиш мумкин. Ҳар қандай маркетинг масаласини ҳал этишда ана шу босқичларни кўздан кечириш осон. Раҳбар бир эмас, бир қанча масалаларни ҳал этилиши лозим бўлгани учун унинг фаолияти бир вактнинг ўзида бошқариш жараёнининг барча босқичлари билан боғланган бўлади. Масалан, у бирор масала бўйича қарор тайёрлайди, бироқ бошқа масала бўйича илгарироқ қабул қилинган қарорнинг бажарилиши ақволини назорат қилганидан кейингина бу қарор қабул қилинмоғи лозим.

Маркетингни бошқариш қарорлар, режалар, топшириклар, фармойишлар шаклида намоён бўлади. Маркетингни бошқариш мәхнатининг ўзига хос маҳсулни баъча даражадаги раҳбарлар томонидан қабул қилинади. Қарор бутун бошқариш биносининг пойдеворидир. Уларни тақомиллаштириш барча бўғинлардан бошқариш органдарининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундан қарорни қабул қилишда уни ишлаб чиқиши учун қанча вакт сарф бўлиши ҳамиша ҳисобга олинади. Одатда узоқ муддатга мўлжалланган қарорларни жиҳдий ўйлаб тузиш учун бир марта амалга ошириладиган қарорларга қараганча кўпроқ вакт таълаб этилади. Қарорлар дархол қабул қилинадиган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Бундан ҳоллар учун тегишли низом (коида, йўриқнома) олдиндан ишлаб чиқилади.

Маркетингни бошқариш қарорлари маълум сифатларга эга бўлиши керак. Улар куйидагилардан иборат:

- Маркетингни бошқариш қарори иқтисодий ва ижтимоий қонунларнинг амал қилишини ҳисобга олиш ва конкрет ишлаб чиқарниш вазиятини таҳлил қилиш негизида илмий асосланган бўлмоғи керак. Қарор қўйилган мақсадларга, белгиланган муддатларда эришиш учун бир қанча асосли варианatlарни тақкослаш йўли билан ишончли ахборот асосиша ишлаб чиқилади. У маркетингда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш талабларига мос келиши ва ходимларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам бериши лозим.

- Вазифаларни ҳал этишда кўпинча асосий масалалардан келиб чиқадиган бир қанча кўшимча вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Бу вазифалар маркетингни бошқарув қарор қабул қилинаётган бош вазифага бўйсундирилиши керак. Қарорнинг барча коидалари бир-бири билан боғлик ҳолда ва илгари қабул қилинган ҳамда хозир амалда бўлган қарорлар билан келтирилади ва бирлигига эришилади.

- Маркетинг раҳбари қарорни ўзига берилган хуқуклар доирасидагина қабул қилиши мумкин. Қарорни уни ишлаб чиқиши лозим бўлган органлар ва шахсларгина чиқара оладилар.

- Маркетинг раҳбари ўзи қабул қилиши мумкин бўлган қарорларни бошқариш тизимида ўзидан юқори ёки паст турган кишиларга юкламаслиги керак. Шунингдек, у илгари ўрнатиётган тартибда, унинг қўл остищагилар доимо ҳал қилиб келаётган кундалик, тақрорланадиган ишлаб чиқариш масалаларига тегмаслиги лозим. У ўз қўл остидагиларнинг функцияларига аралашмаслиги керак. Акс ҳолда маркетинг раҳбари улардаги жавобгарликийнинг бир қисмини ўз зинмасига олган бўлади.

- Қарорлар ўз йўналишига эга бўлиши лозим. Ҳар бир қарор аниқ асрестга эга, бажарувчига тушуниарли бўлиши лозим. Қарор таърифидаи биргина маъно келиб чиқиши керак ва турлича тушунишга йўл қўймаслик лозим.

· Ахборот билан ишлашда тежамкорлик таърифланаётган қарорнинг киска булиши ҳакица доимо ғамхўрлик килишни талаб этилади. Қарор вақт жихатидан конкрет бўлмоғи лозим. Раҳбар ўз кўл остидагиларга бажариладиган вактини кўрсатмай топшириқ бермаслиги керак. Қарорлар оператив бўлмоғи лозим. Қарор ишлаб чиқариш вазияти талаб қилган вактнинг ўзидағина қабул қилиниши керак. Кечикиб ёки шошқалоқлик билан қабул қилинган қарорларнинг ҳар иккаласи ҳам зарадир. Қарорлар ишлаб чиқариш вазиятидаги ўзгаришларни акс эттириши керак.

· Маркетингни бошқариш бўйича қарорни қабул қилиш босқичида асосий эътибор уни ишлаб чиқишига илмий асосланганлигига қаратилади. Ҳар бир конкрет ҳолда умумхалқ, жамoa ва шахсий манфаатларнинг бир-бири билан чамбарчас боғланишига эришишга интилиш керак. Жамият учун фойдали бўлган нарса маркетинг жамоаси учун ҳам, ҳар бир алоҳида ходим учун ҳам фойдали булиши лозим. Ҳар қандай қарор айрим маркетинг бўлимчалари ҳаракати бирлигини, асосланган пропорцияларини, қарорнинг бажарилишидан моддий ва маънавий манфаатдорликни таъминлаш зарур.

*Маркетингни бошқариш бўйича қабул қилинган қарор қўйидаги босқичларни ўз ичига олади. Бажарилиши лозим бўлган вазифаларни аниклаб олиш, масалан, маркетинг олдига янги товар яратиш ва уни ўзлаштириш вазифаси қўйилган. Бу ҳолда маркетинг бошлигининг қарори, вазифанинг ҳажми ва моҳиятини ҳамда оқибат натижани - янги маҳсулотни чиқариш бўйича сифат ва микдор кўрсаткичларини аниклаш билан боғлиқdir. Бу қарорни ишлаб чиқиши одатда шундан бошланадики, маркетинг бошлигининг ўринбосари ва мутахассислар вазифаларининг мазмуни, қарорнинг муддатлари, қарорни тайёрлашда ким катнашиши ва унинг қандай мавқега эгалиги, кимга, қачон ва нима ҳақда ахборот бериш, зарур ахборотни қаердан олиш ҳакида кўрсатма оладилар. Сўнгра шу асосда янги маҳсулотни яратиш ва ўзлаштириш технологиясини жорий этиш режасини тузалилар. Бу вазифаларни ҳал этишининг турли вариантларини мухокама*

қилиш, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниклаш зарур булади. Бунда иқтисодий таҳлил катта аҳамиятга эга. Карорларнинг варианatlари чизма, математик, мантиқий ва бошқа моделлардан фойдаланиш йўли билан моделлаштирилиши мумкин. Улар техника, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тавсивлар мажмуюн бўйича баҳоланади. Энг қулай қарорларни ишлаб чиқиш кўп жиҳатдан омилкор кишиларнинг ва, айниқса, келгусида шу карорни бажарувчиларнинг фикри нақадар тўла хисобга олинганлигига боғлиқ.

*Хар бир қарорни танлаш, қабул қилиш ва узилкесил таърифлашни маркетинг раҳбари яkkaboшчилик ҳуқуқи асосида амалга оширади.* Қарор маркетинг бошлиғи, ёрдамчиси томонидан якка тартибда ёки Коллегиал асосда қабул қилиниши мумкин. Одатда маркетинг раҳбарининг яkkaboшчилиги коллегиаллик билан кўшилиб кетади. Маркетинг бошқарув қарорларини бажариш - оқибат натижада корхона давлат режаларини, шу режалар асосида ишлаб чиқадиган маркетинг режалари учун берилган ишлаб чиқариш топширикларини бажариш демакдир.

Маркетинг бўйича режаларнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш унинг бўлимчаларини бошқариш аппарати томонидан маркетинг жараёнига раҳбарлик қилиш бўйича аниқ масалаларни ҳал этиш демакдир. Бунда ҳар бир функционал бўлинма ўз функцияларини бажариш билан банд булади. Бинобарин, маркетингни бошқаришнинг янги тизими амал қиласи. Бунда барча маркетинг бошқарув бўлинмалари бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиб, маркетинг режасининг бажарилишига эришилади.

*Маркетингнинг тезкор масалалари раҳбарнинг аралашувисиз ҳал этиладиган бошқариш тизими энг рационал тизим ҳисобланади.* Бунинг учун ҳар бир ходимнинг ўрни аниқ белгиланган булиши; ҳар бир киши бошқарув жараёнида ўз мавқенини ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши; ҳар бир киши ишнинг ўзига топширилган қисмини бажариш учун

жавобгарлик сезиши; үзаро бир-бирини назорат қылыш тизимини амалда оширмоғи лозим.

*Маркетинг раҳбарининг асосий вазифаси кўрсатилган тизимни ташкил қилишдан ва ўзи учун маркетингни ривожлантиришининг туб масалалари билан шугулланиш имкониятини яратишадир.* Бундай тизим ташкилий жихатдан: маркетингни ҳар бир бошқарув бўлинмасига унинг асосий вазифаси биринчирилиши билан тужудга келтиришади. Вазифа илмий асесланади, аниқ таърифланади ва бўлинма ҳақиқати низомга ёзib кўйилади. Маркетингнинг янги бошқарув бўлинмасини тузишда унинг учун зарур хукукий асослар ишлаб чиқилади. Низом одатда шундай хукукий асос ҳисобланади. Бу хужжатда мазкур бўлинманинг асосий вазифалари, хукуқ ва мажбуриятларидан ташқари унинг штат таркиби қайд этилади ва маъмурий раҳбар (бошлиқ, директор) кўрсатилади. Низомда кўпинча ушбу бўлинманинг бошқа хизматлар билан функционал алоқалари тартибга солинади.

Демак, ҳар бир маркетинг бошқарув бўлинмаси бир маъмур раҳбарлик қиладиган ташкилий бир бутуниликни ташкил этади. Маркетинг ходимлари ўртасида мажбуриятлар ва жавобгарлик улар учун мустақиллик ва ташаббус кўрсатишнинг энг кўп имкониятларини таъминлайдиган килиб тақсимланади. Маркетингни ҳар бир бўлинмада барча ходимларининг вазифалари, жавобгарлиги ва хукуки “мажбуриятларсиз хукуқ йўқ, хукукларсиз мажбурият йўқ”, деган тамойилга амал килинган холда аниқ белгиланади. Умумий ишнинг маълум кисми учун ҳар бир ходимга жавобгарлик белгиланади ва бу ходимларнинг бир-бирларининг ишига аралашибдан ҳоли қиласи.

Низомга мувофиқ маркетинг раҳбари факат ўзига бевосита бўйсунувчиларга фармойиш беради. Бошқа бўйсунувчиларга фармойиш факат уларнинг бевосита раҳбарлари орқали берилади. Масалан, маркетинг бошлиги расмий томонидан хизмат буйича ўзидан паст турган барча ходимларга буйруқ бериш хукукига эга.

Низомнинг таҳминий кўринниши куйилдагича:

## **НИЗОМ**

**бўлими хақида**

(структурат бўлинмасининг номи)

### **I. Умумий қисм**

1. Бўлим тавсифи \_\_\_\_\_
2. Бўлим \_\_\_\_\_ таркибига киради  
(бўлинма номи)
3. Бўлимга раҳбарликни \_\_\_\_\_ амалга оширади  
(раҳбар)

### **II. Асосий вазифа**

### **III. Кўйилган вазифадан келиб чикадиган вазифалари**

### **IV. Бўлим штатлари**

1. Раҳбар \_\_\_\_\_  
(Ф.О.И.)
2. Раҳбар ўринбосари \_\_\_\_\_  
(Ф.О.И.)
3. Мутахассислар (маркетолог-иктисодчи, маркетолог-тадқиқодчи, реклама бошлиғи) \_\_\_\_\_  
(Ф.О.И.)
4. Кичик дастёр ходимлар \_\_\_\_\_  
(сони)

### **V. Бўлим таркиби**

(Мунтазам алоқалар таркиби схемаси)

### **VI. Бошқа бўлинмалар билан ўзаро алоқа**

Маълумот ва материалларни (кимдан ва қандай материални олди)	Муддати	Маълумот ва материаллар (кимга ва қандай материаллар беради)	Муддати
кимдан 1. 2.	узори билин	кимдан 1. 2.	узори билин

Бирок у бевосита раҳбарларни четлаб буйруқ берганида ташкилий парокандаликка олиб келади, интизомга салбий таъсир кўрсатади, кўнгилсиз ижтимоий оқибатларга олиб келади. Маркетингда маъмурий ва функционал муносабатлар бир хужжат, лавозим йўриқномаси билан тартибга солиб турилади. Одатда йўриқномаларда ушбу лавозим ҳайси бўлинма таркибида бўлиши, ходим кимга (лавозим бўйича) бўйсуниши, унга ким бўйсуниши ҳақидаги кўрсатмалар берилади. Сўнгра ушбу ходимнинг бир ўзи жавоб бериши лозим бўлган масалалар доираси белгиланади.

Маркетингнинг бошқа ходимлар билан функционал алоқалари ходим кимга, қандай маълумотлар ва қандай муддатларда бериши, шунингдек, ким, қандай маълумотларни унга бериш тизими бўйича белгиланади. Маркетинг ва унинг бўлимчалари ҳақидаги низом ва йўриқнома таъсирчан бўлиши учун юз берадиган ўзгаришларга мувофиқ уларни мунтазам қайта кўриб туриш керак. Маркетингни ташкил этиш ва амалга оширишнинг прогрессивлиги ёки истиқболлигі ҳақида Низом ва йўриқнома амалиётда накадар кенг фойдаланаётганлигига қараб кўп жиҳатдан баҳо бериш мумкин бўлади.

*Маркетинг соҳасида қабул қилинган қарорнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш назорат билан чамбарчас боғланган. Ҳисобга олиш ва назоратнинг тамойили бошқариш аппаратининг бутун фаолиятига сингиб кетган. Маркетингда ҳисобга олишнинг аҳамияти шундан иборатки, ишнинг ҳақиқий аҳволи ҳақида тўла ва объектив ахборот берадиган кенг ва аниқ ҳисоб бўлмаса, тўғри қарор қабул килиб бўлмайди. Маркетинг ва унинг бўлимчасини бошқаришда асосан ҳисобга олишнинг оператив ва бухгалтерлик турларидан фойдаланилади. Яхши йўлга кўйилган ҳисоб самарали қарорлар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини кузатиб бориш имкониятини беради. Ҳисобга олишда чалкашлик одатда маркетинг фаолиятини бошқаришда аҳволнинг ёмонлигидан ва катта камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Маркетингни ташкил этиш ва амалга ошириш органлари ишлаб чиқаришнинг аҳволи*

ҳақида дастлабки ахборо ни берадиган пухта ҳисобга олиш тизимиши вужудга келтириш ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Дастлабки ахборот маркетингни ташкил этиш ва амалга оширишда барча ахборотларнинг манбани ҳисобланади ва бутун бошқариш жараёни ана шу дастлабки ахборотнинг тўғрилиги билан белгиланади.

Назорат бошқарув дастурининг якунловчи боскичи ҳисобланади. Агар карор юқоридан пастга келадиган ахборотни вужудга келтирса, назорат тескари алоқа шакли ҳисобланаби, юқори бошқарув органи буйруқларининг бажарилиши ҳақида ахборот беради. Назорат маркетинг фаолияти аҳволининг бугун ҳақиқий манзарасини кўриб туриш имкониятини яратади. Қабул қыпинган қарорларнинг таъсиричанлини ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши, оқибат натижада назоратнинг самарадорлигига боғлик. Бўларнинг ҳаммаси маркетингни бошқариш органи учун назоратнинг пухта ва иҷчам тизимиши вужудга келтириш зарурлигини яна бир карра қайш этади.

*Назорат тизими маркетинг фаолиятини бошқаришининг ажralmas қисми бўлиб, бунда бўлинма арнинг ҳам, ҳар бир ходимининг ҳам вазифалари аниқ белгиланган бўлади. Бу ҳолда, аввало, маълум бир тармокнинг ўз вазифаларига мувофик иш кўриши устидан назоратни амалга ошириш мумкин бўлади. Назорат вазифаси раҳбарнинг энг муҳим валифасинцир. Чунки у самарали қарорлар қабул қилиш учун ахборотлар манбани ҳисобланади. Раҳбар оқибат натижада қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этишнинг ҳам ташаббускори бўлиши керак. Раҳбарнинг ҳар бир қарори ўз можияти ва шакли жиҳатидан шундай бўлиши керакки, у доимо ўзгариб турадиган маркетинг фаолияти вазиятида қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш имкониятини берсин. Масалан, маркетинг гурӯҳи бошлигининг буйргига, одатда кўрсатилган ишларни маълум муддатда бажариш устидан назорат қилиш топширилган щахслар кўрсатилади. Бу бевосита, оператив назорат бўлиб, унинг вазифаси қарорларни бажаришни ташкил этишdir.*

Маркетингни бошқариш органларининг юкорида кўрсатиб ўтилган назорат функциялари билан бир қаторда давлат назорат органлари фаолият кўрсатади. Давлат назорат ташкилоти маъмурият фаолияти устидан амалга оширадиган назорати, бу фаолият ҳамиша умумхалқ манфаатларига живоб беришга, бу маркетингни ташкил этиш ва амалга оширишнинг конкрет вазифалари мамлакат, ҳукумат директиваларидан келиб чиқишига қаратилган.

*Давлат назорат ташкилотлари маркетингни бошқаришида фаол рол ўйнайди.* Улар бошқаришни амалга оширадиган маркетинг бўғиншари раҳбарларини танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда ҳал қилувчи таъсир кучига эга. Давлат назорат ташкилотлари ўзи раҳбарлик ишига тавсия этган кишиларнинг кундалик фаолиятига аралашмай, жамоа тажрибасига таяниб, уларнинг фаолиятини қандай усуслар билан яхшилаш, уларнинг ҳар бирiga топширилган бўлимлари раҳбарлик даражасини ошириш ҳақида кенгаш ва маслаҳатлар беради. *Давлат назорат ташкилотлари маркетинг жамоатчилиги орқали жамоа билан доимо алоқада бўлиб туради.* Ундаги барча ишлардан ҳабардор бўлади. У давлат режасига, юкори органларнинг қарорларига амал қилиб, жамоа фикрини ҳисобга олиб, умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан маркетингни ривожлантириш истиқболларини белгилайди. Давлат назорат ташкилотлари режани бажариш учун барча маркетинг бўлимчаларининг имкониятиларини ва захираларини ҳар томонлама ўрганади, ходимларнинг конкрет вазифалари аникланади.

## **5.2. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ РУҲИЯТИ**

Маркетинг жамоаларидағи “руҳий иқлим” меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир. Жамоадаги ҳар бир шахс ижтимоний онг нормаларига бўйсунади. Шунинг учун ҳам жамоацаги “руҳий иқлим” ходимларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш учун қулай шароит туғдириш, фаолиятининг

ижобий асосларини ривожлантириш ва ходимларни мәдненең фәол, ижодий, вижданан муносабатда бўлишга одатлантиришда мұдым роль ўйнайды. Жамиятимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, мәдненең турмушда инсонга ҳурмат ва мәдрибонлик билан муносабатда бўлишни, ҳалолликни, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик билан бөгланган ишончни, чинакам үртоқлик руҳини карор топтиришга ёрдам берадиган маънавий мұхитни вужудга келтириш лозимлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Маркетолог мәднени яхши ташкил этилса, ўз ишидан кониқиши юқори бўлади. Маркетинг фәолиятидаги интизомни бузиш камаиди. Мәдненең ташкил этишдаги камчиликлар кишилар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг жамоат ва мәдненең фәоллигини пасайтиради, жамоадаги “рухий иклимини” ёмонлаштиради, кадрлар кўнимсизлигининг сабабларидан бири бўлади. Чунончи, Тошкентдаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидаги сұхбатлашилган ҳар 100 кишининг 83 таси маркетинг бўлинмалари, омбор ходимлари ва бошқалар ўзаро муносабатининг ҳолатини, кишиларнинг кайфиятини, шахсий мәдненең унумдорлигининг ўсиши ва режаларнинг бажарилиши, маҳсулот сифатига бўлган жавобгарликнинг ошиши билан тўғридан-тўғри бөглайди.

*Маркетингда моддий ва маънавий разбатлантириш тизими онгли мернат кўникмаларининг шакланишига таъсир кўрсатади.* Бу кўрсатмалар разбатлантириш тизимининг афзалликлари ва камчиликларига бөглик. Маркетинг мәдненең сарфи ва унга ҳақ тўлашнинг номувофиқлиги фақат иқтисодий зарар келтирмайди, балки кишиларда мәдненең нотўғри муносабатни, “юлгичликни”, масъулиятсизликни, вижданан мәдненең қилишдан манфаатсизликни шакллантиради. Моддий ва маънавий разбатлантириш масалаларига ғоятда эътибор билан муносабатда бўлиш, кулай руҳий мұхитни яратади. Маркетинг бўлимни ходимларини янада унумлирок ишлашга ундаиши.

Маркетинг фәолият ходимлари ҳам бўш вақтдан фойдаланишига яхши анъаналарини яратиш ва мустаҳкамлаш,

жамоани жипслаштиришда катта аҳамият касб этади. Жамоа аъзолари томонидан ўзаро муносабатларнинг турли шаклларига кўра шакллантириб, муносабатлар жараёнида маркетологлар жипслиги тамойилларига энг кўп жавоб бера оловчи сифатида, онгли равишда қўллаб-кувватланадиган руҳий мұхиттинг ҳам аҳамияти кам әмас. Жамиятимиз моҳиятига ёт бўлган барча ҳодисалар юлғичликка нисбатан муросасизликка, миллатчилик ва шовинизмга, таъмагирликка, текинхўрликка, порахўрликка, интизомга риоя қиласасликка, ичкиликбозликка, безориликка қарши кураш олиб бориш лозимки, булар бизнинг янги мустақил ўзбекона адолатли давлатимиз юяларига ёт нарсалардир. Утказилган руҳият борасидаги тадқиқотлар кўрсатишича, жамоа билан ўзаро алоқаларни моҳирона ташкил эта оловчи маркетинг раҳбарлари маъмурий чораларни қўллайвермасдан ҳам яхши натижаларга эриша оладилар.

Маркетинг бошланғич мөднат жамоалари кўп жиҳатдан кишиларнинг биргаликдаги фаолиятлари шароитига боғлиқ бўладиган ҳамда мөднатни ташкил этиш, моддий ва майнаий рағбатлантириш тизими, жамоадаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг иш услуби ва методлари орқали белгиланадиган куляй рудий ишларни шакллантириш учун катта имкониятларги зга. Маркетинг жамоасининг ҳар бири ўзини бошқа жамоалардан ажратиб турувчи характерли хусусиятига, белгиларига зга. Бу белгиларни таърифлаш учун, аввало, мазкур маркетинг жамоасининг умумзавод жамоаси ёки миллий иқтисодиёт тизимида кандай ўрин тутишини аниқлаб олиш керак. Унинг иқтисодий кўрсаткичлари кандай? Моддий ва майнаий рағбатлантириш тизими қай дарижада такомиллашган? Бу жамоадаги “руҳий ишлар” кандай? Шу каби саволларга жавоб олмоқ лозим.

Маркетинг ҳодимларининг бир-бiri билан муносабати иккai тизим: формал (ёки расмий) ва неформал (ёки норасмий) доирада амалга ошиди. Формал тизими кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятидаги маъмурий жиҳатдан мустаҳкамланган расмий алоқаларини кўрсатиб беради. У кишиларнинг лавозим бурчларидан келиб чиқувчи ўзаро

муносабатларига кўра аниқланади. Маркетингда ноформал тизим шахсий симпатия ва антипатиялар асосидаги норасмий муносабатларни, манфаатларнинг умумийлиги, характерларнинг ўхшашигини, ўзаро бир-бирини гушунишни белгилайти. Масалан, формал гурухга бирлашган ва умумий маркетинг масалаларини ҳал қилувчи гурух аъзолари билан дўстона алоқалар боғлашни исташи мумкин. Жамоа аъзоларида формал ва ноформал обрў мос келмайдиган ҳоллар ҳам учраб туриши мумкин. Масалан, agar маркетинг гурухи раҳбари жамоа аъзоларининг ҳурматини қозонмаса ва унинг обрўси фақат лавозими туфайли бўлса, унинг ватифасини бир қисмини жамоа аъзоларидан бири ўз зинмасига олади. Ходимлар у кишига маслаҳатлар, ёрдам сўраб мурожаат қилишади, баҳсли ҳолатларда жанжални бир ёқлик қилиб беришни илтимос қилишади. Жамоа жамоат ташкилотларига раҳбарлар (профоргларни, группоргларни ва бошқалар)ни сайлашда бепарвоник қилган ҳолларда ҳам шундай бўлиши мумкин. Натижада шахслар орасидаги муносабатлар формал, расмий тизим доирасидан четда шаклланиб, жамоада зиддиятли йўналишларни, низони тугдиради, бу билан мазкур жамоани бошқариш даражасини пасайтиради.

Бундай формал тизимлар доимо бир-бирига ўзаро таъсир қилиб туради. Шу туфайли ноформал тизимли муносабатларни формал алоқалар тизими орқали тартибга солиб туриш мумкин. Чунончи, жамоада низоли гурухлар ёки айрим ходимлар мавжуд бўлса, мавжуд конфликтни йўқотиш маркетинг бўлими ва гурухчаларини тўғри комплектлаш зарур. Жамоа аъзолари муносабатлари ва обрўлилигининг ички норасмий тизимини билиш маркетинг жамоасини янада самаралироқ бошқаришга йўл очади. Формал ва ноформал тизимлар бир-бирига мос келувчи колективларда жипслик, яхши “рухий иқлим”, юксак маркетинг фаолияти ва жамоат фаолиги билан характерланади.

Бошлангич меҳнат жамоаларини шакллантиришида уларнинг миқдори маълум аҳамиятга эга. Текширишлар ва амалиёт кўрсатадини, маркетинг жамоасида энг ками 10-15

киши, энг кўли 25-35 киши бўлганда улар тезрок бирлашадилар. Ўта кичик жамоалар ҳам ўта катта жамоалар сингари кишиларининг бир-бiri билан муносабатда бўлишини кийинлаштиради. Кичик жамоаларда “бирга бўлиш” мумкин бўлган кишиларни таълаш имконияти кам бўлади. Катта жамоалар эса айрим гурӯхларга бўлинниб кегади - бу, масалан, маркетинг жамоасининг бир бутунлигига, жиислигига путур етказиши мумкин. Маркетинг жамоаларини шакллантиришининг бошқа муҳим ижтимоий-рухий томони, ходимларининг ёш тизимиdir. Маркетинг жамоалари турли ёшдаги кишилардан иборат бўлмоғи лозимлигини, яъни у тажрибали, стажи катта кишиларни ҳам, ёшларни ҳам ўз ичига олиши кераклигини кўрсатмоқда. Бу ходимларнинг билими ва маҳоратидан жуда яхши фойдаланишга ҳамда уларнинг ҳаётий ва касб маҳоратини ёшларга беришга бўлган табиий-ижтимосий эҳтиёжини конциришига имкон яратади, ёшларни эса жамоа меҳнатига тез ва муваффақиятлироқ мослашиш учун шароит яратиб беради ва ўз қасбларини яхши эгаллашларига имкон туғдиради.

Маркетинг жамоаларида одатда ёши ва характерининг индивидуал хусусиятлари турлича бўлган, турлича профессионал тайёргарликка ва лавозимга, турлича қобилият ва маҳоратга эга кишиларни бирлаштиради. Бу эса раҳбарлардан ўз кўли остидагитарининг ҳар бирига нисбатан индивидуал муносабатда бўлишини талаб қилиади. “Кишилар”, “жамоа” деганда ҳар бир киши фазилати ва камчиликлари, уларнинг барча хусусиятларини кўз олдимишга келтиришимиз лозим.

Маркетинг раҳбарида руҳий интуиция ва руҳий одоб сингари сифатлар мавжуд бўлиши, кишиларнинг ўзаро муносабатларини тўгри мўлжалга олишига ва жамоага тўгри раҳбарлик қилишига ёрдам беради. Руҳий интуиция бошқа кишилар рухиятини, уларнинг характерли хусусиятларини ва хиссий кайфиятларини, характерининг сифатини ва хатти-харакатининг сабабларини тушуниш қобилиятидан иборатdir. Кишиларга нисбатан эътибор билан караш ва у

ёки бу ходимнинг хатти-харакатини таҳлил қилишга мойиллик, руҳий интуицияни ривожлантиради. Ҳаёлан ўзини бошқа кишининг ўрнига кўя олиш, вазиятни унинг кўзи билан баҳолай олиш қобилияти раҳбарнинг анча объектив бўлишига ва кишилар хатти-харакатининг яширин сабабларини тушунишга имкон беради. Руҳий сезигрлик хусусан маркетинг ходимларини, уларнинг ижобий ва салбий томонларини түгри баҳолашда, кишиларнинг имкониятларига, манфаатларига, кизикишларига, характер хусусиятларига кўра ишни танлаш ва тақсимлашда намоён бўлади. Руҳий сезигрлик низоли вазиятларда тўғри мўлжал олишга ва вужудга келган вазиятга кўра таъсир кўрсатишнинг энг мақбул шаклини танлашга имкон беради ва унга рағбатлантиради.

*Маркетингда руҳий одоб энг самарали таъсирни во руҳий жиҳатдан кўп қўлланишини таъминловчи муомала шаклини танлашда, қўйиладиган талабларнинг ихчамлигига намоён бўлади.* Масалан, маркетинг бўлими бошлиғи кониқарсиз иш юзасидан турли ҳазилдан тортиб, айrim ҳолларда жуда кескин гапиришгача танбех бера олади. Бирок, бунда у “етти ўлчаб бир кесмоги” лозим, “ошириб юбормоги” яхши эмас. Ҳар бир аниқ вазиятга ва шароитга кўра танбех бериш варианти танланади. Бундай ҳол тажрибали, виждонли ходимнинг тасодифан “чатоклик” қилиб қўйиши ёки, аксинча, виждонсиз ходимнинг ўз вазифасига интизомсизлик, совукконлик билан муносабатда бўлиши оқибатидагина юз бериши лозим. Шундай ҳолларда маркетинг бўлими раҳбарининг таъсири ҳам турлича бўлади, албатта. Баъзан шароитнинг ва кишилар индивидуал хусусиятларининг турли туманлигини ҳисобга олмай, нотўғри танланган гапириш оҳангига ва таъсир кўрсатиш шахси туфайли кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда низоли вазиятлар вужудга келиш ҳоллари кўп учрайди.

Маркетинг фаолиятида юз берадиган низоли вазиятлар турли вазиятларга кўра вужудга келиши мумкин. Масалан, меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларни, ҳак тўлашнинг такомилаштирилмагани, ёмон меҳнат шароитларини меҳнат ҳақидаги қонунларни бузишни, раҳбарлик маданиятининг

қониқарсизлиги, ўзаро муносабатлар маданиятининг нисбатан юкори бўлмаган савиёсини ва ҳоказолар кишиларни иш фаолиятидаги учраб турадиган ҳар хил низоли вазиятлар, уларнинг кайфиятига салбий таъсир қиласи ва уларнинг иш фаолиятини пасайтиради, жамоадаги "рухий иқлим"ни ёмонлаштиради, кадрлар қўнимсизлигини кўпайтиради. Шунинг учун бу масалаларга доимо дикқат қилиш, меҳнат жамоаларини бошқаришни, кадрлар турғуналигини таъминловчи шартлардан бириди. Маркетинг фаолиятида низоли вазиятлар олдини олишнинг барча имкониятларидан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келади. Ҳар бир низо қандай характерга эга бўлмасин, у қай даражада катта бўлмасин, барча ҳолларда низонинг сабаблари ҳамда уни вужудга келтирган ҳолатлар дикқат билан таҳлил қилиниши керак.

Раҳбар ҳар бир конкрет ҳодисанинг тагига бегаразлик билан етиши ва тегишли хуроса чиқариши лозим. *Маркетинг тадқиқотлари кўрсатишicha, меҳнат яхши ташкил этилган ҳамда интизом анча юкори бўлган жойда фойда даражаси, рентабеллик каби фақат иқтисодий кўрсаткичлар фақат юксак эмас, балки низолар ҳам анчагина кам, ҳодимларнинг ўз меҳнатидан катта қониқиши олаётганлиги кўзга ташланиб туради.* Ҳодимлар норозилиги юксак талабчанлик ва маркетинг фаолиятининг баъзи жиҳатларини яхшилаш, бу билан меҳнат унумдорлигини ошириш истагининг натижаси сифатида ижобий сабабларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамоа аъзоларининг принципиаллиги ҳамда камчиликлар билан муроса қилмаслик истаги жамоанинг юксак фаоллиги туфайли юзага келади. Бундай ҳолларда низоларни ҳал қилишнинг энг яхши йўли - ҳодимларни маркетинг фаолиятини бошқаришга жалб этишининг жуда кўп шаклларидан янада тўларок фойдаланишдир. Бу жуда ҳам ошкораликка, жамоа фикрини аниқлашга, маркетингдаги айрим масалаларда жамоанинг ҳар бир аъзоси ахборотига имкон яратади. Эркин фикр алмашинш, ишга доир мунозара учун шаронт түғдиради, танқидий мулоҳазаларга тўғри фикр билдириш жуда муҳимдир. Кўп ҳолларда маркетинг раҳбари ҳакамтик ролини

үйнайды. Мукофот тақсимлашыда ҳам, жазо чоралари күришца ҳам ва бошқа ҳолатларда ҳам ҳамиша раҳбардан масаланы адолатлы ҳал қилиш кутилади. Күпгина низоли ҳолларда ҳудди раҳбарнинг ўзи ҳодисаларга узил-кесиң баҳо бериши зарур, токи бу билан бошқа ихтилофларни тугатсиз ва жамоа фаолиятини бошқарыш буйича жавобгарликин ҳам бир ўзига олсан. Маркетинг раҳбари айрим кишиларининг қизикиши, уларнинг ҳатти-харакатлари сабабларини, низолар манбаи бўлиши, жуда ҳам типик ҳолларда ҳодимлар ўзларини қандай тутишларини олдиндан кўра олиши муҳим ва зарур.

Маркетинг жамоаси раҳбарнинг ҳатти-харакати сабабларини, низолар манбаи бўлиши, жуда ҳам типик ҳолларда ҳодимлар ўзларини қандай тутишларини олдиндан кўра олиши муҳим ва зарур. Маркетинг жамоаси раҳбарнинг ҳатти-харакати доимо объектив, ҳалол ва хизмат манфаатлари томонидан тақозо килинганилигига ишонса, раҳбарнинг обруси ошади, бу эса жамоада нормал муносабатлар ўрнатилишига хизмат килади.

### **5.3. МАРКЕТИНГ РАҲБАРИНИНГ ИШ УСЛУБИ ВА МАДАНИЯТИ**

Маркетинг раҳбари қарор қабул килгандан, унинг бажарилашини ташкил этганда за кўл остидаги кишилар ишини назорат қилганица, у ўз вазифаларига мувофиқ иш кўради. Аммо ҳар бир раҳбар бунда ўзига хос равишда бошқарув жараёнича ўзи учун характерли бўлган раҳбарлик услубини белгилайдиган усуллар билан ҳаракат қиласи. Маркетингнинг раҳбарлик услуби раҳбарларнинг ўз қўл остидагилари билан алоқасида, уларнинг ўзаро муносабатида, унинг қабул қилган қарорида намоён бўлади. Маркетинг раҳбарининг услуби учун демократизм, жамоатчилик, юксак жавобгарлик ва сиёсий онглилик хос бўлмоғи лозим. Раҳбар услуби маркетинг жамоасидаги ижтимоий муносабатларнинг бутун йиғиндиси билан шаклланади, бирор услубни таинлаш ва қўллаш раҳбарга боғлик. Худди шу раҳбар хўжалик ва тарбиявий ишларнинг

бир-бирнга чамбарчас боғлиқлигини тажрибада амалга оширади. Унинг фаолиятидаги мұваффақият күп омиллар билан белгиланади. Булар орасыда раҳбарнинг шахсий фазилати ва маданийти катта ўрин тутади. Бунда раҳбар шахсий ўрнак күрсатувчи сифатида намоён бўлади.

*Маркетинг бўлимининг раҳбари - тарбиячи.* У ўз жамоасини тарбиялаш учун юксак жавобгарликни ҳис этиш туйғусига эга бўлмоғи, ходимларига шу қадар таъсир кўрсата бўшиши керакки, бу таъсир натижасида уларда ватанпарварлик онги шакллансан, ходим меҳнатга нисбатан ижодий ёндашадиган бўлсан. Раҳбарнинг ўз жамоасига таяниб раҳбарлик қилиш санъати, кўл остидагиларнинг, жамоат ташкилотларининг фикрларини англаб олиш қобилияти, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун маркетинг фаолиятидаги масалаларни муҳокама қилишда коллегиаллик булиши лозим, қабул қилинган қарорларни бажаришда ходимларда ташаббус ўйғотиш ва уларниң ташаббусини кўллаб-кувватлаш учун қабул қилинган қарорларни, уни бажарувчиларга кенг тушунтириш ишлари олиб бормоғи, улар билан яқиндан алоқада бўлмоғи лозим.

*Маркетинг раҳбари меҳнатининг самарадорлигини фақат охирги натижаларга қараб ўлчаши мумкин.* Ҳар қандай ижодий меҳнатда бўлгани сингари, маркетинг раҳбарининг меҳнати ҳам шундай хусусиятга эгаки, бу меҳнатнинг маҳсули - қарор, одатда қарорни қабул қилишга сарфланган вакти билан эмас, балки унинг фаолиятидаги пировард натижани ҳисобга олиш билан баҳолаш эҳтиёжи обьектив тарзда мавжуддир. “Раҳбар бошқаришга қодирми? У қандай хислатларга эга бўлиши керак?” - деган саволларга жавоб олиш муҳим. Уларга жавоб бермоқ учун маркетинг раҳбарининг хислатини обьектив баҳоласи имкониятини берадиган мезонлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Шу хилдаги мезонлар тавсифини қўйидагича гуруҳлаш мумкин:

· сиёсий етуклик. Бу гурухга: зътиқодлилик; маънавий-сиёсий; ходимларни ватанпарварлик ғоялари руҳида тарбиялашга қодирлик; тоширилган иш учун шахсий жавобгарликни ҳис қилиш; ҳалолиқ; вижданлилик; шахсий

манфаатларни жамоат манфаатларига бўйсундиришга кодирлик киритилган;

- *кишиларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш;*
- *илгорликни қўллаб-қувватлаш қобилияти; принципиаллик; танқидга чидамили бўлиш; ўз-ўзини танқид қила билиш;*

- *меҳнатга муносабат.* Бу гурӯхга: меҳнатсеварлик; жамоа ўртасида интизомни йўлга қўя билиш ва саклай билиш; атрофдагиларда меҳнатсеварликни тарбиялай билиш киритилган;

- *билим даражаси.* Бунга: техника технология ва иқтисодиётни билиш; бошқариш структурасини ва функцияларини билиш; истиқболни кўра билишга қодирлик киритилган;

- *ташкилотчилик қобилияти.* Бу гурӯхга: ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланиш; кўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялашни билиш; бир мақсадга қаратилганлик, кутиммаган вазиятларда бошқариш қобилиятини йўқотмаслик киритилган;

- *самарали бошқариш системасини таъминлашни билиш.* Бунга: бошқаришнинг принципиал масалаларини коллегиал тарзда муҳокама қилишни ташкил этиш қобилияти, иш ҳақида қисқа ва аниқ гапириш қобилияти киради;

- *ишига оид хатлар, буйруқлар, фармойишлар ёза билиш ва ҳоказолар;* турли манбалар (адабиётлар, ёзишмалар ва ҳоказо)дан иш учун зарур ахборотларни олиш қобилияти; раҳбарларни ва кўл остидагиларни тинглай олиш қобилияти;

- *асосланган қарорларни мустақил ва тез қабул қила билиш қобилияти;* давлат режасини бажаришдан ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш қобилияти; бошқарув органлари қарорларини бажариш устидан назоратни таъминлай билиш; бошқариш таркибини тузилишини такомицлаштириш қобилияти.

Маркетинг раҳбарининг кўрсатилган хислатларини аниқлаш бўйича Тошкентдаги Чкалов номли авиация ДХЖ ИЧБда 5 баллик тизим бўйича бир гурӯх эксперталар, шунингдек, баҳоланаётган кишиларининг ўзлари томонидан

баҳоланган. Бу эса ушбу лавозим учун белгиланган умумий баҳони ва нормативдан четга чикиши аниқлаш имкониятини берган. Олинган маълумотлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилган:

- қайта аттестациядан ўтказилганда. Аттестация комиссиясининг аъзолари аттестациядан ўтказилаётган кишига эксперт баҳоси негизида олинган хulosани билдиради. Комиссия ходим ҳақидаги бошқа маълумотлар ва кўрсатилган баҳолар асосида аттестациядан ўтказилаётган киши ҳакида қарор қабул қиласди;
- раҳбарлик усулини таҷбик этганда. Эксперт баҳоларини ўз ўзини баҳолаш билан ва турли маркетинг бўлими раҳбарларидағи айрим хислатлар бўйича ўртacha меъёрий баҳолар билан таққослаш раҳбарлик услубини рационализациялаштириш йўлларини аниқлашга ёрдам беради;
- юқори вазифага кўтариш учун кадрлар резервини вужудга келтиришда;
- раҳбарлар ва мутахассисларни қайта тайёрлашда;
- раҳбарни ёки мутахассисни бир вазифадан иккинчи вазифага кўчириш, бир жамоадан иккинчи жамоага ўтказиш ҳакида қарор қабул қиласданда;
- кадрларни тайёрлаш бўйича доимий ишда.

Маркетинг раҳбарларининг ишчанлиги ва маънавий-сиёсий хислатларини Чалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида баҳолаш тажрибаси шуни кўрсатадики, бунда биринчи ўринда эътиқодлилик, топширилган иш учун шахсан жавобгарликни ҳис килиш, ҳалоллик, виждонлилик, кишиларга нисбатан меҳрибонлилик ва эътибор билан муносабатда бўлиш тураг экан. Заводнинг маркетинг бошқармаси бошлиги томонидан асосланган қарорларни мустақил ва тез қабул қилиш қобилияти, шахсан интизомли бўлиш, меҳнатсеварлик, ташкилотчилик қобилияти, жамоада интизомни йўлга қўйиш ва сақлай билиш қобилияти ҳам жуда юксак баҳоланаар экан.

*Маркетинг раҳбарларининг ишчанлик ва сиёсий хислатлари уларнинг иш услубини белгилайди. Иш услуби*

эса ушбу жамоада раҳбарликнинг бутун услугига таъсир кўрсатади. Масалан, маркетинг бўлими раҳбарлик услуги унинг ходимлар билан ўзаро муносабатида намоён булади. Бошлиқ ходимлар билан бевосита ва доимий алоқада булади. Раҳбар маркетинг фаолиятида факат кишилар ишини бошқарибгини қолмай, балки бошка кўпгина масалаларни ҳам ҳал этади. Шунинг учун ходимларни меҳнатга вижданан ва ҳалол муносабат руҳида тарбиялашни раҳбар жуда таъсирили ҳозда амалга ошириши мумкин. Ходимларнинг хаёти, меҳнати, турмуши, талаб ва эҳтиёжларини яхши билган ҳолда, у ҳар бир ходим ва умуман бўлим, гурӯҳ жамоаси ҳастининг барча томонларига жуда яхши таъсир кўрсатиши мумкин ва лозим. Шуларнинг ҳаммаси раҳбарликнинг ўзига хос усуслари билимни талаб қиласди. Булардан энг муҳими шахсий намуна кўрсатиш усули ҳисобланади. *Маркетинг раҳбари ўз бўлинида техникани ва меҳнат технологиясини мукаммал билиши лозим.* Унинг меҳнатда ва ўқиша шахсий намуна кўрсатиши биринчи даражада тарбиявий аҳамият касб этади.

*Маркетинг ходими ҳақида доимий гамхўрлик курсатиши, маркетинг раҳбари услубининг характерли томонидир.* Бу ходимни иложи борича ўзи қизиқадиган, унинг малакасига, ривожланиш даражасига ва жисмоний қобилиятларига мос келадиган иш билан таъминлашда намоён булади. Маркетинг фаолиятининг бир ойлик режаси ва маҳсулот сотиш графикларини кенгашларда мухокама килиш ва ҳар бир ходимнинг онгига етказиш яхши хислатдир. Янги ходим (айниқса ёш ходим) ишга келганида раҳбар бир неча ҳафта давомида унга алоҳида эътибор беради. Ходимлар жамоага кирнишиб кетиши учун унга ёрдам қиласди, ўртоқлашади.

*Маркетинг раҳбари меҳнат ва техника ҳавфсизлигининг нормал шароитларини таъминлайди.* Меҳнат шаронти озгиня яхшиланган ҳолларда ҳам ишчилар уни ўзларининг эҳтиёж ва талабларига маймурият эътиборининг далили деб билишларини раҳбар ёдида тутмоги лозим. Маркетинг раҳбари ходимларнинг иш ҳақи масалаларига эътибор билан

қарайди. У ҳар бир ходимга иш ҳақининг тұғри ёзилишини мунтазам назорат қилиб тұрацы, ҳалол, серхаракат ходимнинг иш ҳақи үртача ходимнинг иш ҳақидан паст бўлишига йўл қўймайди. Раҳбар юкорироқ мансабга кўчириш учун синов ўтказганда, шунингдек, меъёрлаштиришда етакчи роль ўйнайди. Чунки у ҳар бир операцияда иш унуми имкониятларини бошқалардан яхшиrok билади. Топшириқнинг бажарилмай қолиши ёки кескин равишда тез бажарилиши сабабларини аниклаб, ишнинг “фойдали” ва “фойдасиз” қисмларга бўлинишига йўл қўймаслиги лозим.

*Маркетинг раҳбари ишнинг бажарилишини мунтазам текшириб бориши, ҳар бир майда-чўйда масала бўйича ходимнинг ишига аралашавермай унинг иш натижаларини назорат қилиши лозим.* Маркетинг бошлигининг раҳбарлик услуги учун буйруқни фақат фармойиш тариқасида эмас, балки асосан маслаҳат, илтимос, топширик тарзида бериш яхши натижа беради. Улар аник, маълум, тўғал булиши мақсадга мувофиқдир. Маркетинг раҳбари ўз жамоасида ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини ривожлантириш учун жавобгардир. Жамоада яхши ижтимоий рухий вазиятнинг булиши кўп жиҳатдан раҳбар билан ходимлар ўртасидаги муносабатга боғлиқ.

Фақат мустаҳкам интизом бўлган тақдирдагина нормал иш вазияти ва маркетинг жамоасида тўғри ўзаро муносабатларини вужудга келтириш мумкин. Мустаҳкам интизомга эса, биринчи галда, раҳбарнинг талабчанлиги, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш билангина эришинш мумкин. Маркетинг раҳбари ходим меҳнатига юзаки баҳо берганда кишида меҳнатга нисбатан кизиқиш камаяди. Шунинг учун у ходимнинг ҳар бир ютуғини, у кўрсатган ташаббус ва чаққонликни дархол кайд этиши лозим. Раҳбар ишдаги камчилик учун жазоламоқчи бўлса, ходим бу жазони ҳаққоний ва муқаррар жазо сифатида аниглаган, бу жазо бошқалар учун ўрнак бўладиган тақдирдагина жазолаши керак. Ҳа деб жазолайвериш маркетинг раҳбарининг занфлигини, топшириқларни ҳалол, ташаббус кўрсатиб бажариш ва интизомни онгли равишда мустаҳкамлашни

муқаддас қонун тусига киритиш шароитларини яратып билмаганлыгыдан далолат беради.

Буюк Карнегиннинг ёзишича, ходимга танбехни күпроқ ҳеч ким йўғида берган маъкул. Омма ўртасида мақташ эса яхшироқ таъсир кўрсатади. Ана шу чораларнинг ҳар бири ходим учун асосли бўлиши, жамоа эса унинг тўғрилнгига ишонч ҳосил қилиш керақ. Акс ҳолда мактоб нолойик бўлиб кўриниши, танбех эса ноҳақ бўлиб туюлиши табиий.

Маркетинг раҳбари касаба уюшмаси ва ёшлар жамиятларига таяниб, шундай вазиятни, шундай жамоат фикрини вужудга келтиришга интилиши лозимки, бунда жамоада ҳар бир киши қандай ишләётганинги ҳамма яхши билсин ва унинг хизматини тегишлича баҳоласин.

*Маркетинг бўлими ҳар бир раҳбарининг услуги кўп жиҳатдан қарор қабул қилиш учун зарур ва етарли, ахборотни олиш ва ундан фойдаланишида, унинг шахсий усули билан белгиланади. Маркетинг фаолиятини бошқариш - ижодий жараён, ўзига хос бир санъатdir. У раҳбарнинг хилма-хил иш усулларида намоён булади. Бу усуллар эса маркетинг раҳбарига ушбу соҳадаги оз омилкор кишиларнинг фикрини турли йўллар орқали аниқлаш ва бу фикрдан бошқариш жараёнида фойдаланиш имкониятини беради. У ўз фикрларини ҳар бир ходимнинг онгига етказиш учун ҳам маълум хислатларга эга бўлмоғи лозим.*

Маркетинг раҳбари сұхбатдошининг гапини тинглаганида мазкур сұхбат натижасида иш ҳакида энг кўп фойдали ахборот олишга интилмоғи лозим. Ахборот олишга эса бошқаларнинг, айниқса ўз қўл остидагиларнинг фикрларига, гапларига, танқид ва таклифларига эътибор билан муносабатда бўлгандагина эришиш мумкин. Бўйсунувчи киши маълум ишни бевосита бажаради ва бу ишни бошқалардан кўра яхшироқ билади. Шунинг учун раҳбар ўз қўл остидагилар билан сұхбат килгандা, ўзи учун, айниқса кимматли бўлган ахборотни олишни мўлжаллаб, бунинг учун очик гаплашиш шароитини яратиш лозим (масалан, бегоналар бўлмаслиги, телефон қўнгироқларини чеклаш ва хуллас четдан ҳеч қандай ҳалақит қилмаслиги

керак). Маркетинг бошлигининг жамоа ва айрим ходимлар билан жонли алоқаси жуда юксак баҳоланади. Жонли алоқада факат ўз қарорини билдирибгини қолмай, тингловчиларга таъсир кўрсатиш, уларда қарорини яхшироқ бажариш учун ташаббус ва ҳоҳиш уйғотиш лозим. Кўполлик билан бакиришга, сўкинишга, маданиятсизликка асло йўл кўйиб бўлмайди. Раҳбарнинг шахсий обрўси кўп жиҳатдан унинг ўз фикрини қай тарзда билдиришига, қандай сўзлашига боғлик.

Маркетинг фаолиятини яхши ташкил этиб ахборотларининг ёзма манбаларидан фойдаланишда энг кўп даражада фойдали маълумотлар олиш учун энг кам адабиётлар, ёзишмаларни аниклаб олиш алоҳида аҳамият саводли ёза билиш эмас, балки фикрни киска ва равон, яхши адабий тилда баён этиш ҳамдир. Раҳбарликда бу ўз қарорини бўйсунувчига етказиш усулидир. Маркетинг фаолиятини бошқаришда зарур бўлган ҳамма нарсани ёзиб кўйиш керак деган коида амал қиласи. Бу бўйсунувчига ёзилганинг қараб, ўз ҳатти-ҳаракатини аник текшириб бориш, маркетинг раҳбарнига эса қарорнинг бажарилишини назорат қилиб туриш имконини яратади.

Маркетинг фаолиятининг ахборот манбаси бўлган хужжатларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш керак. Хужжатлар нисбатан узок яшайди ва кўп кишилар улар билан танишишлари мумкин. Шунинг учун хужжатларга нисбатан катта эътибор бериш, улар ҳамма учун тушунарли бўлишига эришмок мухимдир. Маркетингга раҳбарлик услуги башқариш маданиятининг маълум элементига эга бўлишни ва уларга амал қилишни талаб этиди.

*Маркетингни бошқариши маданиятининг элементлари тегишили меъёрлар билан белгиланадиган ахлоқ қоидаларини (хукуқ ва этикани) ўз ичига олади.* Бундай хукуқ меъёрлари давлат хукуқий меъёрий хужжатларида акс эттиришган бўлиб, уларда бошқариш ходимларига нисбатан умумий талаблар баён этилган. Маркетингни ташкил этиш ва амалга оширишда этика меъёрлари айниқса катта аҳамиятга эга. Чунки бу

нормалар ҳукуқ меъёрларини аниқлаштиради ва у билан бирга раҳбарнинг кулқатвори йўлини белгилаб беради. Маркетинг раҳбари мазкур меъёрларга амал қилиши лозим. У ўз ишида этиканинг инсонпарварлик, мулоийимлик, ўзаро ёрдам сингари меъёрларига таянади. Шу билан бирга маркетинг раҳбарининг ижтимоий ахволи унинг ўзига хос этикасини ҳам белгилайди. Масалан, юқори органларга ёлғон ахборотлар беришга, давлат стандартларини бузишга асло ўйл қўймаслик лозим.

*Маркетингни бошқаришда раҳбарнинг маданияти, сўзининг устидан чиқиши алоҳида аҳамиятга эга. Қўл остидагилар билан бўлган муносабатда, барча ходимларга нисбатан одилона тенг қарааш, уларнинг ишларини объектив баҳолаш, муваффакиятлари учун ўз вақтида мақташ лозим. Маркетинг раҳбари қўл остидагиларининг хизматини ўз хизмати қилиб олмаслиги, шунингдек, ўзининг нотўғри ҳаракати учун жавобгарликни қўл остидагиларнинг устига юкламаслиги лозим.*

Маркетинг фаолиятида раҳбарлар ўртасидаги, раҳбарлар билан бўйсунувчилар ўртасидаги, ходимлар билан жамоа ўртасидаги муносабатлар инсонийлик, аҳлоқ-одоб тамойилларга асосланмоғи керак. Маркетингни бошқариш маданиятини такомиллаштириш унинг барча элементларига эътиборни кучайтиришdir. Бундай бошқариш самарадорлигини ошириш, бошқариш аппарати ишини аниқ ва пухта йўлга кўйиш, меҳнат интизомини кўтариш ва оқибатда умумий самарадорликнинг юксалишига олиб келувчи омилларданdir.

*Маркетинг фаолиятини ҳар бир конкрет ҳолда бошқариш маданиятининг бирон бир томони алоҳида эътибор талаб қиласди. Бироқ, унинг умумий даражаси кўп жиҳатдан вақтни тежаш учун кураш муваффакияти билан характерланади. Масалан, маркетинг фаолиятида ҳужжатлар билан ишлашда ниҳоятда кўп вақт сарфланади. Шундай ҳоллар ҳам кўп учрайдикни, ҳужжатларни тузишнинг ўрнашиб колган шакллари ҳужжатларни тушунишни қийин қилиб кўяди. Ҳужжатнинг тили ниҳоятда содда, ихчам бўлмоғи лозим. Ундаги ахборотларнинг мазмуни бир хилда маъно*

англатиши, равон, тушунарли бўлмоғи керак. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳозирги пайтда бошқарув ҳужжатлари учун маҳсус стандартларни жорий этдилар. Жаҳон стандартларида: нимани ёзиш, қаерга ёзиш ва қанҷай, нимада ёзиш, иш ҳужжатларига қанҷай сана кўйиш, уларни қандай рақамлаш, тиражлаш кўзда тутилган. Бу ҳужжатлар билан ишлаш маданиятини анча оширади, ҳужжатларни тузиш ва ўқиш вактини қисқартиради. Намунавий матннинг бланкалирини жорий этиш тобора кенг тарқалмокда, бу жуда самарали ишdir. Бу ҳақда Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибаси яққол далолат беради. Бундан бир неча йил олдин заводда ҳам намунавий матнли 37 бланкдан фойдаланила бошланди. Бу корхона иши юзасидан ёзишмаларни 2 марта қисқартирди. Йилига 100 минг машина варагини тежаш имконини берди. Бу ишлар айниқса унинг маркетинг бошқармасида яхши натижа берди. Демак, ҳужжатлар билан ишлаш маданиятини такомиллаш-тириш бошқариш аппарати вактини тежашнинг ва бошқаришга сарфланадиган харажатларни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

*Маркетинг фаолиятида оммавий тадбирлар: иигилишлар, кенгашлар, мажлислар, семинар ва ҳоказолар ўтказили маданияти катта аҳамиятга эга. Бу тадбирларнинг ўзига хос томони шундан иборатки, мазкур тадбирлар туфайли нисбатан қисқа вакт ичida муҳокама қилинаётган масалалар бўйича тўла ва ҳар томонлама ахборотлар алмасиши мумкин. Бундан ташқари бу тадбирлар жамоада гоявий-тарбиявий ишларни энг таъсиран шакли ҳисобланади.*

Тошкентдаги Чкалов номли авиация шлаб чиқариш бирлашмасида бундай тадбирлар кенг ривожланган, лекин шуни унутмаслик лозимки, бундай тадбирларни ўтказища одатда кўпгина ходимлардан бўлиб, ўзларининг асосий ишларида қоладилар. Шунинг учун ҳам тадбирларни ўтказишда олинадиган фойдали ахборотларни, уларни ўтказиш учун кетган харажатлар билан тақкослаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Маркетингда раҳбарлик услуби кўп жиҳатдан

кўрсатилган тадбирларни ташкил этииш, ўтказиш ва унинг оқибат самарасига ўз таъсирини кўрсатишида намоён бўлади.

Маркетинг органларида кўп ҳолларда узок муддатга мўлжалланган оммавий тадбирлар ўтказишнинг ягона графиги ишлаб чиқилади. Соф маркетинг корхоналарида оммавий тадбирларни ўтказишнинг ийллик графиги тузилиши мақсадга мувофиқ. Чунки уларнинг фаолият кўлами кенг, имкониятлари кўпдир. Соф маркетинг корхоналари ўз графикларида қандай тадбирлар ўтказилиши, улар учун жавобгар кишилар, неча марта ўтказилиши, вақти ва жойи, шунингдек қатнашувчilar таркиби кўрсатилиши лозим. Бундай тадбирларга бошқа ўзи каби фаолият кўрсатувчи маркетинг корхоналарини жалб этиш, айниқса яхши натижа беради. Тадбирлар аниқ тасдикланган, тузилган регламент билан аникланган тадбирлар ўтказиш тартиби, тегишли методик материаллар, масалан, “Кенгашлар ҳақидаги низоми” ишлаб чиқилиши лозим.

Тошкент курилиш-пардозлаш машиналари ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятида кўпдан бери “Кенгашлар ўтказиш ҳақидаги низом” (завод директори ҳузурида кенгаш) иш кўрмокда. Уларда кенгашни белгилаш, кенгашларда қулай ижтимоий-руҳий иқлимини вужудга келтириш, қатнашувчilar таркиби ва уларга нисбатан талаблар назарда тутилади. Кенгашни ўтказиш жараёни муфассал белгиланган (хатто ҳар бир кенгашда унинг қатнашчилари ўзининг доимий ўрнида ўтириши ҳақидаги кўрсатмагача бор). Заводда қайси масала қачон ва каерда муҳокама қилинишини кўрсатувчи графикдан фойдаланилади. Масалан, товарларни сотиш бўйича режанинг бажарилиши, ҳар ойнинг 5-числосида, товарлар заҳирасининг ҳолати, фойда, рентабеллик ва таниарх бўйича режанинг бажарилиши 10-числода тахлил этилади. Ана шу масалаларни муҳокама қилишда қатнашадиган ходимлар доираси аникланган кенгаш якунлари бўйича аниқ қарорлар қабул қилинади. Қарорларнинг бажарилиши эса қаттиқ назорат остига олинади. Бу тажрибадан соф маркетинг корхоналарининг фойдаланиши яхши натижа берган бўлур эди.

Маркетинг фаолиятида маданият - бошқариш методининг энг муҳим йигиндиси бўлиб, у ходимга нисбатан ишонч ва муҳаббатни ўзида мужассамлаштирган оташин ватанпарварлик, бир максадга қаратилганлик, юксак маданийлик, пухта ўюшқоқлик, аниқлик қаби хислатлар ҳар бир маркетинг раҳбари учун намуна бўлмоғи, унга амал қилмоғи лозим.

#### **5.4. МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШДА ГРАФИК ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

*Маркетингни бошқаришда графиклар воситасидан фойдаланиш бошқарувчиларнинг сермашақат ва маъсулиятли фаолиятларини мукаммаллашда алоҳида аҳамият касб этади.*

Графиклар воситасидан маркетингни бошқариш жараёни ёрқин тасвирга эга бўлади ва кўзга тез ташланади. Унинг босқичлари ва амалга ошириш тартиби, бошқариш фаолиятида кузатиладиган ютук ва камчиликларни тез ва осон аниқлашга имконият яратилади. Масалан, талаб ва таклифни акс эттирувчи ҳар қандай графикка назар ташлар эканмиз, биз талаб ҳажмининг қанчалик таклиф микдорига таъсир кўрсатаётганини яққол қўрамиз ва уларнинг ўзгаришига монанд тезкорлик билан иш юритамиз.


*Маркетингни бошқаришда графикларнинг қўйидаги хилларидан фойдаланиш мумкин:*

- ҳисобларнинг микдор боғликлиги ва тайёр натижаларини ўз ичига олган номограмма ва шкалограммалар;
- ташкилий алоқалар ва муносабатларни ифодалаш учун хизмат қиласидаган оргограммалар;
- буюмлар ва ҳодисаларнинг маконга вактинчалик боғликлиги ва жойлашувини ифодаловчи хронограммалар ва топограммалар;
- ҳажм жиҳатидан турли нисбатларни ифодаловчи диаграммалар ва ҳоказолар.

Маркетингнинг тармок графиклари ишининг ижро этиладиган кўп сонли бугинларининг келишилган ҳолда

харакат қилишини ва белгиланған охирғи муддаттарға қатый риоя қилишини талаб этадиган фан-техника маркетинг ишларининг бориши билан бошқариш тажрибасыда кенг тарқалмокда. Тармок графиклари иш бажарувчилар ҳаракатини аник мувофиқлаштириш ва ишнинг бажарилиши устидан тезкор назоратни таъминлаш имкони<sup>и</sup>н яратади.

*Маркетинг тармок графиги - маркетинг жараёнининг график модулидір (12-чизма).* График тасвир бу жараённи вактида, уннинг айрим кисмлары мантикий алоқасини саклаб қолған холда зарур даражада деталлаштириш билан<sup>и</sup> акс эттириш имконини яратади.



12 - чизма. Маркетингде төнд йүл графиги.

Графиклар айрим ишларни уларни давом этишининг әхтимолий тақсими элементлари билан құшиб, тартиби ва үзаро боғлиқларини олдиндан белгилаш ва йўли билан бирон бир жараённи етарли даражада аник қилиб олдиндан айтиб бериш, иш давомида юз берадиган барча түсікларни аниклаш ва тугатиш, ишлар ўртасида ресурсларни тақсимлашни таъминлаш имконини яратади. *Маркетинг воқеалари ва ишлари тармок графигининг элементлари ҳисобланади.* Воқеа бир ёки бир неча ишнинг тугалланғанлигининг фактицир. Иш - икки воқеа ўртасидаги боғловчи звено бўлиб:

- ўз меҳнати жараёнининг вакт ва ресурслар сарфлашнинг талаб қиладиган бирон бир босқичини;
- кутишини ёки "сохта" ишни - технология тақозо этган, вакт сарфлашни талаб қиладиган, бироқ ресурсларининг истеъмол қилмайдиган иш танаффусини;
- икки воқеа ўртасидаги, улардан қайси бирин содир бўлганингни кўрсатувчи мантикий алоқани билдирали.

Маркетинг воқеалари график ичида, воқеалар тартиб рақами кўрсатилган айланга билан, ишлар эса йўналтирувчи стрелкалар билан ифодаланади. Стрелкаларнинг йўналиши воқеаларнинг содир бўлиш тартибини кўрсатади. Сохта ишлар графикда пункттир стрелкалар билан ифодаланади. Воқеалар ва ишлар тартибини ва ўзаро боғликлигини белгиловчи воқеалар ва ишларнинг чизимли тасвири тармок графигининг топологияси деб аталади. Тармокнинг жойлашуви қўйидагича амалга оширилади: чапда - бошлангич воқеа, ўнгда - стрелканнинг тегишли йўналиши билан якунловчи воқеа. Тармок графигининг ҳар қандай икки воқеаси ўртасида ишнинг узулксиз изчилиги йўл деб аталади. Бунда ҳар бир ишнинг охириги воқеаси, ундан кейин келадиган ишнинг бошлангич воқеаси билан мос келади.

Маркетинг тармок графигида танг йўл тушунчалик мухим тушунча ҳисобланади. Танг йўл деганда, воқеаларнинг узулксиз, изчили занжирни ва бошлангич воқеадан тортниб, якунловчи воқеагача бўлган ҳодисаларни боғловчи ишлар тушунилади. Бунда бошқа изчили занжирларига нисбатан ишни бажариш учун кўпроқ вақт талаб этилади. Танг йўл ёрдамида умумий иш мажмудан, шу ишларни бажариш учун бажариш муддатига алоҳида эътибор бериш зарур бўлган ишлар ажратиб кўрсатилади. Танг йўл, умуман жараён давом этишининг белгиланганлиги сабабли ундаги ишнинг узунлигини қисқартириш чоралари кўрилади. Бу барча ишлар мажмuinи вақтлироқ - муддатидан аввал бажариш имкониятини туғдиради.

*Маркетинг тармоқ графиклари билан ишлаш:*

- тармоқ графигининг тузилиши;
- тармоқ графигининг ҳисоби;
- графикни вақтида оптималлаштириш;
- ишни бажарининг календарь муддатларини аниqlаш;
- оператив ишлаб чиқариш топширикларини тузишдан иборат.

Маркетинг тармок графигини тайёрлашда дастлаб барча асосий воқеалар ва ишлар рўйхати тузиб чиқилади ва иш асосида тармокнинг таҳминий варианти тайёрланади. Тармок

графигини аниклаш давомида унинг топологиясида юз бериши мүмкин булган хатолар, шунингдек, унутилган ва қўшимча ишлар аникланиб, булар ҳам воқеалар ва ишлар рўйхатига киритилади ҳамда ёзилиб қўйилади.

*Маркетинг тармоқ графикларини ҳисоблашаши ишнинг бошланиши ва тутгалланишининг эрта ва кеч муддатлари, шидаги вақт захираси ва танг йўл аникланади. Ишни бажаришнинг кутилган вақти масъул ижроичлар вакт ҳакида берадиган икки-уч баҳо негизида белгиланади. Баҳолашнинг бошқа методлари, шу жумладан: маълумотнома-мөъёрий материаллари илгари бажарилган ўша турдаги мажмун ишларга ўхшашлик бўйича баҳолаш; бошқа корхоналарда ёки умуман тармоқ бўйича эришилган энг яхши натижаларни акс эттирувчи ишнинг бажарилиши муддатини объектив оптимистик баҳолаш негизида эксперт баҳолаш методлари мавжуд. Кўп даражада иоаниқ бўлган, тадқиқ килиш, альтернатив ечимлар олиш талаб этиладиган ишлар ва бир қанча усувлар билан аникланади.*

Маркетинг ишнинг бошланиши ва тутгалланиши бўйича ҳисоблаб чиқилган эрта ва кеч муддатлар асосида воқеаларнинг вақт захиралари аникланади. Вақтнинг тўла захираси деб, танг йўлнинг давом этиш муддатини ўзгартирмай туриб, ушбу ишнинг давом этишини қўпайтириш мүмкин бўлган вақтга айтилади. Вақтнинг эркин захираси максимал вақт бўлиб, бу вақт билан ушбу ишдан кейин бевосита келадиган ишнинг эрта муддатларини ўзгартирмай туриб, бу ишнинг давом этиш муддатини ўзгартирса бўлади.

Маркетинг тармоқ графиги ҳисоби натижаларини таҳлил килиндида тутаіланувчи воқеанинг эҳтимоллик муддати берилган (директивали) муддатга мос келмаслиги мүмкин. Бундай холда маркетинг тармоқ графиги параметрлари берилган чеклашларга мослаштирилади (оптималлаштирилади). Маркетинг тармоқ графикларини оптималлаштиришнинг бир неча усувлари: айрим изчил ишларни паралел бажариш ҳисобига уларни бажарици муддатини кискартириш; ресурсларни қўшимчча ажратиш ёки қайта тақсимлаш йўли билан ишни бажариш муддатларини кискартириш ва

ҳоказолар мавжуд. Ресурсларни қайта тақсимлаш куч талаб қилмайдиган ишлардан (мавжуд вақт захиралари доирасида) танг йўл ишларига кўчириш орқали ўтказилади. Танг йўлда турган ишлар вақт захирасига эга эмас. Ҳар бир танг ишнинг ёрта ва кеч бошланиши бир-бирига мос тушади.

*Маркетинг тармоқ графиги усулларидан фойдаланганда, маркетинг фаолиятининг боришини оператив бошқариш одатдаги тартибдан жиддий фарқ қиласади.* Бунда иш раҳбари иш вақтида қайси бир ишда танглик мавжудлигини ҳамма вақт билдиб туради. Шунинг учун ишларнинг маъсул ижрочилари таклиф қилинади. Уларнинг қарорлари ишнинг бориши ва режадан эҳтимол тутилган даражада четга чиқиш ҳақидаги жуда ишончли аҳборотлар билан мустахкамланади. Воеалар микдори кўп бўлганда бу аҳборотлар ЭҲМ да ишлаб чиқилади.

Маркетинг тармоқ графиклари бошқариш воситаси сифатида ҳозирги пайтда турли соҳаларда: конструкциялаш ва лойиҳалаштириш (янги конструкциялар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан тайёрлаш, корхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш лойиҳаларини яратиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини вужудга келтириш ва ҳоказолар)да; ишлаб чиқариш (мураккаб агрегатларни, кемаларни, саноат тизимларини тайёрлаш ва таъмирлаш)да; қурилиш (саноат ва турар жой комплекслари, коммуникациялар қурилиши ва таъмирланиши ва ҳоказолар)да кўлланилмокда ва янгидан-янги соҳаларга кўллаш ёйилмокда.

Маркетингни бошқариш меҳнатини техника билан куроллантиришни ошириш бўйича ҳар бир тадбир иқтисодий ҳисоб-китоб билан асосланмоғи лозим. Маркетингни бошқаришда техника воситаларини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самарани, аҳборотларни ишлаш учун кетадиган меҳнатни камайтириш, аҳборотларни ишлаш муддатларини қискартириш ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларини оптималлаштириш натижасида хўжаликка раҳбарлик сифатини ошириш ҳисобига олиш мумкин.

Маркетинг ахборотини ишлаш учун кетадиган меҳнатни қисқартириш ( $T_{\text{сн}}$ ) куйидаги формула билан аниқланади:

$$T_{\text{сн}} = T_o - T_r$$

Бу ерда  $T_o$  - техника воситаларини жорий қилгунга қадар ахборотни ишлаш учун сарфланадиган меҳнат.

$T_r$  - техника воситаларини жорий қилгандан кейин ахборотни ишлаш учун сарфланадиган меҳнат.

$T_{\text{сн}}$  ни бир ходим иш вактнинг ойлик фондига сарфлаб ахборотни ишлашга техник воситаларини жорий қилиш натижасида бўшатиладиган ходимлар сонини аниқлаймиз.

Мисол, соф маркетинг корхонасида товар-транспорт хужжатларини қўл билан ишлашга ҳар ойда 2160 соат сарфланар эди. Бу мақсад учун ўқнидиган СМС - 7 электрон аппарати билан комплекс тарзда Pentium-133 шахсий компьютердан фойдаланиш, меҳнат сарфини 1120 соатгача қисқартириш ва шу тариқа назорат ҳисоб гурухининг б та ходимини бўшатиб олиш ( $2160-1120=1040$ ;  $174 \cdot 6$ ;  $174$  бир ходимга соат ҳисобида вактнинг ойлик фонди) имкониятини берди.

Техника воситаларини қўлланганда бошқарув аппарати меҳнатини тежашнинг куйидаги тахминий нормалари маълум:

- 1) катта ЭХМ ( ЕС-1066) - 150 киши;
- 2) инженерлик ҳисоби учун ЭЦВМ - 50;

Бироқ шуни назарда тутиш керакки, факат ҳисботни ишлаш тизими қайта ташкил этилганда ва биринчи навбатда марказлаштириш йўли билан қайта ташкил қилинганда, маълум микдордаги ходимларни амалда бўшатиб олиш мумкин. Маркетинг ахборотини ишлашнинг техника воситаларининг раҳбарлик сифатини оширишга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш анча мураккаб. Бу таъсир ишлаб чиқариш моддий обьектига тўғриш-тўғри ўтмай, бошқарув жараёни орқали ўтишин туфайли самараодорликнинг турли билосита баҳоларидан фойдаланилади. Маркетингни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этган бир қанча корхоналарда тежаш ҳисобига киритилган ускуналар иш

вақти нобудгарчилигини қисқартириш бутун вақт фондининг 2.9 дан 8.2 фоиз ўртасида, иш вақти нобудгарчилигини қисқартириш 40 дан 60 фоиз, тугалланмаган ишлаб чиқаришни қисқартириш - унинг умумий ҳажмининг 3 дан 10 фоизи ўртасида бўлган.

Маркетингни бошқаришнинг техник воситаларини жорий этишдан умумий йишлилк тежам ( $\mathcal{E}_y$ ) қуйидаги формула бўйича хисобланади:

$$\mathcal{E}_y = \mathcal{E}_{y_1} + \mathcal{E}_{y_2} - \mathcal{Z}_m,$$

бу ерда,

$\mathcal{E}_{y_1}$  - бошқаришга кетадиган харажатларни қисқартириш хисобига олинган тежам;

$\mathcal{E}_{y_2}$  - бошқариш сифатини яхшилаш хисобига ишлаб чиқаришдан олинган тежам;

$\mathcal{Z}_m$  - техника воситаларини ишлатиш учун қилинган харажатлар.

Маркетинг бошқаришнинг техника воситаларини сотиб олиш учун қилинадиган капитал харажатлар ( $K_m$ ) қуйидагиларни ўз ичига олади:

$$K_m = K_n + K_p + K_s,$$

бу ерда,

$K_n$  - техника воситаларини сотиб олиш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва юргазиш учун кетганди қаржатлар;

$K_p$  - переферия ускуналари ва ёрдамчи ускуналар учун ўша қаржатлар;

$K_s$  - вазифаларни алгоритмлаштириш, программаларни ишлаб чиқиш ва умуман лойиҳа жорий қилиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқаришдан олдинги қаржатлар.

Капитал қаржатлар ( $T$ )нинг ўзини коплаш муддати қуйидаги формула бўйича хисобланади:

$$T = \frac{K_m}{\mathcal{E}_m} \quad \text{ёки} \quad T = \frac{K_m - K_n}{\mathcal{E}_m}$$

бунда  $K_{\text{мн}}$  ва  $K_{\text{мн}}$  - асосий ва янги вариант бўйича капитал харажатлар.

Маркетинг бошқаришнинг техника воситаларини таққосланганда, энг яхши вариант юқорида кўрсатилган сарфлар минимуми бўйича аникланади.

Умуман шуни қайд этиш зарурки, бошқаришнинг турли техника воситаларини жорий қилиш, одатда катта маблағ сарфлашни талаб этади. Шунга қарамай соф маркетинг корхонаси ана шундай харажатга рози бўлади, чунки бу ҳолда бошқарув меҳнатини рационализациялаштиришнинг гоят катта имконияти борлигини назарда тутади. Вазифа факат шундан иборатки, маркетинг бошқаришнинг жорий этилаётган техника воситалари таркиби ва тизимини тўғри асосламоқ керак. Кўпинча соф маркетинг корхонаси комп’ютерлар олади-ю, бироқ уни тегишли синф вазифаларини ҳал этиш бўйича иш билан тўла таъминлай олмайди. Киммат турадиган техника бекор туриб қолади, корхонага бевосита зарар келтиради ва жамоада бошқаришнинг янги воситаларига нисбатан ишончсизлик түғдиради. Маркетинг ташкил этиш ва амалга оширишнинг жорий этиладиган техника воситалари таркиби ва тизими, бошқаришнинг техника воситалари ёрдамида бажариладиган ишнинг номи ва ҳужмини пухта таҳлил қилиш асосида аникланиши керак. Ҳисоблар соф маркетинг корхонасининг ривожланиш истиқболларини ва шу муносабат билан ҳисоблаш ишлари ҳажми кўпайишини назарда тутиши, шунингдек, бу ишларни комплекс тарзда бажариш учун уларни марказлаштириш имкониятларини ҳисобга олиши лозим. Бошқаришнинг техника воситалари таркиби ва тизимини иқтисодий ҳисоблар билан қўшган ҳолда тўғри асослаш, соф маркетинг корхоналарда бошқарув меҳнатини техника билан қуроллантиришни юксалтириш мақсадида ўтказиладиган ҳар қандай рационализациялаштириш ишларининг зарур шарти ҳисобланади.

Маркетингни бошқаришнинг бирон-бир техник воситасини таниш имкониятлари келажакда янада ортади. Бунинг учун мамлакатлар ҳамкорлиги кўп жиҳатдан ёрдам

беради. Улар ўз тафсифи жиҳатидан бир хил бўлган ҳисоблаш техникаси воситаларини ва ахборотни йигини, кайта ишлаш ва фойдаланиши учун ягона тилни яратмоқдалар.

### ***Такрорлаш учун саволлар***

- 1. Маркетингни бошқариш технологиясининг моҳияти нималардан иборат?*
- 2. Маркетинг бўлими раҳбарининг асосий вазифалари нималардан иборат бўлиши лозим деб ўйлайсиз?*
- 3. Маркетинг раҳбарининг иш услуби ҳақида нималарни биласиз?*
- 4. Маркетингни бошқариш руҳияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларингизни баён қилинг?*
- 5. Маркетинг бўлими раҳбарининг маданияти деганда нималарни тушунасиз?*
- 6. Маркетингни бошқаришда компьютер графикаси ва техник воситалардан фойдаланиши қандай самаралар беради?*
- 7. Маркетингни бошқаришда “танг йўл графиги” ҳақида сўзлаб беринг?*

*"Етти ўлчаб, бир кес"  
Ўзбек халқ мақоли*

## **VI БОБ. МАРКЕТИНГНИ РЕЖЛАШТИРИШ**

### **6.1. МАРКЕТИНГНИ РЕЖЛАШТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Маркетинг фаолиятини режалаштириш товарларга бўлган эҳтиёжни, барча мавжуд моддий ресурсларни аниқлашни, талаб ва таклифларни, сотишни режалаштиришини ва товарларни истеъмолчиларга ўз вактида ва тўлиқ етказиб беришни, сервис хизматлари кўрсатишни, моддий ресурслардан тўла ва тежаб-терга фойдаланиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Товарларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш ўз навбатида иш турига доир айрим материалларнинг керакли микдорини ҳисоблаш, уларга бўлган эҳтиёжни техникавий-иктисодий жиҳатдан асослаб бериш, товарларга бўлган эҳтиёж режаларини тузиб, тегишли корхоналар ва савдо ташкилотларига топшириш, бу режаларни ҳимоя қилиш кабиларни ўз ичига олади. Эҳтиёж режалари маҳсулот бирлигига материал сарф қилиш нормалари асосида тузилади. Маркетинг бўлими ва гурухи режалаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар билан биргаликда товарлар микдорини зниклади ва ҳисобга олади. Еунда улар даврий ҳисоботлар ва мавжуд моддий ресурсларни инвентаризация қилиш материалларига асосланиб иш кўради.*

*Товарларни истеъмолчиларга сотиш режалаштирилаётганда истеъмол қилинмай қолган материаллар, давлат буюртмалари, ички имкониятлардан фойдаланиш тўғрисидаги топшириклар ва материалларга берилган буюртмалар ҳисобга олинади. Товарлар ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўз вактида ва тўла етиб боришини режалаштириш маҳсус талабномаларни солиштиришни,*

уларни бажариш учун товарларни етказиб берувчиларига топширишни, материаллар етказиб бериш ҳажми ва муддатларни белгилашни, қандай транспорт воситалари билан ташишни ва сотиш шаклларини белгилашни ҳамда товарларни омборларга келтиришни ўз ичига олади. Товарларни тўғри тежаб-тергаб сарфлашни режалаштириш хом ашё материаллари ва ёкилғи сарфини нормалаштиришни, ускуналар, машина ва механизмлардан фойдаланиш кўрсаткичларини белгилашни, шунингдек моддий ресурсларни сарфлаш ва асосий фоизлардан фойдаланиш устидан назорат килишни кўзда тутади.

*Маркетинг қўйидаги тимоҳиллар асосида режалаштирилади:*

*Миллийлик тамойили:* маркетинг бизнес-режалари, аввало ҳукумат сиёсатини акс эттиради. Сиёсий раҳбарликни ҳўжалик раҳбарлигидан ажратиб бўлмайци, улар бир бутун раҳбарликдир. Бу тамойил ҳўжалик вазифаларини ҳал этища принципиалликни ва давлат манфаатлари нуктаи назаридан ёндашишни талаоб қўлади. Миллийлик тамойили маркетингда маҳаллийчилик, миллатчилик ва қариндошлиликка мутлақо йўл кўймайди.

*Етакчи бўгин тамойили.* Ҳукумат ҳар бир режалаштириш босқичида энг муҳим ҳўжалик вазифаларини илгари сурадики, миллий иқтисодиётнинг янада юксалиб, республика иқтисодиётининг мустақкамлаб бориши ва ўша вазифаларнинг бажарилишига боғлик. Бу вазифалар ҳамма босқичларда ҳам бир хил бўлмайди. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг шу кундаги босқичида маркетинг бизнес-режаси бозорни энг аввало, истеъмол буюмлари билан тўйинтириш, саноат корхоналарини эса энг янги техника ва технология билан ва умуман иқтисодиётимизга бу муаммодарни тезроқ ҳал этиш учун кўплаб чет эл инвестицияларини жалб этишга йўналтирмоғи лозим. Якин келажакда миллий иқтисодиётни ривожлантиришининг асосий йўналиши ишлаб чиқаришнинг прогрессив ва иқтисодий жиҳатдан самараати тармоқларини тез суръатлар билан ўстиришга қаратилиши кўзда тутилмоқда. Маркетинг

бизнес-режаларида биринчи навбатда ана шу етакчи бўгинларни таъмин этишни кўзда тутилиши зарур.

*Илмий-техника жиҳатидан асосланганлик тамойили.* Бу - фан ва техника ютукларини ҳисобга олиш демакдир. Бу тамойил объектив иқтисодий қонунларни билиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш учун талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга ола билишини тақозо этади. Маркетинг бизнес-режалари реал бўлишини, техника янгиликлари, прогрессив нормалар қўллашни талаб қиласди. Маркетинг бизнес-режалари ҳозирги даврининг иқтисодий қонунлари асосида тузилиши лозим. Уларнинг илмий асосланганлиги кўп жиҳатдан иқтисодий-математик моделлар ва усуслар ҳамда компьютер, ҳисоблаш техникаридан фойдаланиб тузилишига боғлиқ. Бизнес-режасини тузишда юкорида қайд этилган тамойиллардан ташқари демократик централизм ва бошқа принципларга ҳам асосланилади. Маркетинг бизнес-режаси миллий иқтисодиёт бизнес-режасининг муҳим ва ажralмас қисмицир. Маркетинг бизнес-режаларини барча корхоналар, қурилиш ташкилотлари, вазирликлар, идоралар ва республикамизнинг марказий режалаштириш органлари ҳам тузади. Демак, маркетинг бизнес-режалари миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва бўгинларида тузилади.

*Маркетинг бизнес-режалари тақсим қилинадиган маҳсулот номенклатурасининг амал қилиш муддатлари, кўлами ва режалаштириш даврига қараб бир қанча турга бўлинади.* Амал қилиш даврига қараб, улар истиқболли (перспектив) ва жорий режаларга, жорий режалар ўз навбатида йиллик, йил чораклари ва ойлик режаларга бўлинади. Амал қилиш кўламига қараб, маркетинг режалари: республика, тармоқ, корхона ва соф маркетинг корхонаси бизнес-режаларига бўлинishi мумкин. Истиқболли маркетинг бизнес-режалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, факат айрим кўрсаткичлар бўйичагина тузилади. Бунда узок муддатга мўлжалаштириш таҳсилатлари, ресурсларининг муҳим турлари бўйича сарфлаш нормалари ва уларга бўлган эҳтиёж бутунича таҳминий тарзда корхона ва ташкилотларидан

ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари режаларни стратегик ва оператив тарзда ҳам тузиш мумкин.

Республика, туман ва айрим хўжаликлар бўйича, муҳим товарлар бўйича моддий баланслар тузилади. Мазкур баланслар истиқболли режаларни ишлаб чиқиш мақсадида тузилиб, бу режалар моддий ресурслар билан асосланади.

Йиллик маркетинг бизнес-режалари жорий режанинг бир қисми бўлиб, уларда товарга бўлган эҳтиёж ва бу эҳтиёжни қоплаш манбалари келгуси йил учун аниқланади. Режада жисмоний шахслар, асосий ва ёрдамчи хўжаликларнинг, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳаларнинг ҳам эҳтиёжлари кўрсатилади. Йил чораги ва ойлик маркетинг режалари юкорида келтирилган истиқболли ва йиллик режалардан кўп жиҳатдан ажralиб туради. Улар фақат қуий маркетинг ташкилотлари ва корхоналарида тузилади. Бу режалар товарларнинг кўрсатилган номенклатураси бўйича тузилади.

*Республика маркетинг бизнес-режалари товарларни ички ва ташкин бозорда сотишни, экспорт ва импорт режалари тузишни, маркетинг бюджетини аниқлашни, тармоқ режалари эса шу вазирлик ва идораларга қарашли корхона ва ташкилотларнинг товарларини сотишни ўз ичига олади.* Завод-фабрика режалари ҳар бир корхонада тузилади. Корхонада маркетинг режаси, аввало, товарга бўлган эҳтиёжнинг ҳомаки, дастлабки ҳисоб-китобларга асосланниб ишлаб чиқилади, чунки катъий режа тузиш учун ишлаб чиқариш ва капитал қурилишнинг ҳажми ҳали ҳомаки бўлади.

Маркетинг бизнес-режалари миллий иқтисодиёт режаси ва корхоналардаги бизнес-режанинг ҳамма қисмлари билан чамбарчас боғланган. Масалан, ишлаб чиқариш дастури билан маркетинг бизнес-режалари бир-бири билан, айниқса узвий боғлиқ. Ишлаб чиқариш дастури моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни белгилаб берувчи бошлангич хужжатdir. Кўнгина корхоналарда ишлаб чиқариш дастури режалаштирилаётганча ишлаб чиқарилёган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш режаси ҳам ишлаб чиқилади. Бу режа ҳам маркетинг режасида ўз аксини тоғиши керак. Маркетинг бизнес-режаси

янги техникани қўлланиш (техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш) режалари билан ҳам боғлиқ. Янги техникани ривожлантириш режаси маркетинг бизнес-режаси билан икки томонлама боғлиқдир: биринчидан, янги техникани ривожлантириш иши маълум моддий харажатларни талаб килади; чунончи, тажриба ўтказиш мақсадида ясаладиган намуналарга ҳар хил материаллар ишлатилади. Булар барчаси маркетинг бизнес-режасида албатта акс эттирилади; иккинчидан, маркетинг бизнес-режаси тузилаётганда техника тараққиётининг сарфлаш нормаларига таъсири ва шу муносабат билан сотиладиган, талаб килинадиган ёки ресурслар микдори хисобга олинади.

*Маркетинг бизнес-режалари маҳсулот таннархи режалари ва молиявий режалар билан ҳам узвий bogланган.* Маркетинг органилари маҳсулот қийматининг асосий қисмини ташкил этувчи ишлаб чиқариш воситаларини ҳам ўз вақтида сотиб ва истеъмолчиларни таъминлаб, маҳсулот таннархининг камайишига, фойданинг кўпайишига таъсир этади. Бу ҳол маркетинг бизнес-режасида ўз аксини топади. Бунда биз материал сарфлаш нормаларини пасайтириш, материаллар, ёнилги ва ҳоказоларни тежаб-тергаб сарфлаш топшириклари ҳақида фикр юритмоқдамиз.

Маркетинг бизнес-режасининг молиявий режа билан боғлиқлиги қуйидагилардан иборат: корҳоналар кўпинча мавсумий ва бошқа запаслар учун банкдан қарз олади, бу қарзлар уларпинг молиявий режасида акс эттирилади. Айланма маблағлар нормаси хом ашё материаллари ва ёкилги заҳираси нормасига ва бошқа нормаларга боғлик. Бу нормаларнинг ҳаммаси маркетингнинг стратегик режаларида ҳам ўз аксини топади.

## **6.2. МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхона ташки мұхитининг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги туфайли тизимли режалаштиришнинг аҳамияти ошиб боради.

Режалаштиришнинг бу шакли, ўз навбатида, тез ўзгарувчан мұхит шароитига мослашишга күмаклашиши лозим. Корхонада маркетинг фаолиятини режалаштириш доимо мұхим ақамиятга эга. Савдо имкониятларининг айрим даврлардаги чекланишлари, маркетингни режалаштириш корхонанинг бошқа соҳалари (таъминот, ишлаб чиқариш, молия)ни режалаштиришга имкон беради.

*Маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириши жараёни умуман режалаштириши каби ўз ичига учта асосий босқични олади:*

- биринчи босқич, корхона мұхитининг жорий ва келажақдаги ҳолати таҳлили (вазият таҳлили), бу босқицда, асосан, мақсадлар ва бу мақсадларга эришиш стратегиялари ишлаб чиқылади;

- иккинчи босқич, мақсадға эришиш нұктай назаридан тәнланган стратегияларни самаралироқ амалға оширишга имкон берувчи воситалар комбинацияси аникланади;

- учинчи босқич, тәнланган стратегиянинг ағзаллукларини баҳолаш, таваккалчылукларни хисобга олған ҳолда иктисодий самарадорликни аниклаш.

Аммо режалаштириш ҳар доим ҳам бундай тартибда амалға оширилмаслиги мүмкін, бу албатта корхонанинг иктисодий ҳолатига, бозорда тутган ўрнига, маңсулотларининг ассортиментига, истеъмолчиларнинг ҳусусиятларига күп жиҳатдан боғлиқ. Лекин бундан қатый назар режалаштириш аниқ бир мақсадға қаратылған ва келажакка йўналтирилған мақсадларни ва ишлаш тарзини таъминлайди; маркетинг соҳасидаги қарор ва хатти-ҳаракатни мувофиқлаштиради; мақсадлар ва керакли ресурслар ҳақида ишчиларга ахборот беришга хизмат қиласи ва конструктив (амалий) танқид учун замин бўлиб хисобланади; корхонанинг мақсади ишчиларнинг ўз шахсий мақсадлари (мартаба, иш ҳаки, имтиёз ва ҳоказолар) билан мос тушса, бу уларни ушбу мақсад сари ушдайди; натижаларни баҳолаш ва назорат килишга шароит яратади. Стратегик режалаштириш узоқ вақтга мўлжалланган бўлса ҳам, у истиқболли режалаштиришдан фарқ қиласи, чунки бундай режалаштиришнинг асосида

режалаштириш мұддати әмас, унинг таркибий түзилиши, аниклігін және реалитеттегі ётасы. *Бизнинг фикримизчы, маркетинг ғаолиятыннан стратегик режалаштиришида қуйидагилар үз аксинан топшып лозим:*

- корхонанинг келажакда ишлаб чықармоқчи бүлган маҳсулотлари, күрсатадиган хизматлари, ғаолият олиб борадиган бозорлари және сегментлари ҳамда маҳсулот міндері және сипаттері (имиджі, бозордагы улуши, савдо-сотық және башқалар);
- маркетинг стратегиясы, бунда бозордагы истеммолчилар, рақобатчилар, савдо-сотық ишларига нисбатан мұносабат тамошшарини және маркетинг комплекси учун асосий чора-тадбирларни яратып;
- стратегик режага мөс равищда ташкилдік тизим бүйіча ресурсларнинг тақсимланиши.

Маркетинг дастури батағсилроқ және аникрок режалаштирилади және бунда маркетинг воситалари және маркетинг-мікс доирасыда уларнинг комбинацияларыдан фойдаланиш режалаштирилади.

Маркетингни стратегик режалаштириш корхонанинг жорий және келажакдагы ҳолаты таҳлилидан бошланади. Мақсадлар және бу мақсадларға әрішиш стратегиялар таҳлил натижаларында асосан ишлаб чықылады және бу жараёнда ташки және ички омыштар хисобға олинниши шарт. Мақсадың стратегик режалаштириш бозор таңқыларының давомида олинған маълумотларға асосланады. Режалаштиришга корхона фалсафасы және мәданияты ҳам таъсир кіледи.

*Мақсад деб, келажакда күтілаётгандай әрекеттің құнынаның түншілігінде. Мақсадың аниклаш умум мазмұн, ұажым және вакт бүйіча аник әффодаланышында зерттеуден берілген керак. Бундан ташқары, мақсадлардың алохіда-алохіда әмас үзаро боестанған деб хисоблаш зарур. Мақсадлар үртасындағы боестанышында құйидасы түрлери мавжуд:*

- мақсадларнинг үзаро мөс келмаслиги: биринчи мақсадта әрішиш иккінчи мақсадта әрішиштеге кийинчилік түрдірағы (махсулотнинг техникалық күрсатқышлары және рентабеллік үртасындағы номутаносиблик);

- комплементар боғланиш (бир мақсадта әришиш иккінчи мақсадта әришишни осонлаштирады; масалан, фирманинг имиджи ва сотув ҳажми).

- индифферентлик (бирор-бир мақсадта әришиш бошқа бир мақсадта әришишга ҳеч қандай таъсир қилмайды).

**Мақсадларнинг қуйидаги тоифалари мавжуд:**

- олий ва бүйсунувчи мақсадлар (масалан, олий мақсадта әришиш нұктан назаридан бирон-бир мақсад восита булып ҳисобланиши мүмкін);

- асосий ва иккіламчы мақсадлар;

- мақсадларнинг мазмұни бүйіча гурухланиши (бозордагы мақсадлар - бозорға таъсир күрсатыш, сотув ҳажмини ошириш, бозордагы улушини көнгайтириш; молиявий мақсадлар - фойда, рентабеллік; маңсулот ва жамият билан боғлиқ мақсадлар - сифат, ижтимоий мастыулият, корхона фаолият күрсатишининг кафолатини яратыш ва ҳоказолар).

Күп холларда фойдани ягона мақсад деб ҳисоблаш тадбиркор ҳаракатларининг сабабларини аник тавсифлаб бера олмайды. Комплекс мақсадлар эса бошқа сабабларни аникроқ очиб беради. Бунда бирламчы мақсадлар мұхиттінің үзгариши ва бошқарув фалсафасыга боғлиқ ҳолша күриб чиқилиши мүмкін.

**Мақсадларнинг асосий вазифалари:**

- мақсадлар хатты-харакатларни мүқобил равища да таңлаш меззори сипатида;

- улар келгуси назорат учун таянч (асос) булып хизмат қилишидан иборат.

Танланған стратегия ва хатты-харакатларнинг фойдалылғини ва самарадорлығини аниклаш учун мақсад аник ифода этилиши шарт. Мақсаднинг аник, лекин умумий ифодаланишиға мисол сипатида немис автомобильсозчиларининг қуйидаги мұлоқазасини көлтиришимиз мүмкін: “1997 йылнинг охиригача Европа бозорининг 15 фоизлик улуши әгаллансын”. Аммо корхона фаолиятинің ҳар хил соҳаларишатын жараёнларни бошқариш ва мувофиқлаштириш учун мақсаднинг бундай умумий ифодаланиши етарлі эмас. Корхонаның тегищілі бүлімлары ҳаракатлары учун

керакли кўрсатмалар олишлари шарт. Масалан, ювиш воситаларини ишлаб чиқарувчи концерннинг маҳсулот бўйича менеджери реклама бўйича қўйидаги вазифаларни олиши мумкин:

1) корхона имиджини ошириш: йил охиригача уй бекаларининг 75 фоизи маълум бир мақсадлар учун маҳсус ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хақида маълумотга эга бўлиши зарур;

2) товарларнинг синама сотишлар сонини купайтириш: йил охиригача уй бекаларининг 30 фоизи янги маҳсулотни синааб кўриши керак;

3) маҳсулот маркасига содикликни ошириш: мазкур вақт мобайнида ҳамма уй бекаларининг 12 фоизи и доимий истеъмолчиларга айланиши шарт.

Албатта, мақсад таълананишида ҳар хил чекланишлар (истеъмолчиларнинг хоҳиши, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати ва корхона ресурслари) вужудга келади. *Бошқа бир муаммо мақсадларнинг мос келмаслигидан иборат. Бу муаммонинг қўйидаги ечимлари мавжуд:*

- идеал ҳолатда зўрим мос келмайтган мақсадларни умумий битта олий мақсад (масалан, фойда, харажатлар)га йўналтириш, бундай мақсадни кейинчалик мукобиллаштириш мумкин;

- корхона ҳар хил мақсадлар ичидан энг асосийини ажратиб олиб ёки қолган мақсадларни инкор этган ҳолда битта асосий мақсадга бутун эътиборни қаратиш ёки қолган мақсадларга чегаравий шартлар деб қараб, битта мақсадни максималлаштириш мумкин.

Демак, мақсадларнинг қўйилишида қўйидагиларни ҳисобга олиш шарт:

- операцион ифода этилиши;
- мос келмаган мақсадларни ўзаро ягона тизимга келтириш;
- мақсадларнинг қўйилишиша ишчиларнинг иштироки.

Мақсадлар аниклангандан кейин стратегияни режалаштириш доирасида уларга қандай қилиб эришиш кераклигини аниклаб олиш зарур.

**Корхонанинг маркетинг стратегияси - қўйилган мақсадларга эришиш учун кўмаклашувчи ва айрим (алоҳида) маркетинг тадбирларини йўлга солиб турувчи ўрта муддатли, қисқа муддатли ёки принципиал қарорлардир.**

Стратегиянинг танланишига ташки ва ички мұхит таъсир кўрсатади. Стратегияни тасвиrlашда кўйидаги белгилардан фойдаланиш мумкин:

- бозорнинг тегишли маконига караб ажратилиши (локал, регионал, миллый);
- бозорнинг ўрганилганлиги даражаси (эски бозор, янги бозор);
- бозорга таъсирининг кўлами (бир сегмент, бир нечта сегмент, бутун бозор);
- бозорга таъсир қилиш усуллари (табақалашган, табақалашмаган);
- маркетинг тадбирларининг бирига алоҳида эътибор жалб этиш (нарх, сифат, реклама);
- бирламчи мақсад (сотув хажми, рентабеллик);
- рақобатчиларга нисбатан муносабат (агрессив, нейтрал);
- кооперацияга нисбатан муносабат;
- ўсиш суръатларига нисбатан муносабат (тез ўсиш, ўртача ўсиш суръатлари, ишлаб чиқаришни қисқартириш);
- инновацияга нисбатан муносабат.

Республикамизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб корконаларимиз фаолиятида қўлланиши мумкин бўладиган базис стратегияларни батафсил кўриб чиқамиз. Бу стратегиялар бир вақтлар мутахассислар диккат марказида бўлган ва корхона муваффақиятининг “кафолати” ҳисобланган.

**Бозорни сегментлаш стратегияси.** Истемолчилар кўпинча бир жинсли тўплам эмас. Улар эҳтиёжлари, дидлари ва мавжуд маблағлари билан фарқланади. Бундай фарқланишини бозорни сегментлаш стратегияси ўз ичига олади. Бу стратегияда истемол бозорини дифференциаллашмаган умумийлик деб эмас, балки алоҳида истемолчи гурӯҳ (кластер, сегмент)ларидан ташкил топган бир бутунлик деб

каралади. Ҳар бир сегментнинг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олган ҳолча маркетинг томонидан ишлов берилиши зарур. Бу, асосан, оммавий бозорга хосдир. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар ва савдо-сотик билан шугулланувчијлар ҳам гурухларга ажратилиши мумкин. Бу стратегиянинг қўлланилишига талаб нуқтai назаридан сегментларнинг бир-биридан фарқ қилиши ва бу фарқ бозор тадқиқоти ёрдамида аниқланиши мумкинлиги асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, сегмент ўзига хос (маҳсус, алоҳида) маркетинг стратегиясини оқлаш учун етарлича катта бўлиши керак.

1. Бозорларни биологик, географик, ижтимоий-демографик омиллар (жинс, ёш, касб, даромад, турар жой)га караб бўлиш нисбатан олдинроқ қўлланила бошланган. Агар гап ким қандай товар марказини сотиб олаётганилиги ҳақида кетаётганида эмас, маълум бир маҳсулотнинг умуман харид қилиниши ёки қилинмаслиги, масалан, агар ижтимоий-демографик омиллар истеъмол билан боғлиқ бўлса (болалар учун товарлар) ёки маҳсулотни бирор бир бошқа маҳсулотга нисбатан афзал кўришик йўқ бўлса (ҳом ашё), бу мезонлар одатда етарли бўлади.

Бозорнинг эркаклар ва аёлларга, ёш ва қарияларга, ёлғиз яшовчилар ва оиласиларга бўлининиши маҳсус маҳсулот яратишга, масалан, ёшлар учун, фақат аёллар учун, факат эркаклар учун ёки мақсадли гурухнинг имкониятларига караб маҳсулот яратишга имконият беради. Лекин бундай бўлининш айrim ҳолатларни тушунтириб бермайди. Масалан, нега бир демографик гуруҳ аъзолари ўзларини ҳар хил тутадилар, деган саволга жавоб берга олмайди.

2. Шунинг учун харидорнинг кузатилаётган хулки (фирма марказига содиклиги, харид қилиш жойини танлаши, истеъмол жадаллиги ва ҳоказолар)ни ҳисобга олиб бориш йўли билан ўрганиш мумкин.

3. Харидорларнинг кузатилаётган хулки, уларнинг ижтимоий-демографик аломатлари мақсадли гурухларни аник ищентификациялаш учун етарли бўлмаганлиги учун кўпинча руҳий мезонларга мурожаат қилинади. Уларнинг қўлланилиши

у ёки бу товарга бўлган мойиллик нафақат шу товарнинг объектив сифатларига қараб, балки шу товарнинг субъектив томонларига қараб ҳам вужудга келишига асосланади. Харидорларни маҳсулотга муносабатига, ахборотни қабул қилиш усусларига, маҳсулотга тегишли мотивациянинг тузилишига (бир киши маҳсулотни соғлигини ўйлаб харид қиласа, иккинчиси обрў учун харид қиласи) ва, ниҳоят, турмуш тарзига (турмуш тарзи мақсадлар, хулқ-атвор ва қизиқиш билан характерланади) қараб бўлиш мумкин.

4. Юқорицагилардан ташқари мақсадли гуруҳ билан муомалада бўлишга имкон берувчи мезонлар ҳам мавжуд. Бу мезонлар матбуот, радио ва телевидениенинг ишлатилишини, нарх ва сифатга муносабат, савдо-сотикнинг маълум бир шакллари билан танишишини кўзда тутади.

Бозорни сегментлаш стратегиясини қўлловчи корхона олдида нечта сегментга бир, бир нечта ёки ҳаммасига ишлов берилиши керак, деган муаммо түглади. Бундай вазиятда кайси йўлни танлаш корхона ресурсларига, ҳар бир сегментнинг иктисадий аҳамияти ва рақобатчиларнинг ҳаракатларига боғлик. Битта сегментга ишлов беришнинг яфзаллиги авваламбор кучларнинг бир жойга тўпланиши ва ҳаражатларнинг тежалишидан иборат. Бундай йўл асосан унча катта бўлмаган корхоналарга тўғри келади, лекин бу стратегия таваккалчилик билан боғлик, чунки корхона мувваффакияти бир сегментга боғлик бўлиб колади.

Бир нечта сегментга ишлов берилишида корхона бозордаги фаолиятини қенгайтириш имкониятига эга бўлади, чунки товар ҳар хил сегментларнинг эҳтиёжларига мослашади. Бу ҳолда ҳаражатлар юкорирок бўлади, шунинг учун бундай стратегияни кўп ҳолларда йирик корхоналар қўллади.

Умуман, бозорни сегментлаш бугунги кунда кенг тарқалган стратегия бўлиб ҳисобланади. Бу, асосан, кўғчилик бозорларда авваламбор эҳтиёжларнинг табақаланганлиги билан боғликдир. Бу стратегиянинг афзаллиги сифатида куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- бозорни сегментлаш бозорни яхшироқ билишга имкон беради (бозор ҳажми, харидорларнинг хатти-ҳаракати,

ракобатчиларнинг кучли ёки заиф томонлари, таваккалчилик даражаси ва ҳоказолар);

- сегментлаш истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўларок кондиришга олиб келади;

- кўпинча истеъмолчиларнинг реакциясини билиш бозордаги вазиятга мос равинида маркетинг бюджетини самарали тақсимлашга имконият беради.

Бозорни сегментлаш ҳакида қарор қабул қилишдан аввал кўшимча фойда бозорга табақалашган ишлов бериш (бозор тадқиқоти, режалаштириш, бошқариш ва ҳоказолар) билан боғлик ҳаражатлардан юқорилигини текшириш керак. Бундан ташқари, битта сегментга узоқ муддатли ихтинослашиш келгусида фирманинг имиджининг шаклланишига олиб келишини ҳисобга олиш лозим.

**Маҳсулот соҳасида инновация.** Ҳозирги кунда жадал ривожланиб бораётган ракобат кураши, техник тараққиёт ва ҳаридорлар эҳтиёжининг тез ўзгариб туриши қўпгина маҳсулотларнинг ҳаётийлик даврини қисқартиришга ва товарлар ассортиментининг сезиларли даражада кенгайишига олиб келди. Қўпгина ғарб бозорларида тўйиниши ҳодисаси намоён бўлмокда, шунинг учун янги маҳсулотларни яратиш ва янги эҳтиёжларни шакллантириш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмокда. Бу эса, ўз навбатида, корхонани мунтазам равишда янги маҳсулотлар билан шугулланишига мажбур қилиб қўймокда. Рақобатга чидаш учун корхоналар доимо янги маҳсулотларни таклиф қилиб туришлари шарт. Бу маҳсулотлар ҳам корхона учун, ҳам бозор учун янги бўлиши мумкин. Бозорга чиқарилган янги товарлар у ёки бу муаммони янгича усулда ечациган ёки олдин ечими бўлмаган эҳтиёжни кондирувчи (видеомагнитофон, компьютер, мадем, уяли телефон ва ҳоказолар) товарлардир. Корхона учун янги бўлган маҳсулотлар бозордаги мавжуд маҳсулотлардан ташки кўрининиши ёки истеъмол хусусиятлари билан ажралиб туради.

Лекин қўпгина ҳолларда янги маҳсулотларнинг ривожланиши катта ҳаражат ва таваккалчилик билан боғлик Иқтисодчи олимлар томонидан ўтқазилган эмпирик тадқиқотлар шунни кўрсатмоқдаки, ўрта ҳисобда 100 та

янги гоялардан факат 4-5 таси бозорда мұваффақияттағы зришар экан. Инновация билан бөглиқ таваккалчилик даражасини камайтириш учун қуидегі тамойилларға амал килиши керак:

- инновация умуман узок муддатлы мақсадли ва стратегик режалаштиришга асосланиши керак;
- корхонанинг катталиги, тизими ва молиявий маблағлари инновацияни амалға оширишта имкон беріши керак;
- корхона уни қизиктирадиган техник ва бозорға ишлов беріш соҳасида етарлича ноу-хау захирасындағы эга бўлиши керак;
- эҳтиёжларнинг ўзгаришини ўз вақтида аниклаш учун истеъмолчилар ва экспорт билан мунтазам ахборот алмашиб туриши керак;
- корхона учун янги бўлган маҳсулотлар ракобатчилар-никидан фарқ қилиши керак;
- манбай бозор бўлган инновация илмий-техникавий тадқиқотлар натижасини кўллашга асосланган инновациядан кўра каттароқ мұваффакияттағы эга бўлади, чунки иккинчи турдаги инновацияда бозорнинг мукаммал тадқиқоти йўқ.

**Диверсификациялаш.** Диверсификация деб, ишлаб чиқариш дастурига корхонанинг олдинги фаолият соҳаси билан бевосита алоқадор бўлмаган маҳсулотлар ёки йўналишларнинг киритилишига айтилади. Кўпгина холиларда янги соҳада эски маҳсулот билан ишлаш жараёнида түпланган билимлар, тажриба ва алоқаларни кўллаш яхши самара беради. Чунки улар бозор имкониятларидан фойдаланишига ёки инқироз юз берган холда корхонанинг заифлачишини камайтиришта имкон беради. Янги маҳсулот учун иштатилиши мумкин бўлган афзалликларига савдо-сотик тизими, мижозлар билан алоқалар, бозор тадқиқоти соҳасида тажриба, реклама, ўраш ва қадоқлаш кабиларни киритишими мумкин.

*Одатда уч турдаги диверсификация фарқланади:*

а) эски мижозларга ёки уларга тенглаштирилган истеъмолчиларга эътибор қаратиш горизонтал диверсификацияга хос. Горизонтал диверсификацияга классик мисол

- Америка пиво ишлаб чиқарувчиларнинг (масалан, Кока-Кола концепциясига кўра) алькоголсиз ичимликларни тайёрлаш ва сотиш соҳасига кириб бориши (ўхшаш истеъмолчиларнинг доираси, транспорт паркининг энг зўр танланиши ва бошқалар);

б) вертикал диверсификацияда корхона эски маҳсулотни ишлаб чиқариш занжирида бўлган ҳамда бу ишлаб чиқариш занжиридан олдинги ёки кейинги поғонада турувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлайди. Бу сиёsat металлургия саноатига, қофоз ишлаб чиқарувчиларга, кимё концернларига хосдир. Улар ўзининг қайта ишлаш ва сотиш тизимини ташкил қилишга интилаци. Бунга эришиш учун улар кўпинча тегишли корхонанинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб оладилар. Бундай стратегиянинг сабаби асосан рақобат туфайли хом ашё ва бир хил турдаги маҳсулотлар нархи кескин тушиб кетишидир. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда сифат буйича товар турларини купайтириш ва нархларнинг тўғридан-тўғри солиширилишидан қутулиш имконияти катта. Корхоналар кўп ҳолларда хом ашё таъминотини кафолатлаш ва арzonлаштириш учун етказиб берувчи корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади;

в) лотереяли диверсификациялашга аник таъриф бериш анча қийин. Юқорида кўриб чиқилган диверсификациялаш турлари билан солиширилганда мазкур диверсификациялаш фаолиятнинг эски соҳалари билан кучли алоқа йўклиги кўринади. Бундай сиёsatнинг асосий сабаблари сифатида ўсиб бораётган тармокда мустаҳкам ўрнашиб олишга интилиш, таваккалчиликнинг тақсимланиши, фойда нормаси юкори бўлган соҳага кириб боришга интилиш, менежмент тажрибасини қўллашни айтиш мумкин. Лекин кўпинча раҳбарларнинг шахсий мойилликлари ёки кулай имконият лотереял диверсификациялашга интилишни тушунтиради. Баъзан солик имтиёzlари ҳам катта аҳамиятга эга бўлади, ҳар ҳолда фойда диверсификациялашда, янги маҳсулот киритилганидаги каби тезда қўринмайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўсаётган тармоқда диверсификация кўпинча

тармокнинг узок муддатли стагнацияси туфайли ёки корхона тизимларининг диккатини тортадиган самарага эришганлиги учун содир бўлиши мумкин.

**Байналминаллашув стратегияси.** Байналминаллашув, деганда, хорижий бозорларга мунтазам кириб бориш ва у ердаги ҳамкорлик билан олиб боритаётган фаолият тушунилади. Бу стратегиянинг қўлланилиш сабаблари жуда кўп. Бу сабаблар ҳам рақобатнинг кескинлашуви, ҳам мамлакат ичидаги бозорларнинг стагнацияга учраши, ишлаб чиқариш кувватларини тўлиқ ишлатишга интилиш, таваккалчиликнинг тақсимланиши ва молиявий устунликка эришиш бўлиши мумкин. Лекин хорижий бозорларда ишлаш кўпинча муаммоларни масалан, товарларга алоҳида талабларнинг кўйилиши, бозорнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш, турли мамлакатлардаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиш ва бошқаларни келтириб чиқаради. Хорижий бозорларга чикиш учун биринчи навбатда вазият таҳлили доирасида керакли маълумотларни тўплаш лозим. Унча катта бўлмаган корхоналарнинг одатда хорижий бозорни мустакил тадқик килишга имконияти бўлмайди. Европа мамлакатларида бундай маълумотларни вазирликлардан, савдо, саноат палаталари ихтисослашган ташкилотлардан олиш мумкин.

*Стратегик режалаштириши доирасида ҳалқаро фаолиятнинг умумий тартиби белгиланади.* Бу ерда аввало узок муддатли даврда кўпроқ даромад олиш мумкин бўлган мамлакатларни аниклаш керак, ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида бозорларга мослаштирилган ишлаш тамойиллари ишлаб чиқилади. Бозорга дифференциаллашган ишлов бериш орқали бозор имкониятларидан тўлароқ фойдаланилади ва тўскинилклар осон енгилади. Лекин бундай ёндашиш нисбатан катта харажатларни талаб этади.

**Глобаллаштириш стратегияси.** Глобаллаштиришнинг асосийояси ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ҳусусиятларига боғлиқ бўлмаган бозор ва мақсадди гурухларнинг асосий ҳусусиятларини аниклашдан иборат, бунда бозорларни

таңлаш ва уларни тадқиқ килиш стратегияси стандарти-лаштириш ҳисобланади. Корхона ҳар бир бозорда мүқобил ишлашдан онгли равишда четланишга йўл кўйинб, умумий натижаларни мүқобиллаштиришга ҳаракат қиласди. *Глобаллаштириш стратегиясини асослаш учун одатда қўйидагилар келтирилади:*

- бозорларда эҳтиёжларнинг халқаро тенглашуви айрим товарларнинг табақалашувига йўл кўймайди;
- истеъмолчиларнинг талаблари ҳам ҳар хил мамлакатларда тенглашади;
- халқаро рақобат туфайли юзага келадиган нархларга қилинадиган босим бир мамлакат учун товарнинг алоҳида вариантини тайёрлашни кўпинча самарасиз қилиб кўяди;
- бозорнинг байналминаллашуви шунга олиб келдики, ҳозирги кунда деярли ҳар бир мамлакатда бир хил рақобатчи ишляяпти.

Бу омиллар глобаллаштиришнинг аҳамияти жуда катталнгини кўрсатади. Шуни айтиб ўтиш керакки, табақалашмаган ёндашув ҳар бир мамлакат, ҳар бир маҳсулот ва ҳар бир бозор учун тўғри келмайди. Амалиётда, асосан, табақалаштириш ва стандартлаш усулларининг ўртаси олинади ва: “қаерда мумкин бўлса, стандартлаш, қаерда керак бўлса, табақалаштириш”, деган тамойилга амал қилинади.

**Кооперация стратегияси.** Милий ва халқаро бозорларнинг тез ривожланаётганлиги корхоналарни бозор имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва бозордаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида бошқа фирмалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга унцайди. Ҳамкорлик ишлаб чиқариш, сотиш, инновация, бозор тадқиқоти, реклама соҳасида корхоналарнинг бир-бирини қўллаб қувватлаши, қўшма товар маркаларини яратишдан иборат.

Кооперация хорижий бозорларни тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга бўлади. Байналминал даражага нисбатан кенг тарқалган кооперация шаклларидан бири камида битта миллий ва битта хорижий ҳамкорни бирлаштирувчи қўшма корхона ҳисобланади. Бу корхонада томошларнинг ҳар бири ҳамкорида йўқ нарсани: масалан, капитал, ноу-хау, патентлар,

ер майдонлари, ишлаб чиқариш қувватлари, ҳукумат билан алоқаларни, иш кучи ва ҳоказоларни таклиф қилади.

Фаолият кўрсатиш муддатининг узоклиги ва келишувларнинг учалик мукаммал эмаслиги билан кўшма корхоналардан ажralиб турувчи кооперациянинг нисбатан янги шакли стратегик альянслар ҳисобланади. Стратегик альянслар бозордаги ва технологиядаги ўзгаришларга тез мослашиш хусусиятига эга.

**Технологик стратегия.** Кўпгина соҳалар (микроэлектроника, биохимия, генетологияси)нинг жадал суръатда ривожланиши технологияни ракобатнинг асосий омилига айлантиришга олиб келди. Технология бўйича стратегиянинг тўғри кўйилиши кўпгина корхоналар учун катта аҳамият касб этади. Бу ерда мунтазам ва онгли равиша корхонанинг техник имкониятларини бозор эҳтиёжларига йўналтириш тушунилади.

Стратегик муваффақият махсулотлар, жараёнлар ва бошқарув технологияларида эришилиши мумкин. Махсулот технологияси маълум бир эҳтиёжни кондириш учун мўлжалланган техник карорлар мажмундир. Жараёнлар технологияси ишлаб чиқариш жараёни миқиёсида техник усулларни бирлаштиради. Бошқариш технологияси менежмент даражаси ҳамда у ерда қўлланиладиган техник воситаларнинг тизими ва жараёнларини ўз ичига олади.

*Бугунги кунда технология қўйидаги босқичларга бўлинади:*

- базис технологиялар-техниканинг бутунги даражасини кўрсатади, ракобатчиларнинг кўпчилиги томонидан қўлланилади, сезиларли яхшиланнишга олиб келмайди;
- асосий технологиялар-кичик ҳажмда ишлатилади ва катта ривожланиш имкониятига эга;
- прогрессив технология - ривожланиш ва текширилиш босқичицидадир;
- келажак замон технологияси-мухитнинг ривожланиши билан муаммонинг принципиал ечимини кўрсатади.

Технологиялар соҳасида қўйидаги стратегик ёндашувлар қўлланилиши мумкин:

- технологик етакчилик стратегияси-прогрессив технологияларни вактинчалик монопол ишлатиш ҳисобига рақобатда ютиб чишишга ҳаракат килиш. Бундай стратегия тадқиқот ва ривожланиш учун катта маблағ талаб этади;

- етакчининг орқасидан бориш стратегияси-шуни англатадики, корхона ўз инновациясини рақобатчи кўлламагунча ишлатмайди. Бу стратегия етакчининг хатоларидан холоса килиш имкониятини беради;

- сегментлаш стратегияси-корхона мавжуд технологияларга суюниб, маълум бир сегмент шароитида маҳсус қарор қабул килишини билдиради;

- тақлид килиш стратегияси-мавжуд технологик ёндашувларни айнан кўчиришни билдиради. Шу тарзда тадқиқот ва маркетинг ҳаражатлари тежалади. Паст нарҳлаф ҳисобига устунликка эришилади.

Стратегиялар фаолиятнинг улкан йўналишини кўрсатади ва уларни маркетинг тадбирларини режалаштириш орқали аниқлаштиришни талаб этади. Айнан ўтган боскичдаги қаби режалаштиришга вазият таҳлилининг натижалари ҳамда маҳсус ички ва ташки шарт-шароитлар таъсир этади. Гап асосан танлаш, маркетинг воситаларининг аҳамияти ва шакллари, уларни қўйилган мақсадалр нуктаиз назаридан янада муқобил бирлашиши ҳамда маркетинг бюджетини режалаштириш доирасида молиявий маблағларнинг тақсимланиши ҳакиқадир.

Маркетинг-миксни тугал аниқлашда маркетинг чора-тацбирларининг умумий даражаларига тегишли бўлган қарор қабул килиш зарур. Бу зарурйлик маркетингнинг маҳсус мақсадлари билан корхонанинг бошқа мақсадлари бир-бирига мос келмаслигидан келиб чиқади. Энг аввало маркетинг бюджети қандай ўлчамда бўлиши керак ва бу маблағларнинг бир қисмини ишлаб чиқаришга, тадқиқот ёки корхонанинг бошқа соҳаларига бериш яхшироқ эмасми, деган савол туғилади.

*Маркетинг воситаларини танлаш ва аниқлашда моддий ва вақт бўйича жиҳатларни ҳисобга олиш лозим.*

- Воситаларни танлашга бир томондан танланган стратегиялар, бошқа томондан эса тармоқнинг ананалари таъсир этади (I-жадвал). Бирок жадвалга асосланиб ҳеч бўлмагандаги тўхтамларга келиш мумкин: баъзи тармоқлар ўз ичидаги кўпгина воситалар (савдо)дан фойдаланади, баъзилари эса саноқли воситалар (хом ашё саноати)дан фойдаланади. Бундан ташқари, воситаларнинг ўзи кўлланилишига қараб бугун борича фарқланади.

- Вакт бўйича маркетинг воситаларини режалаштириш. Вакт бўйича маркетинг фаолиятини юритганда кўйидаги саволлар келиб чиқади:

а) режалаштириш даврида режалаштирилдиган тадбир ва воситаларни алоҳида интервалларга ажратиш қанчалик зарур? Масалан, қандай реклама қилиш лозим, даврийми, даврий эмасми ёки умумий кўринишдами; талаб тебранишида ўзини қандай тутиш лозим? Шу билан бир каторда тебранишга мослашиш, уларни тартибга солиш ёки кучайтириш каби имкониятлар мавжуд.

б) бундан-да юқорироқ самарага эришиш учун режалаштирилган тадбирларни қачон қўллаш зарур? Шу билан бирга амалиётда бозор реакцияси классик назарияда қабул қилинганидек чексиз тез эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Импульс ва реакция ўртасида белгиланган вакт оралиғи мавжуд. Масалан, агар реклама кампанияси тўлиқ ишлаб турган бўлса-да, маҳсулот ҳали сотувда бўлмаса, корхона бекорга реклама бюджетининг анчагина қисмини, шунингдек, истеъмолчилар ишончини ҳам йўқотади.

### **6.3. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МОДЕЛЛАР**

Иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар маркетинг фаолиятида стратегик карор қабул қилиш учун ёрдами тегиши мумкин бўлган бир қатор моделлар ишлаб чиқканлар. Кўпгина базис стратегиялар бу моделлар билан боғлик. Модел аник бир вазиятдан келиб чиқиб танланади. Бу моделлардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

*1- жадеал.*

**Түрли тармоқларда маркетинг воситаларининг қўлланилиши.**

Воситалар	Хом ашё	Тармоқлар			
		Ишлаб чикариш товарлари	Маркали товарлар	Савдо	Хизмат кўрсатиш
Махсулот билан ишлаш		X X	X	(X)	X
Дастур билан ишлаш		(X)	(X)		X X
Кафолат		X	X		X
Мижозларга хизмат кўрсатиш		X X	(X)		X X
Нарх сиёсати	(X)	X	X		X X
Арzonлаштириш		X	X		X
Жўнатиш шартлари		X		(X)	
Кредитлаш		X X		(X)	
Фаолият жойи					X X
Сотиш каналлари		X (X)	X	(X)	
Жўнатишга тайёр гарлиги		X			X X
Шахсий савдо		X X	X		X X
Реклама		X X	X		X X
Савдони қўллаб-куватлаш		X	X		X (X)
Жамоатчилик билан ишлаш		X (X)	X		X (X)

*Кўрсатма: X - алоҳида аҳамият касб этади; (X) - маълум бир шароитда аҳамиятга эга.*

Үсүвчи бозор шароитида стратегияларни яратиш учун модель таклиф этилади. Бошланғич нұкта корхонаниң ҳақиқиій ва режадати ривожланиши ўртасидаги фарқ ёки маржаси ҳисобланади. Бу корхона мақсадлари аввалги стратегиялар ёрдамида амалга оширилганини билдиради. Бу вазиятта ёки мақсадға үзгартырыш кириши, ёки бошқа стратегик йүлларни қицириш лозим. Үсүвчи бозор шароитида мүмкін болған стратегияларин 1966 шылда америкалық олим Игорь Анофф “маңсулот-бозэр” деб аталадиган матрица ёрдамида түзганды. Бу матрицаның умумий күриниши юқоридаты чизмада күрсатылған.

### “Маңсулот-бозор” матрицаси (Анофф матрицаси)<sup>1</sup>

Бозорлар Маңсулотлар	Мавжуд бозорлар	Яңи бозорлар
Мавжуд маңсулотлар	Бозорга янада чүкүррөк кириб борниш	Бозор чегара-лари- ни кенгайтириш
Яңи маңсулотлар	Маңсулотни такомиилаштириш	Диверсификация

```

graph TD
    I((I)) --> II((II))
    III((III)) --> IV((IV))

```

*И.Анофф матрицаси ёрдамида олинган ассоий стратегик тәсиялар қуйындағылардан иборат:*

1. Бозорни такомиилаштириш: мавжуд маңсулотларнинг мавжуд бозорларда бозор улушини барқарорлаштириш ёки ошириш ёхуд бозор ҳажмини кенгайтириш мақсадида күчайтириш. Мүмкін болған эришиш йүллари истемолни ошириши (нархни түшириш, қадоқлаш ҳажмини ошириш, сифат інженерлігіні камайтириш), харішорларни рақобатдош

<sup>1</sup> Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 1999, 159-бет.

маҳсулотларга қизиқтириш, лотент истеъмолни фаоллаштириш (реклама, синааб кўришни таклиф этиш, нархларни тушириш).

2. Бозор чегарларини кенгайтириш: янги бозорга эски маҳсулотлар билан чиқиш. Мумкин бўлган вариантлар: янги минтақавий, миллий ёки халқаро бозорларга чиқиш (байналминаллаштириш ва глобаллаштириш); маҳсулот вазифаларини ошириш; эски маҳсулотларга янги худудлар очиш; маҳсулотни истеъмолчининг белгиланган сегмент талабларига жавоб бериши учун мослаштириш (бозорни сегментлаш).

3. Маҳсулотни ривожлантириш (инновация): эски бозорларда янги маҳсулотлар сотилиши. "Инновация" тушунчаси қуйидаги имкониятлар: асл инновация (бозорда янги); жуда янги маҳсулотлар (эскилари билан боғлик); Metoo маҳсулотлар (фақат корхона учун янги маҳсулотлар)ни ўз ичига олади.

4. Диверсификация: корхона ортиқча фаолият доирасидан ажраб, янгиларига ўтади. Сабаблари: бозорларнинг стагнацияга учраши, хавф-хатарнинг камайиши, молиявий натижалар, жамғарма ва истеъмол базаларини сугурталашдан иборат. Ишлаб чиқариш дастури корхонанинг олдинги маҳсулотлари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган маҳсулотларни ўз ичига олади. Диверсификациянинг уч тури мавжуд: 1) ўша даражадаги диверсификация (горизонтал) автомобиль корхонаси мотоцикл ишлаб чиқаришни йўлга кўяди; 2) истеъмол ва жамғариш бозорларидаги диверсификация (вертикал) тўқимачилик корхонаси кийим-кечак ишлаб чиқариш корхонасини очади; 3) лотериали диверсификация (моддий ўзаро алоқанинг йўклиги), "Пепси-Кола"нинг спорт буюмларини ишлаб чиқаришда қатнашиши. Диверсификациянинг асосий хавфи кучларнинг тарқалиб кетиши мумкинлигидайдир.

Алоҳида муқобиллар билан боғлик бўлган хавф-хатар микдори бир хил эмас. Бу синергетик таъсирларнинг камайиши натижасидир. Турли стратегиялар муваффақиятининг эҳтимоли (Hinterhuber-Thom, 1995 тадқиқотлари):

- эски маҳсулот эски бозорда 50%;

- янги маҳсулот эски бозорда 33%;
- эски маҳсулот янги бозорда 20%;
- янги маҳсулот янги бозорда 5%.

Алоҳида муқобиллар билан боғлиқ ҳаражатлар (Aurich-Shroeder, 1996, эмпирик тадқиқотлари натижаси):

- бозорга ишлов бериш - базис;
- маҳсулотни ривожлантириш - саккиз марта ошиқча ҳаражат;
- бозорни ривожлантириш - тўрт марта ошиқча ҳаражат;
- диверсификация - 12 ва 16 марта ошиқча ҳаражат.


Стратегияни танлаш корхонанинг ресурсларига ва таваккалчиликка тайёргарлигига боғлиқ. Агар корхона катта ресурсга эга бўлса, лекин таваккалчиликни синааб кўришини хоҳламаса, у ҳолда маҳсулотни ривожлантириш стратегиясидан фойдаланиши мумкин. Агар ресурслар етарлича бўлмаса, унда бозорни ривожлантириш стратегиясини танлаши лозим.

**Ракобат матрицаси (Портер).** Америкалик олим Портер 1975-1980 йилларда ўсиш суръатининг пасайиши ва саноатнинг кўпчилик тармоқларнинг стагнацияга учраш даврида ракобат стратегияси концепциясини ишлаб чиқди. Корхона дикқат марказида нафакат харидорлар эҳтиёжини қондириш, балки бозордаги ракобат кучлари ҳам туради. Портер томонидан кўрсатилган ракобатни ҳаракатга келтирувчи бешта куч қўйидаги чизмада берилган.

М. Портернинг тадқиқотлари қўйидаги хуносаларга олиб келди: аввало катта бозор улушига эга бўлган йирик корхоналар, бир томондан ва, иккинчи томондан, кичик ихтисослаштирилган корхоналар талаб қилинадиган рентабеллик даражасига эришиш имкониятига эга бўлади. Демак, ўрта позиция хавфли, бозорда етакчилик қилишга эришиш қобишлияти ёки маблаглари йўқ, барча корхоналарга ўз ишини белгиланган сегментда жамлаб, ракобатчиларга нисбатан афзаликларни барпо этиш тавсия эгилади.

Дастлабки ҳолатнинг муҳим томонларини ойдинлаштириш баҳолаш учун асос ракобат матрицасидаги ҳолатлардан қайси бири корхонага кўпроқ муваффакият келтиришиди. *Портер модели, аввало, концентрация.*

бозорнинг етилганлик дәражаси ва жаҳон рақобатининг интерсивлиги нуқтаси назаридан фарқ қилувчи бўлинган, ёи ва етилган тармоқларнинг стратегияларини бошқарши учун керак.



### 13 - чизма. Рақобатни юзага келтирувчи кучлар<sup>1</sup>.

#### *Портер стратегиясининг сфераллуклари:*

- корхонанинг бошқа рақобатчилари кучли кураш натижасида зарар кўра бошласа, унча кам бўлмаган харажатлар билан ҳам корхона даромад олади;
- харажатдаги афзаллик самарадорлиги бўйича иккинчи сотувчининг қилинган харажатларига нисбатан баҳони ортиқ тушира олмайдиган кучли харидорлардан ҳимоя қиласди;
- кам харажатлар мол етказиб берувчиларга афзаллик яратади, баҳоларнинг кўтарилиши эса етакчига камрок таъсири қиласди;
- кам харажатлар бозорига киришда катта тўсикларни ҳосил қиласди;

<sup>1</sup> М.Портер. Международная конкуренция М. Прогресс, 1996, 202 -бет.

- ўринбосар товарларнинг пайдо бўлиши етакчига рақобатчисига нисбатан харажатлар доирасида эркин ҳаракат қилишга имконият беради.

**“Бозор улуши - бозор ўсиши” матрицаси (портфолио-тахлил).** Портфолио-тахлил ёки “бозор улуши - бозор ўсиши” матрицаси XX асрнинг 60-йиллари сўнгида Американинг “Бостон консалтинг групп” консалтинг фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Бу модель, асосан, маҳсулотнинг ҳаёт циклига ва тажриба эгри чизиги концепциясига асосланган.

Корхона (молия мухитида капитални жойлаштириш таҳлили бўйича) Портфолио ёрдамида, яъни стратегик ишлаб чиқариш бирликлари йигиндиси сифатида таърифланади. Стратегик ишлаб чиқариш бирликлари (СИЧБ) - асосан бир-бирига боғлиқ бўлмаган бошқа СИЧБ маҳсулотлари ёки маҳсулотлар гуруҳидан фарқли ҳамда мижозлар томонидан аниқланадиган улар билан боғлиқ бозор масалалари бўйича характеристланадиган корхонанинг фаолият доираси. Турли СИЧБ ҳар хил бозор имкониятлари ва хавф-хатарга эга бўлади. Портфолио таҳлили бугунги кунда, стратегик режалаштиришнинг энг кўп қўлланиладиган, усулларидан биридир.

**Энг асосий Портфолио концепциялари.** Турли Портфолио концепцияларидан “бозор ўсиши - бозор улуши” ва “бозорнинг жалб қилиш даражаси рақобатдаги устунлик” моделлари энг катта амалий аҳамиятга эга. Бу иккала концепция икки координатали матрица ёрдамида СИЧБнинг стратегик вазиятини аниқлаб беради. Матрицада ўхшашибошланғич стратегик вазиятдаги СИЧБ бир жинсли йигиндига бирлаштирилади. Улар учун мақсадли ва стратегик режалаштиришда ҳамда корхона ресурсларини тақсимлашда қўлланиладиган ҳаракатларнинг базис намуналари (норматив стратегиялар)ни аниқлаб бериш мумкин.

**Концепциянинг ўзига хос ҳусусиятлари** СИЧБ тўртта катақдан иборат матрицада жойлашади. Матрица “бозордаги улуш” ва “бозор ўсиши” кўрсаткичлари билан ифодаланган; бу ерда нисбий бозор улуши кўрсаткичи (корхонанинг рақобатчисига нисбатан бозордаги улуши) ишлатилади;

СИЧБнинг турли қийматлари айланаларнинг ҳар хил катталиклари билан ифодаланган.

**Юкори**

Бозорнинг  
ўсиши

Паст

	Юлдузлар	?	Сўроқ белгиси
	“Соғин сигирлар”		“Ёввойи мушуклар”
Юкори		Паст	
	Бозордаги улуши		

14 - чизма. “Њосгон консалтинг группи” матрицаси<sup>1</sup>.

Матрицадаги жойлашувига қараб, СИЧБнинг тўрт хил тури фарқланади. Портфолио терминологиясига асосан улар қуйидагича аталади: “сўроқ белгиси”, “юлдузлар”, “согиладиган сигирлар” ва “ёввойи мушуклар”:

1. *Матрицанинг тена ўнг бурчагида жойлашган СИЧБ “сўроқ белгилари”* дейилади. Бу ҳаёт циклининг бошлангич даврида турган маҳсулотдир. Улар катта ўсиш суръатларига эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг бозордаги улуши унчалик катта эмас. Шунинг учун бу холда корхоналар хужум стратегиялари ва катта инвестициялари ёрдамида тажриба эгри чизигини қўллаш имкониятига эга бўлиш учун бозордаги улушни катталаштиришга харакат киласилар. Келажакда катта фойда келтирадиган маҳсулотларни кераклиги учун бу маҳсулотларни қўллаб -куватлаш зарур. Шуни ҳисобга олиш керакки, СИЧБ фойдадан кўпроқ харажатларга эга бўлади. Менежмент мавжуд ресурслар ёрдамица бозордаги

<sup>1</sup> Davit p. Marketing Management and Strategy (2nd ed.). Prentice Hall Europe, 1998. p. 110-111.

улушнинг кенгайтирилиши мумкинлигини текшириб кўрилиши лозим.

2. *Тепадан чап бурчакда жойлашган СИЧБ* (“юлдузлар”) ҳаёт циклининг ўсиш босқичидир. “Юлдузлар” маълум бир фойда келтиради, лекин бу фойда “юлдузлар”нинг бозордаги ўринини мустаҳкамлаш учун сарфланади. Ўсиш суръатларининг пасайиши ва савдосотик стагнация туфайли “юлдузлар” “согилациган сигирлар”га айланади.

3. *“Соғин сигирлар”* - етуклик даражасига етган маҳсулот. Бозордаги катта улуш бу турдаги маҳсулотнинг харажатлар бўйича катта афзаллик яратади.

4. *“Ёввойи мушуклар”* бозорнинг тўйиниш ва дегенерацияси босқичига тегишлидир. Улар бозорнинг катта улушига ҳам, юқори ўсиш суръатларига ҳам эга эмас. Агар улар фойда келтираётган бўлса, бу фойдани уларнинг “сўрок белгиси” ёки “юлдузлар”га кириб бориши учун инвестициялаш тавсия этилади. Бу СИЧБи зарар келтиришни бошлиши хавфи бўлса, дезинвестициялаш стратагиясини амалга ошириш ва уларни маълум муддатга корхонанинг Портфолиосидан чиқариш лозим.

#### *Моделнинг афзалликлари:*

- корхонанинг стратегик муаммоларини тизимга солиш ва кўргазмали тақдим этилиши имконияти мавжудлиги;
- стратегияни тузиш учун модел сифатида қўлланилиши, шу билан бирга, исосан, жорий ишлар билан шуғулланувчи менежмент корхонанинг келажагига эътибор қаратиши Керак;
- қўллашнинг осонлигиги;
- СИЧБнинг бозордаги улуси ўсиш суръатларини аниклашнинг қулагилигидан иборат.

Юқорида баён қилинган стратегияларни амалий фаолиятда қўллаш корхонанинг ривожланиш даражасига, илмий - тадқиқот ишларининг йўлга қўйилганлигига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хусусиятларига, бозорнинг сегментига ва яна бошқа бир канча омилларга боғлиқдир.

## **6.4. МАРКЕТИНГДА РЕЖАЛАШТИРИШНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ҳар бир маркетинг гуруҳлари, бўлимлари, бошқармалари ва корхоналарида маркетинг фаолиятини узлуксиз олиб бориш -товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, режасини корхонанинг ҳамма қисмларида мунтазам равишда, илгари тузилган график асосида маҳсулотнинг олдиндан аникланган ассортименти ва сифатига мувоғиқ товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш муддатларига риоя қилишини эътиборга олиб, маркетинг жараёнларини узлуксиз олиб бориш ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла фойдаланиш имконини беради.

Маркетинг фаолиятини узлуксиз олиб бориш кўп корхоналарда, иш вақтидан ташқари бўладиган беҳуда тўхташларни йўқотишга, кўпинча ойнинг бошида бўладиган осойишталик ва ойнинг охирида бўладиган ўринсиз шошмаршошарлик натижасида юзага келадиган ҳамда ишлаб чиқаришнинг нормадан четга чиқиши натижасида ҳосил бўладиган кўшимча харажатларнинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари товарлар ўз вақтида сотилмаганлиги, етказиб бермаганлиги учун тўланадиган жарима, пеня, неустойкалар кескин қисқаради ёки бутунлай бўлмайди.

Маркетинг фаолиятини юкори савијда олиб боришнинг аҳамияти, ишлаб чиқаришнинг техника ва технологияси тез суръатлар билан ривожланиши натижасида айниқса ортади. Юкори меҳнат унумдорлигига эга бўлган машинаускуна ва агрегатларнинг оз даражада бўлса-да, нотекис ишлаши нобудгарчилликнинг кўпайишига олиб келади. Шу сабабли ҳам корхоналарда техника қанчалик мураккаб бўлса, машина ва механизмлар қанчалик унумли бўлса, ишни бир текисда ташкил этиш масаласи шунча муҳимдир. Корхоналарда ишнинг бир меъёрда олиб борилиши маркетинг фаолияти маданиятининг юкори даражада эканлигини, иш ҳамма бўғинларда яхши ташкил этилганлигини, ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла

фойдаланилғанлиги ва мавжуд резервлардан оқилона фойдаланилаётгандыдан далолат беради.

Товарларни тезкорлик билан сотиш, графиклар тузиши натижасыда аникланади. Бу истеъмолчиларнинг талабларини ўз вактида қондириш ва шу билан бир қаторда корхонанинг ҳамма бўгинларида ишни узлуксиз олиб боришини назарда тутади. Бу эса корхонани ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла фойдаланишга ундаиди. Товарларни бир текис сотиш деганда маҳсулотни етказиб бериш ва сотишни ўз вактида амалга ошириш тушунилади. Корхонанинг бир текис ишлаши деганда эса, иш вактидан тула фойдаланиш учун шароит яратиб бериш, ишлаб чиқаришнинг бутун давр давомида асбоб-ускуна ва бошқа барча воситалардан бевосита фойдаланишдир. Ҳар бир корхонада маркетинг фаолиятини бир текисда олиб бориш шакллари турлича бўлиши мумкин. Бу асосан маркетингни ташкил қилиш усуслари орасидаги айрим фарқлар билан аникланади. Ишлаб чиқариш поток усулида ташкил қилинадиган завод ва фабрикаларда маркетинг графиклари, одатда товарлар сотишни маълум тенг вакт ичидаги бир хил ёки кўп микдорда бўлишини кўрсатади, бу эса маркетинг маромишини ҳажмини ифодалайди. Катта ҳаждаги товарлар, ишлаб чиқариш оммавий поток усулида ишлайдиган корхоналарда ҳар бир кун учун бир хилда, бир ҳаждамда ёки кундан-кунга ўсиб бораидиган товарни сотиш кўзда тутиплади. Бундай ҳолларда ҳар куни ёки ҳар ойда бир микдордаги товарни сотилиши лозим.

*Корхоналарда маркетинг ишини бир текис, бир меъёрда ташкил этишида унинг кўрсаткичлари катта аҳамиятга эга. Унинг бир меъёрда ишлашини билдирадиган кўрсаткич сифатида ҳар ўн кунликда ойлик режага нисбатан сотиладиган товарнинг салмоғи олинади. Корхонада ҳар ўн кунда, ойлик товарлар сотиш топширикларининг учдан бир қисми бажарилса, бундай корхонада ойнинг охирида ҳайбаракалачилик бўлмайди. У нормал ишлайди ва бундай вактда корхонани маркетинг бўлимининг бир меъёрда ишлашини аниклашда ҳар ўн кунча иш кунининг микдорини ҳисобга олиш зарур. Ҳар ўн кунда ёки ойда сотилган*

товарнинг микдори белгиланилади. Сўнгра бу кўрсаткич ҳар ўн кун ёки ой ичида сотилган товар билан таққосланади. Корхонанинг маркетинг бўлимини бир текисда, бир меъёрда ишлашини аниқлашда қўйидаги коэффициент аниқроқ хулоса беради:

$$K_o = \frac{I - \sum A}{\Pi}$$

бу ерда,  $K_o$  - бир текис, бир меъёрда ишлаш коэффициенти;  $A$  - маълум даврда (кун, соат) режадагидан кам микдорда сотилган товарлар ҳажми;  $\Pi$  - таҳлил даврида режа даражасида сотилган товарларнинг абсолют микдори.

Корхона маркетинг бўлими бир текис, бир меъёрда ишлаши, ишлаб чиқаришни ўстириш ва барча техникик писодий кўрсаткичларни яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир. Корхоналардаги барча звеноларнинг тартибли ишлаши билангина маркетинг бўлимининг бир меъёрда ишлашига эришиш мумкин. Бу нарса оммавий, узлуксиз, поток усулида ишлайдиган корхоналарда, айниқса катта аҳамиятга эга. Чунки бундай корхоналарнинг барча ишлаб чиқариш участкалари бир вактда бир хилдаги меҳнат куроли билан ишлайди. Айрим корхоналарда маркетинг бўлимларининг бир текис, бир меъёрда ишлаши асосан корхонанинг ёрдамчи хўжалигида (тайёрлов ва транспорт бўлимида, ремонт-механика устахонаси ва бошқаларда) ишни тўғри уюштиришга боғлиқ. Маркетинг фаолиятини мақбул режалаштириш, оператив режаларни ўз вақтида цех, участка ва бўлим раҳбарларига етказиш, режанинг бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатиш - маркетинг бўлими фаолиятини яхшилашни таъминлайдиган шарт-шароитлардан ҳисобланади. Маркетинг бўлимининг ойлик оператив режаси, амалда товарларни сотиш бўйича барча бўғинларнинг дастурини бажариш ва ошириб бажаришни таъминлайдиган иш графикини бир-бири билан боғлайдиган "маҳсулот сотиш график режаси" бўлиб хизмат қилиши лозим. Маркетинг ҳар бир участкасида график-режани

бажарылуши устидан күндалик назорат үрнатыш ва ингизомга қатый риоя қилиш, товарларни график асосида бир текисда сотилишини таъминлайдыган тадбирлардан биридей. Илғор корхоналарнинг маркетинг булимларини иш тажрибаси шунни күрсатмоқдаки, товарларни бир меъёрда сотишни таъминлашга кўп жиҳатдан маркетингни фаолиятини яхши ташкил этиш ва бошқариш савиясини ошириш туфайлигини эришиш мумкин.

*Соф маркетинг корхонасіда маркетинг фаолиятини мұқаммаллаштириш оператив режалаштириш ва товар сотишни бир текисда олиб бориш асбоб-ускуналарни узлуксиз тұла иш билан банд қилишни, иш вактидан тұла фойдаланишини ва истеъмолчиларнинг әжтиёж ва талабларини қондириши имкониятини беради.*

*Маркетинг фаолиятини оператив режалаштиришини мұқаммаллаштиришининг асосий вазифоси құйыдагиларни үз ичига олади:*

- маркетинг дастури ва башка режа кўрсаткичларининг бажарыш вактига қараб бўлиниши ва деталланиши, бу вазифани бажарыща асбоб-ускуналар, пшлаб чиқариш майдони, ишчи кучи ва ҳоказолардан тұла ва бир текисда фойдаланишини таъминлаши мумкин;

- режа топширикларини маркетинг нұктай назаридан конкретлаштириш ва уларни цехлараро режалаштириш, ишлаб чиқаришни бир цех ичидә оператив равишда режалаштириш топширикларини участка, пролет, линия, бригада ва иш жойларынга етказиш ва уларни бажарыш муддатларини белгилаш;

- маркетинг фаолиятини календарь режа нормативларини тузиш ва шу асосда ишлаб чиқариш циклининг муддатини, тайёрланған нарсаларнинг түпланиш ҳажмини, буюм ишлаб чиқариш ва деталларни тайёрлашынинг оптимал миқдорини аниклаш;

- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадыган ҳамма цехларнинг фаолиятини ўзаро боғлаш ва мослаштириш;

- режани бажарыш жараёнида ишлаб чиқаришни маркетинг нұктай назаридан оператив равишда тартибга солиши;

· ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўлимларида ишни бир текисда олиб боришни, тайёр маҳсулотни бир меъёрда ишлаб чиқаришни ва уни ўз вактида сотишни аник таъминлаш.

*Маркетингни бошқариш ва уни ташкил қилиш усулларига қараб, уни оператив режалаштиришда ҳар хил варианtlарда ифодаланаади. Улар қуийдагилардан иборат:*

· намунали, ибратли - бунда ҳар бир буюртмани бошқа буюртмалар билан боғлиқ графиклар цикли орқали тайёрлаш ва сотиш белгиланилади. Бу система асосан ягона маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва майда серияли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маркетинг бўлимларида кўлланиласи;

· омборда маҳсулотни режалаштириш - бу асосан корхона ва маркетинг ишини бир текисда, узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган, омборда йигилган яrim фабрикатлар, ёқилғи сахиralаридан иборат;

· цикл комплектлари бўйича, бу яrim фабрикатларни ишлаб чиқаришнинг навбатдаги боскичига ўтиш вактига ва технологик системанинг маршрутига қараб гурухларга бўлишидир;

· маркетинг бўлими яrim фабрикатларнинг ишлаб чиқаришга киришиши ва маҳсулот тайёрлашда унинг ҳар хил боскичларидан ўтиши белгиланилади;

· маҳсулотни бир текисда сотиш бўйича - бунда асосан яrim фабрикатларни тайёрлашнинг барча боскичлари маҳсулот сотиш, маром вактига мослаштирилади.

Корхона маркетинг фаолиятининг оператив режаларини тузишда юқоридаги системаларнинг энг мувоғигидан фойдаланилмоғи лозим. Маркетингда бир хил режалаштириш шундан иборатки, корхона бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари режалаштирилаётган даврнинг узоққа чузилмайдиган календарь муддатлари - ой, декада, ҳафта, сутка, смена, соатга мўлжалланган топширикларни белгилаш йўли билан маркетинг бўлими томонидан ҳар бир цех, участка ва иш жойига маълум қиладиlar.

Бу кўрсаткичларга, аввало муҳим хил микдорда товар сотиш учун бериладиган топшириклар киради. Бу

күрсаткичлар корхонанинг маркетинг бўлимини бир меъёрда ишлашини тартибга солиб туришга имкон беради. Режанинг бошка күрсаткичлари ва режа даврлари корхонанинг хусусияти, ишлаб чиқариш ва сотишнинг, ишлаб чиқарилаётган товарнинг характеристикалари, ишлаб чиқариш циклининг муддати ва бошка шароитларига қараб аникланади.

*Маркетинг фаолиятини оператив режалаштиришдан бирор напижага эришини учун топшириқ күрсаткичларининг ишлаб чиқилган системасига шу топшириқлар бўйича асосланган режадаги нормативларга эга бўлиши ви уларни календарь режаларни ижро қилувчиларга муддатидан олдинроқ маълум қилиш лозим.*

Маркетинг фаолиятини аниқ оператив режалаштириш корхона ишига кундалик раҳбарлик қилиш, топширикларга риоя қилинаётган-қилинмаётганлигини назорат қилиш ва маркетинг бизнес-режасини бажариш давомида рўй берадиган камчиликларни бартараф этиш учун тезлик билан чоралар кўришга имкон беради. Маркетингни оператив равиша режалаштириш системаси корхона олдига кўйилган вазифаларни бажаришни ўз устига (кафолат бериш учун) олиши учун аниқ талабларга (мезонларга) жавоб бериши лозим бўлади. *Юқорида келтирилган талабларнинг исосийларини қўйидагича гуруҳлаш мумкин:*

- маркетинг фаолияти узлуксиз бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг узлуксиз бўлишини таъминлаши керак;
- маркетинг фаолиятини оператив режалаштириш ва бошқариш учун маълум даражада керак бўлган маълумотларни олиб туришга шароит яратиш лозим;
- ишчиларни корхонада маркетинг фаолиятини бевосита бошқаришга жалб этишига катта шарт-шароит яратиш шарт.

Тошкентдаги Чкалов номли Авиация ишлаб чиқарни бирлашмасида жорий этилган шартли-комплект системаси кўп даражада бу меъзонга жавоб беради. Бу Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошка бир қатор заводларининг

тажрибасини хисобга олиб, ишлаб чиқаришни узлуксиз, оператив даражада режалаштириш намунавий усулини тайёрлаш мумкин. Унда:

- ишлаб чиқаришнинг оператив хисобидан чиқариб ташланадиган заделнинг меъёрий даражасини аниклаш;
- технологик занжирдаги ўрнидан катъий назар, маркетинг бўлими билан боғлиқ ҳамма ишлаб чиқариш бўлинмалари ва иш жойи бўйича ягона режа-график тузиш;
- белгиланган маркетинг дастури билан унинг бажарилиши ўртасидаги тавофтни кўрсатадиган пропорционаллик графигини тузиш, ҳозирги кунда замонавий компьютерлар ва электрон хисоблаш машиналарини ва автоматик бошқариш тизимларини қўллаш, маркетинг жараённининг оператив равишда режалаштиришни анча енгиллаштириши кўзда тутилади.

Маркетинг фаолиятини оператив режалаштириш диспетчерлик хизматини ташкил қилишни талаб этади. Бу хизмат шундан иборатки, маҳсус ҳодим (диспетчер) корхонадаги маркетинг фаолиятини узлуксиз оператив ва марказлаштирилган тартибда бошқариб ва тартибга солиб туради. Диспетчерлик бошқармасидан телефон алоқасидан, радио, телемеханик қурилмалар, товуш ва ёруғлик сигналларишан фойдаланиш мумкин. Диспетчер ана шундай техник воситалар ёрдамида маркетингнинг айрим участкаларнинг ишини кузатиб туради ёки керакли маълумотларни олади, ишлаб чиқаришга ва ёрдамчи участкаларга оператив топшириклар беради. Диспетчерлик хизмати ёрдамида маркетинг фаолияти назорат қилиб борилади - техника ҳозирлиги, ҳом-ашё билан бирга, кадрлар билан таъминланиши, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш графигининг бажарилиш, транспортнинг ўз вақтида берилиб турилиши товарни харидорларга етказиш каби фаолиятидаги бошка омиғлар текширилиб тутилади.

*Маркетингни оператив режалаштиришиниг асосий вазифаси маркетинг воситаларини шундай комбинациясини олишидан иборатки, қўйилган мақсадлар нуқтаи назаридан муқобил маркетинг-микси олиш лозим. Бу муаммоларни*

ечиш назарияда осон бўлмаганидек, амалиётда ҳам осон эмас. Бунинг сабаблари: маркетинг воситаларининг мумкин комбинациялари кўплиги, маркетинг воситалари ўртасида ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирнинг мавжудлиги, маркетинг тадбирлари самараасига ишончсизлик, амалий чегаралар(вакт, маблағ ва бошқалар)нинг мавжудлигиdir.

1. *Мумкин комбинацияларнинг кўплиги:* айтайлик, корхона тўртта маркетинг воситаларини қўллаши мумкин ва ҳар қайсиси ўнга вариантдан иборат (одатда бундан кўпроқ ҳам бўлади), мумкин комбинациялар сони 10000 тага етади. Булардан факат оз қисмигина кўриб чиқилиши маълум. Яна ҳар бир комбинация турли хил шароитда турли хил натижа беришини ҳисобга олсан, муаммонинг ҳақиқий кўлами янада ойдинлашади.

2. *Маркетинг воситаларининг ўзаро ўрин босиши.* Маркетинг-миксни шакллантиришда алоҳида воситалар орасида ўзаро алоқа бор, шунингдек, улар бир-бирининг ўрнини босиши билан биргаликда бир-бирини тўлдириши мумкин. Ўринбосарлик бирор восита бутунлай ёки қисман бошқасини ўрнини босишини бициради (реклама чакана савдони кўллаб-куватлаш заруриятини пасайтириши мумкин). Комплементарлик воситаларнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришини билдиради (бозорга янги маҳсулотни олиб чиқишида reklamанинг ёрдами).

3. *Мавжуд муаммо маркетинг тадбирларининг ҳаракат кўламини аниқлашда ва бу доира ташқарисида таъсир қилишини аниқлашададир.* Бунда иккι ҳолатни ажратиш зарур: маркетинг тадбирларининг ижобий ва салбий таъсир қилиши. Бунинг мэньносини куйидаги мисолдан тушунишимиз мумкин: маҳсулотлардан бирининг сотилишини қўллаб қувватлаш, у билан алоқадор буюмларга талаб ошишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, турли маҳсулотлар бир вактнинг ўзида битта савдо фирмаси орқали сотилиши, сотиш ҳаражатларини камайтиришга олиб келиши мумкин. Кўпгина маҳсулотларнинг ўзаро таъсири марка оиласарини куришда (асосан парфюмерия саноатида) қўлланилади.

**Такрорлаш учун саволлар**

1. Маркетинг фаолиятini режалаштишинг аҳомияти ва моҳияти нималардан иборат?
2. Стратегик режалаштишинг мақсадлари ва асосий босқичлари түгрисида нималарни биласиз?
3. Бостон Консалтинг Групп матрицаси түгрисида фикрларингиз қандай?
4. М.Портнериниг "Рақобот матрицаси"дан келиб чиқадиган фирм ва мулодазалар нималардан иборат?
5. Корхонада стратегик режалаштишини тақомиллаштишининг асосий йўналишлари қандай?
6. Республикамиз корхоналарида маркетингни стратегик режаланиши қандай йўлга қўйилган?

*"Бозор кўтаришига қараб иш тут"*

*Ўзбек халқ мақоли*

## **VII боб. БОЗОРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

Бозорни тадқиқ этиш, унда ўз нишасини аниқлашга чет эл фирма ва компаниялари катта маблағлар сарфлайдилар. Масалан, АҚШда йиллик сотиш ҳажми 25 миллион доллар бўлган компаниялар ўз маркетинг бюджетларининг 3,5 фоизга яқинини маркетинг тадқиқотларига ажратади. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналарга нисбатан бу соҳага кўпроқ маблағ сарфлайдилар. Буни кўйидаги жадвалда (2 - жадвал) ҳам кўришимиз мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотлар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Бозор бир қаращда оддий бир тизимни ташкил этсада, ҳакикатда бундай эмас. Чунки унинг барча элементлари доим ҳаракатда бўлади. Шунинг учун бозорда юз бераётган барча ўзгаришлар, унда вужудга келган мутаносибликларни ўрганмай туриб бозорда иш юритиш мумкин эмас.

Компания ёки фирма (корхона) бозорни ўзлаштиришдан олдин, албатта комплекс тадқиқотлар ўтказади ва унга албатта катта маблағ сарфлайди. Керакли изланишларни ўтказмай таваккал қилиш ярамайди. Бозор рақобати шароитида тижорат таваккалчилиги жуда юкори ва қийматлидир.

Корхона маркетинг хизмати бўлимларида товар ёки хизматни бозорга киритиш, унга бўлган талаб ва истеъмол даражаси, ишлаб чиқариш ва сотиш шароитлари тўғрисида жуда катта микдордаги ахборот тўпланади ва таҳлил қилинади. Бунинг барча хўжалик фаолиятини самарали ташкил қилишга, капитал қўйилмаларини самарали

2 - жадвал.

**АКШ фирмаларида маркетинг тадқиқотлари доирасидаги фаолиятининг алоҳида турлари<sup>1</sup> (фонзда).**

Тадқиқот турлари	Шу турдаги тадқиқотларни ўтказган истевъмол товарлари ишлаб чиқарувчи компаниилар улуши (144 дан)	Шу турдаги тадқиқотларни ўтказган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи компаниялари улуши (124)
Қисқа муддатли истиқболлаш (1 йилгача)	96	94
Узок муддатли истиқболлаш (1 йилдан ошик)	96	94
Бозор потенциалини аниқлаш	99	99
Сотишни таҳлил қилиш	98	99
Янги маҳсулотни қабул қилиш ва уни потенциали	89	73
Қадоқлашни ўрганиш	91	61
Сотиш каналларини ўрганиш	99	83
Сотиш тўловларини ўрганиш	83	73
Турли хил товарларни ҳаракатини енгиллаштирувчи ҳаракатларни ўрганиш	86	67
Баҳоларни ташкил қилишни таҳлил қилиш	91	90
Экологияни таъсириини таҳлил қилиш	37	35
Реклама эълонлари санарадорлигини таҳлил қилиш	86	67

<sup>1</sup> Дж. Эванс, Б.Берман. Маркетинг. -М.: Экономика, 1993

йүналишларини аниклашда, маркетинг операциялари даги кийинчилекларни олдиндан күра билишга ёрдам қилади.

Маркетинг хизмати томонидан қанчалик катта микдордаги мураккаб ахборотларни түплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш лозимлигини тушуниш учун маҳсулот истеъмол хусусиятларини тадқиқ қилиш технологияси мисолини кўриб чиқиш етарлидир. Аввало, янги маҳсулотларни яратиб олиш, кейин янги товарга харидорларнинг муносабатини ўрганиш лозим. Яъни, товарнинг фойдаланиш сифати қанчалик даражада истеъмолчи талабига жавоб бериши аникланади. Бундай текшириш факат ўз маҳсулоти устидантини эмас, шу билан бирга рақобатчи фирма маҳсулоти юзасидан ҳам амалга оширилади. Харидорнинг маҳсулот таъми, ҳиди, ранги, ўлчами, фасони, мустаҳкамлиги, фойдаланишдаги қулийлиги ва бошқа истеъмол хусусиятларига бўлган муносабати маҳсус ишлаб чиқилган методика асосида таҳлил қилинади. Бир вақтнинг ўзида маҳсулотнинг маркасига, номига ва унинг имиджига бўлган руҳий муносабат тадқиқ қилинади ва, ниҳоят, қадоқлаш хусусияти, конструкцияси, ташқи кўринниши билан кишини жалб қилиши, қайта фойдаланиш имкониятлари баҳоланади. Буларнинг барчаси ҳали бозорга чиқарилаётган товарнинг маркетинг концепциясини яратиш учун етарли ахборотни бермайди.

*Бозорни тадқиқ қилиши - маркетинг тадқиқотларининг маълум бир қисмидир, холос. Фақат шартли равишдагина уларни маркетинг тадқиқотларининг асоси деб қабул қилиши мумкин. Бозорни тадқиқ қилиши жараёнида:*

- бозорга киритилаётган ёки унда мавжуд бўлган маҳсулотнинг мумкин бўлган сотиш микдори;
- товарнинг истеъмол хусусиятидаги ва бошқа тавсифларининг ўзгариши тенденцияси;
- ёши, жинси, худудий, ижтимоий, оиласидаги кишилар сони, ўзини тутиши, даромади даражаси бўйича истеъмолчилар гурухи;
- ассортиментни режалаштириш, сотиш ва reklamani ташкил қилишда харидорларнинг истаги;

- маҳсулотнинг сотилиши микдори, унинг умумбозор сифимидағи улуши (худудлар ва сегментлар бўйича ҳам);
- фирманинг рақобатдошлиги ва унинг бозордаги ўрни аниқланади.

Кўриниб турибдики, бозор тўғрисидаги маълумотлар микдори катта ва турли характеристерга эга. Шунинг учун бозорни тадқиқ қилишда турли билим соҳаларининг мутахассислари катнашадилар- ва бу тадқиқотлар анча кимматга тушади, лекин фирмалар бозорни иложи борича тезроқ ўзлаштириш мақсадида ҳаражатлардан қочмайдилар, чунки рақобатчилар бозорда янги рақобатчи пайдо бўлишининг олдини олиш учун қарши чоралар кўрадилар. Шунинг учун тадқиқотлар жараёни, айниқса, унинг натижалари фирма томонидан қаттиқ сир сакланади. Бозорни тадқиқ қилиш натижалари олинганидан кейин ва firma уларни маркетинг концепциясини асослаш учун қабул қилинганидан сўнг товарни синовли сотишни ташкил қилиш бошланади. Бу жараённинг асосий вазифаси, фирманинг бозордаги самарали ўрнини аниқловчи ўзига хос омилларнинг ўзгаришидир.

*Истеъмол товарларини бозорга киритишдаги маркетинг дастури асосининг мўлжали аҳолининг талаби, диди ва ҳарид қобилияти ҳисобланади. Мана шулар асосида бозор тадқиқотининг асосий элементлари аниқланади. Истеъмолчиларнинг талаби тўғрисидаги ахборотларни тўплаш усуслари ва манбалари ранг-барангдир, қайта ишлаш, узатиш ва саклаш обьекти бўлувчи маълумотлар - ахборот бўлиб ҳисобланади. Талабни ўрганишда барча маълумотлар ҳам ахборот бўлиб ҳисобланмайди. Фақат бошқариш даражасида қарорлар қабул қилишда ишлатиладиган маълумотларгина ахборот ҳисобланади. Ахборот ҳақконий, тўлик, узлуксиз, аниқ ва ўз вактида бўлиши лозим. Ҳақконийлик талабига жавоб бериш учун тўйланган ахборот, жараёнлар ривожини тўғри акс эттиришни ва алоқаларнинг бирламчи ва ички моҳиятнин оча олиши керак. Масалан, аҳоли талабининг ўзгаришини характерловчи катта товар захиралари тўғрисидаги маълумотлар ҳати ахборот бўлиб ҳисобланмайди. Сотиб олиш никдори, савдо корхоналарида у товарга талабни*

хисобга олиб жамғарилганигини билиш зарур. Бундан ташқари ахборот узлуксиз, ўз вақтида ва етарли микдордаги обьектлардан бўлиши керак. Ахборотларнинг фойдаланишга маъқуллиги қабул қилинаётган қарорлар характерига боғлик. Масалан, маълум товарга талабнинг ошиши аник. Савдо корхонаси бу товарни кўпроқ олишга қарор қилиши мумкин. Аммо, бундан илгари солиб олиш микдори қанчагача ошишини аниглаш лозим. Бунда товар захиралари ва аҳоли пул даромадлари, харажатлари баланси асосида ишлаб чикилади.

Аҳоли тўғрисидаги асосий маълумотлар манбаи маҳсус аҳолининг рўйхатга олиш материалиари хисобланади. Савдо статистикаси мамлакат, алоҳида худудлар, алоҳида шаҳарлар ва шаҳар типидаги кўргонлар, қишлоқ жойларда таъминланган талаб микдори тўғрисида давлат ва кооператив савдо ташкилотларида алоҳида товар гурухлари ва умумий товарларнинг сотилиш захиралари тўғрисида маълумотларга эга бўлали. Бу кўрсаткичлар асосида мамлакат, алоҳида шаҳар ва қишлоқ жойлари учун ўртacha бир кишига тўғри келадиган савдо обороти хисобланади. Статистик хисоботлар; оила бюджети статистикаси маълумотлари; талабни ўрганиш мақсадида савдо ва саноат корхоналари томонидан ўтказилган маҳсус кузатишлар натижаси; савдо ва саноат корхоналарининг бухгалтерия ва оператив маълумотлари истеъмолчилар талаби тўғрисидаги ахборотлар манбаи хисобланади. Аҳоли талабини шакллантириш жараёнини ўрганишда товар ишлаб чиқаришни, аҳолининг даромади, сони ва таркиби, жамғармаларни характерловчи статистик хисоботлар талаб қилинади. Талабни истикబоллаща саноат статистикаси хисоботлари ёлан, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг даражаси ва суръати натура кўрсаткичлари танланади.

Даромадларни характерловчи энг муҳим кўрсаткичлар жумласига: аҳоли даромади, шу жумладан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақлари, жамоа ҳўжаликлари ходимларининг меҳнат ҳақи, нафақалар, стипендиялар, пенсиялар, шахсий ҳўжаликлардан олинадиган даромадиар, ишчи ва хизматчиларнинг ойлик иш ҳақлари даражаси бўйича тақсимланиши киради.

Истеъмолчилаар талаби түгрисидаги ахборотларнинг мухим маини савдодаги бухгалтерия ва оператив ҳисоби (масалан, улгуржи савдо кўрсаткичлари, ички гурухли ассортиментлар бўйича товарларнинг келиб тушиши ва захираларини ўз ичига олуви улгуржи бозордаги товарлар ҳаракатининг микдорий ва суммавий ҳисоби)нинг маълумотлари. Истеъмолчилаар түгрисидаги ахборотларнинг маҳсус манбаларидан бирортаси тўлиқ ва ишночли тушунча бермайди. Шунинг учун барча маълумотлардан комплекс фойдаланиш ва маҳсус кузатишлар материаллари билан тўлдирилиши лозим. Маҳсус кузатишлар ўтказиш катта харижатлар талаб қиласа ҳам, уларнинг ишончлилиги юқори эмас. Шунинг учун, мутахассислар ахборотларни бошка манбалардан олиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина кузатишлар олиб борадилар. Талабни ўрганишда асосийси йиғилган маълумотлар микдори эмас, балки талаб ривожланиши тенденциясини ҳарактерловчи асосий кўрсаткичларни қамраб олишдан иборат.

## **7.2. БОЗОРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА СИФИМИНИ АНИКЛАШ МЕТОДИКАСИ**

Бозорни маркетинг нуқтаси назаридан ўрганиши ўз олдига компаниялар, фирма (корхона) товарларини самарали сотни имконини, унинг кенгайиши учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилаар талабини қондириши ва юқори фойда олишини мақсад қилиб қўяди. Бу мақсадни амалга ошириш учун чукур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нуқтаси назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси – ишлаб чиқариш ва унда чиқадиган товарларнинг бозор ва истеъмолчининг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Бу нарса фирманинг юқори рентабелли, рақобатга бардошли фаолияти асосида амалга ошиши керак.

Бошқарининг маъмурӣ-бўйруқбозлиқ ва товарларнинг марказий таъминоти шароитида бозорни ўрганини мөслимти ўз маъносини йўқотади.

Эркін бозор мұносабаттарининг ривожланиши билан ишлаб чыкарувчилар кеңг бозор изланишлари орқали ўз маҳсулотларини сотишни таъминалайди, унинг натижалари ишлаб чыкариш ва сотиш дастури тузыщда асосий манба сифатида фойдаланилади. Бозорни үрганиш потенциал иsteъmolчилаr эxtiёjlарини, уларнинг товарларга бўлган талабларини, талаб мотивини аниклашга имконият беради, бу нарсалар эса корхоналар ишлаб чыкаришни ташкил этиш ва бошқаришда катта роль ўйнайди. Харидорларнинг иsteъmol қилиш технологиясини, ишлаб чыкарувчи тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, келажақдаги эxtiёjни прогнозлаш ва бозорга янги турдаги маҳсулот таклиф қилиш имконини беради. Бу тадбирлар сотиш ҳажмининг ортишига ва бозорнинг кагта улушига эгалик қилишига ёрдам беради.

Бозор тадқиқотининг асосий усули - бозорни сегментлаш асосида мунтазам тағлил қилишdir. Маркетинг қарорларини қабул қилишда керакли самара ва исталған натижага әришишда ахамиятлидир. Бозорни үрганиш натижасида: микдорий - бозор сиғими, бозорда фирманинг иши ва унинг рақобатчилари ҳақида ва сифат ҳарактеридаги ахборот - бозор структураси; сотилаётган маҳсулотининг эxtiёjlарга, алоқида иsteъmolчилаr үлчамларига мос келиші даражаси; уларнинг сифат, тип, турларига қўйиладиган талаблари; иsteъmolчилаr фойдаланадиган моддий ресурслар ҳақида ахборотлар олинади. Тадқиқот үрганиш самарацорлигини таъминаш бир катор тадбирларни амалга ошириш: талаб қилинадиган ахборотларни аниклашда мухимлигини баҳолаш; ахборот йиғиш манбаларини ва таҳлил усулларини таңлаш; ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, такомиллаштириш йўлларини излаш; изланиш ва унинг натижалари самарацорлигини назорат қилишдаи иборат бўлаци. Ахборотларининг объективлиги ва аниклиги маркетинг самарацорлигини аниклайди. Шунинг учун ҳам машҳур фирмалар барча мамлакат ва бозорларда ахборот тизимлари ташкил қиласи. Бу ўринда Япон фирмаси "Мицубиси"нинг ахборотлар тармоғини мисол кисек

бўлади у-14 минг мутахассис, 120 дан кўп чет эл ва 60 япон идораларидан иборат.

*Маркетинг тамойили асосида ишловчи етакчи фирмалар (компаниялар)нинг тажрибаси шуни кўрсатадики, тадқиқот ишларининг самарадорлиги:*

- бозор сифимини аниклаш, бозор "овқати" (озиги) ни топиш;
- харидорлар амалиётини, мотивларини, уларнинг ҳулқ-атворларини таҳлил қилиш;
- сотишнинг умумий шартларини таҳлил қилиш ва уни прогнозлаш;
- рақобатчиларни, улар стратегияси ва тактикасини ўрганиш;
- бозордаги рақобатнинг ўзини таҳлил қилиш сингари ўйналишлар бўйича олиб борилганда ошади.

Бозор ўлчамларини аниклаш фирма ўзининг ҳар бир товари учун бозорнинг айнан қайси қисмини эгаллаганлигини аниклашга ёрдам беради. Бу товар ассортименти ва сотиш дастурини режалаштиришча кўл келади. Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, алоҳида товарлар бозори кучсиз рақобатнинг мавжудлиги билан фарқланиши мумкин. Лекин бу нарса фирма рақобатчилари фаолиятини ўрганишининг ҳожати йўқ, дегани эмас.

*Тадқиқотлар:*

- мамлакат бозорида товарларни сотувчи компаниялар фаолиятини ўрганиш учун;
- ишлаб чиқаришини талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришига ўзгартириш учун;
- янги маҳсулот, бошқаршишининг янги методларига ўтиш билан рақобатчилар курашининг кўчайиши эҳтимоли учун;
- ташқи бозордаги рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилиш учун зарурдир.

Маркетинг фаолиятининг муҳим обьекти - фирма учун энг муҳими, бозорларни аниклашдан иборат. Алоҳида товарлар ва товар групилари, алоҳида минтақалар ва мамлакатлар, ички ва ташқи бозорлар, капитал, иш кучи,

кимматбаҳо қоғозлар, харидорлар ва сотувчилар бозорлари мавжуд. Улар орасида энг муҳими ташки ва ички бозорлардир. Ички бозор - бир мамлакат чегарасидаги тобар муомаласини ўз ичига олса, ташки бозор - миллтий давлат чегаралари ортидаги товар муомаласи йиғиндиңсизdir. Ички бозор иштирокчилари маҳаллий ва чет эл фирмалари, корхона ва ташкилотлар; ташки бозор иштирокчилари алохида мамлакатлар миллтий чегарасидан ташқарига чиқадиган товар муомаласида иштирок этадиган корхона ташкилот, фирмалардир, яъни бу бозор маълум бир мамлакатга нисбаталгина ташки ҳисобланади. Ички ва ташки бозоларнинг ривожланиш даражаси, улар конъюнктураси ва сифиминг бөглиқ бўлади. Маълумки, конъюнктура - маълум даврдаги баҳо даражаси шароитидаги талаб ва таклиф нисбатидир.

*Бозор конъюнктурасини ва унинг истиқболларини етарлича ҳисобга олмаслик, корхоналар учун инқироз, зарар, синишга айланиши мумкин. Етарлича миқдордаги буюргманнинг йўқлиги сабабли "Конкорд" дастури буйича самолёт ишлаб чиқариш тўхтаб қолди, бундаги илмий-изланиш, тажриба-конструкторлик ишлари учун 2,5 миллиард доллардан кўп маблағ сарфланган. Бозор конъюнктураси бир-бiri билан узвий ўзаро алоқадорликда бўлган ва ўнга бир вақтда таъсир қўйувчи иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий-техник омилларга бөглиқ бўлади, бу омиллар конъюнктурани тўлдириши, кўчайтириши ёки, аксинча, сусайтириши мумкин. Бозор конъюнктурасига иқтисодиётни давлат томонидан бошқарши илмий-техника тараққиёти, капитал ва ишлаб чиқарishнинг марказлашуви, инфляция, иқтисоднинг ҳарбийлашуви орқали таъсир ўтказилиши мумкин.*

Омилларнинг бир қисми доимий эмас, шунинг учун конъюнктурага эпизодик таъсир ўтказади. Бундай омилларга: ижтимоий омиллар, жумладан, иш ташлаш, байкотлар, табиий оғатлар, бекарор сиёсий ҳолат ва бошқалар киради. Конъюнктура ҳосил қўйувчи омиллар сони маълум бозорлар шартлари ва хусусиятларига бөглиқ равишда ўзгаради. Уларнинг конъюнктурага ўтказадиган таъсир кучи ҳам

ўзгарувчалыр. Биргина омил турли шароит ва вакт оралиғида маълум бозор ва унинг алоҳида секторларига турлича таъсир килади.

Мана шу сабабдан конъюнктураны ўргачиши фақат мухим ва керакли бўлмай, балки мураккаб ҳамдир. Бу иш турли усусларда ўз кучлари ва воситачи ихтисослашган фирма ва ташкилотлар орқали амалга оширилади. Бу фаолият натижалари мос келувчи даврдаги конъюнктура ҳолати сифатида расмийлаштирилади. Конъюнктура ҳолатининг комплекс тавсифномаси унда ўз аксиини топади, асосий йўналишлар, прогноз ва унинг ривожланиши таъкидланади. Конъюнктураны тадқиқ қилиш бозорнинг товар билан тўйиниши иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш билан якунланиши керак. Бозорнинг туридан қатъи назар, иқтисодий самарадорлик натижалар ва харажатлар нисбати билан аникланади. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги деганда, Э - соф валюта тушумишининг (ташқи бозордаги экспорт операциясига қилинган харажатларни валютада чиқариб ташлангандан кейинги реализация валюта баҳосининг) мамлакатда ишлатилаётган товарни ишлаб чиқариш ва ташиби харажатлари ўртасидаги нисбат Э, тушунилади, у коэффициент ( $K$ ) кўринишида ифодаланади:

$$K_s = \frac{Э : 100}{Э_s}$$

Бозор сифими берилган баҳо шароитида маълум давр мобайнида бозорда сотилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг умумий ҳажмини ифодалайти ва қўйидағича аникланади:

$$E_p = П + P_n - P_s$$

бунча,  $E_p$  - бозор сифими;

$П$  - ишлаб чиқариш томонидан бозорга таклиф қилинган товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажми;

$P_n$  - импорт ҳажми;

$P_s$  - экспорт ҳажми.

Ички бозор сифимини ҳисоблашда бошқа омиллар: тўлов қобилиятига эга талаб, йил бошидаги товар заҳиралари колдиги, товарлар бозорининг умуман (рақобатчилар товарлари билан ҳам) тўйинганлиги, киши бошига ўртача истеъмол, корхоналар, ташкилотлар эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинади.

Миллий иқтисодиёт айрим тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини, шунингдек, уларнинг техник ва технологик ривожланиш даражаси ташки фирмалар, давлат ва тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларини ҳам, эътиборга олиш керак. Муаммони нисбатан кенг, ҳар томонлама ва комплекс ўрганиш керак.

Фирма ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, ўз товарларининг бозордаги улушнинг ортишига ҳаракат қилиши керак. Бу нарса шу бозордаги етакчиликка эришишнинг асосий омилидир. Лекин бунда бозордаги улушнинг ортиши билан корхоналар оладиган фойда ўртасида узвий алоқадорлик қонунияти мавжуд. Мазкур масалани амалга ошириш учун баҳонинг пасайиши, товар сифатининг ортиши, янги товарларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, рекламани кенгайтириш, умуман фирма "имиджи" ни оширишга йўналтирилган маркетинг фаолиятини кўчайтириш керак.

Алоҳида товарлар бўйича бозор улушкини ҳисоблаш формуласи:

$$q_a = 1 : \left( \sum \frac{b_i}{b_a} + 1 \right) \cdot \frac{m}{K_a} \text{ дир.}$$

бу ерда:  $q_a$  - товар улуси;

$K_a$  - товарнинг рақобатга лаёқати;

$m$  - талаб ва тақлиф орасидаги нисбат кўрсаткич;

$b_i$  - товар етказиб берувчининг обруси кўрсаткичи;

$b_a$  - рақобатчи фирма обруси кўрсаткичи.

Маркетинг фаолиятининг муҳим вазифаси - фирма имкониятларининг бозордаги улушкини аста-секин ортишига

Йұнайтириш ва тадбирлар ишлаб чиқылады. Бу нараса чукур ишмій изляциишлар үтказишни, бозор “нишаси”ни аниклашни талаб қылады. Бозор “нишаси” бозорнинг шундай сегментики, бу ерда товар реализацияси учун әнг яхши шароитлар ва шу фирма ишин учун қулайлыклар мавжуд бўлади. Бу ишни амалга оширишда бозорни сегментлаш алоҳида аҳамият касб этади.

### **7.3. БОЗОРНИ СЕГМЕНТЛАШНИ БОШҚАРИШ**

Маркетингни бошқарув тизимида бозор сегментацияси мұхим аҳамиятта зға. Корхоналар бозор сегментацияси орқали маркетинг йұналишларидан әнг мұхим бўлган - харидор әхтиёжларини ва талабларини аниклаш талбирини амалга оширади. Харидорнинг талаби, хоҳиши, әхтиёжи, турмуш тарзи, товар сотиб олишдаги ҳулқ-атвори ҳақидағи маълумотлар самарали маркетинг тадбирлари ишлаб чиқыш ва амалга ошириш имкониятларини вужудга келтиради. Яъни, бозор сегментацияси харидорларни талабига мувофиқ товарни таклиф этилишини ва товарга талабни қатъийлигини таъминлайди. Бозорда харидорларнинг маълум бир товарга бўлган талаблари хилма-хилдир, ҳар бир харидорнинг ўз диди бор. Юқорида айтиб ўтилган хусусиятлар товарни сотиб олишда ҳал қытувчи аҳамиятга зға булаши. Бу ҳолат маркетинг мутахассисларидан бозорни харидорларнинг хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратишини талаб этади. Харидорларнинг товарларни сотиб олишдаги ҳулқ-атворлари, талаби ва товарларга муносабатидаги хусусиятларига қараб, гуруҳларга ажратишини бозор сегментацияси дейилади.

*Бозорни сегментлаш, бозорни ўрганишининг асосий усулидир. Унинг ёрдамида бозор (унинг таркибий қисмлари) сегментларга бўлинади. Бозор сегменти - истеъмолчилар, товарлар, ракобатчиларнинг шундай ажратилган қисмики, улар учун умумий хусусиятлар хосдир. Бозорни тўғри сегментлаш, шу сегментнинг специфик әхтиёжларига қатъий риоя килинган ҳолда кам харажатлар билан товар етказиб беринин тўғри ташкил қилиш, ишлаб чиқариш ва сотиш усулини аниклашда фирма ўзининг кучли ва заиф*

томонларини аниқлашни, фирма максимал имкониятларига эга бўлган соҳаларда ресурслар концентрациясини таъминлаш ва рақобатда зафарга эришишни таъминлашни ҳал этади. Бозорни сегментлаш турли омил кўп хусусиятларни ҳисобга олиб турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

*Истеъмол товарлари бозорларида сегментларга ажратиш истеъмолчиларнинг қўйидаги тавсифларига асослананиши мумкин:*

- ижтимоий-иктисодий ва демографик хусусиятлар, даромад ва билим даражаси, машғулот тури билан характерланувчи ижтимоий гурух;
- этник гурух - міннати (ўзбек, рус, араб, яхудий);
- демографик гурух- ёши, жинси, дини, оила аъзолари сони;
- ҳаёт тарзи - ҳаётий фаоллиги, қизиқишилари, позициялари ва демографияси;
- жуғрофий омиллар - шаҳар, қишлоқ жойи, иктисодий ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлар;
- руҳий омиллар - хариц мотивлари, ўрганишлари ёки танловларининг индивидуал хусусиятлари.

*Ишлаб чиқарши - техник мақсадидаги маҳсулотлар бозорларидағи сегментлар харидор фаолияти кўламига, тармоқ классификацияси, жуғрофий аҳволи, ташкилот фаолияти характеристи, сотиб олишини ташкил қилиши спецификациясига (етказиб берши мұддати, тезлиги, ҳисобкитоб шартлари ва түлов усуllibарига) асосланади. Бозор сегментлари беносита харидорлар, воситачи харидорлар ва пировард фойдаланувчига мос равишда амалга оширилади. Масалан, гап самолёт ишлаб чиқариш устида борса, воситачи харидор авиация ёки турист компанияси пировард фойдаланувчи эса турли жинс ва ёшдағы йўловчилардир.*

Истеъмол бозори ва техник-ишлаб чиқариш максадидаги маҳсулот бозорларини сегментлаш, харидорнинг сифат, марка, баҳо, реклама, товар ҳаракати шартларини саклаш ҳақидағы фикрлари асосида амалда оширилиши мумкин. Бозорнинг товар бўйича сегментланиши ракобатчилар учун сирли бўлган товар параметрларини, бу соҳадаги ракобатчилар

фаолияти ва уларнинг ютуқалрини аниклаш имкониятини беради. Бозор товарлар бўйича сегментланганда, шу товар фойдаланувчиларнинг гурухи, улар йўналишлари, фойдаланиш мақсадлари, нисбатан аҳамиятли параметрларини аниклаш имконини беради.

Асосий рақобатчилар бўйича бозорни сегментлаш маркетингнинг муҳим элементидир. Бу белги бўйича сегментлаш фирмага тижорат соҳасида мувоффақият келтирадиган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради. Масалан, “Контроль дейта” фирмаси Америка ЭХМ бозоринин 70 фоизини назорат килувчи ЭХМ рақобатчисининг тазиикига қарамай, нихоятда динамик тарзда ривожланмоқда. Унинг ютуклари сири шундаки, у рақобатчилардан ҳисобга олмаган эҳтиёжларини қондиришга ўз имкониятларини йўналтирган.

Рақобатчилар фаолиятини ўрганиш ҳақиқий фаолият кўрсатаётган ва потенциал рақобатчиларни аниклашдан бошланади, сўнг фаолият кўрсаткичлари, рақобатчилар мақсади, стратегияларини, уларнинг кучли ва заиф томонларини очишдан иборат. Фаолият кўрсатаётган рақобатчи фирмаларни аниклаш асосий рақобатчи корхоналар қондирадиган эҳтиёжларни баҳолаш билан олиб борилиши керак. Рақобатчиларнинг куйидаги гурӯхлари мавжуд: фирма таклиф килинадиган ўхшаш маҳсулотни таклиф килувчи корхоналар; бошқа бозорларни ўхшаш товарлар билан таъминлайдиган корхона ва фирмалар рақобатчиларнинг стратегияси, мақсади, характеристи ва хусусиятларини чукур таҳлил қилмай туриб, уларнинг товарлар бозорларидағи ҳаракатларини тўғри баҳолаш мумкин эмас. Рақобатчилар хулқ-авторини ўрганиш: товар ўлчамлари, параметрлари, баҳо, рақобатчи корхоналар фойдаси ва ўсиш суръатлари; ишлаб чиқариш - сотиш сиёсатининг максад ва мотивлари; сотиш стратегияси ва каналлари, рақобатчиларнинг ишлаб чиқариш ҳаражатлари, баҳо, реклама, хизмат кўрсатиши, имкониятлари сингари омиллар бўйича маълумотларни йиғиши ва умумлаштиришга асосланади.

Бу маълумотлар асосида натижавий жадвал тузилиб, шу рақобатдош фирмаларнинг барча кўрсаткичлари ўз аксини топади. Мазкур кўрсаткичларнинг ҳар бири моҳиятига кўра 0 дан 5 баллгача баҳоланиб, сўнг улар жамланади. Жадвал умумий натижаси рақобатчиларга нисбатан фирманинг тўла тавсифини беради ва рақобатчининг кучли, заиф томонини аниқлашга кўмаклашади. Масалан, япониялик идора жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар бозорни ўрганиб, шундай хуносага келдиларки, Американинг “Ксерокс” компанияси - кўпайтирувчи ва нусха кўчириш асбобларини ишлаб чиқарувчи асосий обьект ўлчамлари жиҳатдан катта бўлмаган бозордан старли даражада охиригача фэйдаланмаци. Улар шу етакчи корхонани оқилона баҳо сиёсати ва бозорни сегментлаш асосида четлаб ўтишди. Баҳо сиёсати - маркетинг фаолиятининг муҳим элементидир. Бу сиёсатнинг моҳияти товарлар вақтида оптимал баҳо тизими ва ўзгариш динамикасини яратиш ва ушлаб туришдан иборат. Бу нарса товар обрўси хусусиятлари, унинг ҳаёт цикли, бозорлар сифими ва тўйинганлигини ҳисобга олган ҳолда энг оптимал вариантдаги баҳони танлашни англатади. Бозорда истеъмолчи ўзини қандай тутиш, аввало, унинг товар, баҳо ҳақицаги тасаввuri, молиявий имкониятлари, диди, билим даражасига боғлик бўлади. Баҳо тўгрисида қарор қабул қилишда сотувчининг хулқ-атвори ўз фаолиятидан кутиладиган самара; воситалар обороти, фойдали савдо чегиришлари ва ассортимент самарасига боғлик бўлади. Рақобатчилар хулқ-атвори ишлаб чиқарилаётган товарларга баҳоларда, янги товарлар чиқариш ва улар сифатини яхшилашда ифодаланади. Маркетингда харидорларнинг сегментациясида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол бозорида икки хил ёндашув бор. Чунки бу икки хил бозордаги харидорларнинг хулқ-атвори ҳам турличицар.

*Ишлаб чиқариш воситаларининг харидорлари маълум бир товарни корхона фаолиятини ва бозорни чуқур таълил қилиб, савдодан келадиган нафни аниқ билганиларидан кейингина сотиб оладилар. Бу ерда сегментация белгилари*

сифатида ишчиларнинг сони, иштаб чиқариш воситаларининг қиймати, таркиби, марказдан узоқлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Истеъмол буюмларинини харидорлари сегментация белгилари жуда хилма - хилдир, бу белгиларни танлаш жараёни жуда мураккаб. *Маркетингда бозорларни сегментация қилиш жуғрофий, демографик, ижтимоий-иқтисодий, руҳий ва харид қилишидаги хулқ-авторларидағи белгиларига қараб гурухларга бўлинади.*

**Жуғрофий белгилар** ўзи маъмурий чегараланишни, ернинг ҳолатига қараб бўлиннишини, иклимий бўлиннишларини ўз ичига олади. Масалан, харидор қайси маъмурий ҳудудий чегарада кўпроқ жойлашган. Республикаミзда 13 та ҳудудий бўлинмалар бор. Бу бўлинмалар бир-бирадан аҳолининг зичлиги, сони ва ижтимоий-иқтисодий даражаси бўйича фарқ қиласди. Аҳолининг ҳам сотиб олиш имкониятлари хар хил. Шунингдек, бу ҳудудий бўлинмалар ернинг ҳолатига қараб ҳам бир неча гурухга бўлинниши мумкин. Масалан, серҳосил, серсув водийлар, янги ўзлаштирилган ерлар, дашт, чўл, ярим чўл зоналари. Бу ерлар яна аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, турмуш даражасидан фарқ қиласди. Аҳолининг зичлиги ҳам водийпарда янги ўзлаштирилган дашт зоналарга қараганда юқорироқ. Бу эса водийларда харидорларни тўплангандик даражаси юқори эканлигини билдиради. Харидорларни сегментларга бўлишда республикаミзда ҳисобга олиниши зарур бўлган белгиларидан яна бири аҳолининг урбанизация даражасидир. Яна ҳозирги вақтда республика аҳолисининг факат 35-40 фоизигина шаҳарларда, колган 60-65 фоизи аҳоли қишлоқларда яшайди. Бу эса аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжларининг хусусиятини аниқлашга таъсир қиласди.

**Демографик** кўрсаткичлар ҳам истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларнинг шаклланишига катта таъсир этадиган фаолиятлардан ҳисобланади. Чунки харидорларнинг ёши ўзгариши билан товарларга муносабати ўзгаради. Филипп Котлер ўзининг “Основы маркетинга” китобида аҳолининг ёши бўйича 7 гурухга бўлишни таклиф қиласди.

Республикамизда нашр этиладиган илмий адабиётларда ахоли асосан 5 гурухга бўлинади. Мактаб ёшигача, мактаб ёшида, 18-30 ёшгача, 30-50 ёшгача ва ундан катталар. Бу бўлиниш республикамиз аҳолисининг табиий - руҳий хусусиятларидан келиб чиқади. Истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларининг шаклланишида мамлакатдаги оиласаларни катта-кичиклиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, республикамизда оиласада одамларнинг сони ўртacha 5-6 тани ташкил этади. Бу эса ёш болалар ва ўсмирлар учун зарур бўлган товарларга эҳтиёж юкорироқ, зебу-зийнат ва бошқа иккиламчи маҳсулотларга камроклигини билдиради. Бунииг акси эса, масалан: Германия ва Швейцария оиласаларида ўртacha одам сони 1,9-2,1 кишини ташкил этади. Бу эса аҳолининг харид имкониятлари юкорироқ, кўпроқ турмушда қулайликлар яратадиган уй-рўзгор буюмлари, мебель, автомобиль ва зебу-зийнат молларига эҳтиёжлари юкорироқ эканлигини билдиради. Маркетингда асосан мамлакат аҳолиси оиласининг сони бўйича уч гурухга бўлиниш:

- I. 1-2 киши;
- II. 3-4 киши;
- III. 5 ва ундан кўп.

Бу бўлиниш кўпгина мамлакатларда қабул қилинган. Харидорларни сегментация қилишда кўп фойдаланадиган белгилардан яна бири аҳолини даромадлари бўйича гурухларга бўлишdir. Даромадлари бўйича сегментация харидорларнинг бир неча бошқа белгиларини ҳам ўз ичига слади. Харидорларнинг билим даражаси даромадлар даражасига бевосита таъсир этади, уларнинг мугахассислиги даромадлар даражасини аниклайди. Ҳар бир мамлакатнинг даромад бўйича тақсимотини ўзига хос белгилари мавжуд. Бу гурухларга бўлиш доимий бўлмай, жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ва пул муомаласининг ўзгаришига қараб ўзгариб боради. *Маркетингни бошқаришда алоҳида эътибор берилаётган сегментлаш белгиси - харидорни сотиб олишдаги хулқ-аворидаги белгилари ҳисобланади.* Филипп Котлер ўз китобида бир неча белгиларни кўрсатиб ўтади. Улар қуйидагилар:

**1. Товарни сотиб олиш сабабига кўра. Доимий, алоҳида сабабларга кўра.**

**2. Сотиб олишидан кўзлаган манфаатига кўра. Сифати, хизмат курсатиш турлари. Иқтисод қилиши учун.**

**3. Фойдаланувчи сифатидаги ўрнига қараб:**

- а) фойдаланмайдиган;
- б) олдин фойдаланган;
- в) доимий фойдаланувчи;
- г) янги фойдаланувчи;
- д) энди фойдаланмокчи бўлганлар;
- е) товарга бўлган муносабатга қараб.

Юқорида айтиб ўтилган белгилар харидорнинг характеристини тўла-тўкис очиб беришга, уни товарга бўлган муносабати ва сотиб олиш имкониятини аниқлашга ёрдам беради.

**Маркетингни бошқаришда харидорларни сегментга бўлиш, ҳақиқий мижозларни танлашга ёрдам беради. Корхона харидор сегментларини яхши ўрганиб чиқандан сўнг, сегментни, бозорни танлаш вазифаси туради. Маркетингда бозорни танлашнинг 4 хил услуги мавжуд. Улар:**

- умумлаштирилган маркетинг;
- табақалаштирилган маркетинг;
- марказлашган маркетинг;
- диверсификациядир.

**Умумлаштирилган маркетинг**, деганда бозорнинг ҳамма сегментлари учун ягона умумий тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тушунилади. Ўнглиз ва рус адабиётларида уни стандартлашган маркетинг стратегияси деб аталади. Ундан асосан ўта машҳур товар маркасига эга бўлган фирмалар фойдаланади. Бунинг маъноси шуки, унда фирма бозорга бир товар ва бир хил маркетинг тадбирлари билан чиқади. Стандартлашган бу маркетингнинг ўзига хос камчиллик ва афзалликлари мавжуд.

**Табақалашган маркетингда** товар ва маркетинг тадбирлари айрим бозор сегментларига мослаштирилади. Унинг стратегиясидан асосан оммавий истеъмол буюмлари ишлаб чиқариладиган фирмалар фойдаланади. Мазкур,

стратегия шуниндең йирик сармояға әга бұлған фирмаларға кatta даромад келтиради. Чунки бунда бозорнинг бир неча асосий сегментлари қамраб олиниб, реализация ҳажми кattалигини таъминлады.

**Марказлаштырылған маркетинг** фақат битта бозор сегменти учун товар ишлаб чиқарылғандагина фойдаланилади. Бу маркетинг стратегиясыдан ассоан алохидан хусусиятта әга бұлған товарлар ишлаб чиқарғанда чегараланған маблагта ва имкониятта әга бұлған фирмаларгина фойдаланади. Бунда сотиш ҳажми унча юкори бўлмайди. Аммо, фирма бозорда яхши жойлашиб олади.

**Диверсификация** - маркетинг стратегияларининг энг замонавий усууларидан бири бўлиб, бир неча тармокларга бир-икки сегменти учун товар ва маркетинг тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Бу маркетинг стратегияларини танлашда: товарник ҳили; фирманинг ўлчами (кatta-кичиклиги); бозордаги ўрни; маблаглари; бозордаги рақобатчиларининг ўрни; товар маркасининг машҳурлиги сингари омиллар назарида тутилади.

#### **7.4. ХАРИДОРЛАРНИНГ ИСТЕММОЛЧИЛИК ХУЛҚ - АТВОРИНИҢ ЎРГАНИШ**

**Ҳар қандай, ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс ўз мөддиятига кўра истеъмолчи ҳамдир. Уларнинг әхтиёжлари хилма-хил ва чегара билмайди.** Лекин бу әхтиёжни қондириш жараёни, уларнинг хулқ-атворлари билан белгиланади. Шунинг учун хам маркетологларнинг мұхим вазифаларидан бири харидорнинг истеъмолчилик хулқ-атворини ўрганиш, ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини унга мослаштириш, керак бўлса, иложи борича бошқариш ҳамдир.

**Юридик шахсларнинг истеъмолчилик хулқ-атвори жисмоний шахсларнинг хулқ-атворидан тубдан фарқ қиласади.** Бунда расмий нормативлар асосий роль ўйнайди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш куввати, ҳажми, маҳсулот сифати ва турлари, техника ва технологиясининг янгилик даражаси, раҳбар кадрлар, ҳом ашё, электр куввати ва иш

кучи билан таъминланганлиги каби бир қанча омиллар истеъмолчилик хулқ-атворини белгилайти.

Корхоналарнинг аксарияти оқибат натижада ва пировардида жисмоний шахслар учун товар ишлаб чиқаради. Масалан, жамоа хўжалиги ўзи етиштирган пактасини қайта ишлаш ва тозалаш мақсадида пакта заводига юборади. У ерда пактадан чигит, пакта толаси ва ҳоказолар олинади. Чигит ёғ заводига, тола эса ип-йигириув фабрикасига сотилади. Унда тайёрланган ин тўқимачилик фабрикасига ва ниҳоят у ерда ахоли учун чит ва матолар ишлаб чиқарилади. Руда конларида қазиб олинадиган темир рудаси ҳам бир қанча босқич корхоналарда ишлов берилгач, машина, телевизор, кран, темир қошиқ, мих каби товарларга айланиб, аҳолининг эҳтиёжини кондиришга йўналтириллади. Шундай килиб, жисмоний шахс товарларнинг оқибат истеъмолчиси экан, унинг хулқ-атворини ўрганиш маркетологларнинг асосий вазифаларидан биридир.

*Истеъмолчилар ўзларининг ёши, даромадлари, маълумоти, ташаббускорлиги, мода, дид ва бошқаларга муносабати билан бир-бирларидан фарқ қиласди. Уларни ушбу хусусиятларига кўра гурухлаш, эҳтиёжларини кондириш учун маҳсус мулжалланган товарлар ишлаб чиқаришда мухим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз истеъмолчилари ўзларининг харидорлик хулқ-атворларига кўра ишчи-хизматчилар, жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари, знёлилар, шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси каби гурухларга бўлинниши мумкин. Ишчи-хизматчилар маданий-маиший хизматлардан кўпроқ фойдаланишлари билан ажратиб турадилар. Бу ҳол оила бюджети чекланган шаронтларда ноозик-овқат мозларига кетадиган харажатлар улушини камайтиришга ёрдам беради. Уларнинг саводхонлик даражаси анча юкори бўлганлигидан шаҳар турмуш тасаввурларига мос равишда турар жойларининг шинам бўлишинга эътибор берадилар.*

Жамоа хўжаликларицаги истеъмолчилар эса ҳар хил товарларни сотиб олишни ағзал кўрадилар. маланий-маиший корхоналарнинг хизматларидан камрок фойдаланадилар.

маблағларининг кўп қисмини транспорт воситалари сотиб олишга сарфлайцилар.

Вояга етган ёш шаҳарлик истеъмолчилар гуруҳига 18 дан 30 ёшгача бўлган кишилар киради. Улар ичида талабалар, ёш бўйдоклар, ёш келин-куёвлар ажралиб туради. Бу гуруҳдаги истеъмолчиларда китоб, видеопартура, модалии кийимлар, шахсий гигиена воситаларига помутаносиб равишда катта харажат қиласидар. Уларнинг истеъмолчилик феъл-атворларида пул сарфлаш мотиви жамғариш мотивидан юкори бўлади.

*Маркетинг изланишилари шуни кўрсатадики, истеъмолчилик феъл-атворининг шакланишида истеъмолчиларнинг маданий савияси ҳам катта аҳамиятга эга. Оштада катта бўлгётган бола ўз онласи учун хос бўлган қадрият, идрок, афзашликлар, муаммолар мажумига ҳаёт бўлади. Жамиятда ҳукмрон бўлган қадрийтлар, юриш-турниш тарзлари ва бошқаларни ўзлаштиради. Ишибилармонлик фаолияти ҳукм сурған оилаца ўсаётган болада муваффакиятга, фаолликка, омилкорликка, моддий қулайлик, эркинликка мойиллик каби ҳислатлар шакллана боради. Кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида рус тилида гапирадиган аҳолининг ўзинга хос маданияти ривожланмокда. Бу маданият ўз навбатида рус, украин, немис, корейс, яхудий, арман ва бошқа ҳалқларнинг миллий маданиятидир.*

Диний дунёқараи православ, христианлар, мусулмонлар, буддистлар ва бошқа диний гуруҳларни алоҳида гуруҳларга ажратиш ҳам истеъмолчиларнинг хулқ-атворининг аниқлашида муҳим аҳамиятга эга. Бу ишда жўғрофий жойлашувнинг таъсирини кўрсатиб ўтиш жоиз. Масалан, Тошкент шаҳрида яшайдиган ёш ўзбек аёлининг товарларга бўлган қизиқиши билан Қашқадарё вилоятининг тоғ зоналарида яшовчи ёш ўзбек аёлининг қизиқишиларидан тубдан фарқ қиласиди. Истеъмолчилик феъл-атворини ўрганишда аҳолининг ижтимоий келиб чиқишига қараб туркумлаш ҳам лозим.

*Республикамиз аҳолисини қўйидаги ижтимоий синфларга гуруҳлаш мумкин:*

· туб бой авлоднинг ворислари - жамиятимизнинг олий табақаси. Улар энг қимматбаҳо ва юқори сифатли товарларни барқарор истеъмол қиладилар. Фаровон турмуши кечиралилар, бунда уларди кўнишка ҳосил бўлган ва табиий ҳолдек қарайдилар;

· тадбиркорлар синфи. Улар жамиятда, иқтисадиётда ва истеъмолда жуда фаоллик кўрсатадилар. Кўп ва намойишкорона сарф-харажат қилидилар. Уларнинг бойликлари ўзлари томонидан тўплангани;

· зиёли ва эркин кисб эгалари. Улар маданият, маориғ, маънавий ҳаётда фаолдирлар. Уларнинг даромадлари юқори бўлмасада, қулай турмуши, юқори сифатли овқатланиши, мазмунли ҳордиқ чиқарши ва оз бўлсин-у, соз бўлсин нақлида товарларни харид қиладилар;

· хизматчилар, юқори малакали ишчилар, завод, фабрика, қишлоқ хўжалик корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрта ходимлари. Улар аҳоли онгида ҳукмрон бўлган тўлақонли ва маданий турмуши яратишга интиладилар ва шунга монанд харид қилашилар;

· паст малакали ишчилар, кичик хизмат кўрсатиш соҳасининг ишчи-хизматчилари;

· малакасиз ходимлар, нафақа олиб кун кўрувчилар.

Бундай гуруҳлаш айни бир синфга кирувчи шахслар бир турдаги феъл-атворга мойили бўладиган, лекин улар бир гурухдан иккинчисига эркин ва тез-тез ўтиб туриш, уларнинг иш тури, маълумоти, даромадлари ўзгариб туришини ҳам назарда тутмоқ лозим. Айнан ҳар бир гуруҳ учун турар жой тури, автомобиль маркаси, мураккаб уй-рўзгор, электр техникаси ва бошқалар аниқ бўлиб, савдо корхоналари энг катта муваффақиятга эришишлари учун ўзлари мўлжалга олган ҳаридорлар гурухини аниқ тасссвур эта олишлари керак. Товарлар тақчиллиги шароитида. албатта, масаланинг бундай қўйилиши бемавридроқ кўринади, бироқ бозор муносабатлари ривожланиб, товарлар тақчиллиги бартараф этилгач, савдо корхоналари тобора кескинлашиб кетаётган рақобат шаронтларида ҳаридорларни ўз томонига оғдириб олиш масаласи кўндаланг туради. Бу

шароитда маркетинг изланишлари олиб бориш ва товарларни фойдалирок йўсинада сотиши зарурияти туғилади. Булардан ташқари айрим жамоалар, онча, мақом кабилярнинг ҳам истеъмолчи хулқ-авторларига таъсири кўрсатишини таъкидлаб ўтиш керак.

**Истеъмолчилар хулқ-авторининг шаклланиши, ривожланишида оиласини турмуш тарзи, анъаналари катта аўамиятга эга.** Масалан, республикамизнинг туб миљат эркаклари оила учун озиқ-овқат харид қилишда асосий харидорлар ҳисоблансалар, аёллар анъана бўйича газлама, кийим-кечак, пойафзал бозорларида асосий харидордирлар. Кимматбаҳо молларни эр ва хотини биргаликда оладилар ва ҳоказолар.

**Бозор муносабатлариiga ўтиши тезлашиб бораётган ушибу даврда янги истеъмолчилар гуруҳи - тадбиркорлар пайдо бўлди.** Улар ўз мақомига кўра янги модали костюм, пойафзал, автомобиль харид қилишда қатъийдирлар. Туризм ва спорт уларнинг севимли машгулоти бўлади. Истеъмолчилик феъл-авторининг шаклланишига харидорларнинг ёши, оила ҳаётининг босқичлари, иқтисодній аҳволи, касби, шахснинг тоифаси ва истеъмолчининг ўз-ўзига баҳо бериши ҳам таъсири килади. Масалан, кишининг ёши ўта борган сари, унинг сотиб олаётган товарларининг турлари ҳам ўзгара боради. Озиқ-овқат дўконига кириб қолган боланинг ширинликлар сотилаётган жойдан кетписи келмайди, ҳолбуки, катта ёшли одам аниқ бир эҳтиёжни кондириш мақсадидагина (масалан, меҳмондорчилик уюштирганда) шу жойга келади.

**Жамият аъзоларининг истеъмолчилик феъл-автори улар оиласи турмуш даври босқичларининг ўтиши навбатига боғлиқ тарзда ҳам ўзгаради.** Масалан, отонасидан алоҳида яшайдиган истеъмолчилар, бўйдоклар мазмунли ҳордик чиқаришга, модали товарлар олишга маблағларини аямай сарфлайдилар. Ёш келин-куёвлик мақомини олиб, ҳали болалари йўклигиданоқ, умумоила мол-мулки, квартира каби узок муддатли фойдаланиладиган буюмлар, уй безаклари сотиб олишга интиладилар. Фарзанд дунёга келиши билан, бола учун дори-дармонлар, ўйингчоқлар,

аравачалар, болалар мебелига кетадиган харажатлар кескин күпаяди. Бола ўса боради ва ота-оналар бола учун мўлжалланган китобларга, ривожлантирувчи ўйинларга, мусиқа асбобларига қизиқа бошлайдилар ва ҳоказо.

*Харидорнинг касби ҳам истеъмолчилик феъл-авторига ўз таъсирини кўрсатади.* Масалан, ишчилар коржома, яхши кийим-кечак, поїафзал сотиб оладилар. Давлат идораларининг хизматчилари маълум рангдаги костюм, кўйлак, костюми ва кўйлагига мос галстуклар сотиб оладилар. Харицорлик феъл-авторига кишиларнинг иқтисодий ахволи кучли таъсир қиласди.

*Маркетинг изланишилари шуни кўрсатади, оила фаровонлигига нархлар ислоҳоти катта тасир этади.* Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва жамоа хўжалигида банд бўлганлар меҳнатига тўланадиган ҳақлар; нафақалар, ишламайдиган пенсионерларга бериладиган нафакалар, талабалар ҳамда хунар-техника билим юргларнинг ўқувчиларига бериладиган стипендияларнинг ошиб бориши уларнинг хариц қувватини оширади.

*Хар бир шахс ва оиласларнинг истеъмолчилик хулқ-авторига уларнинг турмуш тарзи ҳам катта тасир кўрсатади.* Яъни, эътиқодлари, атроф-муҳит билан мулоқот олиб бориши фаолиятида ўз ифодасини топадиган, барқарорлашадиган тумуш шакллари, тумуш тарзиидир. Ижтимоний омияларга харидорнинг ўзи, ўз тоифаси тўғрисидаги тасаввурлари киради. Савдо корхоналари хизмат кўрсатадиган аҳоли ўртасида энг кўп тарқалган шахслар тоифасини аниқлаш, молларни реклама қилиш, уларнинг сотиши шаклларини тўғри ташкил қилишга имкон беради. Одам шахсининг тоифасини аниқлайдиган 14 та асосий тавсифиома: ўзини тута билishi, муваффакиятга интишишлик, меҳр-муҳаббатлилик, мустақиллик, субутсизлик, обрўлилик, ҳурматлилик, динкашлик, тартибсеварлик, ўзига ишончлилик, мансабпаратслик, иккизозламачилик, эҳтиётсизлик, тажовузкорлик фарқ қилиш зарур.

*Харидорларнинг хулқ-автори ҳар хил жинслирга, айникса, яққол кўзга ташланади.* Масалан, аёл табиатининг

ўзгарувчалигини ҳисобга олиш ва аёлбоп моллар(атторлик, ички кийим)ни йирик унвермагларнинг бир қанча жойларига жойлаштириш лозим. Кўп ҳолларда улар у ёки бу молни сотиб олиш-олмаслик ҳақидаги қарорини тез ва тескарисига ўзгартириши мумкин.

Маркетинг изланишлари кўрсатадики, айрим харидорларнинг “ўзига бино қўйганлиги”ни аниқ билиш, шу кишиларга мос товарни таклиф этиш зарур, чунки улар ўзларини ҳамма нарсада етишган деб ҳисоблайдилар ва ўшандай одамларга хос бўлган молларни баҳоларига эътибор бермай сотиб оладилар. Истеъмолчининг феъл-атворига ижтимоий омиллардан ташқари рухий омил ҳам кучли таъсир курсатиши мумкин. Улар жумласига: эътиқод ва муносабат, идрок этиш, мотивация, ўзлаштириш кабилар киради. Булар ичизда маҳсулот ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва маркетолог учун энг муҳими - мустакилликнинг энг юкори босқичига етган эҳтиёжнинг ажralиш жараёни бўлиши мотивациядир. Харидор шундай эҳтиёжни қондиришининг йўлларини фаол қидира бошлайди. Мотивация назарияси одамнинг эҳтиёжини ўрганиш, уларнинг босқичлари билан ўрганиш чамбарчас боғлангандир. Ночор, камбағалликда, ёмон ҳолда, оч-наҳор яшовчи киши ўз билимини ошириш, савиясини кенгайтириш тўғрисидаги чакириқларга рўйхуш бермайдилар, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, уларга одамларнинг берган баҳолари билан ҳам иши бўлмайди.

*Истеъмолчининг харид қилиши тўғрисидаги қарори ва уни амалга ошириши, унинг сотувчи ҳулқ-атворини, молнинг тақдим этилиши, ундан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотини идрок этишига боғлиқ. Шуни ёдда тутиш керакки, одамларга танлаш идроки хосдир. Масалан, тикувчилик машинаси мотивига эга одам бу машинани ёки у тўғрисидаги ахборотни исталған магазиндан, тикувчилик машиналари сотилиши тўғрисида эълон берувчи ҳар қандай рўзномадан қициради. Бу одам тикувчилик машинаси ёнида турган энг янги чанг тозалагич ёки кабоб пиширгични сезмайди. Бунинг устнига у янги сифатларга эга бўлган, масалан, анча қиммат турадиган машинани ажратса олади*

Юкорида кайш этилган барча ҳоллар савдо рекламасини яратувчилар, маркетологлар томонидан ҳисобга олиниши зарур. Улар реклама ярата туриб, потенциал харидорлар олдида, уларнинг шахсий ҳусусиятлари таъсирида товарлар тўғрисица нотўғри ахборотлар вужудга келишини ҳисобга олишлари керак. Масалан, Асаканинг “Нексия” енгил автомобилини харид этишга қарор қилган одам бошқа шунга ўхшашиб енгил автомашина тўғрисидаги ахборотни ўзи танлаган автомашина фойдасига нотўғри талқин этади. Потенциал харидорлар вужудга келган харидорлик қарорини қўллаб-кувватлайдиган баҳоналар топишга мойил бўлади. Биз тасаввур этган харидорлар ўзи орзу қилган “Нексия” енгил машинаси тўғрисидаги қаердадир ва қачоңир эшитган ҳамма яхши гапларни эснда саклайди. Шуни ҳисобга олиб, Асака заводининг маркетологлари “Нексия” ҳақидаги реклама-ахборотларни доимий равишда янгилашиб туришлари ва узлуксиз харидорга етказишлари лозим. Шундагина харидоримиз “Нексия” автомашинасини сотиб олмоқчи бўлади. Бундан у фаровон ҳаёт кечираётган, ўзига ишонган одам бўлганилгидан “Нексия”ни сотиб олади, у “Нексия” сотиб олиш тўғрисидаги қарорини, масалан, ишхонасидаги ҳамкаслари даврасида, дўконларда уни қизиқтираётган енгил автомашиналар сотилаётганлиги ҳақидаги ахборотни мудокама қилиш асосида амалга оширади.

Истеъмолчи ўзи ўзлаштирган билимлар асосида эътиқод ва муносабат пайдо қиласди, булар унинг харидорлик феъл-атворини белгилайди. Масалан, харидоримизнинг ўзи барибир “Нексия” енгил автомашинасини ўз сифати жиҳатидан худди шунга ўхшаш бошқа машиналардан афзалигига ишониши керак. Шунда бозорда пайдо бўлган бошқа харидорлик феъл-атворини ўзгартирамайди. Бундан савдо учун шундай муаммо келиб чиқадики, товарнинг харидор томонидан харид қилинини рағбатлантириш учун унинг кўз-кўз қиласиган тимсолини яратиш зарур экан. Эътиқод мутлақо аниқ муносабатларни шакллантириш учун асос бўлади. Харидорларимиз ўз эътиқодига кўра иш кўради - факат ўз мамлакатида тайёрланган товарларни харид

килади, бу унинг мўлжалига тўғри келади. Маркетологлар муносабатицаги асосий нозик фарқларга, демак, ҳар бир харидорнинг танлови - маданий, ижтимоий, шахсий ва руҳий тарздаги омишларнинг ўзаро мураккаб таъсири натижасидир. Бунда маркетинг ходимлари ўз қўли остидаги воситалар ёрдамида уларга билвосита (масалан, реклама, мол сотиши усуслари билан) таъсир қилиши мумкинки, бунинг натижасида мотивлари шаклланган харидорлар аниқланади, мотивлар вужудга келтирадиган харидорлар шу корхона ёки савдо муассасасининг доимий мижозлари бўлиб колажилар.

*Истеъмолчиларнинг хариц қилиши қарорига келиши жараёни мураккаб руҳий жараён бўлиб, унинг ўзи бир қанча босқичлардан ташкил топади.* Аввало, ҳарішор ўзида товарга бўлган эҳтиёжни сезади, шундан сўнг шу товар ҳақидағи маълумотларни йига бошлайди, ахтариб топади, кейин ҳар хил альтернатив варианtlарни баҳолаб чиқади ва ниҳоят хариц қилишга қарор килади. Энг сўнгти босқич харидорнинг ўз харици ҳақидағи ёр-биродар, ҳамкаслари билан ўртоклашувидир. Бу, айниқса, сотувчилар учун қадрли босқичdir. Бу босқичлар айрим товарлар бўйича ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, кимматбаҳо товарлар хариц қилишда айрим босқичлар тушиб қолиши мумкин. "Gellet" лезвиясидан фойдаланишга ўрганиб қолган эркаклар унга эҳтиёж тўғилиши билан дўконга борадилар-да, ўша керакли лезвияни хариц киладилар. Яъни, хариц қилиш тўгрисида қарорга келиш жараёнининг биринчи даври - муаммони тушуниб етишдир. Масалан, бизнинг потенциал харидорларимиз "Нексия" тўгрисидаги ахборотни фаол равишда йигадилар, у ҳакда дўстлари, ҳамкаслари билан гаплашади, ҳатто, Асакадаги автомобиль заводига бориб, унинг иштаб чиқарилиши билан қизикиши мумкин. Унинг фаоллик даражаси "дунёдаги энг яхши машина"ни танлаш ва хариц килиш истаги билан белгиланади. Шубҳасиз, бунда хариц қилиш тўгрисидаги қарорга келишда харидорнинг шахсий мuloқotлари ва эмпирик тажрибаси (у дўконда машинани кўллари билан ушлаб, кўзи билан кўриши мумкин ва ҳоказо) энг катта таъсир кўрсатади.

Бизнинг харидор “Нексия”нинг “ГАЗ-31” га нисбатан арzonлигини, бензинни кам сарфлаши, дизайнининг чиройли экатлигини таъкидлайди. Бу баҳоларни таҳлил кила туриб, шунни таъкидлаш зарурки, харидор товарнинг факат ўзи учун аҳамиятли бўлган хоссаларини ажратади, унинг ўзига хос хоссаларини ўйламай айтиб беради. Бунда товарнинг хар қайси хоссаси, фойдаланик даражаси билан баҳоланади. Масалан, “Нексия” харидори ўз онгидага “машинанинг идеал расми”ни шакллантириши мумкин, унга масалан, машинанинг тежамкорлиги, тезлиги кирачи, бу эса унинг уичалик кўпол бўлмаслигини ва нисбатан арzon бўлишини, шунингдек, тезлиги, тежамлилик хоссаларини белгилайди. Онгдаги бу расмни товарнинг дўконда мавжудлиги ва сотиш шартларининг енгиллиги (карзга берилиши) тўлдиради.

Истеъмолчи харирид қилишнинг ҳамма варианtlарини баҳолаганда сўнитина бу қарорни амалга ошириш истагини билдиради. Бироқ, яна бир канча омиллар борки, улар харири тўхтатиб кўйиши мумкин. Масалан, кутимаган ҳодиса (касал бўлиб қолиши, ёнғин каби ҳодисалар), атрофдаги одамларнинг танланган товарга билдирган салбий фикри ва харидор ўзининг бошқа шахсларнинг истаклари натижасида харирид қилишдан воз кечиши киради. Чунончи, агар харидорнинг севикли ёки ишонган кишиси бу харирид тўғрисида кескин ёмон фикр билдиrsa, харидор машина сотиб олишдан умуман воз кечиши турган гап. Шундай экан, харирид қилиш тўғрисида қарорга бу омилларни киритиш лозим. Чунончи, харидор “Нексия” сотиб олиш учун дўконга йўл олиши мумкин. Бироқ, йўлда ўзининг пенсионер онасини учратиб қолади ва унинг касали оғирлашаётганидан хабар топади. Онасининг соғайиши учун унга Сочи ёки Англияга врачларга кўрсатиши лозимлигини англайди. Харидор “Нексия”сини онасининг саломатлигини тиклагач, кейинроқ сотиб олишга қарор килади, чунки биринчи галда онасининг сиҳат-саломатлиги унинг учун зарурроқдир. Харидор бизнинг мисолида, орзу қўлган “Нексия”ни харирид қўсди, дейлик. Лекин бу билан сотувчи маркетологларнинг фаолияти тўғалланмаслиги лозим. Улар харидорни

ўзларининг доимий мижозига айланиши учун харакат килишлари керак.

Харид килинган машинадан харидорнинг кўнгли тўлғанлиги ёки қоникмаганлиги, харидорнинг кейинги феълатворида акс этади. Масалан, агар у қониккан бўлса, унинг ўзи "Нексия"нинг жонли рекламасини "элтувчи" бўлиб қолади. Агар харидор қоникмаган бўлса, ҳатто у машинани дўконга қайтариб бериши мумкин. Бундай харидорга қўшимча равишда "Нексия" хақида шундай ахборот бериш зарурки, у харидорни қандай бўлмасин дунёдаги энг яхши машинани сотиб олганига ишонтиурсин. Шуни эсда тутиш зарурки, бозор муносабатлари қарор топиб бориши билан, рақобатлашув ривожлана бориши, харидорнинг манфаатларини истеъмолчилар жэмиятининг конунлари химоя қиласди. Ҳатто хариддан қоникмаган харидор улардан ёрдам сўрамаса ҳам, у дўконда шикоят ёзиб қолдириши ёки товар хақида унга у истаган товарни эмас, балки бошка товарни "тиқишириган" сотувчилар тўғрисида жамиятда салбий фикрлар түғдирилиши мумкин. Ҳатто у бу товарни келажакда харид қилмасликка қарор қилса, бу савдо муассасаси учун мағлубиятдир. Истеъмолчи харид қилган товаридан қандай фойдаланиши сотувчи учун жуда мухимдир. Унга асосланиб, корхона ўз ассортиментини ўзлаштириши, яхшилаши мумкин. Шунинг учун ҳам маркетинг гурухлари харидорларга товарни сотишдан олчин ва сотишдан кейинги хизматларини уюштирадилар, товарларни ишлатиш хақида маслаҳатлар берадилар. Улар харидорнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондириш, товарларнинг хилларини шакллантириш, савдо қилишни ташкил этиш, сотиш: усулари ва ҳоказолар тўғрисида тўғри қарорга келадилар.

*Харидорлардан олган ахбороти асосида тез ва энг кам харажат билан ўз моллари учун мақсадли бозор вужудга келтиришига интиладилар.* Бундай ишлар, айниқса ҳозирги даврда ташкил қилинадиган хусусий корхоналар учун аҳамиятлидир, чунки улар ўз шахсий масъулияти остида очашилар ва ишларни самараси чиққанида иктисадий зарар ўзларига тушади. Харидорларнинг янги товарларга нисбатан

феъл-авторини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Улар куйидагилар хисобига шаклланади: ҳаридор янги товар ҳакида билди, потенциал ҳаридор янги товарга қизиқа бошлайди ва у ҳакда кўшимча ахборот излайди, нотаниш товарни синаб кўришни хоҳлайди, уни синаб кўргандан кейин мунтазам фойдаланиш тўғрисида ёки ундан воз кечиш тўғрисида карор қиласди. Ҳаридорлар янги товар ва хизматларга турлича муносабатда бўладилар. Маркетинг изланишлари шуни кўрсатадики, истеъмолчилар тоифасида янгини идрок этиш вактининг куйидаги нисбатларини аниқладилар. Истеъмолчиларнинг тахминан 30 фоизи - янги товарни биринчи бўлиб синаб кўрадилар, бўларга тезда, тахминан 14 фоиз наваторлар кўшилади. Кейинчалик аҳолининг 60 фоизи кўшилади - кўпчилик ва ниҳоят, янги товарни истеъмол қилишга қолган истеъмолчилар - аҳолининг тахминан 15 фоизи кўшилади. Янги товарга нисбатан истеъмолчилик феъл-авторининг шаклланишида таъсир этувчи омиллар ичида шахсий таъсир - бошқа бир одам томонидан янги товар тўғрисида айтилган гапнинг иккинчи одамга кўрсатадиган самараси мухим роль ўйнайди.

Янги товарлар рекламасини ишлаб чиқишида маркетолог буни ҳисобга олиши зарур. Реклама маълумотномасида албатта янги товарнинг тавсифномаси берилган бўлиши даркор. Буларнинг ичида энг асосийлари қуйидагилардир:

- янги товарнинг мавжуд товарларга нисбатан афзаликлари;
- унинг шаклланган истеъмолчилик қийматларига ва истеъмолчилар тажрибасига мослиги;
- янги товарнинг оддий ёки мураккаблиги, (бу молнинг бозорга кириш вактини белгилайди);
- янги товарни аста-секин синаш имконияти борлиги;
- ундан фойдаланишининг бошқа натижаларини намойиш қилиб кўрсатиш имконияти борлиги;
- янги товарни идрок этиш учун унинг бошлангич баҳосига катта аҳамият берилади. Товарларни тез сотишни ташкил этишдан манфаатдор корхона ва умуман сотувчилар айтиб ўтилган барча ҳолларни зътибордан четда қолдиրмаслиги зарур.

## **7.5. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ЎРГАНИШ**

Бозор иқтисодиёти муносабатлари талаб, таклиф ва баҳо каби аниқ микдорий ва сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, бозорнинг барча асосий элементлари ишлаб чиқариш ва истеъмолчининг аниқ нисбатлари билан аникланади. Бозор муносабатларида келишилган сифат ва томонлар ўзаро бир-бирини тақозо килувчи бир бутун ва жуда ҳаракатчан тизимни ташкил этилади. Худди мана шунинг ўзи ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришни таъминлайди ва ҳар бир элемент бир-бирига боғликдир. Бозор элементларининг буңдай мураккаб ўзаро боғликлigi ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи, сотувчи билан ҳаридор ва охир оқибатда ишлаб чиқариш билан истеъмолчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланувчан ва ўзгарувчан эканлигини ифодалайди. Ишлаб чиқариш таклиф-талаб эҳтиёжни белгилайди ва уларга боғлик бўлади. У таклиф-талаб мавжудлигининг зарурий шартидир. Шу билан бир вактда улар бозорда бир-бирига қарама-қарши туради. Уларни бир-бирига қарама-қарши ҳаракат килувчи икки кучга қиёс қилиш мумкин. Агар маълум бир вакт ичида бу кучлар teng бўлганда эди, талаб ва таклиф мувозанатда бўлган бўлур эди. Ҳақиқатда эса бу хол юз бермайди. Бозор шароитида талаб ва таклиф анча узок мушдатли ўртача тўғалланган ҳаракат сифатида тенглашади. Уларнинг ҳаракати қарама-қаршидир. Бозорнинг турли элементларини таҳлил қилиш ва ўлчовдан ўтказиш жамиятда вужудга келадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёни ўзаро ҳаракатини тартибга солиб турининг зарурий шартидир. Талабни қошибиринга ва ҳаридорга таклиф қилинган, сотиш учун бозорда мавжуд бўлган ёки унга энди етказиб берилган барча маҳсулотларни товарли таклиф деб аташ қабул қилинган.

*Ишлаб чиқарувчилар бозорга маълум миқдордаги товарларни олиб чиқадилар ва сотини тақлиф қиласадилар. Бу вазиятда уларнинг иқтисодий манфаатдорлиги товарни сотиш, яъни меҳнат маҳсулини пулга алмаштириш, шу оркали қўлинган ҳаражатларни қўғлаш ва соғ фойда олишга*

каратилгандир. Сотувчига факат тайёр маҳсулотгина эмас, шу билан бирга келажакда ишлаб чиқарилиши ва бозорга етказилиб берилиши мумкин бўлган товарлар ҳам (масалан, буортма бўйича) таклиф килди. Демак, таклиф аниқ бирон-бир вакт ва жойда истеъмолчига тақдим этиладиган товар (хизмат)нинг микдори бўлиб, у аввало товарнинг баҳоси билан чамбарчас боғлиқдир. Буни биз кўйидаги З - жадвал ва 14 - чизмадан кўришимиз мумкин.

Жадвалга келтирилган маълумотлар таклиф шкаласи бўлиб, улар шуни кўрсатадики, баҳолар паст бўлганга қарганда юкорироқ бўлган ҳолда товар сотувчилар уни кўпроқ микдорда бозорга чиқарадилар. Бу ҳол табиий бўлиб, сотувчиларда баҳолар юқори, баландроқ бўлганда кўпроқ фойда олиш имконияти туғилади ва, демак, улар бу ҳолатдан фойдаланиб, кўпроқ фойда олишга интиладилар.

### **З-жадвал.**


#### **Сотишга таклиф қилинган товарнинг баҳоси ва микдори.**

<b>Товарнинг баҳоси, сўм хисобида (Б)</b>	<b>Сотишга таклиф қилинган товар</b>
100 .	200
80	180
60	150
40	110
20	50

Товарлар баҳоси ва унинг сотишга таклиф қилинган микдори орасидаги боғлиқлик таклиф чизигида айниқса яққол кўзга ташланади (14-чизма).

Бу товарли таклиф можиятини тушунишдаги энг муҳим хусусиятлардандир. У ўз-ўзига замон ва маконда мавжуд бўлган нормал ишлаб чиқариш жараёнининг бузилишига олиб келувчи таклифни талабга мос келмаган вазиятда товарли таклиф характеристини акс эттиради. Товарли таклифнинг бош тавсифи унинг сифат томонидир, яъни

уни харид қийматининг ва эҳтиёжини қондира олиш имкониятидир. Товарли таклифнинг микдорий томонини хисобга олиш мухим шартлардан биридир. Чунки товар микдори ижтимоий кўламда маълум бир талабнинг қондиғади, шунинг учун ана шу ижтимоий талабни аниқ бир ўлчамини билиш керак. Товарли таклифнинг микдори ва сифат томонлари - ишлаб чиқаришга боғлик бўлган, унинг микдори ва таркиби билан ифодаланади. У эса ўз навбатида талаб билан аниклапади. Талаб билан ана шундай мураккаб ўзаро боғланиш товарли таклифни характерлайди.



14 - чизма. Товар таклифи.

*Таклиф ва жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори жиҳатидан ҳам, таркибий жиҳатдан ҳам маълум бир вақт ичида бир-бираига мос келмайди. Бунга кўпгина сабаблар бор. Комбинациялашган ишлаб чиқариш шароитида бозорга иккиласми қайта ишлаш маҳсулотлари таклиф қилинади. Бу эса олди-сотди актлари сонининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари талаб ва таклиф орасидаги иномутаносибликни бартараф этиш учун захира*

фонди зарур. Бу фонд муюмала жараёнида камая борадиган товарлар ўрнини коплаш учун керак. Мисол учун ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисми шахсий эҳтиёжлар учун; уруғликка, ем-хашак ва бошқа фондларга бўлинади ва товарли таклиф шаклини олмайди. Ёки маҳсулотнинг ташки бозорга экспорт қилинадиган қисми ишлаб чиқаришга нисбатан ички бозорда товарли таклифни камайтиради ёки кўпайтиради.

Бозорда товарли таклиф шаклини олган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маълум ўлчовига, талаб шаклини олган ижтимоий эҳтиёж қарама-карши туради. Талаб - бозорга қўйилган товарларга эҳтиёждир. Бу эҳтиёжнинг бир қисмидир. Бозорда у товарли таклифга қарама-карши турар экан, қиймат шаклида ифодаланади ва пул маблаглари билан таъминланади. Мана шунга асосий эътиборни қаратиш лозим. Кимки олган товари ўрнига пул таклиф қилса, уни талабни ифодаловчи деб аташ мумкин. Шунинг учун талаби тўловга қодир эҳтиёж деб аниқлаш мумкин. Харидорнинг ана шундай талабини қондириш учун бозор мавжуддир. Харидор манфаатининг иқтисодий томони, ўз пулига зарур истеъмол буюмига алмаштириш, яъни товар сотиб олишдир. Бу - харидор сотувчи томонидан таклиф қилинаётган товарлардан, пайдо бўлган эҳтиёжни энг кўпроқ ва самарали қондира оладиганини таълаб олишга ҳаракат қиласи.

*Талаб ҳамма вакът аниқдир, чунки у ҳар доим маълум бир бозорда, аниқ бир товарларга нисбатан мавжуд бўлади.* Талабнинг бундай хусусияти унинг микдорий ва сифат томонидан келиб чиқиб, унинг мустақиллигини тавсифлайди ва товар-пул муомласининг нормал жараёнини бузиши ва чекинишларга йўл кўйиш мумкинлигини келиб чиқади. Бундай чекинишлар маълум қиймат ва натурал буюм шаклида ифодаланган талабнинг аниқ шаклига, товарли таклиф мос келмай қолганда рўй беради. Талаб жуда ҳаракатчан ва ўзгарувчандир. Унинг сифат ва микдорий томонларидан фойдаланишини аниқ, маълум бир чегарага эга талаб бир товардан иккинчисига осонгина ўтиши мумкин. Ўзгарувчанлик ва этилувчаликни талабнинг асосий хусусиятлари деб қараш

мумкин. Буни ўз вақтида К.Маркс ҳам кўрсатиб ўтган эди. У талаб шаклидаги ижтимоий эҳтиёжни фақат бир қараща қатъий қайд этилган микдорий аниқликка эга бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. Амалда талабни ижтимоий эҳтиёжлардан фарқланиш чегараси турли товарлар ва аҳолининг турли табақаси учун жуда хилма хилди. Гурли табақа ва гурухларнинг жамиятнинг япни даромади ана шу чегарада тебраниб турди. Талабнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, унине ижтимоий моҳиятидир. Бу жамиятда турли гурӯҳ ва катламларнинг вакиллари, турлича иқтисодий ва ижтимоий ва ҳаётий шароитига эга бўлганингидан бир хил товарларга турлича талабни вужудга келтиришда намоён булади.

Товарлар - шахсий буюм ва ижтимоий жамоа истеъмоли учун ёки ишлаб чиқариш истеъмол учун мўлжалланган ишлаб чиқариш воситаси сифатида сотилади ва сотиб олинади. Шунинг учун талабни унга ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар қўяди. Демак, талаб даражасига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг айримлари куйидагилардир:

$$T = f(\mathcal{E}_x, \mathcal{B}_x, \mathcal{B}_y, \mathcal{D}, \mathcal{D}_\phi, \mathcal{I}_x, \Phi),$$

бу ерда,  $T$  - товар (хизмат)ларга талаб;  $\mathcal{E}_x$  - истеъмолчининг эҳтиёжи;  $\mathcal{B}_x$  - товарнинг баҳоси;  $\mathcal{B}_y$  - алмаштира оладиган товарнинг нархи;  $\mathcal{D}$  - тўлдирувчи товарнинг нархи;  $\mathcal{D}_\phi$  - истеъмолчининг даромадлиги, яъни сотиб олиш қобилияти;  $\mathcal{I}_x$  - истеъмолчининг маданий, маънавий даражаси;  $\Phi$  - истеъмолчининг иқтисодий ҳақидағи фикри.

Шундай киллиб, талабга таъсир этувчи омилларни уч гурӯҳга: товарларнинг нархи, истеъмолчиларнинг даромади ва уларнинг эҳтиёжига ажратили мумкин экан. Булар ичida талаб ва баҳо (нарх) орасидаги узвий bogлиқлик алоҳида диккатга сазовор.

4-жадвал ва 15-чи замадан кўриниб турибдики, товарнинг нархи пасайган сари уни сотиш осонлашади ва, демак,

сотилған міндерди ортиб боради ва, аксинча, бозор учун ишлаб чиқарылған товарларнинг міндерди ортиши билан эса уннинг баҳоси пасая боради.

**4 - жадвал.**

**Товарнинг баҳоси ва талаб ўртасидаги бөгликтік.**

Товарнинг баҳоси, сұм хисобида (Б)	Талаб, яғни сотилған товар міндерди (Т)
100	30
80	45
60	60
40	80
20	110



**15 - чизма. Товарга бүлган талаб.**

Шундай қилиб, талаб-түловга қобилятлы әхтиёжнинг бозор шаклицады намоён бўлишидир. Маркетинг стратегияси ва тактикасида әхтиёж ҳам худди талаб сингари чукур ўрганилади. Эҳтиёж - инсоннинг, маълум ижтимоий гуруҳларининг ёки бутун жамиятнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун муҳим бўлган заруриятидир. Бундай таъриф

бир томонлама характерга эга. Чунки у эҳтиёжнинг вужудга келиш жараёнини тўлик қамраб ололмайди. Янада кенгроқ маънода эҳтиёжни - истеъмол билан боғлиқ муносабатлар йигиндиси дейиш мумкин. Эҳтиёжнинг чегарасизлиги ва доимо кенгайиб бориш кобилияти, инсоннинг ҳайвонот оламидан ажралиб турувчи муҳим хусусиятларидан биридир. Эҳтиёж кўпинча: - “тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришдан ёки ишлаб чиқаришга асосланган буюмларнинг моҳиятидан туғилади”. Шунинг учун эҳтиёж ва ишлаб чиқариш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Такрор ишлаб чиқариш жараёниша эҳтиёж ўз ривожланишида ишлаб чиқаришдан ўзиди кетади, уни янада ўсишин ва такомиллашишини рағбатлантиради, яъни бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг натижаси ва сабабчиси бўлиб майдонга чиқади. **Жамият ривожи жарпёнида эҳтиёж ўзгариб ва ўсиб боради.** Биттаси йўқолади, янгиси пайдо бўлади. Эҳтиёжларнинг иерархияси, таркиби ва миқдорий ўзгариш билан бирга сифат ўзгариши ҳам юз беради. Ижтимоий ва маданий эҳтиёжлар ошиб боради. Бугунги кунда бу айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон янги ҳаётий тажриба орттира бориб, янги эҳтиёж ҳосил қиласи. Амалиёт - эҳтиёжлар ўсишининг энг муҳим омилидир. Истеъмол товарларига эҳтиёж ва талаб иктисадий, ижтимоий, демографик, табиий иклим шароитлари таъсирида вужудга келади. Ҳакикий бозор сиёсатида талабни ҳар томонлама ўрганиш, унинг ривожланиш хусусиятлари ва конуниятларини таҳлил қилиш, миқдорий ва таркибини истиқболлаш зарур. Бозорда мавжуд бўлган товарларнинг таклифи ва унга бўлган талаб баҳо механизми билан боғлиқдир.

*Баҳо - товарнинг пулда ифодаланган қиймати сифатида истеъмол бозорининг тўлалигича сезиларли таъсир қиласи.* Баҳолар кўтарилганда товарларга талаб кискариши, пасайганда талаб ошиби зарур. Шу билан бирга баҳонинг ўзи ҳам талаб ва таклиф таъсирида бўлади. Бозор баҳоларининг ҳакикий баҳолардан (янги товар кийматицан) чекиниши турли товарлар учун турличадир. Баъзи бир товарлар учун таклифни талабга мослашиши, уларни

мувозанатланиши бошқаларга нисбатан тез ва осон күчади. Баҳонинг истеъмол товарлари бозори сифимиға таъсири ўзаро боғлиқ омиллар билан аниқланади. Булар - ишлаб чиқаришнинг микдори ва таркиби, истеъмолчининг товарли ва товарсиз қисми нисбати, хом ашё қиймати ва бошқалардир. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам мавжуд. Уларга, масалан, шу маҳсулотга бўлган зарурӣ талаб ва унинг қондирилиши даражасини мисол қилиш мумкин. Қундалик эҳтиёж товарлари (асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқалар)га талаб - баҳоларнинг юкори бўлишига қарамасдан доим юкори бўлади, аксинча, баъзи товарларга бўлган бугунги талаб тўла қондирилса ҳам, у бозор сифимининг кенгайишига таъсир қилмайди. Баҳолар, бир тарафдан зарурӣ ижтимоий ҳаражатларнинг пулли ўлчовидир, иккинчидан, ишлаб чиқариш ва истеъмолчининг кейинги ривожи учун зарур бўлган маблағлар тўпламишининг йигувчиси (аккумуляторлари)дир. Чакана нархларда тақсимот муносабатларининг ижтимоий-иктисодий томонлари, яъни, аввало, жамғарма ва истеъмолнинг нисбати, давлат бюджети ресурсларини ташкил қилиш ўз аксини топади.

Талаб, таклиф ва баҳо бозорнинг асосий элементлари бўлиб, улар ўзаро доимо диалектик алоқада бўлади. Уларнинг ҳаракати талаб ва таклиф иктиносиди қонунини акс эттиради. Бу қонуннинг асосий моҳияти, талаб ва таклифни микдор ва таркибининг бир-бирига мос келиши, яъни уларнинг мувозанатидир. Бу эса улардан ривожини, ишлаб чиқаришнинг юкори даражада ўсишини таъминлашга ҳеч бир тўсиксиз реализация қилишни таъминловчи, уларнинг ўзаро бир-бирига мос келишини талаб қиласди. Талаб ва таклиф орасидаги пропорция ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари билан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши жадаллиги ва аҳолининг даромади нисбати билан баҳоларнинг умумий даражаси ва алоҳида товарларнинг баҳоси билан боғлиқдир. Бу пропорцияга, айниқса, эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни катта таъсир кўрсатади. Чунки бу қонуни таъсирида ҳаридорларнинг бозордаги товарлар ассортименти ва

сифатига бўлган талаби кучаяди. Талаб ва таклиф қонуни товар ишлаб чиқаришга асосланган ҳар қандай ижтимоий-иктисодий жамият учун характерлидир. Бу қонуннинг амал килмаслиги натижасида бозор элеменлари бутунлай йўқ қилинган эди. Мана шунинг учун ҳар доим талаб ва таклиф мавжуд бўлган бозор фаолияти натижасида ўйлаб топилган маркетингта кизикиш бугунги кунда кучайиб боряпти.

### *Такрорлаши учун саволлар*

1. Бозорни тадқиқ қилишининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Бозорни тадқиқ қилишининг керхона учун қандай самарали жиҳатлари мавжуд?
3. Бозорни тадқиқ қилишининг асосий йўналишларини таҳлил этинг?
4. Бозорнинг сигимини аниқлаш усул ва услубиятлари ҳақида сўзлаб беринг?
5. Бозор қандай сегментланади?
6. Харидорларнинг истеъмолчилик хулқ-атворлари қандай усуllар билан ўрганилади?
7. Республикамиз истеъмолчиларининг қандай ўзларига хос хулқ-атворлари мавжуд?
8. Талаб ва таклиф қай йўсинда ўрганилади?

*“Сиз нарсаларга ўзга кишининг нуқтаси назари билан қаранагунча, унинг қиёфасига кириб, маълум вақт шу алфозда яшамагунча уни тұлалигича аңглаб етмайсиз”*

*Аттикус Финч*

## **VIII бөб. ТОВАРЛАР БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИННИ БОШҚАРИШ**

### **8.1. ТОВАРЛАР БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИННИГ ИКТИСОДИЙ МОХИЯТИ**

**Конъюнктура түшүнчеси (лотинча *congingo*, шталянча *Congiatura*) кенг маънода ўзаро алоқада бўлган, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, вазиятга ўтишини аниқловчи шартлар, сабаблар аҳволининг мажмумини билдиради.**

Коғъюнктура түшүнчеси ташки иктиносидий мухитда вужудга келадиган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан ҳар бир лаҳзада ва даврда вазият таснифи ҳақида сўз борган барча ҳолларда ишлатилади. Ташки иктиносидий мухит деганде, ривожланиш шароитида хўжалик юритувчи субъект ҳаракат қиласидиган ички ва ташки бозорлар ҳолати тушунилади.

Айрим мамлакатларда иктиносидий конъюнктурани тизимли ўрганишнинг бошланиши ХХ асрнинг биринчи ўн йиллигига тегишилдири. Дафатан АҚШда, кейинчалик Гарбий Оврўпа мамлакатларида конъюнктурани ўрганиш бўйича маҳсус хусусий идоралар ва давлат муассасалари пайдо бўла бошлади. АҚШда - Гарвард университети ва иктиносидий тадқиқотлар Кўмитаси, Англияда - Лондон ва Кэмбридж университетлари, Францияда - Париж университетининг Статистика институти, Германияда - Давлат статистика бошқармаси ҳузурида Конъюнктура институти ва бошқалар шулар жумласиландир.

Хозирги кунда барча йирик фирмалар ўзининг фаолият соҳаси бўйича дунё ва миллий миқёсда конъюнктура

ривожланишини кузатиб борадиган хусусий конъюнктура хизматига эга. Хусусий конъюнктура хизматларининг ташкил этилишида конъюнктура тадқиқотларининг илмий - техника тараққиёти (ИТТ) шароитида илмий - техник ўсишнинг тезлашувида жуда катта рол эга шлагани бўлди.

Америка бошқариш муаммолари бўйича уюшмасининг маълумотларига биноан йирик компанияларда конъюнктура тадқиқоти бўйича маҳсус бўлимлар асосан 1955 йилдан ташкил этилган бўлиб, 60-йилларнинг ўрталарига келиб 60% йирик компаниялар шундай бўлимларга эга бўлган. Улар ишлаб чиқаришнинг бошланишидан олдин, аксарият ҳолларда (90%), бозор талаби тадқиқотлари ўтказилган. Фирма ўзи конъюнктура тадқиқотини ўтказишга имконияти бўлмаган ҳолларда, улар иқтисодий конъюнктура истиқболини белгилаш соҳаси бўйича ихтисослашган фирма ва институтларга буюртма беради.

*Иқтисодий конъюнктура* - бу тизим омиллари ва ишлаб чиқариш шароитида уларнинг доимий ривожланиш ва ҳамкорлиги, талаб, таклиф ва нарх динамикасининг аниқ тарихий йўналиш ўзгаришида ифодаланган маълум бир мутаносибликнинг бозорда намоён булиш шаклидир. Бу таъриф конъюнктура тушунчасининг барча амалий сифатларини ўзида мужассам қилган.

- биринчидан, унда иқтисодий конъюнктуранинг предмети - бозор ажратиб кўрсатилган;

- иккинчидан, конъюнктура факат айирбошлаш соҳаси билан тугамай, балки айирбошлаш таъсири орқали кўринадиган ишлаб чиқариш бутун жараёни(ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш) ни ўзига киритган ва қамраб олган;

- учинчидан, конъюнктура макон ва замонда, динамик ривожланишига кўринади;

- тўртинчидан, конъюнктура ишлаб чиқариш жараёни аниқ-тарихий шароитлари билан бօғланган, яъни ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни ривожланишининг янги босқичи учун ўзининг омиллар мужассамлиги ва конъюнктура ривожланиши шартлари характерлидир;

- бешинчидан, унинг асосий намоён бўлиш шакли талаб, таклиф ва нарх динамикасининг ўзаро боғлик эканлигига кўрсатилган.

Айнан ушбу бозор ҳолати ва динамикасини белгиловчи омиллар конъюнктурасинг таркибий қисми ҳисобланади. Бошка омиллар эса конъюнктура ривожланишига талаб ва таклиф воситаси орқали таъсирини ўтказади.

Конъюнктура тадқиқотининг иккি обьектига мувофик, хўжалик ва товар бозори иқтисодий конъюнктура тушунчаси, иккى инсабатан мустақил таркибий қисмларга ажратилади. Бирок ушбу қисмлар, факат мавжуд бутушикиниг кучи ҳисобига мавжуд бўлиб, товарсиз конъюнктуралар умумхўжалик конъюнктурани ташкил этади, аксинача, умумхўжалик конъюнктуралар ўзининг ажралишида товарлар бозори конъюнктураси элементларини пайдо килиди. Шунинг учун умумхўжалик конъюнктуралар хусусиятларини унинг товарлар конъюнктурасини ташкил этувчи хусусиятларининг арифметик йигинидиси деб ҳисоблаш мумкин эмас. Товарлар бозори конъюнктураларининг умумхўжалик конъюнктураси элементлари сифатида бирлашиши қандайдир бутунлик сифатида, умумхўжалик конъюнктурасига уни ташкил этувчи товарлар конъюнктураларидан бўлмаган янги сифатларни мужассамлантиради. Товарлар бозори конъюнктураси умумхўжалик конъюнктурасининг элеменги сифатида факт унга тегишли бўлган ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, умумхўжалик конъюнктурасига хос бўлган умумий белгилар билан ҳам тавсифланади. Шундай килиб, факат шу белги ва хусусиятлар умумий ва қисмларининг ўзаро ҳаракати ва ўзаро боғликлиги, умумхўжалик ва товарлар бозори конъюнктураси ривожланиши ҳамда шаклланиш ҳарактерини белгилайди.

Бозорни мажмуа ҳолда ва биринчи навбатда бозор конъюнктурасини тадқиқот килиш тадбиркорга хатоларга йўл кўймаслик, хўжалик қарорларини қабул қилишда таваккал килиш ҳавфини камайтиришга ёрдам берувчи восита ҳисобланади. Иқтисодий конъюнктурани тадқиқ килиш факт айирбошлиш соҳалари ривожланишининг умумий қонуниятлари ва унинг ишлаб чиқариш жараёни

палласида бошқалар билан биргаликдаги ҳаракатини ўрганиш билан чегараланмайды. У вужудга келган шу ёки бошқа товар базоридаги ахволнинг асосланган таҳлили ва истиқболини белгилашни амалга оширишіга йўналтирилган.

*Товар базори, биринчидан, ушбу товарнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида, иккинчидан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар гуруҳлари ўртасида иқтисодий алоқалар тизимини ўзида намоён қиласади. Биринчи тиннинг асосий алоқа шакли - согиб олиш - согиш, иккинчисиники рақобат ҳисобланади.*

Иқтисодий конъюнктураны тадқиқот услубияти товар базорлари тасниф қилишини ўтказиш зарурлигини таъкидлайди. Конъюнктура тадқиқотларининг амалий йўналиши уларнинг ўзига хос йўлларини ва услубларини белгилайди. Бошқа сўзлар билан ифодалаганда тадқиқотнинг мақсадлари таснифлашни ўтказиш асосида ётган аломатларни белгилашдир. Товар базорлари типи бўйича келтирилган таснифлашни (5-жадвал) тушунтирамиз.

*Мамлакатларнинг у ёки бу маҳсулотни сотиш базори сифатида ўзига жалб қилиши икки ҳарактерли белгилари: мишлий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва даромаднинг тақсимланиши даражаси билан аниқланади.*

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ишлаб чиқариш талабини, яъни хом ашё материаллар, машина ва ускуналар, асбобларга бўлган талабни белгилайди. Саноати ривожланган мамлакатлар гурухига илфор тузилмали ҳусусиятга эга бўлган: саноати кенг диверсификациялашган ҳарактерда бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаси анча яхши ривожланган, қишлоқ хўжалик хиссаси кагта бўлмаган хўжаликлар киради.

Ривожланаётган мамлакатлар гурухида хўжалик тузилиши, аввалимбор, қишлоқ хўжалиги ва тоғ - кончилик саноати билан тақдим этилган, экспорт ҳам шу тармоклар товарлари йўналишига эга бўлган, мамлакатдаги даромадни тақсимлаш даражаси ва ҳарактери биринчи навбатда истеъмол ва озиқ-овқатга бўлган талаб билан белгиланади.

Саноати ривожланган мамлакатлар учун аҳоли жон бошига нисбатан ялни ишкни маҳсулотнинг (ЯИМ) юкори

**5 - жадвал.**

**Товарлар бозоринің гурухлашы.**

T/p №	Гурухлаш белгиси	Бозор турлари
1.	Мамлакат хұжалиғы тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Иктисолидеті табиинің хұжалик типидегі мамлакаттар бозоры.</li> <li>2. Хом ашени экспортта чыкаруучы мамлакаттар бозоры.</li> <li>3. Сынаоты риелланаёттап мамлакаттар бозоры.</li> <li>4. Саноати риеллантган мамлакаттар бозоры.</li> </ol>
2.	Даромад даражаси ва уларнинг мамлакатларда тақсилланышы	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Даромад даражасы жуда паст мамлакаттар (жуда паст ва асосан паст).</li> <li>2. Даромади жуда паст ва жуда юкори мамлакаттар.</li> <li>3. Даромади паст, ўртача ва юкори даражали мамлакаттар.</li> <li>4. Оила даромади аспасы ўрта даражали мамлакаттар.</li> </ol>
3.	Худудий қамрашы	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ички.</li> <li>2. Милдий.</li> <li>3. Минтайвий.</li> <li>4. Жаҳон.</li> </ol>
4.	Кўп боскичли тафсилотлари билан товар тармоқлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Машина ва ускуналар.</li> <li>2. Минерал ҳом ашё ва ёниллилар.</li> <li>3. Кишлек хұжалик ҳом ашеси, озик-овқат ва ўрмон хұжалиғы маҳсулотлари.</li> </ol>
5.	Жамаот ишлаб чыкариш соғаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Модний товар ишлаб чыкариш бозоры (ҳом ашё, озик-овқат, машина ва ускуналар).</li> <li>2. Мальавий товар ишлаб чыкариш бозоры (фен, ютуклар, технологиялар, ноу-хау, сипат искрлари, китоб ва бошқалар).</li> </ol>
6.	Якуннин фойдаланиш характеристери	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ишлаб чыкарншга мүлжалланган товарлар бозори.</li> <li>2. Кеңистеммолчиларга мүлжалланган товарлар бозори.</li> </ol>
7.	Товардан фойдаланиш мүмкінліктері	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Үзок муштатға фойдаланыладиган товарлар бозори.</li> <li>2. Киска муддаттын фойдаланыладиган товарлар бозори.</li> <li>3. Бир марта фойдаланыладиган товарлар бозори.</li> </ol>
8.	Ташкилий тузилми (саудо-нинг түрлі шароитлари, сотуучының харидор ўртасындағы муносабаттар) характеристи	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Жаҳон бозори:             <ol style="list-style-type: none"> <li>а) очик;</li> <li>б) епик;</li> <li>в) преференциал.</li> </ol> </li> <li>2. Ички бозор:             <ol style="list-style-type: none"> <li>а) улутуржы;</li> <li>б) чакана.</li> </ol> </li> </ol>

<sup>1</sup> Ноздрева Г.Б., Цыплакко Л.И. Маркетинг: Как побеждать на рынке. М.: Финансы и статистика. 1991, 27-бет.

даражаси ривожланыётган мамлакатларга қараганда ушбу күрсаткичнинг ўнлаб маротаба юқорилиги билан характерлицир.

Худудий белгилар бүйича таснифлаш жараёнида услугият ва амалий нүктай назардан “жаҳон базори” тушунчаси тузилмалари ва муаммоларини аниклаш жуда мухимдир. Ички базор ушбу тизимнинг шартли биринчи элементи ҳисобланыб, ички базор деганда, давлат чегаралари билан чекланган товар айирбошлиш соҳаси, товар сотиш масаласи бүйича товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий муносабатларининг йигиндиси тушунилади. Ички базорнинг миллий базордан фарқи күпчилик мамлакатларда иқтисодий механизмининг ишлашида мұхим элемент ҳисобланған экспорт-импорт операцияларининг миллий базорда пайдо бўлишиладир. Шундай қилиб, миллий базор - ички савдо ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш соҳасидир.

Жаҳон базори тушунчаси халқаро савдо операцияларига қараганда, унинг ички савдо каби мұхим элементни ўзига киритилганилиги сабабли сезиларли даражада кенг ҳисобланади. Бу вазиятда ички савдо жаҳон базорицаги барча савдо операцияларининг күпроқ ҳиссасини таъминлайди.

Базорларнинг товар-тармоқ белгиси бүйича кўп босқичли таснифи, ташқи иқтисодий фаолият соҳаси манфаатларига хизмат кўрсатувчи барча тадқикот муассасаларида қабул қилинган.

Машина ва ускуналар базори гурӯхига машина-техник ускуналарининг турли хилдаги базорлари, яъни - умумий машинасозлик; электротехника ва асбоб қуриш; транспорт базорлари киради.

Минерал ҳом ашёлар ва ёнилги базорлари гурӯхига: ёнилги ва энергетика ҳом ашёси (кўмир, нефть ва нефть маҳсулотлари, табиий газ, уран) базори; минерал ҳом ашё (кора ва рангли металлар, тоғ жинслари, бирламчи ва иккиламчи металларнинг алюминий тоғ жинслари) базорлари; кимёвий ҳом ашё ва қишлоқ хўжалик ўғитлари (минерал ўғитлар) базорлари киради.

Кишлоқ хұжалик хом ашёси, озик-овқат ва ўрмон маҳсулотлари базорлари гурухига: саноат ва кишлоқ хұжалик хом ашёлари (пахта, жун, табий каучук) базори; ўрмон маҳсулотлари (ишга ярокли ёғоч-татхта, араланган татхта, целлюлоза ва бошқалар) базорлари; озик-овқат хом ашёси (дон, қанд, ўсимлик ва ҳайвонлар ёғи, гүшт, кофе, мевалар, балиқ ва балиқ маҳсулотлари) базорлари киради.

Ушбу тахлитдаги таснифлаш күпчилик давлатлар миллий статистикаси ва ҳалқаро ташкилотлар, биринчи нағыбатда БМТ статистикасининг тармоқлар белгиси буйича курилиши билан боғлық ҳолда амалға оширилади.

Жаҳон товар базорлари тузилишида иккита асосий, ўзининг савдо ва нарх белгилаш тамойилларига эга бўлган ёпиқ ва очик секторлар билан фарқлаш мумкин, ушбу секторлар ўз нағыбатида сегментларга шартли равніща ажралиши мумкин.

*Ёпиқ базор - нотижорат муносабатларининг турли хил шакллари билан боғланган: ҳуқуқий қарамлик, пайчилик шитироки ва молиявий назорат тизими, иштисослаштириш ва кооперациялаш ҳақидаги битимлар, маҳсус савдо-иқтисодий, валюта-кредити, ҳарбий-сиёсий ва ўзига хос алоҳида тижорат ҳарактерида бўлмаган шартномалар, сотувчи ва ҳаридорларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилувчи товар базорини ифодалайди.*

Ёпиқ базорнинг асосий сегментлари бу фирма ичидаги етказиб бернишлар (ФИЕБ), йирик (асосан трансмиллий) корпорацияларнинг филиаллари, шўъба ва бош корхоналари товар айланишини ифодалайдиган: ишлаб чиқаришни иштисослаштириш ва кооперациялаш доирасида монопол пудратчиси сифатида чиқувчи расман мустақил бўлган майдана ва ўрта фирмалар томонидан амалға ошириладиган товарларнинг етказиб берилishi, маҳсус савдо - "ёрдам" доирасида узоқ муддатли контрактлар, бартер ва консигнация битимлари ва бошқалар буйича товарлар етказиб берилishi ифодалайдиган.

Турли хил бошқариш шаклларининг устуворлиги, конъюнктура омиллари таъсирининг чекланганлиги, базор

нархларининг нисбатан барқарорлиги товар бозорининг ёпиқ секторидаги ўзига хос конъюнктура шаклланишининг мухим хусусиятлари ҳисобланади.

*Очиқ сектор - амалий чекланмаган доирадаги мустақил харидор ва сотувчиларнинг оддий тижорат фаолияти соҳасини ифодалайди.* Контрагентлар ўртасида ўзига хос алоқалар (нотижорат) йўклиги, улар ўртасида вужудга келган муносабатларнинг нисбатан бекарорлигини олдиндан белгилайди. Улар учун қисқа муддатли тижорат битимлари (1-1,5 йил муддатга) тузилиши; эркин бозордаги операциялар, асосан биржা бозоридаги битимларда ифодаланганд; нархларнинг тез-тез ва кескин ўзгариб туриши ҳарактерлидир.

Товар бозорларининг ўтказилган таснифи - товарнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ишлаб чиқариш ҳарактери ва якуний фойдаланиши, сотиш тузилмасининг ташкил этилиши ва ҳудудий тегишилигидан келиб чиқиб, аниқ товар бозорининг кейинги тадқикоти ҳарактерини чукурлаштириш имконини беради.

## **8.2. ТОВАРЛАР БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА ШАРТЛАР**

*Товарлар бозори конъюнктураси тадқиқ қилшияётгандан, уларнинг аниқ тарихий даврда иқтисодиётнинг шаклланиши шартлари ва тараққий этиши омилларини фарқлаш зарур.*

Конъюнктура шаклланиши умумий шартларига конъюнктура ҳаракатининг асосий тенденциялари ва хусусиятларини белгиловчи, уларни вужудга келтирган омиллар ҳамкорлиги ҳарактери ва нисбатининг маълум бир шартланган ҳолатда бўлган жараёнлари ва воқеалари киради. Илмий-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш цикли, ривожланаётган мамлакатларнинг янги иқтисодий тадбирлар учун кураши ва бошқа амалга оширилган иқтисодий фаолиятлар ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар мавжуд бўлишида мухим аниқ-тарихий шарт ва Конуниятлардан ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назарнинг кейинги ривожланишига қараб унинг аҳамияти ва

хусусиятлари ўзгариб боради ва конъюнктурага таъсир қилувчи турли ўзгарувчан омилларни вужудга келтиради.

Конъюнктурани тадқиқот қилиш услубиятини такомиллаштириш учун конъюнктурага ўша ёки бошқа вакт ёки даврда таъсир этувчи ишлаб чиқаришнинг аниқ йўлларини ишлашининг муҳим шартлари ва унинг аниқ намоён бўлиш шакллари ўртасидаги фаркни аниқ олиб борилиши зарурдир. Умумхўжалик конъюнктураси харакатининг ўзига хослиги ёки жаҳон бозори конъюнктураларининг тўлигича тадқиқоти ўтказилганда ишлаб чиқариш йўлларининг аниқ ишлаши кўрсатилган шартларининг ривожланиши умумий йўналиши ўрганилиши керак. Бунда уларни ўтган замонда вужудга келтирган омиллар ва уларнинг кейинги ривожланишида, охиригина даврда, конъюнктурапар шаклланишига таъсир қиласидан ўзига хосликни аниклайди. Конъюнктура ривожланишининг умумий шартлари сезиларли даражада сустлиги билан тасдиқланади, улар чўзилувчан тенденцияларни вужудга келтиради. Чўзилган тенденцияларнинг конъюнктурага таъсирининг кучайиши тарих конуниятларидан ҳисобланади. Иқтисодий конъюнктура ривожланишининг муҳим шартлари орасида асосий ўрин илмий-техника тараққиётига тегишли бўлиб, ўз навбатида у иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ бўлган циклли, тўлқинли, монотон бўлмаган ҳаракатлардан иборатдир. Айнан, ИТТнинг динамик ҳолатда унинг ҳар хил шаклларда ривожланиши бозор иқтисодиётининг яшовчанлиги ва мосланувчанлигини кўп жиҳатдан тушуниради, у ўзи ривожланувчи тизим характеристини мужассамлантиради.

*Янги ИТТ жорий этишлар таснифлашлари билан конъюнктура концепциясининг ҳаётий цикли тўлдиришлади, яъни ишлаб чиқаришга жорий этилган янги техник ечимлар (кашфиётлар) ва ҳаётий цикл босқичлари буйича жорий этишининг турли синфларнинг тақсимланishi тақдим этилади.*

Илмий-техник тараққиёт ва катта цикллар конуниятининг кўпчилик тадқиқотчилари янги жорий этиш таснифлашга катта аҳамият бериб, техник тараққиётининг икки жиҳатига эътиборни жалб этишади. Улардан бири -

пировард маҳсулотнинг принципиал янги турларини вужудга келтириш, иккинчиси - технологик жараёнларни ишлаб чикиш ва такомиллаштиришdir. Ушбу икки жиҳат ишлаб чикариш захираларининг бандлигига турлича, жумладан, ишчи кучининг бандлигига, шу билан бирга иқтисодий конъюнктура ҳолатига ҳам таъсир килади.

*Янги соҳаларнинг пайдо бўлиши, янги тармоқларнинг вужудга келиши ва тез кўтапини бандлик имкониятларини кенгайтиради, чунки захираларни ишлатиш бўйича кенг имкониятлар вужудга келади.* Бу конъюнктуранинг умумий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Агар бу, янги тармоқлар ташкил этилиши ва кенгайиши билан ўрни тикланмаса, у ҳолда ишсизлик кўпаяди, қувватларнинг иш билан таъминланиш даражаси пасаяди, умуман олганда конъюнктура ёмонлашади.

Хозирги замон иқтисодиёти бўйича адабиётларда конъюнктуранинг катта циклининг (45-60 йиллик даврийлитининг) туртта фазаси ўрта муддатли цикл номларини кайтарувчи номланиш: гуллаб-яшнаш (юкорига кўтарилиш), тушиш (инқироз), депрессия (депрессия), тикланиш (тирилиш)га бўлинган. Конъюнктуранинг ташки узун тўлқини сановт ишлаб чикариши динамикасининг индекси худди ўрта муддатли саноат циклидагидек намоён бўлади. Бирок, катта циклда тушиш фазаси - ўрта муддатли цикл ичига эришилган энг юкори кўрсаткичларга солиширганда ишлаб чикаришдаги ўртacha йиллик суръатнинг пасайниши билан таснифланади. Катта циклининг депрессия фазасида энг паст ўсиш суръати бўлади, аммо ўрта муддатли цикл депрессия фазасидан фарқли ўларок, ўсиш тўхтамайди. Тикланиш фазаси депрессияга нисбатан ўсиш суръатининг кўтарилиши билан ажralиб туради, энг юкори ўсиш суръати катта циклининг гуллаб-яшнаш фазасида эришилади. Катта циклининг ички механизми молияга эгалик, ишлаб чикарища меҳнат унумдорлиги, молия бериш, фойда меъёри каби сифат кўрсаткичлари билан таснифланади.

Иқтисодиётдаги узок давом этувчи тебранишларнинг вужудга келишига ўта янги ишлаб чикариш техникасига

күйилгән сармоялар бош ролни ўйнаїди. Узун түлкинлар мөһияти, иқтисодий конъюнктура шаклланишининг мухим шартлари бүлган ўрта муддатли циклдаги қайта ишлаб чиқаришнинг деформация булиш сабабларини тушунишга яқинластиради. Тикланиш ва гуллаб-яшнаш фазаларининг сармоя күйишлар кенгайтирилаётган шароитларида чиқиб кетган фонdlарни қоплаш ва янги тармоқларни вужудга келтириш учун ўрта муддатли цикл инқирозининг чукурлиги ва давом этиши қисқартирилади, юқорига күтарилиш фазаларидан эса кучайтирилади. Конъюнктура катта циклнинг түшнин ва десперессия фазаларидан, қачонки сотиш бозори маҳсулотга түлиб кетган ва ишлаб чиқариш күвватларининг иш билан таъминланиши паст бүлган шароитларда сармоялар ишлаб чиқаришни оқылона ташкил этиш учун фойдаланилади, ўрта муддатли цикл инқирозлари янада чукурроқ ва давом этувчи булиб қолади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида вакти-вакти билан ўртача 50 йилда бир марта узоқ давом этувчи тузилиш инқирозлари булиши мұкаррарлиги ва янги техникаларни жорий этиш йули билан уни янгилаш имкониятлари борлигини узун түлкинларнинг мөһияти күрсатади. Ишлаб чиқаришнинг техник усуллари ўзгараётган шароитларда (эркін рақобат, монополия ва олигополия, давлат-монополистик бозор иқтисодиётини ривожлантириш (ДМБИР) ва трансмиллий корпорациялар (ТМК) бир ишлаб чиқариш ташкилий шаклининг бошқаси билан алмаштыриш зарурлыгини узун түлкинларнинг мөһияти күрсатади. Үмуман олганда узун түлкинлар мөһияти бозор иқтисодиёти тизимишининг ўта әгілувчандығы ва уннинг ўзгарувчан шароитларға мослашиш қобилятина эгалитетин тушунтыраши.

Иқтисодий конъюнктура ҳар бир аның шу вакыт ёки даирда қандайдыр ҳодисашынч өкібаты ва бир вакытда янги қандайдыр ҳодисанынг сабабчеси үсебелешади. Турли сабаблар таъсири остида иқтисодий конъюнктураның ўзгариши бүлиб ўтиши уни ўрганиш зарурний шарт әканлыгини билдиради.

Иқтисодий конъюнктурада у ёки бу ўзгариштарнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ходиса ва шарғ-шароитларни кенг

мънода омиллар деб аташ қабул қилинган. Ушбу талкиндан келиб чиқиб, конъюнктураны вужудга келтирүвчи омил (КВКО) - ўзгарувчан конъюнктуранынг характеристини унинг ривожланиш йұналиши, суръатини ва бир вактнің ўзида аник шароитларда ушбу иқтисодий жараён шартларицан бирини аникладиган ҳаракатланувчи күчdir. КВКОга иқтисодий қонун ва қонуниятлар намоён бўлишининг аник шакл ёки иқтисодиётда ишлар юритишнинг муҳим шартлари сифатида караш лозим.

Бундай ёндашувга мувоғиқ ҳозирги замон шароитида КВКОга давлат сиёсатининг турли элементлари - жамоат ишлаб чиқариш соҳасидаги (сармоя қўйиш, ишлаб чиқариш корхоналарини давлат мулкига айлантириш ёки нодавлат мулкига айлантириш, корпорацияларга соликлар, амортизацияга чегиртмалар тизими ва бошқалар) ёки таксимлаш соҳасидаги даромад солигини солиш тизими, ойлик иш ҳақи тұлащ тизими, ижтимоий таъминот ва бошқалар киради.

КВКОлар мазмуни, узунлиги ва таъсир этиш характеристи буйича ҳар хил бўлади. Иқтисодий конъюнктурага сон ва сифат (асосан) томонидан таъсир кўрсатишини аниклаш учун омилларнинг барча турли-туманлигини таснифлаш зарур бўлади. КВКОни таснифлашнинг турли хил ёндашувлари мавжуд. Тизимли ёндашувнинг бош низомига амал қилиш керак: барча таснифлар шартли характеристида бўлади, чунки таснифлаш белгилари танлашни тадқикот мақсадининг принциплари аниклади.

Конъюнктураны тадқикот қилиш мақсадларига боғланган ҳолда барча КВКОлар қўйида келтирилаётган жадвал (б-жадвал) асосида гурухларга бўлиш мумкин.

Умумхўжалик ва товар конъюнктуралари ривожланишидаги аник бир тарихий шароитда гоҳо у, гоҳо бу омиллар белгиловчи бўлади. Шунинг учун КВКОни таснифлаш белгилари ва принципларини ўрганиш иқтисодий конъюнктура назариясига ҳам назарий, ҳам амалий кизиқишига эга. Уларни батафсил кўриб чикамиз.

“Иқтисодий конъюнктура” тушунчаси аввало ишлаб чиқариш жараёни хусусиятлари билан боғлиқ. Бирок иқтисодий конъюнктурага бошқа омиллар, яъни иқтисодиётни

давлат - монопол бошқариш аниқ намоён бүлган, илмий-техник тараққиёт, ривожланаётган мамлакатларнинг янги халкар оқтисодий тартиб ва бошқа шаклдаги омиллар таъсир кўрсатади. Айнан шу сабабли барча конъюнктура хосил килувчи омиллар икки асосий гурӯҳга: циклик (циклнинг фазалари алмашиши) ва иоциклик (барча бошқа омиллар)га бўлинади.

## **6 - жадвал.**

### **Конъюнктура омиллари**

Таснифлаш белгиси	Омиллар гурӯҳини таснифлаш
Кайта ишлаб чиқарининг иқтисодий шакли билан алоқаси	Циклик, иоциклик
Харакатнинг давом этиши	Узок, ўрта, киска муддатли
Ўрганилаётган обьектни алоқадорлик	Эндоген (ички), экзоген (ташки)
Савдо механизмининг турли томонларига алоқадорлик	Талаб, таклиф, нархлар омиллари
Олдиндан вайтса бўлишлик	Олдиндан айтса бўладиган (истикబони белгилаб бўладиган), олдиндан вайтса бўлмайдиган (истикబони белгилаб бўлмайдиган)
Бошқарувчалик	Бошқариладиган (тартибга солинадиган), бошқарилмайдиган (тартибга солинмайдиган)
Алоканинг жинслиги	Бевосига, билвосита таъсир кўрсатувчи
Келиб чиқиш, шаклланиш соҳаси	Иқтисодий, ижтимоний, сиёсий, табиий, илмий-техник

Иқтисодий конъюнктурадаги циклик ва иоциклик омиллар таъсирининг нисбати динамик характерга эга. Тарихнинг алоҳида даврларнда етакчи ролни тоҳо бу, тоҳо бошқа омиллар гурӯхи йўнаши мумкин. Конъюнктурага циклик омилларнинг устунлик килувчи таъсирига мисол қилиб, XX асрнинг 20-30 йилларидаги жаҳон хўжалиги конъюнктурасини келтириш мумкин. Аксинча, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда, 50-60 йилларда иқтисодий конъюнктура тараққиётида иоциклик омиллар - ҳароб бўлган

хўжаликни тиклаш, иқтисодиётни давлат-монопол бошқариш, илмий-техник тараққиётнинг турли йўналишлари, савдо ва ишлаб чиқаришни концентрация ва марказлаштириш жараёнигининг ўзгариши, трансмилий корпорацияларнинг пайдо булиши ва бошқалар билан бир-бирига боғлик ҳолда асосий аниқловчи ролни ўйнайди. Шундай шароитларда такрор ишлаб чиқариш жараёни бузилиб, циклик омилларнинг иқтисодий конъюнктурага таъсири қилиш характери ўзгарди, унинг таъсири кучсизланиб колди.

XX асрнинг 70-90-йилларида давр иқтисодий конъюнктура ривожланишида аниқ тарихий давр хисобланаб, характери бўйича турли хилдаги тузилма инқирозлари (энергетик, хом ашёвий, эзик-овқат, валюта-молиявий ва иқтисодий) КВКОни аниқловчи ва етакчиси бўлди. Ушбу даврнинг ўзига хослиги шунга бўлиб, такрор ишлаб чиқариш цикли янги шароитларда яна ўзгарди. XX асрнинг 50-60-йиллари даврига солиштирганда инқирознинг чукурлиги ва давомийлиги ўсди, бу эса иқтисодий конъюнктура тараққиётига жадон хўжалигидаги тузилмавий инқирозлар шароитиша циклик омиллар таъсирининг үчайғанигини кўрсатади.

Буларнинг барчаси конъюнктура ривожланиши ва шаклланишида ноциклик омилларнинг аҳамияти катталигини, шу билан бирга уларнинг сифат характери ва таъсирининг давом этиш муддати ҳар хил эканлигини билдиради. Бу эса уларни таснифлаш зарурлигини шарт қилиб кўяди. Иқтисодий конъюнктурага у ёки бу омилнинг таъсири этиши вақтни унинг муддати таъсифи ҳисобланади. Ушбу белги бўйича КВКОни учта: узоқ вақтли, узун тенденциялар (8-10 йилдан ортик) ривожланишини белгилайдиган; урта муддатли (3-8 йил); қисқа вақтли (бир неча ҳафтадан 1,5-2 йилгача) гурӯдга бўлиш мумкин.

Узун тенденциялар хўжалик ривожланиши бир катор омиллар таъсири остида вужудга келишини билишилик, яъни бир иқтисодий холатни ва айниқса, истиқболни тўғри тушуниш учун зарур. Узун конъюнктуранинг эгри ривожланишиларини билиш истиқболни белгилаш учун жуда

мухим, узок тенденциялар келажак йишилар утун мүлжалаштанган булиши мүмкін.

Иктисодий конъюнктураның ўрта муддатлы тебранишлари биринчи наебатда никлик омиллар билан белгиланади. Об-жаво шириллари, алохидә товарларни ишлаб чикарыш ва истеъмол қилиш мавсумийліги, табиий оғаттар, таътил вактлари, байрамлар, сиёсий ва ижтимоий көлишмөвчеліктер, хукуматның алохидә тәсібирлары ва мода сингары КВКОлар иктисодий конъюнктураларның киска муддатлы тебраништаринин анықтайды. Айникса, истеъмол товарлари ҳамда кишлоқ құжалығы ва саноат бозорларын конъюнктурасын мавсумий омиллацьнин тасыры күттады.

*Конъюнктуралар шаклланишини белгиловчи омиллар ички (эндоген) ва ташқы (экзоген) да булинади. Ички омиллар ўрганилаётгандык объект ривожланиши (мамлакаттың умумхұжавык конъюнктурасы еки товар бозоры конъюнктурасы) конуниялар билан бөглиқ, яғни ушбу иктисодий тизминнин ўз ривожланиш жараённан натижасы сифатыда вужудга келади. Ташки омиллар ўрганилаётгандык объект элементларинин ташки мұхит билан ўзаро ҳамкорлығы билан аникланади. Алохидә ҳолларда ўрганилаётгандык объектте нисбетан КВКОның ташки характеристері (табиий оғаттар, мавсумийлік, мода ва бошқалар) яққол күриниб турады, босқа күпчилик ҳолларда ушбу ўлчамдар ассоциация КВКОның чегаралаш осон эмес. Күпчилик ташки ва ички конъюнктура омиллары бир-бири билан узвий болғанғалығы ва бир-бирига үтадиган ҳаракат күлгүчілік күчларинин таңдо қилишлигини хисобға олиш керак.*

Конъюнктураларның истиқболиниң белгілішінде тақырып назариясынан омилларни олдиндан айтиштырылады. Олдиндан айтиш омилларының қайта ишлаб чикарыш цикларинин күрнеш шақулары, иктисодиёттің бошқарыши давлат услугалари, монополия сиёсатинин турли кирралари, ИТТның йұналиши ва ривожланиши, мавсумийлікні киритиш мүмкін. Олдиндан айтиб бўлмайшынган омилларга об-жаво, табиий оғатлар, фойдалари

Казилмаларнинг янги конлари очилиши, халкаро ахволнинг кескинлашуви ва сиёсий карама-қаршиликлар, хукуматнинг алоҳида тадбирлари (валюта девальвацияси, эмбарго жорий этилиши ва бошкалар) киради. Бундай таҳлилдаги тасодифий омилларнинг макро даражасида умумхўжалик конъюнктура ривожланишига таъсири умуман онганда сезиларли эмас. Уларнинг таъсири микро даражада анча сезиларни булиб, улар алоҳида фирмалар, ахолига таъсир этиши ёки алоҳида товар бозорлари конъюнктурасыга киска мұддатли таъсир күрсатиши мүмкін. Тасодифий омилларнинг ҳаракати натижасида иктисадий коғыонктурулар ривожланишининг поаниклигі ошацы. Мураккаб сабаблар түпламиның бир вактдаги таъсири натижасида тасодифийлик омиллари вужудга келади. Реал ҳәётда у ёки бу ҳодисалар энг күтилмаганды содир булиши, уннинг пайдо булиш сабаблари эса номаым булиши мүмкін. Айнаң шу ҳолатлар бу каби ҳодисаларни олдиндан айтиб бўлмайдиган килади. Бундай омиллар сезиларли таъсирининг мухимлиги асосан уларнинг ҳали ўрганилмаган қонуниятларига йўл очиши билан белгизанди.

*Конъюнктура тадқиқотлари амалиёттіда омилларга таъсир этиши имконияти ва уларни бошқарнишлик алоҳида мұхим аҳамиятга эга ва бу ўт навбатида КВКОлар бошқариладиган ва бошқарилмайдиганга бўлинади. Бошқарувчаликнинг зарур шарти - маълум шаронтларда у ёки бу омилнинг ўзгаришини олдиндан айта олишликдир. Бирок, бу шартлар етарли ҳисобланмайди, негаки олдиндан айтса бўладиган омиллар (об-хаво, мавсумларнинг алмашинуви ва бошқа экзоген омиллар)ниң барчасига ҳам таъсир килиши мүмкін эмас.*

Олдиндан айтса бўладиган омиллар ичида субъект бошқарилшига таъсир эта оладиган эншоғен омиллари бошқариладиган КВКОга киради. Масалан, товар бозори конъюнктурасининг истиқболини белгилаш натижасида ривожланиш ва товар нархининг таҳминий даражаси аникланади. Истиқболини белгилаш матлумотлари бозор сиғтимини билган товар экспортчисига сармоя кўйиншлар, ишлаб чиқариш кувватларини иш билан таъминлатиш, ишлаб

чикариш харажатлари даражаси, ҳукумат субсидиялари ва бошка ҳажмлар миқдори орқали ушбу товарнинг ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмига таъсир кўрсатиб, таклиф омилларини бошқариш имконини беради.

Товарлар бозори ривожланиши истиқболини белгилаб берилган баҳосидан импорт билан шуғулланувчилар ҳам фойдаланиши мумкин. Харидорлар ўзларининг маблағлари билан товарнинг истеъмол қилиниши ва импорт ҳажмига таъсир килиб, талаб омилини бошқаришлари мумкин. Шундай қилиб, товар бозорининг иккала субъекти ўз усувлари билан қонъюнктурани белгиловчи талаб ва таклифнинг турли омишлирига таъсир кўрсатади.

Гашки савдода баҳо (нарх) белгилаш мамлакат ичидаги нарх белгилашдан жiddий фарқ қиласди. Экспорт ва импорт товарлари учун нархлар, музокаралар жараёнида, одатда, жаҳон товарлари бозори нархлари асосида белгиланади.

Жаҳон бозорининг нарх белгилаш доираси бутун ўзига хос жиҳатларитга қарамай, мамлакат ички нархи белгиланиши каби киймат қонуни билан бошқарилади. Шу билан бирга, уларга кўпчилик киймат исосидан четга оғдирувчи бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши, бозорнинг монополиашини, нархнинг давлат асосида бошқарилishi, инқироз ва бошқалар шундай омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон товарлар бозорида қиймат қонуни тенденция сифатида ҳиракат қиласди, бу вақтда ҳақиқий бозор нархлари қийматдан жiddий равишда фарқ қиласди ва аввало талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришиндан келиб чиққан доимий ўзгариб туришини бошидан кечиради. Шундай қилиб, талабнинг таклифдан ошиб кетганида товар нархлари ўсади, талабнинг камайиши билан - пастга тушади. Нархни тушириш йўли билан сотувчилар товар сотилишини қўллаб-куватлаш ва кенгайтиришга ҳаракат килишади. Бунда кайси даражадаги нарх сотишнинг кенгайишига олиб келишини аниклаш мухимдир. Турли товар гурухлари учун талаб ва нархлар ўртасидаги боғлиқлик турлича намоён булади.

Узоқ муддатли режа буйича хом ашё товарларнинг истеъмол ҳажмлари нарх даражасига кимроқ болғық, чунки хом ашёга бұлған талаб ишлаб чиқарыш ҳажми билан аниқланади. Бирок, киска муддатли конъюнктура режасида хом-ашё товарларига бұлған талаб, уларға бұлған нарх даражасидан күп жиҳатдан боғлық булади. Бунинг сабаби хом ашёнинг технологик захиралари мавжұшлиғи бўлиб, у истеъмолчиларга сотиб олишдан вактинчалик тұхтатиб туришга ёки, аксинча, ишлаб чиқарыш учун талаб этиладиган даражага нисбатан ошириш имконини беради. Хом ашё товарлари бозорида, одатда, пасайиш тенденцияси вужудға келганды, нархлар янада настта тушганда камайиб кетганд захираларни арzon нархдаги хом ашёни сотиб олиш йўли билан тўлдириш мумкинлигига ишонган ҳолда харидорлар сотиб олишни кисқартыради. Сотиб олиш қамайиши натижасида нархларнинг янада тезрок настляшишига олиб келади ва, аксинча, нархлар кўтарилиганды истеъмолчилар товарлар сотиб олишни кўпайтирацилар, нархларнинг янада ошишидан ҳавотирланган ҳолда ўз захираларини кенгайтирадилар. Сотиб олишларнинг кўпаиши ўз навбатида нархларнинг янада кескин ошиб кетишига олиб келади. Хом ашёнинг кўп турдаги бозорлариша нарх динамикаси жуда юкори бекарорлиги ўсиш ва пасайиш даврларининг алмашиниб туриши билан фарқланади. Жаҳон бозорида хом ашё товарларига бұлған талаб ўзгаришининг муҳым сабабларидан бири иқтисодиётнинг тури цикли ҳарактерда эканлигидир. Бунда кўйицаги конуният кузатилади. Инкиroz фазасища уларға бұлған талаб камайғанша нарх пасяди, жонганиш ва юкорига кўтарилиш фазасида эса ўсунчи талаб кетидан нархнинг ошиши юз беради. Кейинги ўн йилликда юкорида баён этилған нарх ўзгариш конуниятлари монополия, қадрсизланиш ва қатор бошқа омыллар таъсирига боғлық ҳолда бузилмоқда. Шунинг учун хом ашёлар нархининг ўсиши иқтисоднинг пасайған даврларида ҳам кузатилмоқда.

Монополиянинг бозор нархлари даражасига таъсир этиши кучи бозорнинг монополлашған даражасига боғлық. Бозорнинг тўлик монополлашши, ишлаб чиқарышнинг

бутун ҳажми битта компания қўлига ўтиб, нархни ўзи белгилаши мумкин эмас. Бироқ, тўлик монополлашишнинг йўқлиги амалда монополистик нарх белгилаш учун қаршилик қила олмайди. Биринчидан, монопол нархларни ўрнатиш нуқтаси назаридан бозор устидан ҳақиқий ҳокимликка эга бўлиш учун унинг айланишининг 30-40 фойизни назорат қилиш етарлидир. Иккинчидан, бир неча йирик компаниялар томонидан бозорни жамоа бўлиб монополлаштиришнинг кўп шакллари мавжуддир.

Хозирги замон хом ашё бозори учун ишлаб чиқариш ва товарлар сотишнинг аксарият қисми 10-20 та компания қўлида тўплантгани характерлидир. Ушбу шароитларда куч жиҳатидан деярли тенг бўлган ҳамкорлар учун очик нарх рақобати уларга фойдасиз ва ҳавфли ҳисобланади, шунинг учун компанияларнинг бозорни бўлиб олиш ва биргаликда нарх белгилаш ҳақида яширинча келишиб олиш тенденциялари кўп учрайди. Бу ҳакда ривожланган мамлакатларда компанияларни нархларни юкорига кескин кўтарилишида келишиб олганлиги бўйича айблаш суд жараёнлари тез-тез бўлиб ўтаётганлиги гувоҳлик беради.

Хом ашё бозорида ҳаридорлар, яъни ўша йирик саноат компаниялари нархни юкорига кескин кўтариш сиёсатига (агар у уларнинг манфаатига тўғри келмаса) қаршилик кўрсатади.

Давлат мамлакат ички бозорида нархларнинг юкори даражада саклашга миллий монополияларга ёрдам беради, экспорт товарларининг ташки бозорда ракобатбардошлилигини ошириш мақсадида уларга паст нархларни белгилайди. Ички бозордаги нархларни бошқариш тўғри ва кўшимча услублардан фойдаланиш воситасида амалга оширилади. Нархни бошқаришнинг тўғри услубига масалан, нарх ва ойлик иш ҳакининг бир даражада саклаш киради. Бу услубдан ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари XX асрнинг 60-70 йилларида “елдай учайтган” кадрсизланишни тўхтатиш умидида бир неча марта фойдаланган эди. Бироқ, амалда нарх ўсишини ушлаб қолиш имконияти бўлмади (сотиб олаётган хом ашё ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни

такомиллаштириш ҳисобига чиқимлар үсиб борди), ойлик иш ҳақини бир даражада саклаш эса норозиликлар үсишига ва ижтимоий кескинликка олиб келди. Бундай қатый чоралар ёрдамида ҳеч бир ҳақиқий натижага эришилмади, шу сабабли ундан аста - секин воз кешишга түгри келди.

Ички нархларнинг түгри услугуда давлат томонидан бошқарилиши тажрибаси қишлоқ хўжалиги товарларига нарх белгилашда фойдаланилади. Ички бозордаги нархларни бошқариш, биринчидан, ишлаб чиқарувчиларга маълум даражадаги сотиш нархларига қафолат бериш йўли билан ва, иккинчидан, ишлаб чиқариш харажатларига субсидия бериш воситасида амалга оширилади.

Давлат томонидан сотиб олишлар, одатда, оширилган нархларда амалга оширилади. Масалан, АҚШда мавжуд бўлган қонунига мувофиқ хукумат ташкилотлари факат маҳаллий ишлаб чиқарувчи б фоиздан ортиқ юқори нарх таклиф этган ҳоллардагина хорижий етказиб берувчига мурожаат этиши мумкин бўлади.

Импорт ва экспорт соҳасида божхона сиёсати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Импорт соҳасида давлат сиёсати импорт қилинаётган хом ашёни арzonлаштиришга ва хориждан тайёр буюмларнинг ички бозорга кириб келишини қийинлаштиришга йўналтирилгандир. Одатда, импорт хом ашёсидан божхона бож тўловлари олмайди, ёки унинг микдори жуда кичик бўлади. Бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар харажатини камайтиради. Аксинча, импорт қилинаётган тайёр буюмларга божхона тўловлари юқори даражада белгиланади, бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш харажатлари ва нархларнинг юқори даражада бўлганида ҳам ички бозорда муваффақиятли рақобат қилиш имкониятини яратади. Кўпчилик давлатларда импорт сонини чегаралаш ва лицензия олиш амалда қўлланилади. Шунингдек, энг кам нархлар белгилаш амалиёти қўлланилади, қайсики у бўйича хорижий экспортчилар товарларни сотишга мажбурдиirlар. Нархларнинг маълум бир даражадан пасайтирилишига демпнинг сифатида қаралади ва қонун томонидан жазоланади.

Демпинг деганда, ташқи базорларни эгаллаш мақсадида ташқи базорларда ички базордаги нархлардан сезиларли даражада арзон нархларда товарларнинг сотилиши тушунилади. Давлат хорижий рақобатчилар гомонидан демпинг амалга оширилишига каршилик кўрсатиш билан бир вақтда миллий компанияларнинг демпинг сиёсатини амалга оширишда ёрдам беради. Демпингнинг зарурий шартларидан бири ички базорни тўсиш, унда юқори нархларни саклаб туриш ҳисобланади. Ушбу мақсадга етишишни давлатнинг экспорт соҳасидаги сиёсати таъминлайди. Масалан, экспорт субсидияларидан кенг фойдаланади, шунингдек экспортга чиқарилаётган товарлар соликлардан озод этилади.

Хозирги замон иқтисоди учун валюта базорларидағи тараба ва таклифнинг таъсири остида шаклланадиган миллий валюта курсларининг доимий ўзгариб туриши, ҳарактерлидир. Миллий валютага бўлган тарабни кўплаб омиллар (масштан, мамлакатнинг савдо ва тўлов балансининг ҳолати, мамлакатлар ўртасида сармоянинг ҳаракати кабилар) белгиланади. Мамлакат валютаси курсининг пасайиши унинг экспортига кўшимча “валюта фойдаси” деб номланувчи фойдани олиш имкониятини беради. Шу билин бирга валюта курсининг пасайиши мамлакатда импорт нархларнинг ўсишига олиб келади, қалрсизланишга кўмак беради ва охир окибатда ишлаб чиқариш ҳаражатларини оширади. Миллий валюта курсининг пасайиши нархларнинг умумий даражасида турличи ифодаланади. Миллий валюта курсининг 1 фоизга пасайиши Японияда - 0,8 фоиз, ГФРда - 0,6 фоиз, Италия, Белгия, Швецарияда - 1 фоиз ички нархларнинг кўтарилишига олиб келади.

Нарх динамикаси таҳлили ва унинг даражасини аниқлашда одатда қатор нарх кўрсаткичлари - контракт нархлари, биржа котировкалари, нархлар маълумотномаси, преискурантлар, нарх кўрсаткич, нарх индекслари ва бошқалардан фойдаланилади.

Контракт нархлари мувофиқ шартлар асосида етказиб бериладиган ва тўланадиган, маълум сифатдаги товарнинг

ҳақиқий нарх даражасини акс эттиради. Бирок контракт нархлари ҳақидаги маълумотларни олиш осон эмас, чунки улар одатда тижораг сири ҳисобланади. Баъзан тузилган контрактлар ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, ташки савдода ҳам битимнинг кўп жиiddий қисмларини кўрсатмасдан (масалан, сифат кўрсаткичлари ва бошқалар) матбуотда, махсус журнаchlарда эълон қилинади.

**Биржа котировкалари** - товар биржаларида сотиш амалга ошириладиган товарларнинг нархларидир. Биржа котировкалари уникат шароитларда сифати, ҳажми ва етказиб бериш муддати, тўлов валютаси ва бошқаларга нисбатан амалга оширилган мавжуд контрактларнинг нархлари ҳисобланади.

**Нархлар маълумотномаси** - товарларни сотувчилар ҳамда уларнинг уюшмалари томонидан эълон қинадиган нархлардир. Нархлар маълумотномаси контракт нархларининг ҳақиқий даражасини акс эттирмайди, улар сотувчилар томонидан харидорларга бериладиган чегирма катталигига фарқ қиласди. Чегирма нархлари конъюнктура ҳолати, харидор билан ўзаро мучосабати, битим характеристи ва бошқаларга боғлик булади.

**Прейскурант ва нарх кўрсаткичлари** - истеъмол ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган тайёр буюмлар нархининг кўрсаткичларицир. Прейскурант нархлари товарлар нархлари маълумотномасига ўхшашиб булиб, у ҳам бозорларда ҳар дакикада вужудга келаётган ҳақиқий нархларни акс эттирмайди. Уларнинг динамикасидан оркада колади.

**Контракт нархлари** прейскурант нархицандан чегирма микдорига фарқ қиласди, унинг катталиги талаб ва таклифнинг ҳолати, сотуни ва харидорлар муносабати ва бошқаларга боғлик ҳолда кескин ўзгариши мумкин.

**Таклиф нархлари.** Товарни сотиб олишга қизикдан харидор сўровига жавобан сотувчилар етказиб бериш шартлари, тулови ва нархи кўрсатилган таклифни жўнатади. Таклиф нархларига одатда, чегирмага эришувчи харидор билан олиб борилган музокарада ўзгаришлар киритилади. Таклиф нархларини умуман олганда ҳақиқий нарх даражасини

прайскурант на наълумот нархларига инсбатан аникрок ифодалайди, чунки уни белгилашда сотувчи тақлифнинг ҳолати, харидорнинг ҳусусияти, битим шартларининг ўзига хослиги ва бошқаларини ҳисобга олади.

Нарх индекслари - нарх ҳаракатидаги асосий тенденцияларни аниқлаш имкониятини берувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади: улардан конъюнктурани таҳлил килиш ва истикболини белгилашда кенг фойдаланилади.

Юкорида келтирилган услубият асосларига таянган ҳолда шу вактгача бўлган нархлар динамикасини ўрганиб ва бозор конъюнктурасининг асосий белгиларига таянган ҳолда товарлар нархи истикболини белгилаш ҳисобларини амалга ошириш мумкин.

### **8.3. ТОВАРЛАР БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ**

Хозирги вактда бозор конъюнктураси истикболини белгилаш амалиётида куйидаги икки йўлга: иқтисодий-аналитик ва математик йўлларга ажратиш қабул қилинган.

Иқтисодий-аналитик йўл товарлар конъюнктурасини ўрганиш ва истикболни белгилашнинг анъанавий ва кўпроқ тарқалган усули ҳисобланади. У мутахассисларнинг интуитив-мантикий фикр-мулоҳазаларидан фойдаланиб, алоҳида мамлакатларнинг (товар бозорлари) иқтисодий ёки товар бозорларини таҳлили билан шуғулланишини ўз ичига олади.

Истиқболни белгилаш конъюнктурасини вужудга келтирувчи омиллар тўпламига субъектив таълил қилишига асосланади ва келажакнинг маълум даврларидаги конъюнктура ривожланиши тўғрисидаги экспертиларнига тақлифидан иборатdir. Бунда конъюнктурани ўрганиш нафакат иқтисодиёт ривожланишида нисбатан узок бўлган тенденцияларни таққикот килиш, башки хўжаликларда бўлиб ўтаётган янги ҳодиса ва жараёнларни чуқур, назарий таҳлил килишни ҳам ўз ичига олган.

Иқтисодий-аналитик ёндешшілік кең тарқалғанынғи, конъюнктура истиқболинің белгіліш амалшетіда тез-тез соның услубли күлтәши зарурати йүкілгі ёки у бир қатор сабабларга күра мүмкін земаслық вазиятлари үтраб туриши билан күп жиҳатдан боғлиқдір. Шу билан бирга уннің ютукларини инкор әтмаган ҳолда иқтисодий-аналитик ёндашувиңнің баъзи бир камчиликлари мавжудлігін күриб ўтиш мүмкін. Қысман уларнің орасында юкори даражадағы субъективлік холосаларнің обьектив имконияттарынң йүкілгінің күриш мүмкін. Иқтисодий-аналитик услубниң құллаб ишлаб чыкылған баъзи бир истиқболни белгілашларнің камчиликлари, уларнің үзгаруучы характерга әтаптырады. Күннің истиқболни белгілаш тоғаник хусусияттар (масалан, "Конъюнктура яхши булади", "Конъюнктураның яхшиләніши күтилади" ва башқалар) билан чегараланаади. Бу каби иборалар натижаларын амалда фойдаланышин кийинлаштирағы ве конъюнктураның истиқболини бешілаш буйынча ишларнің самараадорлігін пасайтиради. Шу мұносабат билан интуития мазмұндагы бақоланыштардың соның дисоблар ве иқтисодий-математик назариялар билан түлдириш мақсадға мұвоффандыр.

*Математик ёндашиш* - конъюнктурали алохидан математик тенгламалар ёки күриб чиқыластган жараёига у ёки бу даражада ўхшаш бўлган тенгламалар тизими ёрдамида истиқболини белгилашинг ўз ичига олади. Ушбу таҳлитдаги назарияларнинг таснифи амалий жиҳатдан тўлик, оддий, экстраполяция ёки кўп омишли моделлар хусусиятларига мувоғиқ бўлади.

Моделлар асосида олинган истиқболни белгилашларнинг асосий афзалиги натижаларнинг жиддий мантиқий мос келиши, улар ўртасидаги боғлиқликнинг кўринишси ва олдинги нуқтаи назарга боғлиқлигининг кўриниб туриши ҳисобланади. Бундан ташқари ўзгарувчининг боғлиқ бўлмаган ҳолдаги ўзгаришидан олдин, ўзгарувчининг боғлиқ ҳолдаги ўзгариши келтири ёки боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар динамикасини қизиктираётган жараён коидаларига қараганда

истиқболини белгилаш осон бўлган ҳолларда моделлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Ёндашишларнинг кўрсатилган ажратишлари уларнинг қарама-карши кўйилнишини умуман англатмайди. Аксинча, конъюнктурани тадқик қилиш ва истиқболни белгилашнинг турли босқичларида уларнинг кучли ва кучсиз томонларини ҳисобга олишларга асосланиб бирлашиш кўпроқ максадга мувофиқдир, иктиносидий назарияга асосланган моделлар алоҳида бозорлардаги қайта ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хослигини таъкид қилинада упумли ва амалий асбоб сифатида иштирок этади. Бундай ёншашувалар эгуловчанилик ҳамда мосланувчанилик хусусиятига эга бўлиши ва қаттиқ, жуда ҳам расмий характерда бўлмаслиги, ҳам сифат, ҳам сонли баҳолашларнинг бирикмаси пайдо бўлган янги омил ва шароитларга коғъюнктура шаклланиши механизмидаги ўзгаришларга етарли тезкорлик билан сезиш имконини бериши керак. Бунда моделга кирувчи математик назариялар учун иктиносидий мезонлар ва алоҳида конъюнктурани вужудга келтириувчи омиллар ўртасидаги алоқаларни асос қилиб олиш зарур.

Объектив иктиносидий қонунларни ижодий фойдаланишга таянган конъюнктура ўзгаришларининг ички механизмини ўрганиш сифат категорияси ва омилларнинг сонли муносабатларини янада аниқ ва ҳар томонлама тасаввур қилиш имконини беради.

*Товар бозорлари конъюнктураси истиқболини белгилашини бир неча босқичда ўтказиш мумкин. Ушбу ҳолда истиқболни белгилаш масаласи бир вақтда (бирин-кетин) икки йўл билан ҳал этилади. Бунда конъюнктура назарий тахлил қилингандан сўнг истиқболни белгилаш мақсади аникланади, ундан кейин истиқболни белгилашнинг бевосита ишлаб чиқариш вазифаси кўйилади.*

Иктиносидий-аналитик ёндашиш бу ерда ўзаро алоқаларнинг мазмунли тадқиқоти, мумкин бўлган муносабатлар сабаблари натижаларини ўрганиш ва у ёки бу бозорда бўлиб ўтаётган асосий жараёнларнинг тизими чизмаларини куриш билан боғлиқдир.

Истиқболни белгилаш билан фойдаланиш ва ишлаб чиқиш масаласини соддалаштириш ҳамда аник мақсадда мантиқий фикр юритиш асосида ўрганиб, ўзаро алоқаларни тузатиш учун математик ёндашув хизмат килади. Бундай истиқбол белгилашлар натижалари одатда асосланган хуросалар олиш имкониятини берувчи эксперт баҳолашлар ёрдамида тузатиш киритиш мақсадга мувофиқидир.

Иқтисодий-аналитик ва математик ёндашувлар асосида олинган истиқболини белгилаш натижаларини охирида жамлаш мумкин. Якунида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланадиган интеграция мажмуавий истиқбол белгилаш ишлаб чиқиласди.

Бозор конъюнктураси истиқболини белгилашда хозирги замон соили, усул ва моделлардан фойдаланишининг муҳим ва долзарблиги шундаки, улар кўриб чиқишаётган обьектлар ҳақида мос келадиган назарий тасаввур мавжуд бўлганидан турли конъюнктурани вужудга келтирувчи омилларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари ва ҳамкорликларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Бу қатор ҳолларда етарли даражада олинган натижаларнинг обьективлиги ва аниқликни ошириш имкониятини беради.

Иқтисодий-математик моделлар ҳақиқий обьектлар учун характерли бўлган ҳеч қандай чегараланиш юкланмаганлиги билан боғлик бир қатор муҳим афзалликларга эга ва улар ҳар қандай назарий вазиятларни амалда қайта тиклаш мумкинлигига йўл кўяди.

Конъюнктурани математик моделлаштиришининг ривожланиши хозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ)нинг иқтисодий тадқиқот жараёнининг ўсиши билан боғлик. Электрон ҳисоблаш техникасининг кенг қўлланилиши олдинлари бажарниб бўлмайдиган ёки узок вакт ва катта маблағ, кўп меҳнат сарфини талаб қиласиган вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш учун замин, шарт-шароитни вужудга келтирди. ЭҲМдан фойдаланиш конъюнктурани таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш жараёнларини автоматлаштириш имкониятини енгиллаштиреди. Бирок, соили услубдан фойдаланишаётганда

математиканинг битта ва худди ўша даилий объективни турли аникликдаги соддатик билан ифодалаш мумкин бўлган абстракт моделлар билан муносабатда бўлишини ёдда тутишимиз лозим.

Математик-статистик таснифлар алоҳида ўзгарувчан катталикларни боғловчи конуниятларни акс эттириши ҳисобга олишимиз керак. Функционал ёки статистик аюкаларнинг алоҳида ўзгарувчаник ўртасида мавжудлигига сабаб табиий боғлиқлик борлиғига умуман тенг эмас. Бунинг учун математика имкониятлари чегарасидан чиқувчи мазмундаги тадқиқотлар олиб боришни керак. Фақат ушбу ҳолларда, жаҳон товар бозорларида ўрин олган конъюнктурапар ривожланишининг мураккаб жараёнлари ҳакида моделлар егарли даражада тўғри тасаввур бериши мумкин. Бунда олинган ахборотлардан ўз навбатида янги, янада мос моделлар ташкил этиш учун фойдаланиш мумкин. Иқтисодий-математик услублардан самарали фойдаланиш - бозорнинг статистик таҳлилига эмас, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш циклининг ҳаракатланиш йўлидаги товар конъюнктураси ривожланишига таянган ҳолда ўрганилаётган ёки истиқболи белгиланаётган объективнинг аниқ шаклланашган концепцияси ишлаб чиқилган бўлишини талаб қиласди. Качонки мавжуд маълумотлар қўлланаётган жираёнинн етарли даражада тўлик ёритишсагина, биз статистик услублардан етарлича аниқ ва ишончли натижалар кутишга ҳаклимиз. Шу билан бирга ушбу объекtlар иқтисодий моҳиятининг мазмунли таҳлилисиз вақтнинг иhtiёрий даврдаги истиқболини белгилаш учун турли кўрсаткичларни моделлаштириши учун бир хил услуб қўлланиладиган ҳолат юзага келди. Бунинг натижасида обьект ва тадқиқот услубининг диалектик бирлигига риоя этилмайди. Бирок, конъюнктурани моделлаштиришининг алоҳиша аспектларига бағишланган бир катор ишлар кейинги йилларда пайдо бўлган бўлсада, конъюнктурани тадқиқот килиш ва истиқболни белгилаш билан боғлиқ иқтисодий тадқиқотлар соҳаси мугахассисларининг ҳали ўзига етарлича диккатини тортмади.

Экстраполяцион ёндашишинг асосий қисми сонли характеристерда бўлиб, бунинг устига математик аппаратининг мураккаблигиги жуда кенг чегараларда ўзгариб тураси. Алоҳида ҳолларда ҳисоблаш тартиблари амалий жиҳатдан умуман ишлатилмайди. Математик модел кўлланган ҳолларда экстраполяциянинг асосий вазифаси вақт ишлашининг тасодифий бўлмаган кўринишила тақдим этилган энг мақбул мантикий инфодалашни топишдан иборат (7 - жадвал).

### 7 - жадеал.

**Экстраполяция ёрдамида истиқбөлүнүү белгилеташынын алохидада усуллари учун зарур бўлган статистиканинг энг кам хважми**

Усул	Мавсумийлик пүклиги	Мавсумийлик сони	Индаги мавсумлар
Содда ёндашиш	1	-	-
Үрге суралувчан	2-20	-	-
Вактли катор- ларни вжратиш	-	мавсумийликда 6 карралы давр	72
Экспоненциал силликаш	2-3	мавсумийликда 5 карралы давр	60
Бокс-Дженкинс усулы	3	мавсумийликда 6 карралы давр	72

Экстраполяцияни юкорига, пастки нүктедан ва энг күп, энг кам микдорларидан бошлаш мумкин. Математика ушбу муаммога жавоб берадайтын олмайды, бу учининг вазифасига ҳам кирмайды. Шу таҳлилдаги муаммолар факат конъюнктуранинг ўзгариши динамикасининг мазманий таҳлил ёрдамида ҳал этишини мумкин. Истикболини белгилаш математик аппарат бошлангич статистика ахборотларига қаттиқ талаблар кўяди.

Вакт қаторига похарактерли ақамиятларни топиш ва үчириш учун бу билдирик булған мувофиқ усулии таңлаш

зарурияти келиб чиқади. Бу, шунингдек, ишлаб чиқилган истиқболини белгілілігінің ишончлілігіні ошириш имконини беради. Конъюнктураның мувоғық күрсаткічларини экстраполяция асосида истиқболини белгілаш амалиётда күп турдаги ёндашишлардан фойдаланилади. У ёки бу усулларни таплаш күп жиҳатдан Қаралаёттан конъюнктура күрсаткіч-ларининг табияти вә услублариның үз хусусияттарыга бағылана, шунинг учун уларның мавкеи ва чегараланишларини тұлық тасаввур қилиш зарур.

Іктиисодчилар үртасида үрганилаёттан жараён динамикасини трендге циклик компоненті, мавсумий ташкил этувчи, тебраниш ҳодисасында булиш жуда машхурдир. Қаралаёттан обьектининг шартлы равищда бундай бўлиннишига қарамай ушбу усул күп амалий вазифаларни ечиш имконини беради. Ушбу ҳолатда, иктиисодий адабиётларда ва ималиётда ҳам вакт каторинини иккى модели күриб чиқлади:

1. Аддитив модель:

$$Y=T+G+S+I$$

2. Мультипликатив модель:

$$Y=T \cdot G \cdot S \cdot I$$

бу ерда: **Y** - истиқболини белгілаш күрсаткичи;

**T** - тренд;

**G** - циклик ташкил этувчи;

**S** - мавсумий ташкил этувчи;


**I** - тасодиғий тебранишлар.

Аниқ ишларда мультипликатив модель күп таркалишига мұваффак бўлди, вакт каторининг компоненталари нисбатини аддитив тақдим этилиши конъюнктура истиқболини белгілашда бир қатор кийинчиликларни вужудига келтирац. Бунга сабаб мустақил алоҳида ташкил этувчиларга асосланғанligидир (бошқача айтсак, ушбу ҳолатда алоҳиша компонентлар үртасида үзаро алоқанинг йўклиги таҳмин қилинади).

Вакт каторини күриб чиқылган ажралыши истиқболини белгілашнинг түрли хыллари, алоҳида фирма ва бозорлар даражасында ҳам, умумхўжалик конъюнктура ривожланишининг макроиктисодий күрсаткічлари даражасида ҳам кенг

тарқалди. Чунончи, иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, вақт қаторининг алоҳида компонентлари истиқболни белгилашнинг турли даврлари учун ҳар хил аҳамиятга эга бўлиши мумкин (1- расм).

Мухимлик Мавсумий Циклик Тренд  
даражаси тебринишлар таркиби



1 - расм. Истиқболни белгилашнинг турли даврлари аҳамияти.

Одатда, таҳлил қилинаётган вақт қаторининг бўлиниш жараёни кетма-кет босқичда амалга оширилади. Биринчи итерация мавсумий ташкил этувчини ажратишдан иборатdir.

Кейинги босқичда трендни белгилаш (кўп долларда ўртача сурилувчининг оддий түгри чизиқ бўйлаб пастлашуви ёрдамида) амалга оширилади. Трендни белгилаш мураккаб муаммолардан булиб, истиқболи белгиланаётган жараённинг ривожланиши биринчи даражали аҳамиятга эга.

Кейин циклик компонентлар хисоблаб чиқилади. Одатда у (бу олинган маълумотларга мувофиқ тенгламага киритилгандан қийинчиллик тугдирсада) ўртача сурилувчаникни трендга булиш ёрдамида хисобланади. Ушбу экстраполяцион ёндашишнинг нисбатан кенг таркалғанлиги бир қатор сабаб билан изохланади, хусусан, ушбу услуб амалий ходимларнинг интуитив тасаввур қилишларига имкон яратади, вақт қаторларининг ажралиши кўпчиллик конъюнктура кўрсаткичларининг қисқа муддатли истиқболини белгилашда азча қониқарли натижалар беради.

Конъюнктура истиқболини белгилашнинг бошқа экстраполяцион услублари ичida вақт қаторини силликлашнинг турли хиллари жуда кенг тарқалган, чунончи улар юкорида кўриб чиқилган ажралиш услубларига

караганда янада мураккаб ва сезиларли даражада самарали ҳисобланади.

Силиқлаш операциясининг физик маъноси бошланғич маълумотлардан янада бош динамика билан ажралиб турувчи, тасодифий тебранишларни амалда түлиқ истисно этувчи янги вакт қаторига ўтишни ўз ичига олади.

Ўртача сурилувчанлик талаб истиқболини белгилаш учун фойдаланилганда субъектив баҳолар қўлланганга Караганда аникроқ баҳолашни олиш имконини беради. Бу кисман мутахассисларнинг кўпчилик холоса ва истиқбол белгилашлари хаддан зиёд ҳиссиятга берилган ва ўзгарувчанлиги билан ажралиб туриши билан изоҳланади.

Камчиликларни камайтириш учун тортилган ўртача сурилувчидан кўпроқ фойдаланилади, бу эса уларни тенденция вакти бўйича энг олдинги кузатувчилар учун энг кам оғирлик ва энг кейинги кузатишлар учун энг юкори улуш ўрнатиш воситаси орқали янада аникроқ ҳисобга олиш имконини беради.

1. Ўртача сурилувчанликни ҳисоблаш формуласи:

$$A_n = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n}$$

2. Тортилган ўртача сурилувчанликни ҳисоблаш формуласи:

$$A_n = \frac{\sum_{i=1}^n a_i \cdot X_i}{n}$$

Умуман олганда  $a_1, a_2, \dots, a_n$  коэффициентларни эркин ҳолда ташлаш мумкин, бироқ ҳисоблашнинг қулайлиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтан назаридан келиб чиқиб, кўпроқ уларнинг йиғиндишини 1 га tengлаштирилади ва мувофик миқдорнинг ўсиб бориш тартиби ўрнатилади, яъни:

$$a_1 < a_2 < a_3 < \dots < a_n$$

$$\sum_{i=1}^n a_i = 1$$

Салмоғини аниклаш услубларидан энг кўп тарқалгани экспоненциал тортиш бўлиб, бунда улуш коэффициенти катталикнинг ҳар бир кейинги микдори олдингиси билан доимий мутаносиб нисбатда боғлангандир (бошқача айтганда, улуш йигиндиси 1 га teng бўлган геометрик кетма-кетликни ташкил этади). Бу ҳолатда вакт қатори қўйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

$$aY_t, a(1-a)Y_{t-1}, a(1-a)^2 Y_{t-2}, \dots, a(1-a)^n Y_{t-n}.$$

бу ерда -  $Y$  вакт қаторининг алоҳида даражаси микдори ( $i=1, t-1, t-2, \dots, t-n$ ),  $a$  - улуш коэффициентининг катталиги ( $0 < a < 1$ ).

Шундай қилиб, олдинги кузатишлар таъсири улардан вакт бўйича узоклашгани сари кучсизланиб боради. Истиқболни белгилаш жараёни бир неча босқичлар: экспоненциал силликлаш масаласини қўйиш; баҳолаш коэффициенти моделини танлаш; бошлангич шартларни танлаш; улуш коэффициенти микдорининг энг қулайини ўрнатишлан иборат.

Конъюнктура кўрсаткичлари истиқболини белгилашда вакт қаторининг мувоғик алоҳида даражалари ўртасидаги боғлиқлик кўпинча кузатилади. Ушбу боғлиқликнинг тадлили яна бир экстраполяция услуби - авторегрессияга асос бўлади. Энг кўп ишлатиладиган тўгри чизикли боғлиқлик қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_t = b_1 + b_1 Y_{t-1} + b_2 Y_{t-2} + \dots + b_n Y_{t-n} + E,$$

бу ерда:  $n$  - автопастлашнинг тартиби;

$E$  - тасодифий ҳато (оқ шовқин).

Шу таҳлитдаги ёндашиш бир қатор жаҳон товар бозорларининг истиқболини белгилашда жуда муваффақият билан қўлланилган. Конъюнктура истиқболини белгилашда қўлланиладиган математик экстраполяциянинг мураккаб услубларидан бири Бокс-Дженкінс услуби, унинг асосий афзаллиги, мазкур услубда турли хил характердаги вакт

қаторлари истиқболини белгилаш имконини бериши ва одатда янада аниқроқ истиқболлар олиш имкониятини яратиш билан боғлиқ.

Бокс-Дженкинс услубининг ўзига хос характеристи вақт қаторларининг истиқболини белгилашга тизимли ёндашиш хисобланади. Бунда вақт қаторини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш тренд ва тасодифий компонентлар бўйича алоҳида эмас, балки бир вақтнинг ўзида бирлаштирилган моделда олиб борилади.

Бокс-Дженкинс услубининг илмий тадқиқотларда етарли тарқалганига қарамай, амалий конъюнктуруни тадқиқотларда етарли даражада фаол фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, ушбу ёндашиш юкори самарадорлигини тасдиқловчи мисоллар бор.

Конъюнктура кўрсаткичларини экстраполяция қилинча шу вақтгача асосан табиий фанларда қўлланиб келинган спектриал таҳлил услуги ҳозирги вақтда муҳим рол кисб этди (ушбу услубнинг моҳияти - тадқиқ қилинаётган вақт қаторини ташкил этадиган ўзининг гармоникаси билан фарқ қилувчи даврий компонентларига ажралишидадир).

Ҳозирги кунда иқтисодий жараёнлар, товарлар нархи ва биржалар котировкасини ўрганиш ва истиқболини белгилаш учун спектриал таҳлилни фойдаланиш билан боғлиқ қатор тадқиқотлар мавжуд. Шу билан бирга, конъюнктура истиқболини белгилаш мақсадида спектриал таҳлилни қўллаш кўпгина қийинчилкларга эга булиб, бунда олинган ахборотнинг иқтисодий интерпретациясида ечишмаган бир қатор муаммолар пайдо бўлади.

Экстраполяцияда математик статистика билан бир қаторда аналитик ёндашиш ҳам, айниқса конъюнктура кўрсаткичларининг у ёки бу ҳаракат йўналишларини, биринчи навбатда, биржа нархларини оддиндан айтиб бериш талаб этиладиган ҳолларда, кизиқиши касб этади. Вазифанинг бундай қўйилиши дифференциал тенгламалардан самарали фойдаланиш имконини бераси.

**Такрорлаш үчун саболлар**

1. Товарлар бозори конъюнктурасини бошқаришининг ажамияты ҳақида сұзлаб беринг?
2. Товарлар бозори конъюнктурасида миллий ва регионал хусусияттар нималарда үз аксини топади?
3. Бозор конъюнктурасини тадқиқ қилишининг қандай усууллари мавжуд?
4. Товарлар бозори конъюнктурасида бағо (нарх) сиёсати қандай үрин тутади?
5. Бозор конъюнктурасининг истиқболини алоқида товарлар мисолида аниқлаб беринг?

*“Үз вақтіда тақдым қилиш - ноёб хислардір”*

*Марциал*

## **IX бөб. МАРКЕТИНГДА ТОВАР СИЁСАТИНИ БОШҚАРИШ**

### **9.1. ТОВАРИНІГ ХАЁТИЙЛІК ДАВРИНИ БОШҚАРИШ ВА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**

*Маркетинг операцияларыннан предметтерінің товар (гүрүхләри ёки жамламасы) ва хизматтардір. Улар маркетинг орқасы сотиш учун ишлаб чыкарылған мәденият маңсаулилер. Лекин маркетологлар биринчи ўринде товарнінг пулға алмашиш ролини эмас, балқы ушан фойдаланиш имконияттарини, уни истеммолчиларшының әхтиёжінің қоидириш имконияттарини күядылар. Товар - іюкорища күрсатыб ўтилғаның, сотиш - сотиб олиш, фойдаланыш ва истеммол килиш мақс�다ца бозорға таклиф этилувчи ва талаб, әхтиёж ҳамда зарурлыштың қондирувчи ҳар қандай неъмат. У маңсулот, жысмоний объектлар, хизматтар, жой, ташкилот ва ғоялар бўлиши мумкин.*

Хориж иктисадий адабиётида алмашув предметини маңсулот деб аташади. Юкорида таъкидлаганимиздек, алмашув маңсулоти товар ва маңсулотлардан ташқари алохида шахс ва ташкилотларнннг ҳаракатлари ва ғоялари ҳам бўлиши мумкин. Товарлар ассортименти ва уларни маркетинг нұқтасы назаридан бошқариш йўлларини ўрганиш алохица аҳамиятга этіл (16-чизма). Шунинг учун маркетингли ёндашув бозорға бевосита алоқаси бўлмаган турли ижтимоий муаммоларни, масацан, чекишга қарши курашла, сайёхликни ташкил қилиши ва бошқаларда қўлланиши тасодиф эмас.

Агар товарні маркетинг операциясынннг предмети, яъни алмашув маңсулоти деб қаралса, униң асосий хусусияти истеммолчининиң талабиниң максимал тўла қондириш бўлиши лозим. Бу қондириш факат кутилаётгангина эмас, балқи уйдан ҳам ошиб тушмоги лозим. Ҳаридор кутмаган самара ҳам жуда муҳим.



16 - чиз ма. Маркетинг тизиминде махсулот assortimentini бағдарлама.

Күнчиллик долларда ана шу самара харидорнинг сотиб олиш түғрисица Карор қабул килишини аниклады. Истеъмол самараси махсулоттеги асосий хусусияти билан бир вақтда күшимишта хусусиятларға ҳам боғылған. Товарнинг асосий

хусусияти унинг қандай мақсадда яратилғанлиги билан аникланса, күшимча хусусияти маҳсулотта харидорнинг муносабати билан аникланади. Масалан, майший ёртиш асбобларининг асосий вазифаси ҳонани ёки иш жойини яхшироқ ёртиш бўлса, күшимча вазифаси ҳонани безатишга хизмат қилишдир.

*Маҳсулотнинг функционаллигини унинг техник ва технолагик таъсифлари (эксплуатацияда ишончлилиги, кўпга чидамлилиги, қайта созлашининг осонлиги) ва фойдаланишида қулийлиги юқори эстетик даражаси билан аникланади. Техник-технологик курсаткичларининг жуда муҳимлиги билан бирга уларнинг ўзи харидорнинг товврга бўлган сўнгги қарорини белгиламайди. Масалан, трактор чидамли ва яхши ишлаши мумкин, агар у фойдаланишида нокулай бўлса, бозорда иқтисодий тарафдан, эстетика ва дизайни талабларини хисобга олиб яратилған ҳудди шундай трактор моделига ютқазади. Шунинг учун фирмав ўз маҳсулотини лойиҳалаштираётганца ва ишлаб чиқараётганда маркетингнинг асосий талабларидан келиб чиқиб, техник снёсатида талаб, сўров, эҳтиёжларни ҳар томонлама хисобга олиши лозим.*

*Агар истеъмолчилар маркетинг стратегиясининг асосий обьекти бўлса, маркетинг тактикасининг асосий обьекти эса хизмат ва товарлардир, дейши ўринли бўлади. Маркетинг тактикаси қиска муддатли тезкор қарорлар қабул қилишни, бозорни ривожлантириш йўлларини излаш ва унда доимий ва мустахкам конъюнктурани сақлаб туришини талаб қиласди. Стратегия эса - ўрта муддатли ва узок муддатли мақсаддир. Стратегик қарорлар қабул қилишда истеъмолчиларниң ўзини тутиши бирламчи аҳамиятга эга. Истеъмолчининг бозордаги фаолияти (ўзини тутиши) маҳсулотнинг (хизматнинг) тури ва инмага мўлжалланганингига, бозор сегментига, аниқ ва глобал маркетинг мақсадида, бозор субъектлари фаолияти шароитидаги ўзгаришлар ва уларнинг теварак-атрофига ва маркетинг ёндашувда барча, яъни моддий, молиявий ва меҳнат ҳаражатларини ўз ичига оладиган ресурсларга боешик бўлади.*

Тез ўзгаруучан бозор шароитида маркетинг нүктәи назаридан узоқ муддатлы қарорлар қабул қилиш етәкчى ўринга чиқади. Бу маркетинг харажатлари капитал харажат сифатида майдонга чиккан ва узоқ муддатдан кейин ўз самарасини берәётган вактда бозорга глобал ёндашув зарурнятлигидан келиб чиқади. Мана шундай вазиятта “маркетинг-микс” деб ном олған маркетинг стратегиясидан фойдаланишиади.

Маркетинг-микс маңлум бир истеъмолчилар сегментини олуучи аниқ бир товарлар ёки хизматтар бозорини ўзлаштириш учун қилинадиган маркетинг чора-тадбирләри йигиндисидир. Маркетинг-микс у ёки бу мақсадли бозорда, бозор субъектлари (саноат ёки савдо корхонаси) ёрдамида таъсир қилишинине комплекс воситосидир.

Масалан, илгари совхоз ва колхозлар учун тракторлар ишлаб чиқарған ва ҳозирги кунда шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари, ижарачилар, фермерлар учун мини-тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштираётганды саноат корхонаси маркетинг-микс стратегиясини қабул қилиши лозим. Аввало уч-беш йилдан кейин бозорни тушунтириш учун қандай трактор керак ва уни ишлаб чиқаришга қанча харажат килинади деган саволга жавоб бериш лозим. Кейин Йигин ва эдтиёт қисмлар билан таъмилашни ҳам ўз ичига олуучи технологик занжир бўйича ишни трактор ишлаб чиқаришни харажатлари билан бир вактда уни мақсадли бозордаги харажатларини, реклама ҳарожатлари, устама ва ҷигирмаларни, транспортировка қилиш, саклаш, ултуржи ва чакана савдо харажатларини ҳам аниқлаймиз. Энг муҳими- корхона мақсадли бозорнинг вужудга келган таркиби шароитида корхона учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам сотишдан кейинги хизмат курсатиш харажатларининг бир технологиясини ишлаб чиқаришдир. Истеъмолчи мақсулотни сотиб олиш ва эксплуатация қилишининг тўлиқ харажатлар кийматини билиш зарур бўлса, корхона узоқ муддатга мўлжалланган маркетинг харажатининг тўлиқ ўзини ўзи қоплашини билиш зарур.

Маркетинг стратегиясини ташкил этувчи қарор қабул қилишининг мақсади - истеъмол талабиги таъсир қилишадир.

Унинг воситалари эса - товарнинг сифати ва ассортименти, баҳолар, устами ва чегирмалар, хизматлар, тұпламлар, етказиб бериш тиозими ва бошқалардир. Маркетинг стратегиясининг асосий элементлари үртасида үзаро қарама-қарши алоқалар, вужудга келади. Улар алоқида ҳам, үзаро бөгланған ҳолда ҳам, аммо факт макро мұхиттің әсерінен әзделдіктер. Макро-мұхит омылларига: ижтимоий-сиёсий түзум ва хукуқ; миһлий иқтисодиёт таркиби ва даражаси; маданият, маориф ва удумлар; жамиятдаги фан-техника тараққиёттің даражаси; иқтисодий ва ижтимоий шароит; демографик омыллар киради. Микро-мұхит омыллардан: бир хил тармок корхоналари үртасидаги рақобат даражаси; бозор конъюнктурасы; аниқ бозорнинг таркиби ва харидорларнинг талаби; рақобатчи фирмалардың рекламаси ва бошқалар киради.

Юкорида келтирилған тамойилларга асосланиб, корхона маркетинг стратегиясы на трактикаси ишлаб чиқылади. Корхона маркетинг стратегиясы узок муддатлы даврга мұлжалланған товар ва хизматлар сүтүні ва ишлаб чиқариш бүйінчә тәдбирларнинг күп томонлама тиозимини ифодалайды. Бунда корхона технологиясы на ишлаб чиқариш ресурсларини қысметтегі олган ҳолда товар ва хизматлар ҳажми ҳамда сифатини ошириш тәдбирлари ишлаб чиқылади. Күрсатылған имконияттарни қысметтегі олган ҳолда корхонанинг ривожланиш истиқболларини ва әңг оптималь мәксадларини акс эттирувчи стратегиясы ишлаб чиқылади. Корхона маркетинг стратегиясини анықлашда асосий күрсаткыч корхона товар ва хизматтар ҳажми, унинг улуш, фонд ставкасы, фойда ва ҳоказони қысметтегі олыш керак. *Стратегия — узок муддатлы ризоолжанышта қаралат режаси бўлиб, юқори натижаларга эришишга қаратилгандир.* У корхонанинг бозорда ҳаракат қилиш, янги бозорни әгалаша бүйінчә йўналиш чизиги ва ҳолатига бөғлиқ уч хил бўлиш мумкин. Булар куйидагилар:

**1. Ҳужум килувчи стратегия.** Корхоналар бу стратегиядан фойдаланғандарында корхона товар ва хизматлар бозорини көнгайтириш учун бозорнинг мукобил улушкини әгалашга қаратилған. Бу 20 фонд харидорлар бозори, улар

корхона таклкф қылған хизматнинг 80 фоизи сотиб оладилар. Авваламбор, ички бозор, сүнг эса аста секин чет зөл бозорини әгаллаб бориш назарда тутилади.

### **2. Марраларни ва ютукларни ушлап стратегияси.**

Бу стратегияга мұвоғынк, корхона товарлар ға хизматлар бозорларида әришилған үзүүнни ушлаб түришга ҳаракат килинади. Агар шу бозордаги корхона фаолияти уни қониқтирса ға бошқа чора құлланылған салбий натыжа берсө, мазкур стратегия ўзини оқлаган ҳисобланади. Бу стратегия ханғли бўлиши ҳам мумкин, чунки у ҳаракатдан тўхтаб түришга чорлайди. Бу эса рақобатчилар учун қўл келиб, корхона хизматлари бозордан сиқиб чиқаришга олиб келиш эҳтимолини туғдиради.

### **3. Орқага чекиниши стратегияси.** Бу стратегия корхонанинг ўз рақобатдошларидан кўрсатқичлар жиҳатидан орқада қолаётганини сезса, бу ҳолда бозорда ҳаракатни тўхтатиши маъқул ҳисобланади, собиқ шериклар билан алоқани узмаслик мақсадга мувофиқдир. Бу стратегия корхона маркетингига келажак фаолияти учун яхши мактаб бўлиши ға ундан тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Маркетинг-микс концепцияси корхона учун бозорга таъсир қилишнинг барча воситалари қийматини ға кутилмаётган самарани ҳисоблашни албатта талаб қиласади. Мана шу ерда бозорга чиқарилмаётган товарнинг ҳәётийлик даврини билиш мухимдир.

Бозорга таклиф қилинган ҳар кандай товар ўз ҳаридорини топа олиши мумкин бўлган ўзининг маълум ҳәётийлик даврига эга. Товарларнинг ҳәётийлик даврининг босқычлари бир-биридан фарқ қиласади (17-чизма).

Ҳар бир босқыч учун ўзига хос маркетинг тактикаси тўғри келади. Товарнинг даврий босқычларига боғлиқ ҳолда бозор субъектлари турлича фойда олади. Товарнинг ҳәётийлик даври кўпгина омилларга боғлиқ. Товар ҳаракатининг яхши ташкил қилинганлиги, товарнинг ҳәётийлик даври босқычларга мос равнишда унинг баҳосини дифференциялаш орқали - Товарнинг ҳәётийлик даврининг ўзига ҳам таъсир ўтказиш, яъни унни узайтириш ёки кискартириш мумкин.



17 - чизмә. Товарниң ҳаётйлилік даври.

**Биринчи босқич бозорга товарни чиқарыши (киритиши) давридір.** Товарға талаб секін үседі, шунинг учун бу даврда фиол рекламадан, яғни қызметкерлердің маркетинг тактикасы талаб қилинаған.

**Товарниң ҳаётйлилік даврининг иккінчи босқичи - сотиши мөндорларининг тез үсіб бориши күзатылады және юксалиш давридір.**

**Учинчі босқич - товарниң етуклик босқичи.** Бу даврда сотиши даражасы иккінчі босқичға нисбатан анча паст болады.

**Түртінчі ва бәзі ұлдарда бешинчі босқичларда талаб секін, кейин эса кескін пасайды.**

Шундай күліп, товарниң ҳаётйлилік даври босқичларыңызға үзгартылған бўлиб, мақсадли бозорда турли маркетинг даражаларини талаб қилади. Товарниң ҳаётйлилік даври эгер чизик шакли даврлар доимийлігінде товарниң қызындығы, яғни уннан үткел шарттардан фарқ қылуынан янги қызындығынан болжылған болади. Яна товар қызындығының истемолчилар талабынан жараба берішин мүхим адамияттаға етады.

**Товарниң ҳаётйлилік даври** үрин алмаштырудың тауларлар сонига және үларниң рақобаттардошлығына ұлардың болғаны. Эгер чизик шакли бир бирлік товарни ишшаб

чиқариш харажатлари билан ҳам аникланди. Масалан, замонавий электрон техникалар ишлаб чиқариш бугунги кунда жадал ўсиб бормокда, аммо замонавий ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш натижасида унга килинаётган умумий харажатлар камаймоқда.

Шундай килиб, маркетингли ёндашувда товарнинг ҳаётийлик даврининг биринчи босқичларидан күпроқ жадал фойдаланиши ва уни мөдеңлар яратиш, улар бозорини ривожлантиришининг барча чора-тадбирларини күриш керак.

Күпчилек товарлар киска муддатли талабига эга булади. Уларнинг ҳаётий даври давомийлигини англаб олиш кийин. Айникеа бу мода тасири кучли бўлғаъ товарларга хосdir. Бундай товарлар ҳаётийлик даврида иккита босқич: биринчи босқичда сотишнинг кескин ўсиши, иккинчи босқичча худди шундай кескин пасайиши билан ажратиб туради. Бошқача айтганша, товарни бозорга босқичма-босқич киритиш мавжуд эмас. Бу моданинг чўққиси узоқ эмаслиги, бирданнiga ва кескин пасайиши билан тушунтирилади. Талеб ҳам кутилмагандан кескин пасаяди. Шунинг учун ўта модали маҳсулотларни бозорга чиқариш катта тижорат таваккалчилиги билан бошлиқ. Бундай маҳсулотларнинг нархи биринчи босқичда жуда юқори бўлади. Факат мана шу орқали таваккални оқлаш ва иккиган босқичча талабнинг кескин пасайиши натижасида кўрилалиган харажатларки қоплаш мумкин.

Баъзи бир модали маҳсулотлар уч босқичли ҳаётийлик даврига эга. Охирги босқичда талаб аста-секин камайди. Унинг ўрнини босувчи товар билан сикиб чиқарилади. Масалан, кекса кишилар модага анча бефарқ бўладилар ва вактинича модадан чиқкан нарсаларни сотиб оладилар: Моданинг яна қайтиш ҳоллари, яныни бир товарнинг иккинчи ҳаётийлик даврига иисбатан камроқ тебранишида унинг яна ўсиши ҳам кузатилади. Масалан, 60-йилларда биз ички бозоримизда қандай маҳсулотларига бўлган талаб юқори эди. Вакт ўтиши билан уларга талаб камайиб кетди, 80-йилларга келиб эса бу маҳсулотга талаб яна кескин ошиди.

Баъзи бир маҳсулотларга узайтирилган товарнинг ҳаётийлик даври ҳосдир. Бундаи ҳолларда талаб узок бўймаган барқарорлашув ва пасайишдан сўнг яна унинг ошиши кузатилади. Бундай ҳолнинг кузатилишига сабаб турлича булиши мумкин. Масалан, товар қўлланишининг янги соҳалари топилганлиги, янги бозор сегменти, баҳоларнинг пасайишин ва бошқалар. Куйнада биз классик товар ҳаётийлик даврининг босқичларига баҳо на фойда билан биргаликда уларнинг асосий тавсифларига тўхталиб ўтамиз.

*1. Товарни бозорга киритиш (чиқариш) даври* - бу даврда факат товарнинг ҳаётийлик даври кейинги босқичларининг ривожи билан қопланадиган анча ҳаражатлар килишига тўғри келади. Шунинг учун корхона бозорга чиқишдан олдин - ҳаражат ва фойдани тахминан ҳисоблаб чиқиши зарур. Агар ишлаб чиқарувчи, а ҳаражатларни қоплашта ишончсизлик туғилса, маблағларни сарфлаш шарт эмас.

Товарнинг ҳаётийлик даври биринчи босқичида унинг сифати ва обруси муҳимдир. Маркетингнинг стратегик фиолиятида муҳим роль маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозор қоғъюнктураси мисаласида битимга, яхши квалификация ва тажрибага эга бўлса, ютук үшаники. Товар сифатини назорат қиладиган бўлимлар ишни яхши йўлга қўйиш лозим. Чунки товарнинг сифати рақобатбардошлигини анҷқлайди. Товар сифати мезошари факат унинг техник царжасигина бўлиб қолмай, балки маҳсулотнинг эстетик ва эргонометрик хусусиятлари, унинг тежамлилиги, қайта таъмирланиш қобилияти, қадоқлаш, баҳоси, бошқа маҳсулотлар билан алмаштириш ва тўлдириш нисбати, хом ашёсининг тури, фан-техника тараққиёти ва итроф-муҳитни тозалашга живоб бериш хусусиятлари ҳам ҳисобланади. Ўта қиммат турувчи маҳсулотларнинг сотилишини истиқболлаш (прогнозлаш) учун синов бозорларидан фойдаланилади. Бу товарни бозорга жорий қилинга кўмаклашувчи омилиларни ҳисобга олишида корхона ўз муваффакиятини (муваффакиятсизлигини) баҳолаш имконини беради. Синовли сотини: товарни харидорларнинг қандай гурӯхлари

кабул қилиши, қандай баҳода, кўрничида, қандай бозор сегментида, маҳсулотда қандай камчиликлар аниқланғасиги, қандай реклама воситаси энг самаралигитини таҳминоташти имкон беради. Корхона маҳсулот гурнга ва бозор сегментига караб баҳоларни кўяди. Бугунги кунда бизда ҳам эркин нархларга ўтиш кенг кўлланмоқда. Ана шу ерда бозор талабларига мослатини уларга караб мўлжал олишини улдасиди чиқиш жалб қилинади. Бозор контъюнктураси ҳисобга олмасдан қуруқ баҳоларни кўтариш ҳеч қандай муваффакият келтирмайди.

**2. Юксалиш даври.** Товарнинг хаётйилк даврининг иккинчи боскичида биринчий боскигча қилинган харажатларни қайтаришни лозим. Агар бу рўй бермаса, иккита йўл мавжуд: биринчий йўл - маркетинг харажатлар кескин камайтириш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиш; иккинчий йўл - бозорга киритилган товарнинг сифатини яхшилаш харажатларини ошириш, сотиш шароитларини такомишаштириш ва шу билан биргэ харидорлар товарларни яхшироқ кабул килишлари учун унинг баҳосини пасайтириш. Факат ана шуидан сўнг кетган харажатларни қоплаш ва фойда олиш чора-тадбирларини кўриш керак. Бу маркетинг тактикаларидан бирини тянилашдан олдин керакли иқтисодий ҳисоб-китобларни килиш, бозорни ўрганиш ва рекламани моҳирлик билан қўлташни амалга ошириш зарур.

**3. Етуклик даври** - Бу даврла сотиш ва фойданнинг ўсишини таъминлаш мұхимдир. Бу ўз-ўзидан содир бўлмайди. У товарни реализация қитувчи воситаларга боғлик. Маркетинг харажатларини камайтириш билан бир вактда янги бозорларга чиқиш ёки мавжуд бозорнинг янги сегментларига чиқишни ҳам унутмаслик керак. Бу боскичга яна маҳсулот сифатини яхшилаш ва ракобатбардошлигини оширишни, мослашувчан баҳолар ўрнатишни, товар харажати занжирини такомишаштиришини, сотиш шартлари ва рекламани ҳам унутмаслик зарур. Бу боскичда товар айланиси доирасининг имкониятлари ҳам мұхим аҳамиятта эга. Энди бозорда етакчи ролни савдо корхоналари ўйнай боштайди. Албатта, бу етарли даражада товар таклифи мавжул бўлган ҳолзагина содир

булади. Маркетинг харажатларини қоплаш савдо корхоналарига ва уларга товар етказиб берувчи тарининг ўзига бөглиқ булади.

Товарнинг хаётийлик даври етуклик босқичида ҳали сотиш ўсиб бораётган шаронтида корхона янги маҳсулот турлари ва уларни янги хаётийлик даврига тайёрлаш түғрисица ўйламоғи зарур.

*4. Насайиш босқичида* - бу түғриседа ўйлашта вакт бўлмаслиги мумкин. Товар хаётийлик даврининг охирги босқичида, янги товарнинг бозордан чиқиш даврида, бозорнинг кискарилиши шаронтида асосий вазифа ишлаб чиқаришини кискартириш, товар захираларини реализация қилиш, товарни истеъмолчига етказиб берниш харажатларини пасайтириш кўнҳолларда баҳони ҳам пасайтириш хисобланади.

Турли фирма ва корхоналарнинг фаолиятидан шу нарса маълумки, товарнинг хаётийлик даври классик шаклидан бошка кўринишларга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, самарали маркетинг фаолияти натижасида товарнинг хаётийлик даврининг биринчи босқичиданоқ сотиш ва фойданинг юкори суръатларига эришиш мумкин, кейинги босқичларда бу юкори босқични ушлаб туришга харакат килиш "буш" эгри чизиги орқали тасвирланиши мумкин.

Товарнинг хаётийлик даври сотишининг кескин ўсиши ва худди шундай кескин пасайишни кўрсатувчи "усиши" эгри чизиги шаклида ҳам бўлиши мумкин. "Давомли ошиши" эгри чизиги сотишининг кескин ошиши, кейин ўртача даражалари камайишини билдиради.

Мода ёки мавсумийлик эгри чизиги бозорда товарнинг мавсумийлик сотилишини, яни бир ошиши ёки бир камайишини билдиради ва д.к.

## **9.2. МАРКЕТИНГДА РАКОБАТ ВА РАКОБАТБАРДОШЛИК ТУШУНЧАСИ**

Ракобат - товар ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан биридир. Бозор бор экан, унга ракобат ҳам мавжуд. Бозорда юзлаб ва ҳатто

минглаб корхона, фирма, олиб сотар ва умуман, сотувчилар ҳаракатда бўлади. Бу шароитда уларнинг ҳар бири ўзининг рақобатдош рақибига нисбатан маълум позициясини эгаллаши ва қандайдир рақобат устунилигига эришиш учун курашмоғи лозим. Акс ҳолда унинг ўзи хонавайрон бўлиши, инкиrozга учраши ёки бошқа рақобатдош корхона, фирма томонидан ютиб юборилиши мумкин. Шунинг учун ҳам рақобат ҳеч бир корхона, фирма, корпорация ёки ташкилотга, унинг катта-кичиклигидан катъий назар, хотиржам бўлишга йўл қўймайди, уларни доимо ҳаракатда бўлишга, ўзгараётган шаронтга мослашнишга, ўз имконият ва резервларини ишга солиб янади юқорироқ, яхшироқ шатижаларга эришишга мажбур қиласди. Демак, рақобат уларнинг ривожланишига кўмаклашади.

Гарвард университети (АҚШ) ходимлари томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари шуни кўрсатадики, ўз рақобатчилицидан бозорга муайян товар олиб чиқишида бир йилга кеч колган фирма, корхона олиниши кўзда тутилган фойданинг 50 фоизидан ажralиб қолади. Рақобат фирма, корхоналар товарлари сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг таниархини пасайтириш, меҳнат, молия ва моддий ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш ва оқибатда юқори фойда олиш учун узлуксиз курашда бўлишни тақозо этади.

*Фойда олиш, юқори рентабеллик даражаси учун кураш, яъни рақобат товар хўжалигини ҳаракатга келтирувчи кучдир, товарнинг ўзи эса рақобат курашининг қуроли сифатида намоён бўлади. Бу курашда рақобатбардош товар голиб чиқади. Айнан шу экспортчининг бош мақсади ва рағбати бўлиши лозим. Рақобатдош товар бир вактнинг ўзида давлат эътиборининг обьекти, ташки иктисадий стратегиясининг марказий масаласи бўлиши шарт.*

Қайси бозорда таклиф талабни ўстирса, шу ерда рақобат кураши соҳасида олди-сотди ишлаб чиқарувчи рақиблар орасида кучаяди. Истемолчи бу курашини тинчлантирувчи сифатида майдонига чиқади. Айнан истемолчи кўп сонли даъвогар сотувчиларнинг, товарларни бир-бирига

солиштириб кўриб, энг яхисини танлаб, курашни шу товар фойдасига ҳал қўлади. Бундай шароитда ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз истеъмолчилари учун курашади ва униг тўлов қобилиятини ўстириш максадида ўз товарларини кафолаттайди. Кўп микдорда товар билан таъминланган бозорда дурустрок истеъмолчига эришиш учун истеъмолчининг талабини юкори дарважада кондириш, бошқа рақибларга ишбатан кўпроқ кулайликларни таклиф килиши мумкин бўлади.

Бозор талабининг пайдо бўлини, товарни лойиҳалаштириш босқичида уши таъминланшину жумкин бўлган афзаликлари ва усуслари, қайта ишлани, ишлаб чиқарниш, олди-сотди, сервис хизматлари кабиларни аниqlани маркетологларнинг хизмат бурчидир. Бунда товарлар сотишини ташкил қилиш реклама фаолиятини, товарнинг яшаш даврини ҳисобга олиш, баҳо стратегиясини танлаш ва вийникса, истеъмолчи билан ишлаш алоҳида ўрин тутади. Америкалик машҳур ишбизармон Л. Вин истеъмолчи ҳакида шундай дейди. "Истеъмолчи - бу ўта муҳим шахс. Истеъмолчи бизга боғланган эмас, балки биз унга боғланганимиз. У бизнинг ишимизга ҳалақит бермайди, аксинча у бизнинг ишимизда бош мақсад ва мантиқдир. Истеъмолчи шундай шахски, у билан тортишиб бўлмайди. Улар билан тортишиб қеч қачон ҳеч ким ютган эмас". Истеъмолчи - бу бизга ўзининг вазифамиз шу истакларни ўзимиз учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам фойда келтирадиган қилиб бажаришдир. Ҳакиқатан ҳам корхона маҳсулотининг харидори ҳак, шундай экан, уларнинг эктиёжини ўрганиш, талабларини аниqlаш ва йўлга кўйиш муҳимдир. Бу ишларнинг ижобий ҳал бўлишида рақобат кураши алоҳида аҳамиятга эга.

Рақобатда товар сотишдаги ютуқ бошқа фирма реализацияси қобилиятини кисман ёки бутуналай синдириш билан ўлчанади. Бунда, янги, сифатли, рақобатбардош товар ишлаб чиқарниш бошқа фирманинг товар сотишдаги принципиал имкониятини ўз кўшиш омили ҳисобланади. Юкоридаги ҳолатлар, яъни ютуклари фирманинг рақобатдошлиқ имконияти даражасининг ўсишини

бидиради. Рақобатбардошлиқ тушунчаси худди товарга бўлгандек, ҳар бир мамлакат ёки мингақацаги капиталга, фирмага ҳамда миллий капиталга нисбатан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бозорнинг ўзида капиталнинг рақобатбардошлигини товарнинг рақобатбардошлиги у ёки бу даражада кўрсатиб беради. Айнан шунинг учун биз эътиборимизни товарнинг рақобатбардошлиқ имкониятига қаратамиз. Рақобатбардошлиқ - бошқа товарларнинг хусусияти ёки бозор талибининг юзиги келиши билан боғлиқ товарнинг сифат ва иқтисодий хусусияти комплекс баҳоси, барчи мажмунини ўзида жамловчи товарнинг нисбий тавсифидир.

Харидор бозорида товарнинг рақобатбардошлиги истеъмолчи нуктаи назаридан қарашади. Кучли рақобат шароитида бундай ёндашиш рақобатли бозор натижаларига зришишга йўл кўрсатади. Товарнинг рақобатбардошлиқ баҳосига ишлаб чиқарувчи нуктаи назаридан ёндашиш анъянавийдир (айниқса, тақчил товар бозорлари учун). Бу экспортчи стратегияси ва ҳамма ўтказиладиган ташкилий ишларда рентабеллик билан таъминлаш мақсадида доимий назорат қилиб бориш асосида шакллантирилган. Шуни ҳам билиш керакки, рентабелликни таъминлаш, муҳимдир. Лекин бозорда муваффакиятга эришиш шартига бу етарли эмас.

Истеъмолчининг муваффакиятли товарнинг рақобатбардошлиги баҳосини шахсаш баҳолаши ҳисобланади. Шунинг учун экспортчилар бу баҳодан ўз ишларининг асосий йўналишида фойдаланишиари керак. Товарларнинг сифатини кўтариб, рақобатбардошлигини кучайтириш фан-техника тараққиётини натижаларини изчил ишлаб чиқаришга тадбик этиш билан амалга ошириб бориш ўз самараларини беради. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, дунё бозорида илдам қатнашишда товарларир сифатини кўтариб, рақобатбардош товарларига айлантириш энг долзарб муаммолардандир. Бунинг учун ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиётининг охирги натижаларини тадбик қилиш,

бу муаммони тезрок ҳал қилишда чет эл ракобатдош фирмаларининг технологияларидан турли йўллар билан фойдаланиш лозим. Чет элларининг таники, ракобатдош фирмалари билан шартномалар тузиш, кўшма корхоналар очиш, капитал киритиш, ишлаб чиқариш восьиталарини сотиб олиш, чет элларда измий кашрлар тайёрлаш, маълака ошириш тафбирилари энг кулай имкониятлар беради. Бундай тафбирилар орқали товарлар сифатини дунё стандартни даражасига етказиш Узбекистон учун ҳозирда энг муаммоли вазифа хисобланади.

Ракобат ва ракобатдошлик мөхияти ҳакида фикр юритилар экан, уларнинг ривожланиш тарихини ҳам назардан четда колдириш мумкин эмас. Маъмурий буйруқбозлик ва марказдан режалаштириш тизими хукмрон бўлган жамиятда хеч қандай ракобат, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳакида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Масалан, агар бирор йирик шахарда бир қатор енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд бўлган тақдирда ҳам ва бир-бирлари билан ракобатлаша олиш потенциалига эга бўлсалар ҳам, бундай бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бир товар ищлаб чиқарувчининг ўзига биринкирилган ўз истеъмолчиси бор. Истеъмолчилар таплаш хукуқидан маҳрум эдилар. Маҳсулот етказиб берувчиликар ўзларининг мутлак харишорларига эгаидилар. Харишор юкоридан биринкирилган маҳсулот етказиб берувчидан тона олмайди. Акс ҳолда ундан ҳам курук қолиши мумкин. Оқибатда, барча товар етказиб берувчиликар молларининг тўлиқ танқислинидан фойдаланиб, ҳозирги шаронгта ростмана монополист бўлиб қоладилар. Улар маҳсулотларига баҳони ўзлари белгилайдилар. Истеъмолчиларга ўз буйрунини ўтказашиган булашилар.

Якин - якшигарда ҳам ракобат ҳакида, у капитализм яратган ишлат, "инсон - инсонга бўри" бўлган жамиятда кучлиларининг кучсизлар устидан хукмрошик қилиш куроли, иқтисодий қарамлик, мустамлакачилик, тенгизлилк, очлик ва урушларни кептириб чиқарувчи бир оғат, ваҳшийлик сифатида тақкин қилинади. Эндиликлар иқтисодчиларнинг аксарият кисми ракобатни жамият ривожланишининг асоси,

түкин-сочинликка эришиш йўли, иқтисодий муваффакиятлар, мустақиллик, теранлик гарови деб, унга маддиялар ўқимоқдалар.

Бизнинг фикримизча, ҳақиқатан ҳам рақобат капитализминг пайдо бўлишида, барқ ўриб ривожланишида асосий омиллардан, ҳаракат ва таянч негизларидан бири бўлиб хизмат қилган. Бирок, у ҳозирги кунда ўзининг асл мөхиятини ўзгартириб, такомиллаштириб, ўзгача мазмун касб этиб бормоқда. Ҳаттоқи у капитализминг тез ривожланишига бир мунча тўсик бўла бошлади. Агар рақобатнинг дастлабки босқичида ким-кимни енгади, ким кимматрек сотиб, арzonроқ олади, қандай бўлмасин бирининг бойини иккичининиң инқирози асосида, синдириш ҳисобига амалга ошган бўлса, бу атрибулар эндишикда замон талабига тўғри келмай қолди. Чунки, кимнингдир гўри устига қаср, бахтсизлиги устига таҳт куриб бўлмаслиги аёндир. Ҳақиқий бизнес рақобатни ҳамкорлик, ўзаро ёрдам орқали ямалга ошириш, рақобатнинг дастлабки кўринишига иисбатан 10 ва 100 хисса фойдалироқ эканини исботлади. Афсуски, бунга ҳам АКШ, Германия, Япония каби ривожланган мамлакатларда олдинроқ тушуниб етдилар. Масалан, Ф.Котлернинг ёзишича Хьюстон ва Даллас шаҳарларида телетрансляция ташкил қилиш ҳукукига лицензия олиш учун жуда қаттиқ кураш бўлган. Рақобатчилар кўп эди. Федерал ҳокимият заявкаларни кўриб чиқиш муддати охирлаб қолганда факат икки рақобатчи: Денвер Нагтете компаниясининг эгаси Сид Шленкер ва электротехника, телефон алоқалари, телевидение, ЭХМ дастурлари билан таъминлаш маркетинги билан шуғулланувчи Блок қолганилиги маълум бўлиб қолади. Шунда Сид Шленкер Бобга телефон қилиб, ундан: “Музокара олиб борсан нима дейсиз”? деб сўрайди”. Бунга Бобнинг розилигини олгач, улар учрашиб ҳар иккала шаҳарда иккалалари телетрасляцияни ташкил қиласилар. Бир-бирларини кўллаб-қувватлаб иш қўрадилар ва муваффакият қозонадилар. Бобнинг ҳикоясига Караганда, бир неча йилдан сўнг Сиднинг бир шартномаси заарални бўлиб чиқади ва

уңдан кутулиш учун Бобга мурожаат қилади. Боб эса унга ўз манфаатидан кечиб ёрдам беради ва уни асраб қолади. "Киссадан ҳисса" деганиларицек, бу мисол рақобатчилар билан ҳамдўст бўла бўниш, улардан ҳам фойна чикара олиш йўлини ўйлаб топиш лозимлигига ўргатади. Ҳозирги кунда ҳар бир корхона бошқасига душман, рақиб сифатида эмас, ўзига келажакда таянч ҳамкор бўлниши, шерик сифатида қараш кутгилмоқда. Улар билан баҳо талашиб, савдолашиб вақт кетказиш ўрнига, ўз маҳсулотига қандайдир янги сифат киритиб, истеъмолчилар сафини кенгайтиришга, ўз рақибига йўл бериб, уни ҳамдўстга айлантиришга иштилиши диққатга сазовордир. Шундай қилиб, бугунги кунда рақобат олиб боришнинг энг яхши усули - ҳамкорлик ўрнатишидир.

### **9.3. РАҚОБАТ УСУЛЛАРИ ВА ТОВАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШКАРИШ**

Рақобатнинг бир қанча турлари, кўринишлари ва усувлари мавжуд бўлиб, унинг таъсир кучи бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига монац ортиб боради. Эндиғина ривож топаётган товар хўжалигига рақобатчиликнинг иқтисодиётдаги роли деярли сезилмаган. Бозор хўжалигининг ривожи рақобатга оммавий тус берган ва унга бекиёс куч бағишилаган. Уларнинг ҳарактерли ҳусусиятлари, бир-биридан фарки қўйицаги жадвалда ўз ифодасини топади (8 - жадвал).

Рақобатнинг икки усули бўлиб, улар баҳо(нарх)лар асосидаги рақобатлашуа *ва баҳолардан фойдаланмай рақобатлашувош*. Баҳолар асосидаги рақобатлашувни одатда ўртача ҳамда кичик фирмалар қўллайди. Катта фирмалар кўриладиган зарарлари жуда катта бўлиши мумкинлиги учун буңдай йўл тутмайдилар.

Маркетинг изланишлари шуни кўрсатадики, нотаниш, янги бозорни эгаллашда "10 фоиз усули"дан фойдаланиш яхши самара беради. Товар сифати етарли даражада юкори бўлса, ўз рақобатчиларига нисбатан фирма товарига 10 фоиз пастрож дарижада баҳо белгилашин мақсадига мувофиқ.

### Рекобат жохатидан бозор моделларининг хүсүсиятлари<sup>1</sup>

Характерли хүсүсиятлар	Бозор тизими (рекобат) моделлари			
	Соф рекобат	Монополистик	Олигополия	Соф монополия
Фирмалар сони	жуда күп	күп	бир неча	битта
Махсулот түри	стандартланган	табақалашган	ихтиослашган ёки табақалашган	ноеб ўрнини босувчи товар йүк
Нарх устидан назорат	йүк	тор доирада бор	ўзаро бир-бирларига боглиқ туфайли чек- ланган яширин кели- шувдэ сезиларли	сезиларли
Баҳосиз назорат	йүк	қисман бор, асосан реклама, савдо бел- гиялари ва маркала- смыга таянади	бор, айникиса, махсу- лот табақалашганда бу тизимга хос маълум чеклашлар мавжуд	бор, асосан фирманинг жамоат ташкилотлари билил алоказини реклама килиш орхали
Тармоқта кириш	жуда осон	нисбатан осон	сезиларли түсик- лар мавжуж	тишиб булмайдиган түсиклар мавжуд
Маълумот олиш имконияти	маълумот олиш имконияти хамма учун тенг	маълум чеклашлар бор	маълум чеклашлар мавжуд	маълум чеклашлар мавжуд
Мисоллар	кишлук хужалиги	чакана савдо, ки- йим-кечак, пойаб- зал ишлаб чикариш	пўлат, автомобилль, киш- лук жўжалигига инен- тарлари, магнит, электр ассоблари ишлаб чикариш	жамоат хизматини килуви мяхаллий коғоналар

Шундай қилингандагина фирманинг мазкур бозорга кириб бориши осонроқ күчади. Баҳо асосидаги рақобатнинг яна бир күриниши - кескин, яъни 20-60 фоиз (айрим ҳолларда 90 фоиз) баҳоларни туширишдири. Бундай чоралар кенг реклама қилинади. Бунда фирма, бир томондан, мавсуми ўтган ёки эскирган маҳсулотни сотса, иккинчи томондан, арзоилашган маҳсулотни сотиб олиш учун келган ҳаридорлар йўл-йўлакай баҳоси туширилмаган бошқа маҳсулотларни ҳам ҳарид қилишлари мумкин. Баҳо асосидаги ракобат курашининг яна бир канча йўллари ҳам мавжуд. Аммо ҳозирги кунда истеъмолчилар кўпинча маҳсулотнинг баҳосига эмас, балки биринчи навбатда (товарнинг) фойдали фазилатларига аҳамият беришади ва шу фазилатлар маъқул келса, товар учун кўпроқ пул тўлашга ҳам тайёр бўладилар.

*Маркетинг изланишлари шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда ҳаридорлар товар ҳарид қилаётганда биринчи навбатда унинг фазилатлари, ташқи кўриниши, дизайнiga аҳамият беради. Бундан кейин товарнинг техник кўрсаткичларига эътибор берадилар. Шундай кўрсаткичлар ичida нарх-наво 6-7-ўринларда туради. Лекин бу бой, аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлған давлатлар учун хос ҳусусиятдир. Ваҳоланки, бизнинг Ўзбекистон каби мамлакатларда баҳо ҳозирча ҳаридор учун муҳим кўрсаткич бўлиб қолади. Буни албатта ҳисобга олиш зарур. Етук фирмалар баҳолардан ташқари рақобатда қуийдаги нарсаларга эътибор берадилар ва эвазига фирманинг бир текис ривожланишига эришадилар:*

- товарнинг техник жихатдан янгилиги, унинг автоматлаштирилиши;
- товарларнинг янгидан-янги эктиёжларни қондириш имкониятлари;
- ўхшац товарларга нисбатан ишлаб чиқарилаётган товарнинг чидамили, ишончлилиги, сифатининг юқорилик даражаси;

- товарларни сотиб олган харидорларга күрсатиладиган хизматларнинг хилма-хиллиги, ҳолати;
- товарларнинг тежамлилиги, ихчам, фойдаланишдаги самараси;
- атроф-муҳит учун экологик тоза булиши ва ҳоказолар.

Уларнинг ҳар бирининг аҳамияти - катта ва кучли фирмаларда шу нарсаларга аҳамият бериш фаолият, турмуш тарзига айлангани. Рақобатнинг ноформал, жамият томонидан қараланадиган тури ҳам мавжуд. Бу ўринда гирром рақобат тўғрисида ҳам сўз юритишимиз керак. Рақобат фирмалар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлгани учун, улар ийрим ҳолларда рақобат курашида ғайриқонуний усуллардан ҳам фойдаланацилар. Бунда улар давлат томонидан рақобат курашини тартибга солувчи турли қонун ва қоидаларга ҳилоф равишда иш қўрадилар. Ғайриқонуний усулларга қўйидағиларни киритиш мумкин:

- баҳолар бўйича бир нечта фирмаларнинг ўзаро келишиб олишлари;
- бошқа фирмалар товарларининг номлари, ташки кўриниши, товар нишонасини ўзбошимчалик қилиб руҳсатсиз фойдаланиш;
- рақобатчилар тўғрисида нотўғри ахборот ёки тўғри бўлса ҳам уларнинг обрўсига зиён берадиган маълумотлар тарқатиш;
- рекламада товарларни ножёя солиштириш, ахборот бериш;
- рақобатчиларга нисбатан рэкет, шантаж ва ҳоказолар ёрдамида зўравонлик қилиш;
- рақобатчининг тижорат сирларини пинхона билиб олиш;
- конфеденциал ва маҳфий маълумотларни овоза қилиш;
- товарнинг сифати, хусусиятлари каби масалада харидорларни алдаш, нотўғри ахборот бериш ва реклама қилиш.

*Товарларнинг рақобатбардошлик даражаси бир қанча омиллар таъсирида бўлади. Уларнинг айримлари ижобий,*

айримлари салбий, баъзилари узок вақт, баъзилари қисқа вақт, айримларп түғридан-түғри (бевосита), айримларп билвосита таъсир кўрсатади. Маркетологлар товарларнинг рақобатбардошлик омишларини ўрганишда, уларнинг ҳар бирига алоҳида баҳо берадилар, юқори даражада улушга эга бўлганларига кўпроқ ургу берлиб, унга эътиборни кучайтирадилар. Фирмалар рақобатбардошлиги ўрганилганида ҳам унинг алоҳида олинган бозордаги, тармоқдаги ўрни, "нишаси" антикланаци. Яъни уларнинг ўрни, ҳиссаси қайси омил хисобига яхшиланиши, кўпайиши белгиланади. Омиллар таҳлили шу билан чегарацаниб қолмай, мамлакат ва жаҳон миқёсига ҳам чикмоги лозим.

Умумжаҳон стандартларига кўра рақобатбардошлик даражасини аниқлашда 100 дан ортиқ иқтисодчи-экспертлар ва 340 га якин кўрсаткичлардан фойдаланилади. Олинган натижалар 10 та омил бўйича турухланади. Бу омишлар иқтисодий потенциал ва иқтисодиётнинг ўсиши суръати:

- саноат ишлаб чиқаринанинг самарацорлиги;
- фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, фантехника ютукларини ўзлаштириш суръати;
- ҳадкаро меҳнат тақсимогида қатнашиш;
- ички бозор синими ва динамизми;
- молия тизимининг мослашувчанлиги;
- иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши;
- меҳнат ресурсларишнинг квалификация даражаси;
- меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси;
- ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ахвол билан бөглиқ.

Бу омишларини айримларига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Ҳар бир рақобатчининг бозорда голиб булишида, аввало унинг иқтисодий ахволи, потенциали, ривожланиш суръатлари асосий омиллар. Чунки улар товар сифатини, баҳосини, самарацорлик ва бошқа кўрсаткичларини ҳам яхшилашга имкон берувчи омишлардир. Булар ичизда айнан ва ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчи корхона (фирма)ларнинг сони алоҳида ўрни тутади. Малумки, бир хил ва ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчилар сони қанчалик кўп бўлса, рақобат кураши ҳам шунча кескин ва муросасиз бўлади ва

аксиича. Бу ҳолда фирманинг ишлаб чиқариш қуввати, унинг техник ва технологик жиҳатдан қуролланганлик даражаси, жуғрофий жойлашган ўрни, ресурслар билан таъминланганлиги раҳбар ходимларнинг билим, аклзаковати, маркетинг илмини қанчалик эгалланганлиги ҳал қишуви роль ўйнайди, яъни фирма ўз товарларини қанчалик арzonроқ қила олиши, уни тезроқ янгилаши, сифатини яхшилаши каби кескин чора-тадбирлар кўра билиш қобиљияти рақобат курашида ғолиб чиқишида асос бўлади. Бу ҳолат фирмадан тўлиқ куч-ғайрат билан ишлашни, кўринишида арзимас бўлса-да, энг кичик резерв ва имкониятларни ҳам ишга солишини талаб қиласди. Бунда фирманинг бошқа ёндош фирмалар билан келишиб, ҳамкорликда иш кўриши, шериклик ширкатлари, жамоалари сифатига қўшилиб ҳаракат қилиниши қўл келиши мумкин. Товарларнинг рақобатдошлигини оширишда фан-техника тараққиёти натижаларини кенг қўллаш, янги ва юкори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва йўлга кўйиш муҳим омишлардандир.

*Фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга кенг қўллаш, товарларни ҳаётийлик даврини қисқартиши, уларнинг умумий таркиби ва параметрида сезиларли ўзгаришларга ҳамда илгари чиқсан моделлар рақобатбардошлигининг пасайшишига олиб келиши мумкин. Фан-техника тараққиётининг рақобатдошлика таъсири фирмадаги материалларнинг технологиясини, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда бошқаришни доимий равишда такомиллаштириб боришини тақозо қиласди. Миллий иқтисодиётда, эксплуатацияда арzon ва самарали ишлаб чиқариш воситаларини қўллаш кўпроқ фойда олишга, сотиш ҳаражатини пасайтириш компанияга ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш имконини беради. Янги кашфиётларни рақобатдошлик даражасида кўллашнинг таъсири, баъзан шунчалик буюк бўлганки, илмий товарларни ҳимоя қишуви ташки иқтисодий тизимли чет элнинг ўта рақобатбардош товарлари оқиб келишининг кучайишига тўскилийлик қила олмай қолиши мумкин.*

Ишлаб чиқариш самарадорлигини күтариши мақсадида ҳаракат көлиб, монополиялар охирги микроэлектротехника базасища ишлаб чиқарыш воситаларини автоматлаштиришинг янгича усулини ХХ асрнинг 70-80-йилларда жорий қызиллар, матбаа ва башка ишлаб чиқарыш воситалари, шунингдек, автомобиллар, кир юниш машиналари, фотоаппаратлар ва башкаларни бошқариш микропроцессорларда, бояқарувчи контроллерлар, программалаштирувчи автоматлар ва башкаларда янги машиналарни эксплуатация қилиш ҳамда бойкаршини сиптиштирувчи воситаларда амалга олирила бошланди.

Хом ашё ва нефть маҳсулотлари нархининг күтарилиб кетиши индустрисал мамлакатларда ишлаб чиқарыш воситаларини такомиллаштириш лозимлигига олиб келди. ХХ асрнинг 80-йилларида Японияда босим остида машиналарга ёқилғи күйишни, қайта ишлашда асосий эътибор электр энергиясини истеъмол қилишни 30-60 фоизгача туширишга қаратилди. Асосан транспорт воситалари рақобатбардошлигининг янги омиллари таъсири сезиларли бўлди. Ҳозирда енгил автомобиллариниң рақобатдошлиги ёқилғининг тежамкорлиги, чиқадиган газ бўйича курилмалариниң самаращорлигига боғлик бўлмоқда. Ёқилғи баҳосининг бирданига күтарилиши даврида, АҚШда кўпгина фирмалар ўз тракторларини сингил вариантда, яъни соддалаштирилган глушитель билан биргаликда конденсионерсиз чиқара бошлади. Бу уларга ёқилғи-тежамкор машиналарга эришишларига олиб келди. Фирмалар янги маҳсулот устида ишлашдан олдин унга истеъмолчи талабини тўлалигича қандай ўстириш мумкинилиги устида иш олиб борадилар. Рақобатдош фирмалирга асосий истикболи талаблар итмий техника муаммосини ҳал қилишга қаратилиди.

Сифатни күтариш бўйича асосан Япония фирмалари кўпгина ишлар қилиди. Маҳсулотининг сифатини күтариб олгач, Япония фирмалари дунё бозорида ўзларининг сотини баҳоларини анча вақт ўзгартирмайди. Бу рақобатчиларга уларни баҳодан катъи назар "сифат демпинги" да

айблашшларига асос бўлди. Ҳозирда Япония фирмаларининг ҳамма маҳсулотлар бўйича сифат даражаси шу кадар юкорики, Жанубий - шаркий Осиё мамлакатларининг кўпгина фирмалари Япония фирмаларининг товар белгиларини ўз маҳсулотларига қўйиб сотмокда. Бу эса уларга яхши даромад кеттиримоқда. Демак, рақобат курашида товарларнинг марказисига бўлган ишонч даражаси муҳим роль ўйнар экан.

Ҳозирти кунда ишлиб чиқаринча кўпчилик мамлакатлар ишилаб чиқарилган товарлардан 2-3 фоиз итрофида йўл қўйилган брак даражасига эга. Японияда корхоналар дефект маҳсулотлар улушини ва уларнинг корхонадан чиқиш эҳтимоллигини камайтириш учун китта ташкилий кучдир. Япония автомобиллари, телевизорлари, интеграл схемалари ва бошқа товарлари браки ва синиш частотаси Farb фирмалари маҳсулотларидан 10 марта паст. Ишлиб чиқаринчдан чиқувчи Америка телевизорлари деталлари сони Япония приёмниклари сонига ўхшашиги 5 марта ўстган. Американинг "МОТОРОЛА" фирмасининг телевизор заводида сифатнинг назорат бўлими томонидан ўртacha брак даражаси 1 та приёмникка 1,5 дан то 1,8 гача тўғри келиши аникланди. Ўшандан кейин бу заводни Япониянинг "Мацусита" компанияси томонидан кайта ишлангандан кейин брак даражаси 0,03-0,04 гача қисқарган. Бунга асосан сифатни ташкилий бошқаришни яхшилаш ҳисобига эришилган. Японияда "Мацусита" компаниясига ўхаш заводларда 1 та приёмникка дефект 0,005 га тўғри келади. Саноат маҳсулотлари юкори сифат даражасини тъминлашда Япония фирмаларининг ютуғи фирмадаги ҳамма ишлиб чиқарувчи шахсларни сифатни бошқаришга жалб этиш бишан тушунтирилади. "Сифат тўғараги"да ишчилар бирлашмаси нафакат маҳсулот сифагини кўтариш дастурини ва қайта ишлов беришни амалга оширишга катнашибгина колмай, ишлиб чиқариш технологиясини кўтариш ва зарарни камайтириш бўйича ҳам тадбирлар олиб борадишиар. Кўпгина АҚШ ва Farbий Европа фирмалари, Япония тажрибасини кабул қилиб, сифатни кўтариш бўйича сезиларли ютукларга эришиб бу соҳада япониялик рақибларидан ўзиб кетмокда.

Товарнинг баҳо тавсифи рақобатдошлиюни ҳал қилувчи асосий кўрсаткичларидандир. Ҳар бир капиталистга ўз товарининг нархи ва ишлаб чиқариш харажатининг фарки катта ахамиятга эга. Фарқ капиталистнинг фойдасини аниклайди. Фарб мамлакатлари монополиялари харажатни камайтириш мақсадида эришилган фан-техника тараккиётидан кенг фойдаланадилар. АҚШ монополиялари Япония автомобиллари билан курашиб, асосий эътиборни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш масалаларига қаратмоқдалар. Американинг “Женерал моторс” фирмаси ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларини модификация қилиш учун бир йилда 5-7 миллиард доллар сарфлади. Бу келажакда ишлаб чиқариш чиқимлари ва маҳсулотнинг реализация харожатларини Фарбий Европадан 30-50 фоиз арzon бўлишини таъминлайди. Янги бозорларга кириб боришга фирма рақобатнинг муҳим томонларини, рақиблар фаолиятида монополистик чегараланиш даражасини пухта ўрганиши лозим. Агар аниқ бозорда аниқ ифодали сифатга эга бўлмаган товарлар йирик миқёсда сотиладиган бўлса, бу бозорга киришдаги “тусик” ахамиятсиз бўлади. Бундай бозорга киришда фирма сотувчи 2 йилдан ортиқ бўлмаган давр учун ўз товарини 5 фоиз арзоишастириши мумкин, бу тоифадаги товарларга қайта ишлаш саноати маҳсулотлари (мис, цемент, тўкимачилик маҳсулотлари, авторучкалар, пўлат прокатлари, аёллар ва эркаклар оёқ кийимлари) киради.

*Товарларни сифат белгиларига кўра 2 гурӯҳга ажратиш мумкин:*

1. Бозорга чиқнишда жуда катта енгib бўлмас тўсикка учраш. Бу бозордаги товарлар жуда кам афзаликларга эга бўлади. Бу ерда ракобатдошлар билан солиштирган ҳолда 2 йилдан 5 йилгacha нархни 5-10 фоиз пасайтириш мумкин.

2. Ахамиятли тўсикка эга бўлган товарлар. Бу ерда 5 йилдан ортиқ давр учун 10 фоизга нархни пасайтириш талаб қилинади. Демак, товарининг рақобатбардошлигини таъминлашда маркетингда баҳо сиёсатини оптимал бошқариш алоҳида роль ўйнайди.

*Бақо сиёсати өзгілівчан ва, аввало, глобал мұаммолосынан қал* этишига йұналтирилған бўлиши керак. Баҳолар глобал сиёсати, одатда, фирма стратегик ривожланиш режаси доирасыда узоқ муддатли ишлаб чыкарилады, лекин бу донийи тузатыншга муҳтож. Бақо сиёсати, шунингдек, жорий мұаммоларни ҳал қилиш, хусусан рентабеллікни ва маҳсулот сифатини ошириш, янги бозорларга кириб бориш, уларни кенгайтириш, бозор улушини орттиришга, рақобатчиларини бозордан сиқиб чыкариш, фирма товарлари сотилишини рағбетлантиришга йұналтирилған булиши керак. Бозор сиёсати маҳсулот рентабеллікни сифатини таъминлаш ва кўтаришда мухим роль ўйнайди. Рентабеллік ва товар сифати синтетик кўрсаткич сифатида фирманинг умумий аҳволи техника, технология, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди. Бунда баҳолар жуда содда үсул билан “таниарх-фойда” методидаги турли хил баҳони орттирувчи омилларни ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади.

Баҳо етакчиси сиёсатини, одатда, бозорнинг кўпинча катта улушига эга монополист фирмалар томонидан кўлланилади. Улар рақобатчисини бозордан четлатишида кўл келади, чунки бундай фирмалар бозорларда товарларга ўзлари учун маъқул бўлган баҳони қўяди. Бу эса рақобатчининг манфаитига кўп ҳолларда зид булиши ва уларни синдириши мумкин.

Нарх-навони белгилашдан рақобат курашида фойдаланиш мисоли сифатида бутун дунёга машҳур “Смирнофф” ароғи билан боғлик бир воеа кўпчиликка матъум. Бу ароғни Американинг “Хьюблин” фирмаси ишлаб чыкаради. XX асрнинг 60-йилларида бу фирманинг рақобатчиси бўлган “Вольф Шмидт” фирмаси бозорга янги “Вольф Шмидт” деб номланган ароқ билан чыкади. Унинг нархи “Смирнофф” ароғидан 1 доллар арzon эди. Рекламада эса машҳур ароқ “Смирнофф” ароғидан 1 доллар арzon ва “Смирнофф” ароғидан ҳеч колишмайди деб тарғиб қилинган. Табиийки, “Хьюблин” фирмаси аста-секин харицорларини йўқота бошлигап. Бу шароитда фирма бозорини саклаб

Қолиши максадиша "Смирнофф" аргининг нархини 1 долларга тушириши, нархни эски ҳолда сақлаб қолиб, рекламага ви умуман маркетингта зўр бериши ёки нархни эски ҳолатда сақлаб қолиши ва хеч қандай қарши чораларни қўлламаслиги мумкин эди. Бу учта йўлнинг ҳар бири фирма фойдасининг камайишига олиб келиши табиний. Бундай шароитда фирма жуда оригинал йўл ташлади. Хъбюлин "Смирнофф" ароғининг нархини оширди. Энди бу ароқ 1 долларга кимматроқ бўлди. Гайритабиний ҳол. Лекин бунинг самариаси катта бўлди. Чунки фирма қўллаган чора фақат бу эмас эди. "Смирнофф" унинг нархини ошириш билан бирга "Вольф Шмидт" ароғига ракобатчи сифатида янги "Рельска" деб номланган ароқ чикара бошлилади. Унинг нархи ракобатчи маҳсулот нархи билан тейғ эди. Шу билан бирга яна бир янги ароқ, "Попов" ароғи ҳам харидорларга таклиф килинди. Унинг нарҳи "Вольф Шмидт" ароғидан арzonроқ эди. "Смирнофф" бакувват, ўзига тўқ, бой одамлар оладиган ичимлик леб реклама қилина бошлиди (имиджини эсланг). Натижада фирма катта ғалабага эришди. Бу воқеанинг кизиқ жойи шундаки, "Смирнофф", "Попов" ва "Рельска" ароқлари деярли бир-биридан фарқ килмас эди.

Республикамиз бозор иқтисодиётiga боскичма-боскич ўтаётган ҳозирги даврда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган товарларининг ракобатбардошлигини ошириш асосий муаммодир. Бу масалани ҳал этиш ички ва ташки бозорда Ўзбекистон товарларининг мавқенини оширади ва миллий иқтисодиётда пайдо бўлган барча муаммоларни ижобий ҳал этишга йўл очади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бизнинг аксарият кўп турдаги товарларимиз чет эл товарлари билан рақобатга ўзларининг ички бозорларида бардош бера олмаятти. Натижада АҚШ, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларининг товарларигина эмас, башки Эрон, Хиндистон, Хитой, Туркия, Покистон каби ривожланётган мамлакатларининг ҳам товарлари ички бозоримизда ўз товарларимизни сиқиб чиқариш ҳоллари тез-тез учраб турнибди. Биз масалани ҳал

этиш учун узок келажакни мұлжал қилиніміз ва товарларымыз чет зерттегінде ҳам рақобатбардош бўлишини тъминланиши учун курашмоямиз лозим. Агар биз чет зерттегінде бозорларида товарларымыз устушинитига эрншар эканмиз, бу масала ички бозоримизда ўз ўзишан ҳал бўлишилди табиинйдир.

*Республикамиз экспортидаги ҳамон хом ашё товарлари асосий ўрини эгаллайди. Республикамиз таққи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришининг асосий муаммоси - экспорт муаммосини кисқа вақт ичида алоқида товар тури ва алоқида миллий иқтисодидаги тармоғида экспорт базасини ривожлантиришининг аниқ ўлчамини ишлаб чикишни талаб этмоқда. Ўзбекистонининг экспорт базасининг конкрет йўналишими аниқлашда келажикда асосий куч кўйидаги йўналишга қаратилган бўлиши шарт.*

*Биринчидан, республика учун анъанавий бўлган маҳсулотлар: пахта, ишак, қоракўл териси, рангли металл ва улардан қилинган маҳсулотлар, саноат, курилиш материаллари ва бошқаларни келтирилган хом ашёлардан чукур ва комплекс қайта ишловчи янги технологияларни жорий этиш йули билан рақобатдошлигини ошириш.*

*Иккинчидан, республика экспорти динамизацияси биринчи навабатда машинасозлик маҳсулотлари ҳисобига бўлиши лозим. Булар шебатта, ўзининг техник характеристика юқори сифатли хорижий намуналар билан рақобатлашиши керак.*

*Экспортга товар чиқаруш республика корхоналари ишлари самара дарорлигини характерловичи мұжым бир мезони бўлиши шарт. Корхоналарининг янги технологияларни модорнизация қилиш ва уларнинг экспорт имкониятини ўстириш ва бу тадбирларга қизиқишини ортиришида экспорт-импорт ишларини молиялаштириш ва кредитлаштириш тизимини такомиллаштириш зарур. Экспорт фаолиятини разбатлантириш учун бутун тизим, яъни экспортчига солиқ имтиёзи тақдим этувчи комплекс, асосий фондлар амортизация бўйича имтиёзлар, корхоналарни тижорат ва бошка таваккалчилклардан кафолатлар билан тъминлаш, яъни суғурта қилиш тармоғини ривожлантириш лозим.*

Товарларни экспортға чиқарувчи корхонада хизмат килувчи ишчи жамоасини рағбатлантиришни ҳам юкори даражага күттармок лозим. Экспорт базасининг интенсия ривожланиши меҳнатининг жуда ҳам юкори ишлаб чиқариш қобилияти, самарадорлик ва фойдага боғлиқ бўлади. Бу масала қиска вакт ичидаги ҳал бўлмайди. Балки, Ўзбекистоннинг экспорт базаси ривожланишида учта сифат босқичларига бўлиншини мумкин:

Биринчи босқичининг бош мақсади экспортни кучайтиришининг ташкилий-иктисодий асосини яратишdir. Бу даврдаги республика экспорт базасининг ривожланиш йўналишлари:

- оғир саноатнинг прогрессив тармоқларниша экспортбоп товарларни яратиш, уларни ўзлаштириш ва кўплаб ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш;

- оғир саноат, машинасозлик, кимё, рангли металлар, шунингдек, республиканинг бой минерал ҳом ашё ресурслари базасини яратиш, ишлаб турган корхоналарда юкори самярали техниканинг янги авлодларини, чиқимсиз технологияни жорий қилиш ва кенгайтириш;

- фаолият йўналишни экспортга ихтисослашувчи ишлаб чиқаришини, яъни пахтачиллик, қоракўлчилик, шунингдек, узумчилик, сабзавотчилик, боғдорчиликни (экспортни кенгайтириш мақсадида) ни самарадорлигини ошириш;

Мынлий иктисадиётда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, янын машинасозлик, станоксозлик, иссилик куввати, кимё, электроника ва радиоэлектроника соҳалари ҳам инвестициялар олиб киритиш йўли билан структуравий ўзгиришлар ривожланишида янги босқичларга эришиши мумкин. Ҳозирги вактда ана шу тармоқлар энг керакли ҳисобланади. Чунки, биринчидан, бу тармоқларниң корхоналари кам; иккинчидан, корхоналар ёки комиъект деталларни ишлаб чиқаришга мослашган ёки улар пировард маҳсулотларни ишлаб чиқаради, (масалан, экскаваторлар, пахта териш машиналари); учинчидан, ишлаб чиқарилётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига жавоб бермайди; тўргинчидан, бу маҳсулотларга керак бўлган эҳтиёт қисмлар ва деталлар собиқ СССРнинг бошка республикаларидан олиб келинарди; бешинчидан кимё тармоғининг кўп корхоналари ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаради, булар эса республикадан ташқаридан кайта ишланади. Бу муаммоларни ечишда чет эл инвестицияларига талаб ортади на улар ёрдам бериши мумкин. Хориж инвесторларини жалб килиб, электроника, электротехника, биотехника тармоқлари, компьютерларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологияни кайта куриш мумкин бўлади.

*Инвестициялар энг янги технология ва техникини олиб келишдан ташқари, интеллектуал мулк яратиш, уни ривожлантиришга йўналтиргани лозими. Инвестициялашни қўшма корхоналарни очиш йўли билан амалта ошириш кўп капитачни талаб килимайди. Инвестицияга катта талаб бор тармоқ - бу медицина ва фармацевтикалар. Ўзбекистон*

собиқ СССР бўйича ноёб вакцина ва сивороткалар чиқариш бўйича биринчи ўрища туради. БЦЖ, жигар-тифоз вакцинаси, вабо, ва илон чақинига карши ва бошқа ноёб дориларга жаҳон бозорларида ҳам ўзимизда ҳам талаб жуда кагта. Лекин бу дориларни ишлаб чиқариш учун технология, кўйини станоклари, унаковкалар етарли ва юкори даражада эмас. Бизнинг мутахассисларимизда ҳам етарлича тажриба йўқ. Бунда чет эл фармацевтика саноатининг энг янги техника ва технологиясини республикага киритиш, Ўзбекистонда ноёб дорилари билан жаҳонга ёрдам берини мумкин. Ахолининг сиёсий-машний ахволи давлат ва ҳукуматнинг оғзиша турган муаммоларининг асосий қисмидир. Кейинги йилларда бу соҳага капитал кўйилмаларининг 1/3 қисми кўйилди. Уй-жойлар курилиши, манший хизмат кўрсатиш обьектлари ҳозирги даврда энг керакли ва энг кўп фойда келтирадиган соҳадир. Яна ҳозирда туризм яхши ривожланмаган. Чет эл ишбилиармонлари ўзларининг капиталарини қўйиб, туристик комплекслар, қадимий, тарихий, меҳмонидуст жойларга экскурсиялар ташкил қиласидиган қўшма Корхоналар ташкил қилишчари лозим. Бунда тематик характердаги маршрутларни туристларга кўрсатиш, яъни Бобур, Амир Темур, ўрта аср архитектуралари билан таништиришлар.

Ўзбекистонда иклимининг яхшиигиги мева, сабзавотлар етингиринига имкон беради. Лекин бу маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқиши тұхтаб турибди. Чунки, биэда экспорт қиласидиган фирмалар ва тажриба етарли даражада эмас. Бу маҳсулотларни ўрайш, павларга ажратиш, марказлаштириб, жаҳон бозорига олиб чиқишга бизда мутахассислар йўқ. Шундай қийинчилик пайтида бизда тармоқларни ривожлантириш учун жаҳоннинг кўнгина давлатларидан технологиялар олиб келимокда. Республикага инвестициялар:

1. Экспорт учун ишлайдиган тармоқларга устувор, биринчи галия йўнаттирилмоғи лозим.
2. Ички бозор учун ишлайдиган тармоқлар майдага ва ўргача корхоналарни ривожлантириш учун инвестициялаш муҳим аҳамиятта эга.

Биринчи гурухга кирудук тармокларда замонавий технологиясиз рақобатта чидамли маҳсулот ишлаб чикармай экспорт қилиб бўлмайди. Хорижий инвестициясиз бу тармок жаҳон бозорига чиқа олмайди. Иккинчи гурух тармок эса, майда ва ўрта бизнесдир, яъни у арzon маҳсулот ишлаб чикаради ва истеъмолчиларни шу маҳсулоттага бўлган талабига ишлонади. Ўзбекистон Республикаси хом ашёга бой ҳисобланади. Шунинг учун хорижий инвестициясини кишюқ хўжатиги ишлаб чиқаришига йўналишириш лозим. Халқаро инвестиция бозорида капитал қурилиш обьектларига бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда, чунки жаҳон иктиносидий тизмда ўзининг миллий суверинетети ва маҳаллий иқтисодиётини шакллантираётган мамлакатлар ўз ҳудудларига хорижий инвестициясини олиб киришда астойдиги ҳаракат қиласапти. Шунинг учун жаҳон капитал қурилиш бозорида инвестицияга талаб юкори бўлиб, бу давлатлар ўртасида рақобатлар курашининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур инвестицияларни олиб кириш бизнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши аник.

#### **11.4. ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ИКЛИМИ**

Инвестицияларга ҳар қанча талаб ва таклиф бўлгани билан уларни киритиш ва фойдаланиш учун етарли даражада шарт-шаронт яратилмас экан, улар ўз мазмунни ва мақсадига эриша олмайди. Бу шарт-шаронтлар жуда кенг ва чукур маънони ўз ичига олади ва иктиносидий адабиётда “инвестиция иклими” тушунчаси билан юритилади.

Инвестиция иклими кенг маънода инвестор томонидан барча муаммо, масала ва ечимларни ўз ичига оладиган тушунчадир. Унинг аҳамияти шундаки, қайси бойликлар ва ресурслар, қайси йўналишлар асосида чет эл инвестицияларни жорий қилиш, иш юритиш ва улар билан ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил қилиш имконини беради.

Инвестор, аввало, инвестиция иклимини чукур ўрганмоги лозим, акс ҳолда у ёлғон фирмалар ёки халқаро

төвламачилар макрига учраб, ўз маблағлариңан ажраб қоліши ҳам мүмкін. Бүпнг учун инвестор маҳсус маркетинг изланишлари олиб боради ёки ихтиослашган маҳсус фирмалар, ташкилотлар хизматидан ва тавсияларыдан фойдаланады. Масашан, Германияда шундай фирмалардан бири "БЕРИ" ахборот хизматшыр. Бу фирма буюртма асосида ҳар қандай мамлакатдаги инвестиция иклиминин таҳлил килиши ва у ҳақда ахборотнома шылаб чикиши, тавсия беріши мүмкін. Фирма инвестиация иклимининг умумий курсаткичи - БЕРИ индексін деб аталаған. Бу индексин 45 мамлакат буйнча 100 та мутахассис ҳар йылы үт мартта ҳисоблаб чыкали ва зылон қылады. БЕРИ индексі ўз ичине 15 та ҳар хил улушлаги күрсаткычларни умумлаштириши натижасыда олади, па аниклайды. Бунда 0 баллдан (түри келмайтын, номакбул) 4 баллгача (маяқул, ўнғай, қулай) баҳо берилады.

Инвестиция иклиминин характерловчи мезонлар күйіндеги 10-жадвал күрсаткычларыда яққол күзгә ташланады. Жадвалдан күриниб турибиди, БЕРИ индексинин, яъни инвестициялаш иклиминин асосан шу мамлакатдаги сиёсий барқарорлық ва иқтисодиётининг ахволи белгилаб берар экан.

**10 - жадвал.**

**БЕРИ индекси мезонлари**

<b>БЕРИ индекси мезонлари</b>	<b>улуши, % қисобида</b>
<b>1. Сиёсий барқарорлик:</b> Күзда тутилмаган давлат тұнтарышлари эхтимоллиги ва уларнинг кишилар фаоллигига таъсири.	<b>12</b>
<b>2. Чет зл инвестициялари ва фойдасига мұносабат:</b> Хусусий тадбиркорларга тааллукلى бўлган социал харажатлар миқдори.	<b>6</b>
<b>3. Миллийлаштириш:</b> Текинга қайтариб бермаслик шарти билан тортиб олиш эхтимолидан маҳаллий корхоналарга устунлик беришгача.	<b>6</b>

<b>4. Девальвация:</b> Корхона фаолиятига таъсирини юмшатувчи усуллар ва девальвациянинг таъсири.	6
<b>5. Түлов баланси:</b> Умумий баланс ва счетлар баланси бўйича, шунингдек чет эл инвесторларининг даромадига таъсир этувчи омиллар.	6
<b>6. Бюрократия масалалари:</b> Божхонада расмийлаштириш, валютани ўтказиш ва шу каби операциялар, уни тартибга солишда давлатнинг роли ва даражаси.	4
<b>7. Иқтисодий ўсиш суръати:</b> Ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик ҳақиқий ўсиш суръати 3,3-6 фоиз, 6-10 ва 10 фоиздан юқори оралиқда	10
<b>8. Валютанинг конвертабеллилиги:</b> Миллий валютанинг чет эл валютасига ўтказиш, алмаштириш имконияти, миллий валютанинг корхона фаолият курсатадиган бозордаги тутган ўрни.	10
<b>9. Шартноманин амалга ошириш имконияти:</b> Шартноманин амалга ошириш эҳтимоли, урфодат ва тил бўйича фарқ түфайли пайдо бўладиган қийинчиликлар.	6
<b>10. Мехнат унумдорлиги ва иш ҳаки ҳаражватлари:</b> Иш ҳаки даражаси, меҳнат унумдорлиги, ишга қабул қилиш тартиби.	8
<b>11. Экспертлар ва хизматлардан фойдаланиш имконияти:</b> Корхона юридик, бухгалтерия, маркетинг, технология ва курилиш соҳасидаги қутадиган маслаҳат-ёрдамларни	2
<b>12. Транспорт ва алокани ташкил этиши:</b> Транспорт инфраструктурасининг ҳолати, корхона ва унин филиаллари орасидаги, шу жумладан мамлакат ичидаги транспорт йўллари ва алоқа ширинини ташкил этиши ва фойдаланиш имкониятлари.	4

<b>13. Махаллий бошқарув ва шерикчилик:</b> Бошқаришнинг ҳар-хил масалаларини ҳамкорликда ҳал қилишда ўз капитали билан маҳаллий шериклар сони ва уларнинг имкониятлари.	4
<b>14. Қисқа муддатли кредит:</b> Чет эллик шерикларга (вакилларга) қисқа муддатли кредит бериш ва улардан фойдаланиш имкониятлари.	8
<b>15. Узоқ муддатли кредит ва ўз капитали:</b> Устав капиталига шериклар томонидан ўз улушини қўйинш шарти ва миллий валютада узоқ муддатли кредит бериш шарти.	8
<b>ЖАМИ:</b>	<b>100</b>

Улар ва нафакат ҳозирги, балки келажакда кутиладиган ривожланиш ва ўзгаришларни ҳам акс эттиради. Масалан, сиёсий барқарорлик ўзида бўладиган ҳар хил сиёсий ўзгаришларни, шу жумладан, ижтимоий тўқнашувларни (забастовкалар, стачка, иш ташлаш ва ҳоказоларни) акс эттиради. БЕРИ индекси билан бир қаторда инвесторларнинг эксперtlари жойларда маҳсус учрашувлар ўтказиши (танишиш, ўрганиш, тадқиқ қилиш) шининг янада пухта бўлишини таъминлайти. Бунда улар БЕРИ индексидан ўзининг аксини тона олмаган баъзи масалаларига ҳам эътибор берадилар. Масалан, эксперtlарнинг диккат эътиборидан мамлакатда хукм суроётган норасмий конуниятлар, жамоачилик, маҳаллийчилик, уруғчилик, диний, этик ва бошка кўришишдаги иктисадий-сиёсий ва ижтимоий ҳаётга таъсир этувчи боғликлар ва оминалар четда қолмаслиги лозим. Шундай кўлиб, инвестиция ижтимими чуқур ва ҳар томондама ўрганишеб, инвестиция хавфи хисоблаб чиқилати. БЕРИ индекси О бўлганида тўлиқ хавфни анилатади, яни бу мамлакатга инвестиция киритиш мумкин эмас, иомакбул демакдир. Инвестиция ижтимими қанча юкори, кулай бўлса, инвесторнинг инвестицияларини хавфи шунчалик паст бўлади. Агар бу ижтим қанчалик паст бўлса, инвестиция

қабул килувчининг сарф-харажатлари ҳам шунча юқори бўлади. Яъни, инвестиция иқлими ва инвестиция ҳавфи бир-бирларига тескари пропорционал экан. Инвестиция иқлими моделининг маркетологлар томонидан яратилишини, аввало, инвесторлар билан бўладиган иқтисодий муносабатларни қанчалик тўғри ёки хато эканингини, уларга таъсир этувчи омилларни, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ахвол ҳолатини, инвесторларнинг хулқ-атвори ҳақида тўлик, тасаввур қилиши имконини беради. Демак, инвестиция иқлими обьектив категория бўлиб, уни макро ва микро иқтисодиёт даражасида маркетинг нуқтаси назаридан тадқиқ қилиши, холоса чиқарши ва бошқарини лозим экан. Макронқтисодиёт нуқтаси назаридан маркетинг изланишлари шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияларга сиёсатнинг давлат томонидан бошқарилиши уларга яхши асос, ишонч ва кафолат бағишлайди. Масалан, чет эл мулкничи миilliйлаштириш, инвестициялар ва умуман барча ҳалкаро шартномаларнинг бажарилиши сиёсий тизимнинг мустаҳкамлиги, хукумат раҳбариятининг акл-заковати, иқтисодий ва сиёсий йўлиниң қанчалик тўғри ташланганлиги билан белгиланади.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига аста-секин босқичма-босқич ўтишида давлатнинг бош-қош бўлиши чет эллик инвесторларда ишонч ва хотиржамлик ўйготмоқда. Мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси бозор иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Бозор муносабатларининг ривожланиш кўрсаткичи эса инвестиция иқлими ҳолатини характерлаб беради. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни барқарор ва юқори даражада ўстириш воситаларини юзага келтириши билан истиқболга эгаdir. Матъумки, Узбекистон собик совет империяси таркибида қарам, ҳом ашё базаси сифатида қолок бир чекка ўлка эди. У, ҳатто, кўнглини Шарқ мамлакатларидан ҳам орқада колиб кетди. Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг таркиби, ривожланиш суръати жиҳатидан ҳам дунёдаги энг қолок мамлакатлар каториша эди.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, иқтисодий юксалишининг бирдан бир нажот

йули - бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларининг таркиб топшицир. Бунга Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларниң ривожланиши йули мисол бўла олади. Шундай килиб, бозор муносабатларининг ривожланиши ва инвестиция иқлимининг ҳолати бир-биринга пропорционаллар.

*Хўжалик механизмининг ривожланганлик даражаси ҳам инвестициялар иқлимининг кўрсаткичларидан биридир.* Товарлар тақсимоти бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг мукаммаллик даражасига эришади. Уларниң аксарият қисми эркин тақсимланади, эркин баҳоланади ва ўз харидорини эркин топади. Шундай экан, инвестицияларниң ҳам эркин, муносиб ва соз иқлимини яратади. Унда бирча рақобатчи фирма, товарлар учун тент рақобат шароити яратилади. Бу курашда шу вазиятни ўз вактида, тез аниқлай олган, тегишли чора ишлаб чикиб, уни амалга оширган фирма, корхона, компания ёки бошқа корхона ғалаба қозонади.

Валюта, кредит, молия, транспорт, алоқа ва бошқа бир қанча тизимларниң давлат тасарруфида бўлиши накадар бир текис ва оғишмай ишлаши мумкинлиги инвесторларга бир қанча қулайлик тугдиради. Бунда божхона, солик, баҳо сиесатларининг ҳам давлат томонидан тартибга солиниб, бошқарилиб турилиши чет эллик ҳар қандай инвесторда мамлакатимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйгусини кучайтиради.

Ислоҳотларни давлат томонидан уюшган ҳолда, Олий Мақлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентимизниң фармонлари, ҳукумат қарор ва кўрсатмалари орқали амалга оширилиши ва бошқарилиши энг яхши инвестиция иқлимини яратишга асос бўлиб хизмат қиласи. Қабул қилинган қонунлар бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган қонунлардан келиб чиқиши, уларга ва бирон-бир мамлакат манфаатларига зид бўлмаслини лозим. Айниқса қонунларниң инсон ҳукуклари декларациясига мос келиши ва уларниң оғишмай бажарилишига инвесторлар алоҳида эътибор берадилар.

Миңгүй иқтисодиёттегінде умумий ривожланыштың шу жүргілдіктерінде, үннің айрым тармоқтарындағы үсінің суръаттың ұмамыттың иқтисадиеттің аста-секини онышмай ривожланып бориши, үннің ички бозорининг товарларга түйинмаганлығын яңгыдан-яңғы заводтар куриш, ишлаб чыкаштың күвватлариниң ўзлаштырыштың түшініштің учун инвестицияларға әхтиеж туедирады. Хом ашё манбаларыннан күплиги, уларниң ўзлаштырыштың яңтың техника, технология бўлиши ва, демак, бундан-учун яңтың инвестициялар кераклигидан датолат берады.

Инвестицияларнанғы инвесторлар томондан ажратылышы билан иш бигиб қолмағыди. Аттар улар техника, технология шаклида бўлса, мамлакатта етказиб келтирилүүши, сакланышы ва монтаж қилинүүши ва ишга туширүүши лозим. Уларни ортиш-тушириш, таҳлаш учун маҳсус мосламалар, ташиншеси воситалари бўлмоғи лозим. Ишлаб чыкарыш инфратузилмаси ҳам тегишли равишда ривожланган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда келтирілген яңтың техника ва технология йўлда синиши, кераксиз буюмлар уюмидек омборда бекор ётиши, йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Уларни саклаш учун замонаний омборлар курилмоғи, маҳсус саклагачлар, стеллаж, поддон каби омбор мосламалари, асбоб-апжомлари бўлиши керак.

Чет элдан келтирілген ишлаб чыкарыш инвесторларда қолиб кетмасдан, киска муддатда монтаж қилинүүши ва ишга туширүүши лозим. Бу ишларни аник, юкори даражада бажарып учун маҳсус билимга эта бўлган малакали ишчилар, ходимлар, инженер-техниклар зарур. Умуман, мамлакат ишчи күчинине маълум қисми инвестицияларни ўзлаштырып билан банд бўлиши, яңтың жойлардан иш тоғиши мөхнат ресурсларининг умумий бандык даражасига ижобий таъсир этади. Маҳсус билимга эта бўлган ишчи, инженер ва башка кадрларни тағйёрлаш ҳам аксарият ҳолларда инвестор хисобига амалга оширилади. Бу ходимлар ана шу фирмада ёки инвестор мамлакатида ҳар хил ўкув юргуларыда малака оширилдари мумкин. Хом

ашё ва табиат бойликларининг, кўплиги, электр ва ёкиши къвватининг мамлакатдаги захиралари ниҳоятда кўплиги, инвестиция иқлими юкори бўлишининг омишидир. Уларни ўзгашибтириш инвестицияларни талаб қиласи.

Ички бозорининг тўйинмаганилиги, товарлар сифати етиарли даражада рақобатбардош бўлмаганилиги янгидан янги сифатли товарлар ишлаб чиқаришни, уларнинг ассортиментини кепайтиришни, бу эса ўз наබатида чет эл илғор техника-технологиясини - инвестициялар киритишни тақозо этади.

Миллий валютанинг конвертабеллиги даражаси, фойданни четга чиқара олиши ҳам инвестиция иқлими кўрсаткичларидандир. Дарҳақиқат, маҳаллий валюта чет эл валютасига эркин алмаштирилмас экан, инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кириб келиши жуда оғир кечади. Масалан, фараз қилайлик, инвестициялар ҳамкорлигидаги қўшма корхона куришга сарфланган. Бу корхона товар ишлаб чиқариб, уни ички бозорда тўлиқ сотди дейлик. Агар ана шу сотилган товар звязига тушган пул маблағи чет эл валютасига алмаштирилмас, айлантирилмас экан, у ҳолда чет эллик инвестор ўз фойдасини, ўзининг тегишли улушини ўз мамлакатига юбора олмайди. Унинг эркин конвертабелли валютаси бўлмаса, у чет элдан янги техника, технология сотиб ола олмайди ва оқибатда таназзулга учраши мумкин. Шунинг учун ҳам инвестицияларга таваллуқли барча нарсалар давлат қонунлари билан белгиланиб, тасдиқланиб, атрофлича изоҳланиб қўйилади ва уларга қатъян ва изчилик билан амал килинади. Акс ҳолда мамлакат жаҳон мамлакатлари, халқлари олдида ўз обрўсини йўқотиб қўйинши мумкин.

Собиқ Итифокда ҳамда республикамиз иқтисодиётидаги реал инвестициялар самарадорлигини аниклаш давлат капитал қўйилмалари самарадорлигини ҳисоблаш билан алмаштириб келинган. Республикализ мустақилликни ва ривожланишида бозор муносабатларини танлаб олиши инвестициялар самарадорлигини методологик жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Айниқса, мулкчиликнинг

шаклланиши асосида иқтисодиётда нафакат давлат инвестициялари, балки шахсий ҳамда чет эл инвестициялари ўз ўринларини топниши муносабати билан ҳамда эркин базор муносабатлари көнт күламда ривожланиши билан молиявий инвестицияларнинг мавжуд булиши, қайд этилган масаланинг ечимини кутади.

*Реал инвестицияларни тасвифлаш, уларнинг ҳажми ва даромад нормалари асосида олиб борилмоги лозим. Бунда тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули қўлланиласди. Инвестициялар ҳажми ўзлаштиришлаган кўйишмалар қийматини ифодатайши, инвестициялар нормаси эса уларнинг ҳажмини ялпи миллий маҳсулотга (ЯММ) ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) бўлган нисбатини ифодатайди. Инфляция кучайган ва чукурлашган даврла эса айтилган кўрсаткичларга унинг таъсири тўғридан-тўғри бўлади. Инвестиция нормаси яратилган ЯММ ёки ЯИМ қанчалик капитал талабчанигини, яъни қай даражада капитал ҳаражатларни талаб этишини билдиради. Жамғариш (даромадланиш) самараси капитал талабчанигини ўстириш (усиши) коэффициентлари асосида аникланади. Капитал талабчилигининг ўсиши коэффициентини ҳисоблашда кенгайтиришга, янгилашга сарфлангац ялпи инвестицияларнинг умумий ҳажми ҳисобига олинади. Асосий капиталга сарф этиладиган ялпи қўйилмалар миллий даромадининг янгидан жамғариш ҳамда истемол қилинган асосий капитални юксалиш фондлари маблағлари йигиндинини ифодалайди.*

Капитал талабчанигининг белитланган давр ичида ўсиш коэффициенти асосий капиталга шу вакт ичида сарф этилган ялпи инвестицияларни ЯММ ўсиши ҳажмига нисбати билан аникланади.

## **11.5. КЎШМА КОРХОНАЛАР ТУЗИШДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

Ҳақкорликда тузиган кўшма корхоналар инвестициялар ва ташки иқтисодий фаолиятлари туб ўзгаришларнинг реал ижобий натижасицир. Кўшма корхоналар тузасиб биргаликда

фаолият күрсатышы қадимдан маълум. Бунга XVI асрда Англия ва бошқа бир қанча мамлакатларда товарларни ҳамкорликда сотиб олиш бўйича ташкил этилган корхоналар мисол бўла олади. *Күшма корхоналар мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан бирор масалани ҳал қилиш, ишлаб чиқариш ва бошига мақсадларда тузилади.* Бирлашиб ҳамкорликда иш юритиш тарқоқ, якка тартибда фаолият күрсатишга нисбатан бир қанча устуницларга эга. Бунда, аввало, маблағлар, имкониятлар, кучлар қўшилади. Бу уларнинг йириклиашуви, ишлаб чиқариш қувватининг ортиши демакдир. Йирик корхоналарнинг майдаларига нисбатан қанчалик устулиги барчага маълум. Бирлашув технологияни, кадрларни, илғор тажрибани ҳам бирлаштиришни англатади. Бу уларга бошқарниш ҳаражатларини кескин қисқартириш, таннархни арzonияштириш имкониятини беради. Күшма корхоналар аксарият ҳолларда узок муддатга тузилади, шунинг учун уларнинг энг муҳим аҳамияти нафакат иқтисодий бўлиб колмай, сиёсий ҳамдир. Ҳалқлар бирлашади, дўстлашади, жиҳонда тинчлик ўрнатишга хизмат қиласи.

Шунинг учун ҳам кўшма корхоналар ҳозирга келиб барча соҳаларда ҳар хил шаклларда ва турли кўринишларда ташкил этилди ва муваффакият билан фаолият курсатмоқдалар. Уларни қуйидаги белгиларига кўра гурухлаш мумкин:

1. Фаолият күрсатиш турларига қараб кўшма корхоналар, илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш, сотиш, тайёрлаш, ҳарид қилиш, комплекс мақсадларда тузилган бўлиши мумкин.
2. Шерикларнинг қайси мамлакатга мансублигига кўра улар, бозор иқтисодиёти ривожланган ёки "гарб-гаро", "шимол-жануб" (ривожланган, ривожланётган мамлакатлар) ва ҳоказо.

3. Кўшма корхоналар катнишчиларининг таркибига кўра хусусий ва давлат, давлат корхоналари ва ташкилотлари иштирокида тузилган корхоналар, ташкилотларни ўз навбатида илмий ва ҳалқаро ташкилотларга гурухлаш мумкин.

4. Кўшма корхона катнашчиларининг капиталдаги улушига кўра тенг асосда тузилган кўшма корхона хорижий

капиталнинг улуши кўп ёки кам бўлган қўшма корхона ва доказолар.

*Бундай гуруҳлар маркетинг изланишлари олиб бориш ва инвестициялар маркетингини бошқаришида уларнинг қайси бирини таълфиш, қайси түри бизнинг шароитимизга мос келиши кўпроқ наф бершини антлашида катта аҳамиятга эга.*

Қўшма корхоналар акционерлик жамиятлари, масъулитти чеклашган жамиятлар, холдинглар, комменинг ширкатлари ва бошка ҳар хил корхоналар шаклида ташкил этилаци. Қўшма корхоналар тузиш, уларнинг фаолияти ҳар бир мамлакат томонидан қабул қилинган қонунлар, коммунал тенглаштирилган актлар, маҳкамалар кўрсатмалари ва доказолар билан тартибга солиниб турилади.

Қўшма корхоналар тузишдан олдин катта маркетинг изланишлари олиб борилемои лозим. Бу изланишларининг кўлами кенг ва аҳамияти каттадир. У албаттга бошқаримои лозим. Маркетинг изланишлари қўшма корхоналар тузишнинг бир қанча ўзаро боғлиқ жараёшлигини ўз ичига олади. Улар кўнидагиларлар:

- қўшма корхона тузишдан асосий мақсадларни белгилаш;
- қўшма корхонанинг умумий техник-иктисодий курсаткичларини таҳдил қилиш;
- чет эллик шерикларни (ҳамкорларни) излаш ва танлаш;
- инятлар ҳақидағи протоколларни тайёрлаш ва имзолаш;
- бўлғуси қўшма корхонанинг техник-иктисодий асослаш ҳужжатининг ишлаб чиқариш ва иктиносий самараодорлигини аннеклаш;
- лойиҳаларни, таъсис ҳужжатларни тайёрлаш;
- қўшма Корхона тузиш ҳақидағи таклифни юкори бошқарув ва маҳаллий ҳукумат органлари билан келишиш;
- таъсис ҳужжатларини чет эллик шерик билан бирга имзолаш;
- қўшма корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш.

Кўшма корхоналарни тузишдан мақсад бозордаги қондирилмаган тилабни қондириш, четдан товар келтиришни қисқартириш ва экспорт имкониятини оширишdir. Бунда чет эл илғор техникаси ва технологиясини, маркетинг ва менежментни, қўшимча моддий ва молия ресурсларини иқтисодиётнинг энг зарур тармоқларига жалб этишdir. Кейинги босқич қўшма корхонанинг қандай бўлишилиги, фаолият даражаси, маҳсулоти, иқтисодий кўрсаткичлари шу жиҳатдан фойдалилити аникланади. Бунча сиёсий, экологик жиҳатлари ҳам эътиборга олинади. Чет эллик шерик ташланда унинг ўрни, ҳалқаро имиджи, илғорлиги, ривожланганлик даражаси, кафолатлашганлиги, ташқи бозордаги ўрни аникланади. Шерикнинг хўжалик фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинади ва ўрганиб чиқилади. Ташланган чет эл фирмаси маҳсулотини рақобатга бартош бериш қобилиятига баҳо берилади, ўтказилган маркетинг изланишлари натижаларига асосан қўшма корхона чет эл қатнашчиси аникланади. Ниятлар ҳақидаги баённома республикада ва ташланган чет эллик шерикнинг маълум бир соҳада қўшма корхона тузишда тайёр эканлигини қайд этиб, ҳамкорликнинг асосий шартларини белгилайди. Бўлғуси қўшма корхонани техникик иқтисодий жиҳатдан асослаш уни ташкил қилаётган томонга юклатилади. У чет эллик шерик томонидан ўрганиб чиқилгач, рози бўлганлиги ҳақида ёки бирор ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклифи билдирилади ва ҳар бир фикрга келинади. Қўшма корхонани техник жиҳатдан асослашда унинг самараадорлик даражасини аниклаш асосий ўринни эгаллайди. Қўшма корхоналарнинг иқтисодий самараадорлигини миллӣ иқтисодиёт нуктаи назаридан қўйидаги формула ёрдамиша аникланади:

$$\mathcal{E}_n = \sum_{i=1}^t (\mathcal{D}'_n - \mathcal{Z}'_n) \cdot \frac{1}{(1-E)^{i-1}}$$

бунда:  $\mathcal{E}_n$  - миллӣ иқтисодиётнинг интеграл иқтисодий самараадорлиги;

$\mathcal{D}'_n$  -  $i$ -йиша мисулӣ иқтисодиёт даромади;


$Z'$  - 1-йилда ылмий иқтисоднёт ҳаражатлари;  
 $E'$  - дисконтлаштириш коэффициенти.

У тиңиңда ҳисобга олишадиган ҳаражат ва тушумларниң ҳисобланғаётган даврининг бірнеше йилдан узоклаша борган сары кадрининг насыиши даражасини аныктайды. Бунда  $E=0,1$  күлиб олиш тавсия этилади. Агар  $\bar{E} < 0$  бўлса, бундай қўшма корхонани тузиш фойдасизdir.  $\bar{E} > 0$  бўлган тақдирда бундай қўшма корхонани тузиш мақсадга мувофиқdir.  $\bar{E}=0$  бўлса, у ҳолда  $E$  нинг миқдорини ҳисоблаб чиқмоқ лозим.

Бўлгуси қўшма корхонанинг техник-иқтисодий жиҳатдан асослари таъсис ва лойиҳа ҳужжатларида ўз аксини топади. Булар жумласига қўшма корхонанинг мақоми ва фаолият кўрсатилиш ишартларини ўзида акс этишувчи битим-шартнома киради. Шартноманинг асоси қўшма корхонанинг Низомидир. Унда "Низом фонди" маблаг ҳажми, катнашчиларнинг улуши, томонлар масъулияти, баҳсларини ҳал қўлиш, назорат-хисобот тартиби каби масалалар ўз аксини топади.

Уставда қўшма корхонани бошқарув тизими, таркиби кўрсатилади. Раҳбариятнинг выколатлари, вазифалари ва фаолият чегараси аниқ белгиланади. Унда умумий ищчилар, инженер-техник ходимлар сони аниқланади. Бошқарув тизимида ташкил этилаётган бўлимлар, уларнинг ўзаро алоқалари, муносабатлари алоқида акс этирилади. Ходимларга тўланадиган ҳак, қўшма корхонанинг оладиган фойдаси, уни тақсимлаш тартиби, хисобот ва ҳоказолар муфассал баён этилади. Қўшма корхоналарда барча ҳисоб-китоблар сўм ва хорижий валютада амалга оширилади. Қўшма корхоналарнинг фойдасининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш қўйидаги чизмада берилган (21-чиэзма).

Устав фондига бизнинг улушимиз сифатида ер, сув, ер участкалари, табиий бойликларимиздан фойдаланиш баҳоси, хукуки, электр куввати, тайёр инфратузилмалари баҳоси ва бошқалар киритилиши мумкин. Умуман олганда устав фондининг миқдори қўшма корхонанинг лойиҳалаштирилган кувватига эришиш ва иш фаолиятини



бөштәш учун зарур бўлган харажатларга асосланниб ҳисоблаб чиқилади. Устав фондида қўшма корхоналарнинг улуши чегаралашмайди. Улар ўз имкониятларига кўра ўз баҳоларини ошириб боришлиари мумкин. Шу улуш фойданни тақсимлашда асос бўлиб хизмат килади.

*Кўшма корхоналарнинг ҳисоб-китоб ишлари жаҳон стандартлари асосида амалга оширилади. Моддий-техника таъминоти ҳар иккала мамлакат бозори орқали амалга оширилиши мумкин. Кўшма корхопалар товар ва хизматларини сотишда (сўмда) улгуржи савдо орқали, ташки бозорда ўзлари ёки хорижий ташкилотлар орқали хорижий валютага сотадилар. Бу ишларнинг бажарилишида маркетинг раҳнамолиги сезилиб турмоги ва улар илмий асосда маркетинг нуктаи назаридан бошқарилиб турмоги лозим.*

Буларнинг барчаси қўшма корхонани таъсис этиш кужжатларида акс эттирилади ва улар жамланиб хукуматга рухсат олиш учун берилади. Юқори ташкилотлар қўшма корхона тузиш ҳакидаги тақлифни кўриб чиқар экан, куйидагиларга алсҳиди эътибор бервдилар: қўшма корхоналарнинг миллий иктисадиёт нуктаи назаридан самарадорлиги; атроф-муҳитга зарарсизлиги, янги техника, технология ва чет эл илғор тажрибасини кириб келиш имкониятлари, янги иш жойлари пайдо бўлниши, хорижий валютани келиб тушиш майдори ва имкониятлари, импортни ўрнини босиш даражаси, илгари ишлаб чиқарилмаган товарларни ишлаб чиқарилиши, қўшма корхонани жойлашиши кўзда тутилган нохия ҳокимиётининг розиинги ва ҳоказолар. Кўрсатилган ишларга ижобий жавоб олингач, бундай қўшма корхона рўйхатдан ўтади ва бу ҳақда мятбуотда зълон килинади. Қўшма корхонанинг фаолият кўрсатишини тўхтатиш ҳам таъсис этиш кужжатларида, уставда ва шартномаларда акс эттирилади. Қўшма корхонанинг фаолияти тўхтатилса ёки унинг чет эллик шериги възолникдан чиқмоқчи бўлса, унинг бадали пул ёки товар шаклида, шартномада кўрсатилганидек, қайтариб берилади.

**Такрорлаш учун саболлар**

1. Мамлакаттің иқтисодидегі ривожланишида инвестицияларшының ахамияты қандай?
2. Инвестицияларнан қандай турларын билесиз?
3. Инвестициялар маркетшігінің асосий хасиятлары нималардан иборат?
4. Инвестицияларнан асосий манбалары деганда ниманы тушунасыз?
5. Инвестицияларга бұлған талаб өсімдіктерге күрсатады?
6. Инвестициялар иекілімнің мөхияты нимадан иборат?
7. БЕРН индекси мемлекеттің қақида сұзлаб берінг.
8. Құшма корхоналарда маркетинг хизметтериниң бошқарышынан хасиятлары түргришиб берінг?

*"Хар қандай ахисоқ одим ҳам нимшишидир яратниши мумкин, бироқ савдо маркасини яратниш учун иқтиидор, ишонч өз қатысигүт зарур"*

*Девид Огилви*

## **XII боб. МАРКЕТИНГДА РЕКЛАМА ФАОЛИЯТНИИ БОШҚАРИШ**

### **12.1. МАРКЕТИНГДА РЕКЛАМА ТУШУНЧАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШИННИГ АҲАМИЯТИ**

Яхши ташкил этилган реклама бозор талабини олдиндан кўра билиш ва бозор шароитида харидорлар оқдимини бошқара олиш имконини беради. Реклама (лотинча - қичкирмок) бирор корхона, маҳсулот, хизмат тури, ижтимоий фаолиятнииг бирор турини оммалаштириш максадида қўлиниган ишдири. Шу мақсадда реклама ўша корхона ёки ижтимоий фаолиятнииг бирор-бир маҳсулотига ёки хизмат турига кенг жамоатчиликнинг эътиборини жаёт этади. Рекламанинг тарихи катта. У узоқ йиллар давомида вужудга келган маҳсулотнииг харидорга етиб боришнинг синовдан ўтказилган усулларини кўллайди. “Реклама - савдони ҳаракатга келтирувчи кучдири” - деган иборанинг кўчлапчилиши тасодиф эмас.

Товарларинииг харидорга етиб бориши ҳар талаби автоматик равнишида амалга ошмайди. Фақат товар тақчилиги шароитидагина бозор тўғри келган маҳсулотни “ютиб” юбориши мумкин. Бундай ҳолда бозор талабини вужудга келтирувчи сифат, баҳо, мавсумийлик каби маҳсулотнинг мухим омилларини хисобга олмайди. Шуни таъкидлаш зарурки, товар тақчилилиги пайтида уларга ва хизмат турларига бўлган талаб қондирилмай қолаверади. Нормал ривожланаштган бозор шароитида эса кўпгина маҳсулотлар уларни харидорлар сотиб олиши учун маълум фаол тижорат тарғиботи тайёргарлигидан ўтиши керак. Мана шунга реклама жуда керак бўлади. У ўзига ажратилган мухим ролни

үйнайды, яъни реклама эски талабларни синдириб, харидорларнинг қизиқшилари ва манфаатларига таъсир килиш оркали янги талабларни вужулга келтиради. Мана шу тарика реклама талабни пайдо қилали.

Рекламанинг асосий вазифаси маҳсус ахборотлардан фойдаланиб маҳсулот, хизмат турлари ва үларнинг тарид қилиши жойи ҳақида ахборот беришадир. Лекин рекламанинг вазифаси факат бу билан чегаралашып қолмайды. Уннинг ўзига хослуги шуншаки, реклама ахборотин тарғибот ва тащвиқот билан бирга олиб боради. Шундай қыниб, фаол реклама ахборот берувчи ва айни вақтда ишенитирувчи, маълум мақсадга йўналтирувчи бўлшини лозим. Шу турдаги реклама талабни маълум йўналтишга солади, уни бир турдаги хизмат ва маҳсулотдан бошқасига кўнграли, талабларни очади ва харидорнинг ияяларига таъсир қиласади. Реклама ишлаб чиқарувчи, савдо ва харидор ўртасида тижорат ахборот алмашишига имкон беради. Реклама - маҳсулот ва хизмат турининг ишлаб чиқаришдан савдо ва харидоргача бўлган йўли ҳақидаи хилма-хил ахборотлар оқимишидир. Рекламанинг охирги мақсади бозорда таклиф қилинган маҳсулотларининг харидор томонидан қабул қилинини эҳтимолини оширишидир. Реклама қилинёётган маҳсулотларнинг сотилиши, үларнинг олдиндан режалаштирилган реализация микдори билан ҳамоҳанг ўсиб бормоғи керак. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, маҳсулотларга бўлған талабни ҳисобга олмай реклама қилип талаб ва таклифининг бир-бирига мос келмаслигига олиб келиши мумкин. Бу мақсад босқичма - босқич амалта оширилади. Хар бир босқичда: харидорлар диккатини маҳсулотга жалб этиш, уларда қизиқищ ўйғотиш, талабларни шакллантириш, харид имкониятини корхонанинг харидор талабини бажара олиш имконига йўналтиришсинга он вазифалари кўйилади. Бироқ реклама яна руҳий омил ҳамдир. Уннинг таъсир кучи катта. Масалан, кўп харізорлар баҳога маҳсулотнинг обрүси сифати деб курашади. Одамлар қимматроқ тўлашта тайёр, ахир маҳсулот апохида хусусиятини таклиф кирайтику. Реклама саноат ва савдо корхоналари манфаатларининг мос тушиши, ахоли талаблари ва хариднинг,

тижорат сиёсатининг тез амалга ошишига имкон беради. Аммо, факат реклама у ёки бу маҳсулотнинг купайишига хизмат қиласар экан, деб ўйлаш ногўғри бўлади. Харидорнинг қарори сифат, баҳо, унинг жойлаштирилиши ҳамда сотилгандан кейинги аҳволидан келиб чикади.

*Реклама унинг самарадорлигини ошириши талабларига жавоб бериш, яъни аниқ ва ҳаққоний, маъноли ва илмий асосланган, кўпроқ ахборотни ўз ичига олсан ва дидли, фойдали бўлмоги лозим. Рекламани ишлаб чиқарувчи ҳам, сотовучи ҳам амалга ошириши мумкин. Бу ҳолда ишлаб чиқарувчи ўз рекламасини ҳар томончама олувчига қаратади.*

Савдо ходимлари ўзлари сотаётган маҳсулотларни яхши билдирун керак. Шунинг учун ишлаб чиқарувчининг reklamasini xariдорларда камрок хисснёт ўйғотади, лекин кўпроқ ахборот етказади. Савдо reklamasini эса, xariдорларга аталган бўлиб, маҳсулот ҳақидаги ахборот билан бирга савдо маданияти ва эстетикасини оширишга кўмаклашими лозим. Режалаштириш, ташкил қилиш ва умуман reklama фаолияти, айниқса аниқ маҳсулотлар reklamasini факат бозор ва талабни ўрганиш шаронтизагина самаралидир. Талаб тез ўзгарадиган ёки ҳали талаб шаклланмаган маҳсулотларга бошқа reklama керак. Reklama фаолиятининг ахборот кўлами: умуман ва алоҳида маҳсулотга бўлган талаб ҳақидаги маълумотлардан (микдор, тузишма, шаклланиш хусусиятларидан), умумий иқтисодий ахборотлардан, ишлаб чиқариш ва истеъмол, савдо конъюнктурасидаги ўзгаришлар ва савдо хизмати кўрсаткичининг жойи тўғрисидагидан иборат.

*Талаб ҳақидаги турли ахборотлар reklama фаолиятида:*

- reklama қилингана тавсия этилган маҳсулотнинг ганилови, маҳсулот reklamasiniнг иқтисодий асосланганлиги ва reklama қилингана режалаштирилганлиги;
- reklama тадбирларини ўтказиш ва ташкил қилиш;
- reklama воситалирининг манзилини ишлаб чиқиш, reklamaniнг xariдорлар аҳволидан келиб чиқиб исботийлигини кўрсатиш, reklamani жойлаштириш ва берниш каналларини аниқлаш;
- reklama қилиш вақти ва оралигини аниқлаш;

· рекламанинг рухий ва иқтисодий таъсирини баҳолаш учун фойдаланилаци.

Шуннингдек, рекламаның вазифасини, унинг ижодий йұналишини (стратегиясини) ҳам аниклаб олишимиз зарур. Йұналишты асослашында аввало маҳсулст拼инг ишлаб чиқаришпен етарлilikтеги, маҳсулот захиралари, узлуксиз таъминшаб турған олиш имкониятларини ҳам ҳисобға олиш керак. Шуннингдек, бөлшә маылумоттар ҳам мұхымдир. Улар: маҳсулот бозорининг күлами; унинг міндердагыдан ошик захиралари, маҳсулоттинг келажаги ва ҳоказолардан иборат.

*Рекламадан янги маҳсулотларни бозорга чиқарып да ҳам фойдаланилади.* Савдо конъюнктурасини янги маҳсулотлар билән таъминшап ҳали мұхим бүлмаган, сөтүв, захира, истесъмол ҳақидаги маылумотлар етарли бүлмаган пайтда бу ҳам мұхим. Бу пайтда мугахассислар йұналишни тәнлаш учун реклама орқали янғын таклиф түздайды. Үнда маҳсулотларнин таисия этиладиган хусусиятлари ва ишлаб чиқаришттың келажаги ҳамда аҳоли талабини күра билиш, синовға чиқарылған маҳсулотта харидорининг мұносабатини күзатыш ҳақидаги маылумотлар үрин олады. Рекламанинг йұналишини тәнлаш - савдо ва саноаттинг үзаро қаралатын маҳсулот айланышында мағаллій манбадардан олинған маҳсулот захираларининг қатнашишында ҳам боғлиқ. Реклама фәoliyati маркетинг хизматшының таркибий турларидан биридір. Унинг бевосита ёки билвосита ёрдамида корхонанинг бозордаты үрни мустахкамланады, таклиф эттеган маҳсулотларини сотиш жадалланады. Реклама билан бир каторда қуйицаттардан ҳам фойдаланилады:

- савдонинг бевосита қаралаты (сөтүвға ёрдам) - хизмат түрін ёки маҳсулот сотилишининң кисқа муддатда эришилтган суръатда ушлаб туришга қаратылған қаралатлар. Масалан, маҳсулотта белгілі болар, ямұналар, мукофотлар, совғалар, бағони пасайтириш, имтиёзлар, белгілі хизмат қилиш, пасайтирилған нархда сотиш;

- агентлар ёрдамида индивидуал сотиш; дилерлар, коммивояжерлар бевосита үзләри маҳсулогининг хусусияти ва құлланылышын түшүнтириши;

· “паблик рилейшнз” - алоқалар ўрнатиш, яъни фирма обрүсини ошириш мәқсадида маҳсулот ёки хизматни оммавий ахборот воситаларица реклама қилиш;

· “паблисити” - мутахассис тар түлгүржи харидорларга аталған хұжалик тарғиботи. “Паблисити”нинг мақсади худди “паблик рилейшнз”ники қаби хизмат тури ва маҳсулотни сотишини күпайтириш эмас, балки корхонанинг маркасини ташвиқот қилишдир;

· реклама мавсумлари, ярмаркалар, күргазма савдолар ва маҳсулотни реализация килишининг бошқа жағал турлари.

Реклама маълумотлари янгилиги, куннилмаганлиги, ҳиссий таъсири билан ижралиб туриши керак. Бундан ташқари маҳсулотнинг харидор зәтибор килмаган хусусиятларини күрсата олиши керак. Айниқса, маҳсулотнинг бозорга кириб келиши ва уларни узвайтириш боскичида реклама жуда зарур. Реклама учун зарур шартларидан бири унинг маконининг аниқлиги, яъни бозорнинг маълум сегментига йўналганлиги, ҳар хил харидорлар учун эсда сакланиб колинишидир. Реклама харидорни бозорда маълум харакатга чакиради, хизмат ва маҳсулотнинг харид қилиниш шароитида уларнинг сифати ва мақсади ҳақида ҳикоя қиласи.

Реклама бир хил хабарнинг ҳар хил ахборот турлари ва ҳар хил бадий шаклларда қайта-қайта тақрорланиши оркали ҳамма учун шу маҳсулотни сотиб олишга нима ундағанлигини тушунтириб беради. Реклама таъсири асосида, юқорица вайтилғанидек икки элемент - ахборот бериш ва ишонтириш ётади. Ишонтириш “кўндириш” элементи рекламанинг сабабий вазифасини акс эттирса, ахборот бериш - билиб олишни акс эттиради. Улар бир вақтнинг ўзида таъсири этар экан, рекламанинг югуғини таъминлайди. Тўғри, реклама харидорга ҳар хил таъсири этади. Бавзин ҳолда одам дарроғ сотиб олса, бошқа бир одам аксингча, маҳсулот ҳақида етарлича маълумот тўплагач, харид қилишга тайёр бўлади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда реклама фаолияти бутун бир саноатдир. Реклама фаолияти билан маҳсус реклама агентликлари шуғулланади. Улар ксрхона


ва ташкилотлар буюртмаси бўйича реклама соҳасида ишлашади, унинг самарадорлигини оширишади, маълум реклама буюртмаларини бажаришади. Рекламага қилинган харажатлар маҳсулот чакана нархининг тенг ярмига яқинини ташкил қиласди.

Иқтисодиётимизнинг собиқ СССР давридаги мувозанатсизлиги, маҳсулот ассортиментининг қашшоклиги, хизмат курсатишнинг чекланғанлиги, ишлаб чиқариш ва тақсимот тузилмаларининг давлат монополияси эканлыги, тарабни тўлиқ қонцира олмаслиги рекламага эътиборни кучайтирмас эди. Фақат кейинги йиллардагина реклама фаолияти жонланди.

Бугун бунинг учун ҳамма шаронтлар бор: маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймокда, бозор муносабатлари ривожланмоқда, ишлаб чиқариш ва бозор тузилмасидан монополизм четлашяпти, кооперативлар, кўшма корхоналар, ҳусусий корхоналар пайдо бўлди ва ривожланмоқда, бу эса ракобат бор дегани. Янги реклама агентликлари пайдо бўляпти. Улар саноат, савдо, майший хизмат ва бошка соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Хар бир реклама тадбири ўзининг самарадорлиги исботлаган шароитдагина қабул қилиниши керак. Масалан, реклама материалларини почта орқали юборганда ёки матбуотда эълон қилинганда реклама қилинаётган маҳсулот кисқа муддатларда сотилиши керак.

*Рекламанинг самарадорлигини аниқлаш, рекламагача ва ундан кейин бўлган сотувнинг ҳолатини тақъослаш орқали амалга оширилади. Узок муддатли реклама тадбирлари (реклама мавсумлари) бошқача. Уларнинг самарадорлиги дарров билинмайди. Натижада эса сотишнинг ҳам микдор, ҳам муддати билан сезиларли бўлади. Шундай қилиб, реклама билан талаб ўзаро боғликдир. Чунки реклама - талабга таъсир дегани.*

Гарбдаги реклама бўйича мутахассисларининг бу масалага қай тарзда ёндашганлигини таҳлил қиласиган бўлсак, бу мураккаб масалани билдишада столида унинг шарлари ёрдамида осонгина хал бўлишини кўришимиз мумкин (22-чиизма).





Асосий "зарба берувчи шар" нинг ҳаракати, яъни бу шар тайёр бўлган реклама эълони бўлиб, учбурчак фигурасини ҳосил қилган шарлар тўғлиами, яъни реклама эълони кейинги жараёнида қайси элементлар ва тадбирларга таъсир кўрсатиши ва бу шарлариниг ҳаракат йўналиши кўрсатилган. Аввало "зарба шари" учбурчакининг унга қараб турган киррасига уюшмаса, рекламани бошқариш аҳамиятини, яъни қеракли натижани ола олмаймиз. Аксинча, бошқа томонга урилан "реклама зарба шари" бошқа таъсир қилувчиларнинг ҳаракатини пайдо қилиб, датто айрим шарларнинг Карама-Карин йўналишига дуч келиб бераётган рекламамиз ўзи тўрга тушиб, барбод бўлиши мумкин.

Рекламани бошқарнишнинг аҳамиятнин кўрадиган, оддий шарлар мажмуасидаги иш берувчишар ва бўни иш ўринлари шарини таҳлил қиладиган бўлсак, реклама ёрдамида инсонлар иш топиб ўз мавқеинларини яхшилаб олишса, реклама таъсирчичининг ўзи ҳам бир инсон, маълум бир акл-заковат эгаси ва унинг ёрдамида моддий рағбатлашгиршади. Шу билан бирга реклама бошқаруви остила кўшилаб инсонлар иш ўринларига эга бўлашиншар. Масалан: АҚШда 5 минг атрофида реклама агентликлари бор. Базисиарша бир-икки нафар ходим ишлийди. Бошқаларининг минглаб ходимлари бор, АҚШнинг барча йирик шахарларида ўзининг оғисларига, хорижий мамлакатларда эса ўз вакишлиарига эга хорижий мамлакатларда вакишлиарини саклайди.

*Маркетингда рекламани бошқарни, аввало, юқорида таъкидланган рекламанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Маркетинг қамраб олувчи масалалар жуда кўп ва ранг-барангдир. У маҳсулотнинг макбул жихозланиши ва безалиши бўйича тадқикотларни ҳам, нарх-наво масалаларини ҳам, реклама сотувгача ва маҳсулот сотигига таъсир кўрсатишини ҳам, хизмат кўрсатишини ҳам, хулас, ишлаб чиқарувчишан то истеъмолчигача бўлган муносабатин бошқарнишни ўз ичига олади. Рекламани бошқарни эса ўз наяватида маркетинг вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.*

Юқоридагилардан биз ўзимизга зарур бўлган рекламани таҳлил килиб чиқамиз. Реклама ўзи харидорлар билан

коммуникация ўрнатишнинг тури бўлиб, унга турлича таърифлар берилади. Масалан, айрим манбаларда реклама аниқ мақсадга йўналтирилган, маълум ва номи аниқ манба томонидан ҳаки тўланган вакъда ёки ҳаки тўланган жойда тарқатиладиган ахборот деб таърифланган бўлса, айримларида реклама - бу истеъмолчиларга мурожават, унинг мақсади истеъмолчиларни товардан ҳабардор қилиш, эътиборини қартиш, шунингдек товарга бўлган эҳтиёжни ва уни сотиб олиш истагини ўйготиш ёки ортиришидир деб берилган. Аслида олганда иккى таъриф ҳам туғри, лекин биринчисида профессионал нуктаи назардан таъриф берилган.

Рекламадан хусусий фирмалар, кенг жамоатчилик учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи катти фирмалар, ер ости бойликлариини қазиб олиб қайта ишловичи фирмалар, музей, университетлар ва ҳатто реклама агентлигининг ўзи ҳам фойдаланиши мумкин. Рекламанинг асосий хусусиятларидан бирни, у битта истеъмолчигагина эмас, балки маълум бир гурӯҳ истеъмолчиларга қаратилган бўлади. Масалан, мамлакат миқёсида (тиш пастаси ёки совун, автомобиллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳокатоларни) сотиш учун фойдаланиладиган умуммиллий рекламалар; чакана савдогарлар томонидан кўлланиладиган чакана ёки маҳаллий рекламалар; фирманинг обрўсини кўтаришга йўналтирилган институцион рекламалар ана шундай рекламалар. Рекламада асосан аниқ бир товар, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда воқеалар реклама килинади. Аниқ бир товарни реклама қилишда истеъмолчиларга товарнинг хусусиятлари, сифати, нарҳларининг пастлиги ҳакида маълумот берилади.

Юридик ва жисмоний шахсларни реклама қилишда, агар у фирма бўлса, унинг шу фаолияти, маҳсулотларининг сифатли ишлаб чиқарилишин, шерикчилик учун ишончли ҳамкорлиги ҳакида маълумот берилади. Жисмоний шахсларни реклама қилишда уларнинг оммавий ишларда қатнашиши, кобилиятлари, жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш учун шахс ҳакида атрофлича маълумот берилади. Бу рекламалар асосан сайловларда кўлланилади. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра жисмоний шахсларни

реклама қилиш рекламага кирмайди, деб таърифлашади. Вокеани реклама қилишда асосан такдимот, күргазмалар, товарларининг пасийтирилган нархларда сотилиши, бошка йирик фирмалар билан қилинаётган алоқа ва хоказоларни намойиш қилиш мумкин.

Юкорица таъкидланганидек, товар ёки кўрсатиладиган хизмат турига қараб, уни сотиб олиш, истеъмол қилиши мумкин бўлган турухларга, уларнинг таъбига қираб газета, журнал, радио-телефидение, жамоат гавжум жойларда, афишилар каби аҳборот узатиш воситалари орқали реклама қилинади. Реклама қилишда аниқ бир турух, яъни сегментга йўналтирилган ҳолдаги воситаларда реклама берилганда реклама самарали бўлиб чиқади.

Рекламанинг мақсади товар ҳакида янгиликлардан хабардор қилиш ёки янги товар ҳакида маълумот беришини, истеъмолчиларнинг қарашларини фирма фойдасига ўзгартириб юборишини, фирма ўзи ва ўзининг товарлари ҳакида истеъмолчиларга эслатиб кўйиш кабиларни ўз ичига олади. Маркетинг мухити маъжуд бўлган бозор иқтисодиёти шароитида рекламани юкоридагиларни инобетга олган ҳолда бошқариш катта маҳоратни талаб қиласди.

## **12.2. РЕКЛАМАНИНГ ТУРЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**

*Реклама ўз олдига қўйилган мақсади, тузилиши, йўналтирилиши, амалга оширилиши, молияланishi манбаи, амал қилиши муддати кабиларга қираб турлича булиши жоиз. Уларни кўйиндаги турухларга ажратиш мумкин:*

**Товарлар ва нуфузли (фирм) реклама.** Товарларга йўналтирилган рекламанинг асосий мақсади харицорларга айрим тозарларга нисбатан талабни шакллантириш, уни сотиб олишга ишонтириш ва рағбатлантиришdir. Бундай реклама маълум товарни ҳар томонлама харидорларга ташинтиради ва тарғиб қиласди. Товарнинг барча хоссалари, хусусиятлари, кўринниши, сифат кўрсаткичлари ҳакидаги истеъмолчиларга чукур, ҳар томонлама ва тўлиқ маълумот беради. Бу билан у харидорда товарга нисбатан қизикиш

үйғотади. Асосан, Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чыкарилаётган "Нексия" енгил автомашининің қанчалык тежимкорлыги, уннан тезлиги, кулайлыгы ва шу классдаги енгил автомашиналардан бошқа устун томонларига телекидение, радио, мәтбугатда урғы берилешін бу машинага қавас ва қизиқынш үйғотди. Бу хабарнаның бир неча бор қайтарылышы, уннан атрофица шов-шув туғырыш, "Нексия" га бұлған қизиқыншыны талабға айлантира бошлади.

Окибатда истемолчи машинани ишлаб чыкарувчи Асака "Нексия" автозаводына на уннан жойнардаги воситачи ва махсус магазиндарига ҳар хил саволлар билан мурожаат қила бошлади ва ниҳоят, харидор бұлыш әхтимоллигидан реал харидорга айланылар.

